

84(59)

№ 79.

Нормурод
Норқобилов

НОРАҚУМОН



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

26

Нормурод
Норқобилов

НОРМУРОД



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК 821.512.133-31


КБК 84(5Ў)6-44

Н 79

Ёзувчи Нормурод Норқобилов бир қатор асарлари билан китобхонларга яхши таниш. Адибнинг «Қорақуюн» романида тоғлик йигитнинг тутқунликка тушиб қолиши, озод бўлгач эса, уни қуллик чоҳига улоқтирган кимсадан қасос олиш ниятида бир жониворни «жонли ўк» сифатида қафас, яъни ғулда тарбиялаши акс эттирилган.

Асарда озод инсон тутқундаги инсоннинг руҳиятини англаб етмоққа қодир бўлмаганидек, инсон ҳам тутқундаги жониворнинг ботинида юз бераётган эврилишларни идрок етмоққа ожиз эканлиги моҳирлик билан тасвирлаб берилган.

Асар ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.



ISBN 978-9943-28-803-4

© Нормурод Норқобилов, 2016

© «O'zbekiston» НМИУ, 2016

ҚОРАҚУЮН

Роман

Ғулдаги ит – Қорақуюн ярим тунга яқин тин олмай, узлуксиз бир алфозда ғазабкор ириллай бошлади.

Бу ғайритабиий важоҳатга тўла сас ўтовда кенг, оғир қора пўстинга ўралганча, эндигина уйқу тўрига чирмалган Эрманга шунчаки итнинг овози эмас, балки ер бағирлаб ўрмалаб келаётган балойи азим – қирк минг оёқли ёвуз, даҳшатли бир махлуқнинг шарпа-садосидек туюлди. Ва агар қовоғига мисли ботмон тошдек осилган уйқу юкидан зудлик ила фориг бўлмаса, хадемай бу номсиз махлуқ ўтов чийларини ситиб, сочкилаб, увик ва керагаларни хасдек янчиб, бурдалаб ичкарига суқилиб кирадиган, сўнг эса минглаб сергук оёқлари билан жисми-жонини исканжага олиб, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада беўхшов, айри жағини ланг очганича, ямламай комига тортадигандек... У кўркув оғушида сакраб туриб кетди.

Эрман ўрнидан туриши баробарида беихтиёр ён-верини пайпаслаб, тунлари ҳамиша ўнг қабатига атай ташлаб кўядиган, чоғроқ қиличдек, узун сопли пичоғини кидираркан, гўё ўша махлуқ ўтов чийлари орасидан айёрона тарзда мўралаб тургандек, қоронғилик қўйнига хавотирла тикилди, сўнг, қачонки бармоқлари пичоқ бандига теккандан кейингина юрагига қувват иниб, лоақал бир зумга бўлса-да, саросимага тушганидан қаттиқ хижолат тортди. Сўнгра пўстинини эгнига ташлаб, қия очиб қўйилган нимдош намати елкаси билан туртиб, аста ташқарилади ва ҳануз бир маромда ириллаётган итини «ҳаром қоткур», дея сўкиб қўйди.

Кўраси яқинига бўри ёхуд бирор бошқа жонзот дориманига унинг фаҳми етиб турарди. Негаки, агар бирор қора ўралашгудек бўлса, Қорақуюн бу алфозда ириллаб-сириллаб турмаган, тоғнинг маълум бир худудларида унадиган қайишқоқ дарахт – сариқтолнинг оғочи ва новдаларидан ниҳоятда пишиқ-пухта ишланган ғулни парчалаб ташлаш даражасида кутурган, яъни уришқоқ жўн итлар каби ўзини ҳар ён ташлаган, сўнгра эса бу ҳатти-ҳаракатидан бирон наф йўқлигини гўё дафъатан англаб етгандай, ғазаб билан ғул оғочларини ғажимокқа тушган бўларди. Дарвоқе, мазкур худудда кун сайин куч-қувватга тўлиб бораётган қудратли бир махлуқ мавжудлигидан бу атрофнинг бўрилари туғул, ҳуда-беҳудага қорасини кўрсатавермайдиган тоғнинг ғўддайган мевахўр айиқларигача бохабар эди. Хуллас, гапнинг қисқаси, бу манзилга бирон-бир эси йўқ жонивор ёхуд кўшни довондан ошган саёқ бўрилар тўдаси яқинлашмаса, қолган жонзот анча наридан айланиб ўтади. Бироқ, шунга қарамай, гарангсиб, суманглаб келиб қоладиган жониворлар ҳаминиша топилади.

Бу сафар Эрманни таажоублантирган нарса – итнинг маромли ва узлуксиз ириллаши, яъниким ҳаддан ташқари бўғзига зўр бериши бўлди. Овозида ғазабдан кўра кўмсаш, соғинчга ўхшаш нимадир бордай, соғинган нарсасига етишмоққа монелик қилаётган эркисизликка қарши ичидан фарёд ураётгандек эди. Бироқ Эрман фарёд катида соғинчдан ташқари тенгсиз бир қаҳр мужассамлигини илғамасдан қолмади. Бу қаҳр ғоятда даҳшатли – юракка ададсиз кўркувҗсоларди.

Одатда, ғулда тарбияланиб, ғулда сақланишга маҳкум этилган итларнинг акиллаши, табиатан сийрактоб бўлиб, кўпам узоққа чўзилавермайди. Мабодо итлигига бориб, акиллар бўлса, зумда унинг акиллаши ичдан – юрагининг чуқур қаърию кўксининг теран буржидан силқиб ва қалқиб тошадиган кучли тўфон – ғазабкор ириллашга айланиб ва қоришиб кетади. У бу билан ўз соҳибини маълум бир ҳаттардан огоҳ этмайди, балки ўша хавфни ўзи ғажиб ташлаш

қасди-бастиди овозлайди. Қорақуюн табиатан ана шундай итлар тоифасидан эди. Сирасини айтганда, тол оғочли ғулдаги бу жониворнинг зоти ва номи ит бўлса-да, аслида арслон янглиғ қаҳрли бир махлук эди. Аниқроғи, ақлзаковат соҳиби бўлмиш инсон зотининг, яъни Кўкалабош қавмидан бўлмиш Эрман отлиғ йигитнинг идрок-иродаси ҳамда саъй-ҳаракати ила атайин ўта хавфли, ўта шафқатсиз йиртқичга айлантирилган, юқорида таъкидланганидек, бир балойи азим эди. Агар масалага янада ойдинлик киритар бўлсак, Эрманнинг қуллик ва хўрликда кечган кунлари ҳамда сўнгсиз аламу изтиробларининг маҳсули – йигитни тутқунлик балосига гирифтор этган Итолмас отлиғ кимсага аталган жонли ўқи эди.

Агар Қорақуюн каби ғул итлари бўш кўйилса, одатда, бу чексиз ва сарҳадсиз тоғу тошларда уларнинг биринчи қидиргани бўри бўлади. Ғул ити ҳиди димоғига чалинган жондор зотини топмасдан ва тутган жойида нимталамасдан кўймайди. Чунки бу хил жониворларнинг, аниқроғи, махсус равишда тарбияланган бундай йиртқичларнинг энг хуш кўрган емаги – эшитган қулоққа ҳар қанча эриш туюлмасин – бўри эти ҳисобланади. Хуллас, Қорақуюн деганлари чангалига тушган бўри зотини тутган жойида бурдалайдиган, ўз навбатида, эгасидан бўлак кимсани асло тан олмайдиган ваҳший бир жонзот эди. Таомилга кўра, ғул итлари заруриятсиз ҳеч вақт ташқарига чиқарилмайди.

Қорақуюн кучга тўла боргани сари, хануз тизгинсиз қасос ҳисси оғушида яшаётган Эрман қуйидаги манзарани бот-бот кўз ўнгида жонлантиришдан сира эринмайди, ҳатто қай бир маънода ҳузур қилади: ана, ғулдан чиқарилиши билан нақ балонинг ўқиға айланган Қорақуюн учқур ва бақувват отларда арчазор оралаб келаётган суворийлар томон сассиз ва садосиз елиб бормоқда. У шу кетишида тўда бошида келаётган кенг яғринли, бургут қарашли, қора соқоли жуда калта кузалган кимса – Итолмасни кўз остига олганди. Тиғизтоб арчалар ҳамда бўлик майсалар туфайли ит ғаним кўзига чалинмайди, фақат отларгина сўнгти

дақиқаларда безовталанишни бошлайди. Бироқ суворийлар хушёр тортгунча бўлмай, арчалар орасидан яшин тезлигида отилиб чиққан Қорақуюн Итолмаснинг нақ бўғзига ёпишади. Ғул оғочларини ғажийверганиданми, итнинг сўйлоқ тишлари ўткир, бўриникидан кам эмас. Оқибат, эгардаёқ Итолмаснинг жони чирт узилиб, гурсиллаганча тошлар устига кулайди. Бироқ рақибининг бу тарзда жуда осон жон таслим қилиши Эрманга сира ёқмайди. У ғанимининг тез нобуд бўлишини эмас, балки итга – ажал тимсолига лоақал бир муддат юз бўлиб, сўнггина ўлим топмоғини истайди. Ахир тутқунлик даврида Итолмаснинг қутурган итлари қаршисида неча бор ўлиб-тирилмаган – ҳар сафар, аввал ўлмасам ҳам, ана, энди ўлдим, дея жонидан умидини узган сўнгги онларда, оқўтов биқинига ташланган қалин гулдор кигиз устида баҳузур ёнбошлаб ётган Итолмаснинг кўз илғамас имоси билан итлар нари олинарди. Аммо шу ўтган фурсат ичида тутқунлар неча-неча бор ўлиб-тирилмасди дейсиз. О-о, у кунлар даҳшатини унутиб бўларканми! Қисқаси, бандиларнинг жони, агар ўхшатиш жоиз бўлса, қавм бошлиғи Итолмаснинг кафтида эди – хоҳласа, итлар оёғи тагига ташлайди, хоҳласа, омон қолдиради.

Бу қадар бедодликка қарши чиқувчи кимсанинг ўзи йўқ – хиёл монелик қилган тутқуннинг жисму жони тупроққа қоришиб, чанги шамолга совурилиши тайин эди. Аммо, шунга қарамай, кунлардан бирида Эрман азбаройи жонидан тўйиб кетганидан, Итолмасга бор қаҳрини сочмоққа ўзида куч топа билди. Ўша кун ичиде дедик: «...вақти келар, ит бўлиб бўғзинга ёпишмасам, этингни итларга бурдалатиб, хомталаш қилмасам, бор еган-ичганим ичагимга юқмасин, ҳаром бўлсин!» Кейин бунга ҳам қаноат этмай, шундай бир ўткир, шундай бир ножоиз ибораларни тилга олдики, мабодо тирик қолган тақдирдаям, гар айтганларини адо этмаса, унинг бу ёруғ оламда асло юргилиги қолмагани. У ғазаб ва нафрат оғушида ўз волидаси номини қасамга тиркаб, «токи бошингни емагунимча,

элга аралашмайман, курга кўшилмайман», дея онт ичиб кўйганди. Одам боласи, айниқса, тоғ аҳли аввало қасам ичмасин, қасам ичдими, тамом – уни адо этмоқдан бўлак иложи қолмайди. Агар адо этмаса ёхуд адо этмоққа чоғи ва курби етмаса, у тамомила одамлик сиёғидан чиқади, худди моховдек, ҳамма ундан ҳазар қила бошлайди. Хуллас, бу жазонинг тоши жуда оғир – қасам соҳиби ўлиб ҳам ундан кутула олмайди, қасамхўр сифатида авлодлар хотирасида мангуга қолади.

Ўшанда ҳис-ҳаяжонга банди бўлган Эрман қасам замиридаги ўта оғир, ўта залворли юкни дастлаб тўла ҳис этмаган, гулдор кигиз устида бамисоли бақадек қотиб ўтирган, аниқроғи, ҳайратдан тошқотган Итолмаснинг беҳад кутуришини ва унинг ғазабкор бўкиришидан тоғлар боши кўчиб, олам остин-устун бўлиб кетишини кутган. Бирок у кутган ҳол юз бермади – Итолмас кутурмади. У бирор муддатдан сўнг хаёлини жамлаб, жиловлаб, ўнг тиззасини қиртиллаб қашлай-қашлай, аввалига нимтабассум қилди, сўнг кулди – муштдай кучуги тунда бегонасираб оёққа ёпишганда, хонадон соҳиби қандай кулса, худди шундай кулди.

Эрман учун бу кулгу кутилган жазодан минг чандон азобли бўлди. Бундан кўра Итолмаснинг итдай кутургани, шердай наъра тортгани, яраланган айикдай бўкиргани, бўридай ириллагани ва ниҳоят, тепкилаб тупроққа қориштириб ташлагани юз карра тузук эди. Ана ўшанда одам сифатида сўзига яраша жавобини олган бўлармиди.

Афсуски, Итолмас буни йигитга раво кўрмади – Эрманни ғазабига тенгситмади.

У эрмаклаб-эрмаклаб кулди.

У иркиллаб-иркиллаб кулди.

У кенг кўксини қашлаб-қашлаб кулди.

У тиззасини уқалаб-уқалаб кулди.

У манглайини силаб-силаб кулди.

Сўнг афтидан табассум ариб, бекор қасам ичдинг, о-о, бекор қасам ичдинг, деган маънода йигитга ачиниб қаради.

Кейин, афсуски, онтингни адо этолмайсан, шу тоғу тошлар орасида чириб адо бўласан, деган йўсинда бошини таассуфла сараклатди-да, чоҳга оборинглар буни, дея им қоқди.

Ўша кунлар аламини қалби тўрида ардоқлаган кўйи, хануз интиқом ўтида оташ бўлиб ёнаётган Эрман ғулдаги Қорақуюнни бадкир ниятда – бўлажак қасос онлари учун тарбияламоқда эди. У ғаним ҳиди итнинг димоғига ўтириб, хотирасига маҳкам миҳланиб қолсин, деган умидда Итолмаснинг оқиш, тоза жундан тўкилган ноёб чакмонини ғул тубига, итнинг оёқлари остига тўшаган. Ана энди, қулай вазият юзага келди дегунча, ғул тепасидаги боғлик оғочлар ечилиб, астагина «хайт», дейилса бас, Қорақуюн оёқлари тагида ётаверганидан тўзиб, титиғи чиқиб кетган чакмон эгасини минглаб кишилар орасидан ҳеч адашмасдан топа олади. Бу борада йигитни қийнаб келаётган асосий муаммо шу эдики, мазкур қонли жараён қачон ва қай йўсинда кечади, яъни у илҳақ кутаётган ғаним қачон қорасини кўрсатади – бу фақат Яратганга аён эди.

Ғаним ташрифи бу қадар узокқа чўзилиши мумкинлигини дастлаб у хаёлига ҳам келтирмаганди. Йигитнинг назарида, Итолмас деганлари кўп ҳаялламай изидан қуюндек етиб келиши лозим эди. Бироқ елдек елиб, қоқлондек пусиб келиши лозим бўлган ғанимидан ҳалигача дарак йўқ. Ғаним йўлига кўз тика-тика, Эрман бу хил ҳаёт тарзига кўникишга ҳам улгурди. Тўғри, шу ўтган вақт ичида бир неча бор қароқчилар йўлига кўндаланг бўлди, қавм аҳли таъбири билан айтганда, элнинг корига яради. Аммо Эрманни қорлик ҳисси қониктирмасди, яъни Итолмаснинг ташрифидан ўзгаси қизиктирмасди. Тўғри, ғаним йўлига беҳуда кўз тикиб ўтирмай, унинг олисдаги тоғлар бағрида жойлашган овулига ўзи яроқ кўтариб бориши мумкин эди. Бироқ, масаланинг нозик жиҳати шунда эдики, олисдаги овул йўли чарос кўзли Ойбекачнинг гўзал сиймоси ила тўсиб қўйилганди. Бу гўзал сиймони ҳатлаб ўтмоққа Эрманнинг ҳадди етмасди. Аммо, шунга қарамай, ўзича кунда интиқомнинг минг бир режасини тузар ва натижада, барча ўйлаганлари ҳамиша бир пулга

қиммат бўлиб чиқарди. Қайтамга эшикдан қувса, тешикдан кирадиган ўтли соғинч ҳиссидан юраги ўртангани қоларди. Бунга сари саркашлиги кўзиб, бу туйғуни тан олмасликка уринар, оромсиз, қасос ҳиссига тўла кўнгли эса мудом бир нарсадан – Итолмаснинг ташрифи аниқлигидан тинмай огоҳ этиб турарди. Буни Бокирағорнинг соҳибаси бўлмиш Бибисора ҳам башорат қиларди. У ўша кунга соғ-омон етишини, ғулдаги ити ажал ўқига, ўзи эса ажал тимсолига айланишини орзуларди.

– Бу кунга оз, жуда оз қолди! – дейди Бибисора момо кўрсаткич бармоғини Кушқўнмас қояси пойидаги ғор томонга бигиз қилиб. – Ҳазр бўл, ғанимнинг зўри ғордан чиқиб келади! У сени истаб келади! Этингни нимталаб, қонингни ичгани келади!

Эрман ҳар келганида обдон бошини қотириб кетадиган телба момонинг башоратларига инонади. У айтган ўша машъум кунни ҳадик-ла эмас, интиқ кутади. Ўз навбатида, яъни ғаним йўлига кўз тика-тика бу маконга кўникиб қолгани-ю, агар овулга қайтар бўлса, чоғроқ тошкулбада туғишганлари билан сиқилишиб яшашига тўғри келишини ўйлаб, беихтиёр изтиробга тушади. Итолмаснинг ҳаяллаши айни муддаодек туюлиб, кўнглида ўзига нисбатан шубҳа туғилади. Қалбига кулоқ тутади. Хайриятки, шубҳаси ноўрин – юраги совуманган, интиқом ўти ўша-ўша – бор куч билан алангаланиб турибди. Бундан тириклик қайта мазмун касб этиб, у ўзидан мамнунлик ҳиссини туяди. Сўнг қавм таомилига тамомила зид бир нарсани – ниятига эришгач, Кушқўнмасни тарк этмасликни, ўтови қабатига икки бўлмали пишиқ-пухта тошкулба қуришни ўйлайди. Ўзича кулбага яроқли тошларни аллақачон кўз остига олиб қўйган эмасми, бу борада ким биландир мароқланиб суҳбатлашини истайди. Аммо Итолмас эсига тушиши ҳамон орзулари дарров туманлашади – ахир ғанимини эмас, аксинча, ғаними унинг ўзини мавҳ этиб кетиши ҳам мумкин-ку! У ортиқча орзу-ўйларга берилмасликка тиришади.

Эрман туткунликдан, аниқроғи, кулликдан кутулиб қайтгач, онтида маҳкам турди – элга аралашмади, қурга қўшилмади. Қавм оксоқоли Окбўтанинг изни билан шарқи-жанубий томони қизғиш, кулранг ва жигарранг тусдаги чўнг қоялар билан қуршалган, ғарби-шимолий тарафида эса гўзал Октўш довони ястанган табий қалъа – Туякўз водийсининг кунчиқиш дарвозаси ҳисобланмиш Кушқўнмас қояси бикинидаги мана шу сийрак арчали дўнгликни ўзига макон тутди – ўзи билмаган ҳолда кунчиқишдаги дарвозанинг ихтиёрий кўрикчисига айланди.

Водийнинг кунчиқиш дарвозаси – Кушқўнмас қояси пойида, қалин чакалакзор қўйнида жойлашган қўш от сиғарли ғор оғзи ташқаридан деярли сезилмайди, ёт нигоҳнинг пайқаши кийин. Бироқ ёт кимса андак зийрактоброқ бўлса, қуюқ чакалакзор қўйнига синган энсиз сўқмоқни илғамай қолмайди. Агар киши чиндан-да Туякўз водийсига бош сўқмоқни ихтиёр этса, ўша сўқмоқдан сал юқорига ўрлаб, сўнг кўп эмас, хиёл қуйига энса, тик қоя пойидаги чағиртошли чоғроқ сайҳонликка рўбарў келади. Ўртадаги кўкиштоб қоятошга бақамти қад ростлаган заранг бутасини демаса, сайҳонлик шип-шийдам, номига бўлса-да, тиккайган бирорта ўсимлик учрамайди. Ўша сайҳонлик адоғида ғор оғзи қорайиб туради. Аммо сайҳонликни тевараклаган чакалакзор ўта қуюқ. Турли буталардан ташкил топган яшил мажмуа қоя ёқалаб, ҳар икки томонга шох ташлаганча, ўнгу сўлдаги қалин арчазорга қоришиб кетган. Бу ҳудудда бекинган жонни қидириб топиш амримаҳол.

Сайҳонликка қадам қўйган кимса заранг бутали қоятошдан ўтиши билан шифтидан қишин-ёзин чакки аримайдиган ғорнинг ўзига хос иси – зах ва нам ҳавони дарров илғайди. Тажрибали одам ичкарига бош сўқмаёқ, ҳавонинг сезилар-сезилмас тебранишидан ғор туби очиклигини тезда идрок этмоғи тайин. Бироқ ғорнинг нариги бошига етиш у қадар осон эмас, бунинг учун абадий зулмат оғушида

бўлган ғор йўлаги бўйлаб камида юз йигирма одимдан зиёд масофани босиб ўтмоқ лозим. Боз устига, ғор йўлаги у қадар равон эмас – гоҳ ўннга, гоҳ сўлга оғиб, киши юрагини ториқтиради, ваҳимага солади.

Бироқ Шарқий дарвоза йўлининг чигаллиги бу билан чекланиб қолмайди: қоронғи йўлакни эсон-омон босиб ўтган одам ғорнинг у оғзида яна бир табиий тўсиққа – икки том бўйидан баландроқ қоятошга дуч келади. Тангри тоғларни яратганда, ғор оғзини шу қоятош билан бекитмоқни ўйлаган-у, сўнг фикридан қайтгандай, у ғорнинг чиқиш йўлагига кўндаланг туриб қолган. Ғор қаъридан ториғиб чиққан одамга қоятошнинг йўсин қоплаган ғадир-будур сирти нақ балодай кўринади. Бу ерда киши ўзини қопқонга тушиб қолгандек ҳис этади ва беихтиёр нажот йўлини қидирмоққа тушади.

У қидирган нажот йўли – ўнг томондаги аччиқ бодом бутасини ёнлаб ўтиб, бир от сиғарли тор ораликдан кескин юқорига ўрлаган тошсўкмоқдир.

Сўкмоқдан кўтарилиб, гўзал Туякўз водийси сарҳадига қадам қўйган кишининг назари даставвал ўнг томондаги девордек тик қоялар тизими пойига бош қўйган сийрак арчали дўнгликнинг қояга туташ қисмида кўнқайиб турган ёлғиз тошқўрғонга тушгани боис, унинг қошидаги чоғроқ майдонда пала-партиш сочилиб ётган катта-кичик қоятошлар панасида жойлашган ўтов ҳамда гирди тиконли бута новдалари билан ихоталанган, ўртача кенгликдаги қўрани дафъатан пайқаш хийла мушкул. Негаки, қизғиш тусдаги тошлардан омилкорлик билан тикланган қўрғон мавжудлиги билан киши диққатини ўзига тортади, фикрни чалғитади.

Бу қўналға қирқ йилнинг нарисида, талончи Учқавм тўдаси айни қутурган кезлари, Тошполвон етакчилигида, овул йигитлари томонидан ўзига хос истехком, янада аниқроғи, Шарқий дарвоза қоровулхонаси сифатида бунёд этилган. Тошполвон олти нафар ботир йигити билан бу манзилда бор-йўғи бир ҳафтагина кўним топган. Шундан сўнг

тошқўрғонга Бибисорадан ўзга эга бўлмаган. Момо боис, қўрғон бурчагидаги тошўчоққача, ҳатто бир текис кесилиб, чиройли тахланган арча ўтинларгача шу ҳолда турибди.

Эрман овулдан айро тушган куниёк биринчи тунни қўрғонда ўтказди. Аммо эртаси куниёк, одатига кўра, қўрғондан хабар олгани келган Бибисора томонидан ҳайдаб чиқарилди. Эрман, турган гап, момо билан баҳслашиб ўтирмади, шу куниёк қўрғон қошига ўтов тикиб олди. Бирок ҳафта-ўн кунда бир келиб кетадиган момо ҳанузгача унга тинчлик бермайди. Аввалига ғорда яшаш жонига текканини, қайлиғи Тошполвон қўрғонга кўчишга унамаётганини айтиб, обдон нолийди. Сўнг тўсатдан ранг-кути ўчиб, гезариб, «қўрғонга шикаст етказибсан, ўтинга тегибсан», дея йўқ ердаги даъвою важлар билан йигитни янмоққа тушадди. Кейин эса, ақл-ҳуши бир лаҳзага тиниклашиб, кутилаётган хавф ҳақида башорат қилади-да, шу билан қорасини ўчиради.

* * *

Қушқўнмас ғори Туякўз водийсининг бош дарвозаларидан бири ҳисобланса-да, аммо бу томондан кирди-чиқди жуда кам, деярли йўқ деса ҳам бўлади. Қавм аҳли, улар таъбири билан айтганда, кенг дунё билан Оқтўш довони орқали боғланган. Қавм аҳли довон ортидаги Каттасой водийсини макон тутган Уймовут ҳамда Сариўт қавмлари билан азалдан қуда-андачилик қилиб келгани боис, у томонда ўзларини тинч ва эркин ҳис этганлари ҳолда кунчиқишидаги Қушқўнмасга доимо ҳадик ва хавотир-ла боқадилар. Негаки, қадим-қадимдан ҳар не кутилмаган бало ўша томондан кириб келади. Шунинг учун ўтган қавм оқсоқоллари Туякўз водийсини сарҳадсиз тоғлар салтанати билан боғловчи Қушқўнмас ғорини бекитишга ҳамиша уриниб келишган. Бирок овулнинг ўт-олов йигитлари доимо бу қарорга қарши чиқиб: «Қачонки қавмда йигит уруғи кирилиб битсагина ғор оғзини ёпасизлар!» – дейишган. Умуман олганда, тоғли

худудда турли тўқнашувлар ҳамда катта-кичик низолар оддий ва одатий ҳол ҳисобланса-да, бироқ шу дамгача бу қавмдан у қавмга бирон киши банди тушмаганди.

Биринчи банди Эрман бўлди.

Бироқ у бирон-бир тўполон важдан эмас, балки тинч ва сокин кунлардан бирида водийдан у қадар узок бўлмаган Чоҳлидарада бошига қоп кийгизишиб, тоғнинг одам топмас овлок буржигга олиб кетилган.

Бошда типпа-тирик одам тўсатдан йўқолиб қолгани учун қавм аҳли уни бирор зов-повдан йиқилиб нобуд бўлган, дея гумонга боришди. Сўнг ҳафта-ўн кун сарсон кидиришлар ҳеч бир натижа бермагач, «жасадини бирон-та одамхўр айиқ камар-памарга тортиб кетган чиқар, энди унга аза очсаям бўлар», деган тўхтамга келишди. Бироқ аза очмоққа сира кўнгли бормаган она шўрликнинг кўз ёшлари қуриб улгурмай, Эрман деганлари тоғ бошидаги кўкламги оппоқ булутдек оқ тулпорда овулга кириб келди. Қавм аҳли шундагина уни қуллик балосига гирифтор этилганидан огоҳ бўлди.

Қуллик!

Бу сўз овулга сиғмай, тоғларда акс-садо берди.

Жилғалар оқишдан тўхтаб, дов-дарахтлар ҳайратдан донг қотди.

Бу сўз кексалар юрагини тилкалаб, йигитлар вужудига ўт ёқди.

Улар дилидан ўтгани шу бўлди:

«О, қавм юзи қора бўпти!»

«Қавм шаъни ер билан яксон бўпти!»

«Бунни эшитган ўзга қавм аҳли кети билан кулади энди «қуллар қавми», деб!»

«Қўлга тушгандан кўра, курашиб ўлмайсанми, номард!»

«Бундан кўра, ўзингни чавақлаб ташламайсанми, аҳмоқ!»

«Бирор қоядан сакраб ўлсанг ҳам бўларди-ку, ярамас!»

«Тирик қайтгандан кўра, қулликда ўлиб кетганинг минг қарра тузук эди. Сир сирлигича қоларди!»

Хуллас, қавм тарихида ўта аянчли воқеа юз берганди.

Хўш, бу ҳодисага энди қандай муносабат билдирмоқ лозим?!

Овул оқсоқоли Оқбўта оғир ўйда қолди.

У эртаси тонгда, елкасида кенг ва залворли қорамтир пўстин, кўлида бўйи баробар оғир оқсоқоллик ҳассаси, овул марказидаги тиззадан баландроқ, белдан пастроқ, ярми кўкиш, ярми кўнғиртоб тусдаги супа янглиғ кенг қоятош – оқсоқоллик тошсупасига маҳзун ва ўйчан бир ҳолатда кўтарилди.

Оқбўта тошсупада қора бериши билан аввал овул кексалари, сўнг йигитлар, охирида хотин-халажлар қоятошни тевараклаб кела бошлашди. Йиғилганлар оралиқ масофа саклаб, оқсоқолнинг оғзига тикилишди. Одатда, бунақа пайтда одам боласи тугул, овул итларининг ҳам уни ўчади. Негаки, қавмбоши тошсупага бежиз кўтарилмайди. У тошсупада пайдо бўлдими, демак, жиддий нимадир содир бўлган ёхуд нимадир рўй бериш эҳтимоли бор. Қадимдан қолган таомилга кўра, токи оқсоқол оғиз очмагунча, бошқалар чурқ этмаслиги лозим.

Оқбўта ўзидан бурун ўтган оқсоқоллардан қай бирининг хоҳиш ва истагига кўра тошсупанинг қоқ ўртасига жойлаштирилган кучоққа сигмас жигарранг тош – оқсоқоллик курсисига жойлашиб ўтираркан, кўлидаги ҳассаси учини харсанг сиртига дўк-дўк урганича, ниманидир қидиргандай ёхуд фикрини жам этмоқчидай, аввалига теваракдаги қояларга ўйчан боқди, сўнг нигоҳини овул этагидан бошланиб, наридаги тик ва юксак қоялар пойига тирмашган қуюқ арчазорга қадади. Кўзи қурий бошлаган баҳайбат арчага тушгач эса, «бу йил ўтинликка шуни кестириш керак экан», деган ўйга борди ва хаёл билан бўлиб, ушбу ўйини сўзда ифода этмоққа бир баҳя қолди.

Яхшиямки, вақтида тилини тийиб қолди.

Акс ҳолда...

Ахир тошсупага қандайдир қуриган арчани муҳокама этиш ниятида чикмаган-ку.

Оқбўта бир дунё ўтин бўлиши мумкин бўлган қуриган арчадан нигоҳ узиб, чуқурдан-чуқур хўрсинаркан, бугунги ўта ёқимсиз йиғиннинг сабабчиси бўлмиш Эрманни йигитлар орасидан қидира туриб, «тирик қайтганингдан кўра, қайтмаганинг дуруст эди», деган бадбин хаёлга борди. Аммо йигитнинг абгор афт-ангорига кўзи тушгач, бу ўйидан хижолат тортиб, манглай қашлади. Ва шундагина ҳассаси учи нукул қандайдир чуқурчага тушиб чиқаётганини пайқаб қолди. Бундан ажабланди. Эғнида тўкилиб турган пўстини барини аста қайириб, чоти орасига назар ташлади ва ҳассаси учини ангишвона янглиғ тор кавакда кўрди. Тошдаги кавак табиий эмас, ўзидан олдин ўтган ўнлаб қавм оқсоқолларининг ҳассаси зарбидан пайдо бўлган бир энлик чуқурча. Оқбўта гирди лойланган кавакка ўйчан термуларкан, қавмбошилиқ ҳавас қиларли юмуш эмаслигини гўё энди англаб етгандек, бот хўрсинди.

У бугун ғоятда танг аҳволда эди.

Қани энди, шу тобда чумолига айланса-ю, манави тошлар орасига биқиниб олса, ёхуд қуш бўлиб осмону фалакка кўтарилса-ю, қайтиб ерга тушмаса! Агар инонихтиёри ўзида бўлганида борми, ўлақолса-да, жамоа қаршисига чиқмасди – ўтирарди кулбасида тинчгина. Бироқ кутилмаганда юз берган бу ҳолат – аллақачон ўлдига чиқарилган Эрманнинг тўсатдан овулда пайдо бўлиши Оқбўтанинг олдига ғоятда мушкул муаммони кўндаланг кўйганди – Эрманни қул қилиб, овул йигитлари таъбири билан айтганда, қавм шаъни ва ор-номусини бадном этган ўша ярамас қавмнинг бу қилмиши хусусида ўт-оташли сўзлар айтиб, аниқ ва тайинли бир қарор чиқармоғи керак эди.

Аммо...

Яхшиямки, ўзидан билиб, вақтликроқ кўриниш бергани – акс ҳолда овулнинг қизикқон йигитлари кулбаси олдига тўпланишиб: «Қани, оқсоқол, қолган гапни энди сиздан эшитамиз», дея тагдор-тагдор томоқ қиришни бошлаб юборишарди. Агар хиёл ҳаяллагудек бўлса, уни кўрқоққа

чиқаришлари ҳам мумкин эди. Оксоқолнинг элбурутдан тошсупада пайдо бўлишининг асл сабаби шу эди.

Қавмдошларидан бирининг қул этилиши боис, иззатнафслари жиддий таҳқирланган овул йигитларининг бежогувранишларидан уларнинг босқин ва қонга ташналиги яққол сезилиб турарди. Бироқ қонли қасосдан ҳеч бир нафйўқлиги ва бундан ҳар иккала томон ҳам катта талафот кўриши мумкинлигини бу хумгазакларга қандай қилиб тушунтирса экан? Боз устига, Эрман ҳаёт, ғаним кўлида ўлим топмаган, хунини талаб қилай десанг. Аммо, кўриб турибдики, йигитлар ҳозир гап уқадиган аҳволдамас, уларни одатдаги хашаки панд-насихатлар билан эмас, қудратли нутқ ила жиловламоқ мумкин.

Бироқ, қани ўша қудратли нутқ?

Оқбўта ҳарчанд уринса-да, миясига бирор-бир жўяли фикр келмаётганидан баттар ғижиниб, шу бугунги кунга мингдан-минг лаънатлар ўқиди. Кейин кўмак истаб, одоб сақлаган кўйи, сукутда турган овул улуғлари томон секин кўз кирини ташлади. Сездик, айрим йигитларнинг бежогтебранишлари уларга ҳам ёкмайроқ турибди. Бунга сари ёшлар ўзидан кетиб, тобора ошқинлашмоқда эди.

Энди бундан ортиқ сукут сақлаб бўлмасди.

Аммо нима десин?!

Оқбўта оёқлари остидаги чуқурчага қайта разм соларкан, гўё шундан бўлак юмуши йўқдек, кавак четига чиқиб қолган нам тупроқ ва лой парчаларини ҳассаси учи билан турткилаб, қайта жойига тушира бошлади. Чуқурча сабаб туйқусдан миясига келган ўйдан бутун тани яйраб кетди.

– Оксоқоллар! – деди кутилмаганда ўта дадил ва ўта ўктам оҳангда, жамоага эмас, овул улуғлари томон юзланиб. – Бу... Эрман инимиз тортган азобдан баримиз бохабармиз! Бундан ҳамманинг, бутун овулнинг боври тутаб ёнапти! Аммо буни қарангки, худойимнинг берган куни кўп экан, инимизнинг ризқи бутун экан, мана, соғ-омон қайтиб келди! Агар йигитга бирор гап бўлганида борми... у қавмни тинч қўймасдик! Ҳа, асло тинч қўймасдик! Бах-

тимизга, йигитимиз тирик! Бу билан шуни айтмоқчиманки, Кушқўнмас ғорини ёпайлик, ҳа, папша учиб киролмайдиган қилиб танбалаб ташлайлик! Хўш, бу қарорга нима дейсизлар, оқсоқоллар?

Оқбўтанинг бу гапи йигитларнинг энсасини қотириб, овул улуғларига мойдай ёқиб тушди. Ана, улардан бири норозилик билдира бошлаган ўғлининг яғринига калтак билан тушириб қолди. Бошқа бирининг ўғлига ўдағайлаши овулни тутди. Жамоа зумда иккига бўлиниб, бир-бири билан баҳсга киришди. Турган гап, оқсоқолнинг қарорини маъқулловчилар кўпчилик эди.

Оқбўтага айна шу нарса керак эди.

У худди елкасидан ботмон тош ағдарилгандай, ўзини жуда енгил хис этди. Бир муддатдан сўнг эса бир-бирига гап бермай, овулни бошига кўтараётган оломондан нари қочиш ва сокин арчазорлар бири кўйнидан паноҳ топиш истаги ичини ёндира бошлади. Кейинги пайтда бу хил ғавғолардан жуда безган, яъни қавмнинг туганмас майдачуйда ташвишларидан ғоятда чарчаган эди. У яқиндан бери ботаётган қирмизи офтобга термулганча, ҳаёт шони ҳақида узундан-узун ҳаёл суришни ўзига одат қилиб олганди. Ёлғиз қолиши билан қаршисида негадир умри поёнида соз чалмоқни ихтиёр этган Бардам чолнинг нуроний сиймоси пайдо бўларди-да, шуурида ингрок куйлар сас бера бошларди. Қизиқ жиҳати, Бардам чол унинг ҳаёлот дунёсига, гўё тириклик устидан кулгандек, мавҳум ва сирли нимтабассум ила аста кириб келади-да, ҳамиша бир муддат тек қотиб туради, ўзича нимадир демоқчи бўлади, лекин демайди. Сўнг юзидаги табассум изсиз йўқолиб, нигоҳини бир нуқтага қадаганча, қўлидаги созни оҳиста чалмоққа тушади. Сози созга ўхшамайди – боши тўмтоқ, куйи қисми чоғроқ тошкосадек ўйилган ғаройиб бир оғоч қурилма. Мазкур қурилмага икки қатор от қили тортилган бўлиб, эгма камони ҳам от қилидан. Бардам чол беўхшов чолғусини «соз», камонни эса «чўп» дерди. Ўша чўп сознинг қорнига қори бери ишқаланса, мунгли ва ингрок сас таралади.

Бардам чол қавмнинг аввалги жағи бақувват, тутуми қаттиқ оқсоқолларидан бири эди. У бирор ўн йилча қавмни бошқариб, ўзининг айрим қараш ҳамда эътиқодларини овул аҳли онгига сингдиришга беҳуда уриниб келди-да, кексалик сарҳадига етиши билан барига кўл силтаб, созни ўзига ошна тутганча, мунгли куйлар оғушида кўмилиб ўтирадиган бўлди. Оқбўтанинг назарида, собиқ оқсоқол ўзининг ингрок куйлари билан теваракдагиларга нимадир демокчи бўларди-ю, фақат ундаги маънони англаш қийиндек туюларди. Бардам чолнинг Оқбўтага мерос бўлиб қолган ибратомуз тутуми – ҳар неки ҳолатда ҳам кўшни қавмлар билан хусуматга бормасликка тиришарди. Ўз навбатида, овул аҳлининг ёмон гашига тегадиган ғаройиб бир одати – кўклаб турган дов-дарахтга болта урдирмас: «Ётиб еганга тоғ чидамайди, қуриган шох-шаббаларни саришта қилишни ҳам ўрганинглар!» – дерди. Ахир, шундоқ томи ортида кучоққа сиғмас арчаю бошқа турдаги дов-дарахтлар кўкка бўй чўзиб турганида, қайси аҳмоқ олис ўрмондан қуриган шох-шаббаларни судраб юради?

Кўп жиҳатдан Бардам чолнинг тўла ҳақ эканлигини англаб етмоқ учун эса – қолганларни-ку қўяверасиз – Оқбўтадек зукко табиатли одамга чорак асрдан мўлроқ вақт керак бўлди. Кексалик бўсағасига етиб, яна шуни фаҳмлаб етдики, табиий осойишталик деганлари бир неча кунлаб тинмай қуядиган жала ёхуд даҳшатли тарзда кечадиган қор кўчкларидан ёхуд дараларда гоҳ якка, гоҳ тўдалашиб юрадиган тантиқ айиқларнинг айрим бежо хатти-ҳаракатлари ҳамда гоҳи тунлари ўта даражада фаоллашадиган бўрилларнинг қонли тажовузидан эмас, балки инсон қавмининг бир-бирига, жумладан, борлиққа нисбатан аҳмоқона муносабатларидан бузиларкан, заволга юз тутаркан. Бугун Оқбўтанинг қуриган арчага нисбатан айрича эътибори ана шу англаб етилган идрок вожидан эди. Билдики, агар овул аҳли ақл билан иш тутса, умрини тугатган дов-дарахтлар саришталиги ўзга дов-дарахтларнинг яшнаб турмоғига замин яратади. Дарвоқе, бошда Оқбўта ҳам ак-

сарият овулдошлари каби Бардам чолнинг айрим талаб ва тартибларидан «намунча итга ўхшаб ирилламаса бу», деб норози бўлиб юрарди. Боиси, у пайтда шифти паст тошкулбасидаги тўрт жоннинг томоғини ўйлашдан ўзга ташвиши йўқ эди. Ўшаларни дея, қандайдир тоғу тош экан, агар лозим топса, бутун ёруғ оламини қора қозонга ташлашга ҳозир эди у. Қисқаси, барча қавмдошлари каби тирикликни қурсоғи орқали кўргани сабабли, кулбасидан наридаги бутун олам унга ёт ва бегона эди. У бутунги кун ғами билан яшар, эртанги кун билан деярли иши йўқ эди. Аммо фалакнинг гардиши билан оқсоқоллик тошсупасига кўтарилди-ю, унинг тириклик ҳақидаги тушунчаси тор кулбасига сиғмай, секин-аста ташқарига сирғалиб чиқди-да, аввалига қавмга қарашли ҳудудни, сўнг бутун тоғу тошни қамраб олди. Табиийки, бошда зиммасига юклатилган бу лавозимдан ўзида йўқ масрурланди – ахир куни кечагина тошўчоқ гирдидаги тўрт қоракўзнинг ташвишидан ўзгасини ўйлашни билмаган Оқбўтадек кимса сира кутилмаганда қавмбоши даражасига кўтарилади-ю, бундан қувонмай бўларканми. Бироқ кўнглидан масрурлик ҳисси ариб улгурмай, оқсоқоллик мансаб эмас, ғирт даҳмаза эканини англаб етди. Илгари дунёни сув босса тўпиғига чикмайдиган бу одам, энди куриб қолган булоқ ёхуд тупроғи кўчиш хавфи бор ёнбағирлик ёнидан лоқайд ўтиб кетолмайдиган, куриган дарахт турган ерда яшил арчага болта урилганини сезгудек бўлса, фиғони кўкка ўрлайдиган, тунлари эса овул тинчидан ўзгасини ўйламайдиган бедор кимсага айланганди-да. Аслида масъулик, жонкуярлик ва бошқа шу каби ноёб хусусиятлар унинг қони ва жонида бор эди. Фақат бу фазилатлар лоқайдлик ва бошқа гирди балолар гарди остида кўмилиб ётарди. Агар ундаги мавжуд хусусиятлар уйғотилса, қавмнинг улкан ютуғи бўлиши мумкинлигини олдиндан кўра билган Бардам чол уни ўз ўрнига тавсия этиш билан Оқбўтанинг юрагида тўнғиб ётган қорлик ҳиссини қайта жунбишга келтира олишга муваффақ бўлганди. Қатъият бобида у баъзан Бардам чолдан ҳам ўтиб тушарди.

Оқбўта қавми бинойидек бошқариб келаётган эса-да, гоҳи пайтларда баланд чўққилардан бирига чиқиб, негадир бор овозда хайқиргиси келарди.

Нега энди чўққига чиқиб?

Айрим овулдошларининг гумроҳлиги ҳиқилдоғига келган кезлари Оқбўтанинг кўнгли яккаш шуни истар ва бундан ўзи ҳам ажабланарди. Қалби тўрида тез-тез мавжланиб турадиган ушбу ички тўфонлар боис, умри якунида Бардам чол нечун кўлига соз тутганини англаб етгандай бўлди. Бироқ ҳалигача бир нарсани тўла идрок этолмайди, собиқ оқсоқол бу қадар гўзал, бу қадар мунгли куйларни ижро этишни қачон ва қай тарзда ўргана қолди экан? Оқбўта оддий, ўз навбатида, муҳим бир нарсанинг фаҳмига етмасди – Бардам чолда тугал куйнинг ўзи йўқ эди. У туйғу ва кечинмаларини оҳангга сола биларди, холос.

У Бардам чолдек сўзга чечан эмаса-да, аммо ақл ва тадбир борасида ҳар қандай одамни бир чўқишда қочирилади. Мана бугун ҳам ўзини ортиқча койитиб ўтирмади, қабул қилиниши лозим бўлган қарорини қавм оқсоқоллари ҳукмига ҳавола этиб, ноқулай вазиятдан осонгина чиқиб кета олди. Энди, қавмнинг ўпкаси йўқ йигитлари ҳар қанча чиранишмасин, ҳар қанча ирғишламасин – бари бефойда, овул катталари иродасига қарши боришолмайди.

Оқбўта можарони тезроқ якун топишини кутиб, тева-ракка зимдан разм соларкан, нигоҳи овулнинг кунботиш тарафида бўй ростлаган улкан қоя пойида, чоғроқ қоятош дўнгликда ана кўкка сапчийман-мана кўкка сапчийман деб турган тошот – хайкалга тушгач, янада ҳушёр тортиб, айни дамда ўзининг аҳволи ундан пеш эмаслигини ичдан идрок этгандек бўлди – қуйи қисми чала тарашланган тошот сағриси қоятош бағридан узолмаганидек, ҳозирча Оқбўта ҳам ўз майлича тошсупани тарк этолмас, баҳснинг якун топмоғини сабр ва бардош ила кутмоққа мажбур эди.

Қоя пойидаги тошхайкалга келсак, аксарият овул кишилари учун у харсанг бўлагидан бошқа нарса эмас – унинг бугунги шакл-шамойилига аллақачон кўникиб улгуришган,

фақат Окбўтагина унга ўзгача назар билан боқади. Айниқса, кунботиш олдидан тошхайкал ўта сирли ва маҳобатли тус олган кезлари ундан кўз узолмай қолади. Кулбаси биқинидаги харсанг четига чўкиб, худди сеҳрлангандай тош қотиб ўтираверади. Кўкка талпинаётган тулпорнинг ғаройиб ҳолати бу овлоқ гўшада торикқан кўнгил тўфонидек бўлиб туюлади унга. Баъзида тоштулпорнинг қуйруғидан тутиб, негадир миниб эмас, кўкка кўтарилгиси ва бўлак олам бағрига сингиб кетгиси келади. Кейин тоштулпорнинг қуйи қисми ҳалигача қоятош бағридан халос этилмагани қайта эсига тушиб, қўлидаги ҳасса билан унинг пойидаги қоятошни бурдалаб, парчалаб ташлагиси келади. Айрим кунлари эса бу туйғу етовида Қалайбекнинг кулбаси томон энади.

– Буни... озод этиш керак, Қалайбек! – дейди ҳовлини тевараклаган тиззабўйи тошдеворга етиб-етмай, андак ит-дао, андак зарда билан. – Қачонгача қийнайсан буни, а?!

Қалайбек йўниб турган тош бўлагини ўзидан нари суриб, тиззаларини қокиб-сукқанича, илдам ўрнидан кўзғалади-да, ҳар сафаргидек, уни хушҳол қаршилайди.

– Озод этамиз, оқсоқол, озод этамиз! – дейди қувноқ оҳангда.

Оқбўта йигитнинг илиқ лутфидан зумда эриси-да, оқсоқол сифатида, йўлига, замзама қилишни канда қилмайди, ўз навбатида, пўписали тарзда ора-сира ҳассаси учини ерга уриб-уриб қўйишни ҳам унутмайди. Сўнг эса гапини дўстона йўсинда адоқлайди:

– Буйтиблар қийнамагин буни дейман-да, Қалайбек.

– Ёруғ кунлардан бирида буни, албатта, халос этаман, оқсоқол, – дея Қалайбек ўша-ўша ваъдани қуюқ қилади.

– Шундай қил, Қалайбек! – дейди Оқбўта бу сафар қизгин тарзда. – Бунинг балчикқа ўтириб қолган кўтарам отдай бўп эмас, чин тулпордай кўкка сапчиб турсин дейман-да, иним!

– Мен ҳам шу ўйдаман, оқсоқол.

– Унда тезроқ қимирла-да! ,

Бу гап замиридаги оҳангдан жиндек малолланган Қалайбек хонтахта янглиғ кенг ва ясси кулранг қоятош сиртига батартиб териб қўйилган чала-ярим тарашланган тошлаганларга кўз қирини ташларкан, «агар тошотга уннайдиган бўлсам, манави зормандаларни қачон битираман, оқсоқол», дея энсаси қотса-да, аммо буни сиртига чиқаришни хаёлига келтирмайди. Қайтамга табассумдан чехраси ёришиб:

– Кўлим андак бўшаши ҳамон сиз айтган ишга уннайман, оқсоқол, – дейди.

– Шундай қил, Қалайбек, шундай қил!

– Хўп, оқсоқол, хўп.

Бу тоғу тошда ягона тоштарош ҳисобланмиш Қалайбекнинг ўзига нисбатан бу хил муомалаю муносабатидан Оқбўтанинг кўнгли алланечук оройиш топади, яъни Бардам чолнинг куйларини тинглаган кезлари қалби англари сиз сурурга тўлиб-тошганидек, йигитнинг ширин лутфида ҳам шунга яқин гўзал туйғуларни туяди. Назарида, йигитнинг иззату андишага йўғрилган лутфи билан Бардам чолнинг мусикаси орасида қандайдир ҳамоҳанглик, уйғунлик мавжуд бўлиб, ҳар иккиси ҳам киши кўнглини эркалаб, ардоқларди.

Оқбўта ҳамиша бир ҳолдан таажужубда эди – нечун аксарият овулдошлари Қалайбекдек илтифотли эмас? Бундан-да ночори ҳам нечун олам ва одамга ғаним кўзи билан қарайди? Нечун улар доимо учкундан аланга чиқариш пайида бўлиб, сал гапга яроққа ёпишишади?

Бу каби бадкирлик инсониятга қачон ёпиша қолди экан?

Оқсоқол ушбу ўй-хаёллар оғушида аввал Донишота қоясига, сўнгра шимол томондаги арра тишидек қатор, кўримсиз қоялар мажмуасига кирувчи Ажинақояга аста разм солади.

Бежизга эмас.

У Ажинақоя ўзига туширилган қадимий қоятош суратларни кўз олдига келтираркан, ўтмишда яшаб ўтган жангари қавмлар ҳақида бирор бамаъни кимса билан мароқланиб гурунглашишни истайди.

Бирок, қани ўша бамаъни кимса?

Оқбўта беихтиёр ҳамон бир-бирига гап бермай, тоғу тошни бошига кўтараётган йигитлар орасидан Қалайбекни кидиради.

Уни бир четда ўйчан ҳолатда турганини кўради.

Эрман туғишган иниси бўлишига қарамай, босқину қон тўкишга қаршилиги йигитнинг юз-кўзидан ошқора сезилиб турарди. У оқил кишиларга хос сабр ва бардош билан овул йигитларининг жазавадан тушишини кутарди. Қалайбекнинг бу қадар босиқлигига оқсоқолни ҳаваси келади. Унга нисбатан меҳри жўшиб, бу оқшом йигитнинг суҳбатини олишни кўнглига тугади. Биладики, Қалайбек отга ишқибоз. Агар отлар ҳақида гап очар бўлсанг, бас – ҳаяжондан яноқлари нимпушти тус олиб, гурунгниг уйини куйдиради.

Бирок оқсоқолнинг нигоҳи овул улуғлари тўпида отасидан тарсаки еган боладай, ранг-рўйи гезариб турган Хонтўрага тушгач, беихтиёр манглайи тиришади. Қалайбекдек оқил, серандиша, лутфи тотли йигит шу сўхтаси совуқ банданинг зурриёди эканига ишонгиси келиб-келмай, Хонтўранинг тунд афтига бир муддат тикилиб қолади. Сўнгра, «ҳа, азалдан шу – ўғил отага эмас, тоғага тортади», дея ғудраниб кўяди. Кейин эса, юрт оқсоқоли сифатида, отанинг нуфузини ўзича баҳолаган киши бўлади: – йўқ, қавм орасида Хонтўранинг обрўйи юксак эмас, ўртадан паст даражада. Бадгир ва майдагаплиги боис ҳамиша кишилардан дакки еб юради. Ҳозир ҳам нокис феъли туфайли кимдандир дашном эшитган шекилли, ранги чикмай турибди.

Баҳснинг рафторига қараб, йиғинни яқунлаш вақти етганини сезган Оқбўта аста тараддудга тушди. Мана, ҳозир этак силтаб ўрнидан туради-да, аввалига ҳасса тутган кўлини хиёл юқорига кўтарганча, кескин тарзда «бас» дейди, сўнг эса, беҳуда тортишманглар, деган оҳангда: «Қарорим шу – ғорни ёпамиз!» дея ҳасса учини тарс этиб тошга уради, яъни баҳсу мунозарага нуқта кўяди. Кейин

тезгина тошсупани тарк этади. Бу каби серғалва йиғиндан сўнг оқсокол киши кўзини шамғалат қилганча куюқ арча-зорлардан бири бағрига шўнғийди. Сабаби, сўнгги пайтларда негадир танҳоликни хуш кўрадиган бўлиб қолган – Бардам чолнинг куйларидан бирини шуурида жонлантириб, сирли оҳанг оғушида тебраниб ўтиришни одат қилган.

Оқбўта шу ўй, шу умидда секин ўрнидан кўзғолди.

Бироқ туришга улгуролмади.

Қаршисида, гўё осмондан тушгандай, лоп этиб Эрман пайдо бўлди.

Бу кутилмаган ҳолдан Оқбўта бир қалқиб тушди. Кейин гўё рўени кўраётгандек, тошсупадан ярим одим нарида ўзига жиддий боқиб турган йигитга бақрайганча тикилиб қолди. Сўнг эс-хушини жиловлаб, «хўш, нима дединг», деган маънода қошларини керди.

– Ғорни ёптирманг, оқсокол! – Эрман айтган гапини баланд овозда такрор айтаркан, ҳаяжони тошиб, овози қалтираб, яна сўзида давом этди: – Мени ғор оғзига ит ўрнида боғланг, оқсокол! Аҳдим шу – ит бўлиб, ғаним йўлини пойлайман! Ит бўлиб, овул тинчини кўрийман! Фақат ғорни ёптирманг, босқинга изн берманг, оқсокол!

Орага сел олди сукунати чўккандай бўлди. Аммо бу узоқ давом этмади. Эрман сўзини яқунлаши билан, кўчки кўчгандай, кучли шовқин кўпти – овул катталари билан тортишаётган йигитлар энди бараварига унга ёпишиб кетишди:

– Нима деяпти бу, а?!

– Босқинга қаршиман деяптими?

– Босқин керак!

– Ҳа, агар босқин уюштирмасак, «қуллар қавми», дея бир умр устимиздан кулиб юришади!

– Кўп донолик қилмай, бизга уларнинг макон ва манзилни айт! Қолган ишни сенсиз ҳам эплайверамиз! Кейин ит бўласанми, бит бўласанми, буёғи сенинг ишинг!

– Қавм шаънига тушган доғ фақат қон билан ювилади! Бундан бўлак илож йўқ!

- Керак бўлса, бешикдаги боласигача тигдан ўтказамиз!
- Овулини ер юзидан супуриб ташлаймиз!
- Босиб, янчиб ташлаймиз!
- Ўлиб кетганингда бошқа гап эди. Ҳолбуки, ўлмай, тирик қайтибсанми, энди сенга орқа бўлишимиз шарт! Эмасам, улар бизни писанд қилмай қўйишади!
- Йўқ, бу – аввалги Эрман эмас...
- Аввалги Эрман чинданам ўлганга ўхшайди!
- Унда энасига айтиш керак, азасини очаверсин!
- Эсиз, раҳматли бинойидек йигит эди-я...

Бир жиҳатдан овул йигитлари ҳақ эди.

Қулликнинг барча алам ва ситамларини керагидан ортиқ даражада тотган бу Эрман аввалгисига сира ўхшамасди – босиқ, камгап ва ўта мулоҳазали кимсага айланган эди. Шу боис, сайхонликда «улоқ-улоқ» ўйнаётган болалардек шовқунлаб, овулни бошига кўтараётган йигитларнинг қилиғини кўпда ёқтирмай, жини қуришиброк турарди. Агар уларга эрк берилса борми... Унинг кўз ўнгида қуйидаги машъум манзара бор ҳолида гавдаланади: «Ана, мисли бўридай кутурган йигитлар ҳамласидан хўл-қурук баравар ёнмоқда, аёлу болалар тутаётган ўтовлар оралаб, чор тарафга тўзғиб қочмоқда. Йигитлар қутқусидан руҳланган аввалги Эрман эса бош қўналға – оқ ўтов эшигида қўндаланг бўлган Қорақулнинг кенг кўксига тиг санчиб, асосий ғаними бўлмиш Итолмас ҳузурига ошиқади. Аммо ичкарида ғанимига эмас, ўтов ўртасида ғазабнок туриб қолган Ойбекачга рўбарў келади.

Жувоннинг чарос кўзлари ададсиз қаҳру ғазабга лиммолим тўла эди.

– Нималар кип қўйдинг?! – дейди унинг ўткир нигоҳи.

Кутилмаган бу учрашувдан саросимада туриб қолган Эрман тайин бир сўз айтгунча бўлмай, аёл тилга кириб:

– Бу овул йўлини бир умрга унут демаганмидим сенга?! – дейди.

Эрман гуноҳжорона бош эгади. Жувоннинг кейинги сўзлари қулоғини сирпаб, юрагини тешиб ўтади:

– Ахир унутишга сўз бергандинг-ку, номард!

У аёлнинг кўлидаги ўткир тигдан эмас, балки барча тутқунлар учун бирдай суюкли бўлган аёлнинг ўтли нафрати ҳамда оловли нигоҳидан дахшатга тушади: «Бундан кўра кўлидаги тигни шартта кўксимга санчгани дуруст эди», деган ўйга боради».

Эрман ўзига «тош отишда» давом этаётган йигитларга бир кур кўз ташларкан, бу даврада жувонни тилга олиш ноўринлигини, агар у ҳақда сўз очар бўлса, аёлнинг азиз номи, унинг сирли ва нурли сиймоси оёқ остида топталиб, таҳқирланишини идрок этиб, вақтида тилини тияди. Ва қалби тўридан мангу жой олган бу азиз сиймони тийиксиз бу оломондан қизганиб, ўзи сезмаган ҳолда, қадимий муқаддас таомилни бузади, яъни тошсупага сакраб чиқади.

Окибат, овул оқсоқоли унинг пойида қолади.

Кутилмаган бу синоатдан барча лол.

Аммо овул улуғларидан бири тезда ўзини кўлга олиб, кўлидаги узун калтак билан йигитнинг қуймичига боплаб туширади.

– Пастга туш-эй, нодон!

Бирок Эрман ҳозир дашном эшитадиган, бандасининг амрига бўйсунадиган ҳолатда эмасди. У тошсупани тарк этиш ўрнига, Оқбўтага янада яқинроқ борди-да, сўнг халойиқ томонга юзланиб, ҳар бир сўзини чертиб-чертиб:

– Агар сизга ростини сўзлар бўлсам, тутқунликда ёмон қасам ичиб кўйганман! Тўғри, қасамнинг яхшиси бўлмайди! Аммо мен ичган қасамни асло тилга олгудиги йўқ! Тил қуриб, суяк ириб тушади! Шунинг учун ичган онтимга кўра, Қушқўнмасга танда кўяман! Ғаним йўлига ўзим ғов бўлай! Биламан, улар оқ тулпорни дараклаб келишади. Ана шунда мен ит бўлиб чотига, бўри бўлиб бўғзига ёпишаман! Гап шу – онтимни адо этмагунимча элга қўшила олмайман, кўрда ўтиролмайман! Сиз айтаётган босқинга сира ҳожат йўқ, у онтимни бузади, мени эса адо қилади! – дейди.

Эрманнинг бу ўтли хитоби ва ёзгиришларидан тоғлар сукутга толди, жилғалар оқишдан тўхтаб, кўкдаги дайди оппоқ булутлар чок-чокидан сўкилиб кетди. Аммо ўта овлоқ маконда кечаётган турғун турмуш тарзлари туфайли онг ва идрокларини моғор босган аксарият овул йигитларига бу гап заррача таъсир қилмади, балки текин томошадан куруқ қолган жанжалкаш болалардай баттар ғаवғо кўтаришди.

– Ғаним кутилмайди, уясидаёқ янчиб ташланади!

– Гапини қара, қасами бузилармиш! Ўзганинг ювиндиси ичгани камдек, тагин тилини бермайди-я.

– Шуни айт!

– Ахир бу кўтир дунёда не бир қасамлар бузилмаган!

– Масалан, мен ҳар куни юз бора қасам ичиб, юз бора уни бузаман!

– Ишқилиб, қасам урмаяптими?

– Ҳозирча ургани йўқ.

– Буники бир баҳона!

– Менам шу ўйдаман!

– Унда келинлар, биз ҳам қасам ичайлик.

– Нега ва нима деб?

– Агар шу бугуноқ ғаним овулига босқин уюштирмасак, Донишотанинг арвоҳи урсин баримизни деб!

– Тилингга чечак чиқсин сени!

– Ўйлаб гапир, аҳмоқ!

– Унда одамни сил қилмай, ҳечкурса борар манзилимизни айтсин-да, э!

– Айтади, айтмай қаёққа боради!

– Кўлларим ёмон қичишиб кетаяпти, лекин!

– Босқин уюштирмаганимизга ўзиям минг йил бўлди-ёв...

– Бу ишга овул катталари барибир изн беришмайди...

– Овул номуси улар учун бир пул!

Бу қадар гумроҳликни кутмаган Эрманнинг сабр косаси тўлиб-тошди. Оқибат, ўзини тутолмай, йигитларни ёппасига сўка кетди. Шусиз ҳам тўполон истагида гувраниб турган

Йигитларга бу зўр баҳона бўлди. Ўзга қавмга кул тушиб, юзларини ерга қаратган нобакорни бошлаб таъзирини бериб кўйиш ниятида уч-тўрттаси унга ташланишди.

Талатўпда тошкурсидан ағдарилиб тушган Окбўтанинг жони эмас, дили оғриди. Қони қизиби, қаҳри жунбишга келди. Муқаддас тошсупани оёқости қилишга журъати етган бадкирларни кўлидаги оғир ҳасса билан ёппасига савалашга тушиб кетди.

Бошқалар унга кўмакка келишди.

Окбўта тўполончиларни аямай савалар экан, ҳар сафар унинг кўлидаги ҳасса Эрманни четлаб-четлаб ўтарди. Бойси, у йигитдан беҳад миннатдор эди. Ахир Эрман деганлари ҳарқанча аламзада бўлмасин, бошқалар каби жон ва қонга талабгор бўлмаётти, бор-йўғи Қушқўнмасни сўраяпти. Бундан чиқди, шўрлик йигитнинг онти ва нияти жуда жиддий. Акс ҳолда бу қадар зор қакшамасди. Иккинчидан эса, Эрман ўз талаби билан юз бериши эҳтимоли бўлган қирғинбаротнинг олдини олишда Окбўтага зўр важ топиб берганди. Мана, энди сопини ўзидан чиқаришгина қолди. Бу борада Окбўтага етадигани йўқ – кўлига илашган қилдан арқон тўқийди у.

– Э, ҳа, йигит қасами кўчада қолганми ҳали?! – дея дағдаға қилмоққа тушди, тўполончиларнинг суроби тўғрилангач эса, ўзгача кўтаринки бир кайфиятда. – Қачондан бери, а?! Тошсупани топтаганларинг камдек, йигит кишининг қасамига тирғалишларинг нимаси, а?!

– Қасам ичган у, биз эмас! – дея тўнғиллади йигитлардан бири қизарган яноғини силаб-сийпалаб.

– Азобиниям у тортган, сен эмас! – дея янада авжланди Окбўта. – Йигит киши аввало қасам ичмасин, қасам ичдими, тамом – онтида маҳкам турмоғи шарт! Бу – бир. Иккинчидан эса, ўзга бировнинг онтига аралашмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Учунчидан, бу йигит биздан кўмак эмас, айролик сўраяпти! Сен нодонларга ўхшаб қону жон эмас, танҳолик сўраяпти! Овул оқсоқоли сифатида қарорим шу – бугундан эътиборан Қушқўнмас Эрманни-

ки! Ҳа-а, ёлғиз уники! Қушқўнмас ғорини ёпадими, ё туну кун ғор оғзини қўриқлаб ётадими, бу энди унинг иши! Боя андиша қилувдим, тоза ўзларингдан кетдиларинг. Энди эса, аяш йўқ! Қани, бирортанг ғинг деб кўр-чи... ўзим сизларни дуойи бад қиламан!

Оқбўта қуруқ пўписа билан чекланиб қолмай, қибла томон ўгирилганча, кафтларини очди. Биладики, овулда дуойи баддан чўчимайдиган одам йўқ. Худди кутганидек, овул улуғларидан бири овози андак қалтираб, орага тушди.

– Бу сафар кечиринг буларни, оқсоқол!

– Овул шаъни нима бўлади энди? – йигитлар тўпидан кимдир норози тўнғиллади. – Орсиз каслар, ғурури йўқ эшаклар, дея устимиздан кулишмайдими!

– Йўқ, кулишмайди, – деди Эрман, осонгина ниятига етгани туфайли йигитларга ортиқ кек сақламай, ишонч билан. – Лекин изимдан келишлари аниқ.

– Қидириб келишса, ана... қабатига киринглар! – деди Оқбўта ҳассаси учини тошга тарс уриб. – Ҳозир эса баринг теккина ўтир! Босқинга рухсат йўқ!

Ўша куни ўзи кутмаган ҳолда қудратли нутқ ирод қилиш бахтига муяссар бўлган Оқбўта, овул улуғлари таъбири билан айтганда, кизикқон йигитлар пўстагини бошлаб қоқиб қўйди. У нутқи якунида Қушқўнмас худудини Эрманга тантанавор йўсинда ҳадя этаркан, унинг иродаси ва қатъиятига ҳамду санолар ўқиди. Бошқаларни ундан ибрат олишга чорлади. Кейинчалик ўзининг бу қадар сўзамоллигидан бир неча кун ажабланиб юрди. Овул кексалари ҳам ўз ҳайратини яшириб ўтирмай, «кундан-кунга очилиб кетаяпсиз, Оқбўтавой», – дейишди.

Ўша куни мақсадини очиқ баён қилган бўлса-да, Эрманнинг овулдан айро тушиши ва ёлғиз бошига ўтов тикиб ўтириши барибир аввалида кўпчиликка жуда эриш туюлди. Кейин, одатдагидек, бунга тез кўникишди. Эрман азалдан шу йўсинда умргузаронлик қилиб келаётгандек, овулдошлари унинг танҳоликка йўғрилган турмуш тарзига ортиқ эътибор бермай қўйишди – ҳамма ўзи билан ўзи

овора эди. Бирок Эрман қавмдошларининг акси ўлароқ, на қулликда ўтган кунларини, на ичган онтини унутганди. Агар бошқалар каби тирикликнинг қувонч ва ташвишларига кўмилиб, кечаги кун азоби ва хўрликларини хаёлидан мосуво этар бўлса, шу заҳотиёқ одамлик сиёғидан чиқишини яхши биларди. Негаки, тутқунликда жисми, жисми қатори шаъни, ғурури, гулдан нозик ҳис-туйғулари шафқатсизларча топталган эди-да. Шу боис, хаёлан: «Қулликда кечган кунларимни унутгандан кўра, қора ер бағрида совуқ тупроқ кучиб ётганим афзал!» – дерди тўнғиллаб. Эсида, қулликка қадар у ўзини осмон бағирлаб сузиб юрган бургутга киёсларди. Қанот сермашлари гўзал водий – Туякўз сарҳадига сиғиб-сиғмай, ҳамиша ўзини англрсиз юксакликда ҳис этиб юрарди. Кунлари шукуҳли, бутун борлик – тиззага урадиган яшил ўт-ўланлар, қуёшга нозланиб боқувчи турфа чечаклар, тошлар оралаб шилдираб оқаётган жилғалар, ўтган-қайтганида қайишқоқ навалари ила елкаларини силаб-сийпалайдиган дов-дарахтлар, қўйингки, бутун наботот гўё ёлғиз унинг хизматида-ю, бари уники эди. Бу олам кучоғида у эркаланиб, тантиқланиб юрарди. Ва кутилмаганда Итолмас отлиқ кимса бунинг барига чек қўйди – уни қуллик чоҳига улоқтирди. Хўш, бошига ит кунини солган бу бадкор кимсани унутиб ёхуд кечириб бўларканми?

Асло!

Ва яна асло!

* * *

Эрман тун қўйнига диққат-ла разм солиб, бирор-бир шубҳали қорани илғамаган эса-да, тевааракдан кўзини узмай, шарпа янглиғ кетига тисарилиб ўтовга кирди-да, ҳар эҳтимолга қарши, негадир энди эсига тушган, оғзидан ўқланувчи оғир милтиқни кўтариб чикди. Элда «Қорамилтиқ» деб аталувчи бу яроқни яқин дўсти Омонтойнинг куткуси билан қўшни Уймовут қавмининг олди полдонларидан бири бўлмиш Нортожи девдан беш жонликқа

алмаштириб олганди, яъни келиши билан ҳар дақиқани ғанимат билиб, тўла-тўқис қуролланишга тушганди. У бу яроққа эндигина кўниккан, шу пайтгача ундан кўра белидаги узун тигга кўпроқ инонардди.

У бошда нафақат бебаҳо тулпори, балки олтин конига боғлиқ барча сир-асрорларидан тўла бохабарлиги боис ҳам унинг изидан келиши аниқ бўлган Итолмасни, тўғрироғи, унинг етовидаги кичик чапдаст тўдани ана шу ўтсочар яроғ билан қаршилаш ниятида эди. Ўз хаёлида – ҳозир ўйласа, қанчалик нодон экан – Итолмасни бир ўк билан ерпарчин қилиб, онтига кўра, жасадини овул итларига хомталаш қилмоқчи эди. Бирок, сўнг маълум бўлдики, у инонган овул итлари бир чақага қиммат экан.

Қулликда юрган кезлари, қалбини аёвсиз кемирган соғинч ҳисси туфайлими, Туякўз водийси ғаним зоти бош суқолмайдиган мустаҳкам қалъа, манаман деган суворийни отдан йиқишга қодир овул итлари эса, Итолмаснинг ғул итлари каби ғоятда ёвқур, ғоятда йиртқич жонзотлар бўлиб туюлганди. Мана энди аён бўлдики, «қалъа» дегани эшик-тешиги ланг очиқ оддий бир худуд, қавм итларининг бор ғайрат ва шижоати эса овулдан нарига чиқмас экан.

Тўғри, Эрман кўра четига қўйилган кўриқчидай тек ўтиргани йўқ, орадан бир неча кун ўтган бўлса-да, негадир ҳануз қора бермаётган Итолмас тўдасини ортиқ кутишга сабри чидамай – бу хатти-ҳаракати ичган онтининг асосий бандига сира тўғри келмаса-да – хом сут ичган банда эмасми, юраги тўла қасос ҳиссига бўйсуниб, ҳадсиз тоғ тизмаларидан бирининг олис ва овлоқ пучмоғида жойлашган ғаним овулига ёлғиз ўзи бамисоли қоплондай пусиб бормоққа бир неча бор уриниб кўрди. Бирок бу ҳаракати ўлим чоҳига ихтиёрий равишда бош суқишдан ўзга нарса эмасди. Боиси, овул итлари ўта сезгир – тик этган сасни, соядек сирғалган ҳар қандай шарпани узоқданок илғашади. Ва ҳушёрликда итларидан қолишмайдиган овул аҳли қуролини чангаллаб, зумда тоғу тошни титиб ташлайди. Бундан-да ёмони, ғулда махсус сақланаётган итлар бўшатиб юборилса борми, Эр-

ман деганлари икки дунёда ҳам ўз жонини қутқара олмайди. Бурунгилар бежизга, «Овул итидан қочиб, гул итидан ўлиб қутуласан», дейишмаган. Бунинг устига, Ойбекачга берган ваъдаси-чи? Айтган сўзини беҳуда ҳавога совурмайдиган жувоннинг ўзи гул итидан баттар ғазабкор жонзотга айланмасмикан кейин?

Бу хил ўйлардан боши қотган Эрман қуёшли кунлардан бирида Чўнғоя чўққисига кўтарилиб, ғаним овули жойлашган олисдаги тоғлар тизмасига ғамнок тикилиб тураркан, қалби тўрида англарсиз соғинч ҳисси мавжланаётганини дафъатан пайқаб қолиб, хайратдан думалаб тушай деди.

Наҳотки, Ойбекачни соғинаётган бўлса?!

Йўқ, бўлиши мумкин эмас!

У кутилмаган бу соғинч ҳисси юрагида мудом алангаланиб турган қасос ўтини ўчириб қўйишидан кўрққандай, кўз ўнгида бўй ростлаган Ойбекачнинг ўктам ва гўзал сиймосини жон-жаҳди билан нари қувлашга тиришди. Аёл кўпда саркашлик қилмай, йигитнинг истагига бўйсунган қўйи, тоғлар бошига қўнган кўкиш ғубор оғушига оҳиста сингиб кетаркан, қуйидаги таъкидни жиддий йўсунда такрор этмокни унутмади: «Шарти шу – бу овул йўлини бутунлай унутасан!»

Эрман жувонни унутишга чоғи етмай, дилгир юрган кунлардан бирида ўтов тикилган дўнгликка Оқбўта чиқиб келди.

У овул оқсоқоли сифатида шарқий дарвоза Эрман томонидан ихтиёрий тарзда қўриқланаётганидан ўзида йўқ мамнун эди. Нега деганда, юрт тинч – у тинч-да. Фақат оқсоқолни жиддий ташвишга солаётган асосий муаммо бу – келиши гумонланаётган ёвни даф этмокқа ёлғиз Эрманнинг чоғи етармикан? Бундан ташқари, йигитга айтиши лозим бўлган яна бир муҳим гапи бор эдики, бу ҳақда вақтида огоҳ этмаса, Эрманнинг доғда қолиши тайин эди.

Оқбўта ана шу ўйлар оғушида дўнгликка кўтариларкан, одатига кўра гапни хиёл узокроқдан бошлаб, сўнг кўрғонга ишора қилганча:

– Ўтов тикиб юрмай, манову кўрғонга эгалик қилсанг бўлмайдим, Эрманбой? – деди.

– Эгалик қилмоқчи эдим, момо кўймади, оксоқол, – деди Эрман шикоятмуз оҳангда.

– Ҳа-а... у кўймади.

– Итни ҳайдагандай ҳайдаб солди.

– Ҳа, у ҳайдади.

– Момонинг феъли жуда чатоқ...

– Ҳа, феъли жуда чатоқ...

– Лекин тили жуда бурро.

– Ишқилиб, жаҳл устида момони сўкиб-нетиб, кўнглини оғритиб кўймадингми?

– Эсимни ебманми, оксоқол.

– Бу ишинг дуруст! – дея Окбўта бошини бир ён ташлаб ўтовга разм соларкан: – Ўтовинг анча эскирибди, – деди.

– Топилгани шу-да, оксоқол.

– Окбошининг ўтовими дейман?

– Окбошингиз қишда қор сўрасангиз бермайди-ю, менга ўтов берармиди.

– Ҳа, у бермайди.

– Бировга нарса берган куни ҳаром қотади-ку унингиз...

– Аммо ўтовни қулай ерга тикибсан, – деди Окбўта ғийбатга ҳуши йўқлигини билдириб.

– Етти ўлчаб, бир кесдик-да...

Оқбўта ўтовни гир айланиб, кўздан кечирган киши бўларкан, орада ҳеч сабабсиз арқонларни тортқилаб кўрди.

– Бу... ғаним деганинг қора бермадимми ҳали? – деди навбатдаги арқонга қўл чўзиб. – Шовур-повури йўқми?

– Агар қора берар бўлса, – Эрманнинг ғаши келди, – овул хабарсиз қолмайди-ку, оксоқол.

– Балки... умуман... қора беришмас, а? – Оқбўта нигоҳида хиёлгина шуълаланган умид учқунларини яшириш ниятида астагина ўтов ортига сирғалди ва панадан туриб: – Келар ўйи бўлса, шу пайтгача келарди демоқчи эдим, – деди.

– Келишади! – Эрманнинг туси ўзгариб, бармоқлари бе-
ихтиёр мушт бўлиб тугилди. – Улар бўрондай кутуриб эмас,
жонсиз елвизакдай секин эсиб, ёввойи мушукдаин пусиб
келишади! Ахир ҳар қандай дуру гавҳардан зиёда бўлмиш
тулпори қўлимизда... Ва яна...

– Хай-й, дуру гавҳардан зиёда ўша тулпорни бош-
кўзларидан садақа қилиб юборган бўлишса-чи? – дея унинг
гапини бўлди Окбўта, ўтов ортидан туриб. – Молдан жон
азиз-ку ахир.

– Унда менинг бошимни ейиш учун келишади! – деди
Эрман бу мавзуда ортиқ сўз юритишни истамай. – Мен эса
уларни овул итларига едираман!

– Овул итлари одам емайди, нодон бола! – Окбўта ўтов
ортидан ошиқмай чиқиб келди. – Овул ити одам еганини
қачон кўргансан?

– Агар овул итлари емаса, унда ўзим ейман!

– О-о, сен отанг Хонтўрага эмас, амакинг Самадвойга
тортибсан. Раҳматли ўт-олов эди.

– Қон бир-да, оқсоқол.

– Бу маконингда ит кўринмайдими, Эрманбой?

– Биласиз-ку, бу манзилда муваққат одамман, – деди Эр-
ман энсасини қашлаб. – Шунинг учун, ит не даркор, деган
ўйдаман.

– Бу ўйинг хато, жуда хато, Эрманбой, – Окбўта таассуф-
ла бош чайқади. – Темир яроққа инониб, итни назарга ил-
мадингми, ҳали гўр экансан, бола экансан! Ё кеча-кундуз
мижжа қоқмасликка онт ичганмисан? Ит сақламас экансан,
яхшиси, овулга қайтганинг дуруст! Бу томондан Самадвойга
тортмабсан сен. Самадвой одам боласидан кўра, кўпроқ ит-
ларга ишонарди. Доимо кабатиди уч-тўрт ит юрарди. Сен
эса, ёш болага ўхшаб, қайси гўрдаги овул итларига орқа
қилиб ўтирибсан. Овул итларининг бор ботирлиги овулда.
Бу тарафга ўлақолса доримайди улар. Минг додлаганинг би-
лан анову арчали дўнгдан берига ўтишмайди. Сенга эса ке-
лар балодан огоҳ этадиган, керак бўлса, ғаниму қароқчилар
билан тенгма-тенг олишадиган ит керак!

Бироздан сўнг Оқбўта чакак уришдан ҳоригандай, на-
ридаги чоғроқ силлик тошга бориб чўқаркан, аввал қоя
ёнбағрига, сўнг унинг пойидаги тошқўрғонга хаёлчан разм
солди. Ўзича ниманидир ўйлаб, ниманидир чўтлади, кейин
бармоғи учи билан қаншарини қашлай-қашлай, қўл сирмаб,
Эрманни ёнига чорлади.

– Қани, берман кел-чи, Самадвойнинг томири! – деди
бу сафар оқсоқолларга хос жиддий оҳангда. – Тунов кун
мавриди эмасди, индамадим. Энди айтмасам бўлмас. Ўзи бу
ерга шу ниятда келдим. Шу десанг, йигитликда сени бан-
ди қилган қавмга бир-икки ишим тушган. Унда улар довол
ортидаги Сувқайтмасда яшашарди. Сўнг Қорақавм билан
созлари чиқишмай қолиб, тоғлар орасига кўчиб кетишган-
ди. У вақтда сен отангни белида эдинг. У қавм ҳақида бир
билганим шуки, улар жуда бадкир халқ – ўзларини чув ту-
шириб кетган одам боласини икки дунёдаям кечиришмай-
ди. Уйнинг куйгурлар жуда сабрли, қасос онини қирқ йил
кутишгаям тоқатлари етади. Боя тўғри бир гапни айтдинг,
улар бўрондай қутуришмайди, бизнинг йигитлар каби сал-
га ҳовлиқишмайди, худди қоплондай пушиб келишади.
Шунинг учун сенга кўз-қулоқ – яхши бир ит керак. Тагин
бир гап – бунда ўзингни омонат тутмай, эрмакка бирор
юмушнинг бошини тут. Ана, ўтов орти кўрабоп экан... Бу
ишда раҳматли Тошполвондан улгу олсанг дуруст бўларди.
Бу манзилда ҳафта-ўн кун турдим-йўкми, ўзидан кўрғон
қолдириб кетди. Шу пайтгача Қушқўнмасни унинг кўрғони
кўриб келди. Бу томонга бош сукқан бегона борки, бунда
ким боракан, дея хайкиб келди.

Оқбўтанинг гапи жиддий таъсир этдими, ё ҳануз тўла
ўнганмаган мажрух руҳида жониворларга нисбатан азалдан
мавжуд бўлган туғма муҳаббат ҳамда иштиёқ фавқулодда
қайта бош кўтардим, ҳар ҳолда, Эрман ит асрашга қарор
қилди. Уни хашаки овул итлари қониктирмасди, у гул ити-
ни орзулай бошлади. Бироқ бор муаммо шундаки, гул ити
бошқа итлар каби бирор жойдан етаклаб келинмайди, у
махсус тарбияланади. Бу турдаги итларнинг тарбияси азал-

дан машаққатли бўлиб, бу юмуш тарбиячидан иштиёқдан ташқари, ўта юксак сабру токат, ўзига хос билим ва тажриба талаб этарди. Буни қарангки, буларнинг бари андак тажриба камлигини ҳисобга олмаса, Эрманда керагидан ортиқ даражада эди.

Ўша куни беихтиёр тизгинсиз ўйлар уммонига чўмганча, ғанимини ўзи тарбиялаб, ўзи вояга етказган ғул ити чанга-лида тасаввур этаркан, оқибат, шу турдаги итни тарбиялашга қатъий қарор қилди, ахир бекорчи одамга бундан-да зўрроқ эрмак борми.

Бу орада Оқбўта ўтов қошидаги айри оғочга осиглиқ турган оғир пўстин ёнидаги оқиш чакмонга қизиқиб қолганди. Оқсоқол чакмонни тутиб, силаб-сийпалаб кўраркан, «тўқуви тигиз, жуни тоза экан», дея ҳавасини ошкор этди. Агар у боягина «бирорта ит асрагин» демаганида, Эрман олиб қочилган от эгари устида келиб қолган бу оқиш чакмонни, худди баҳоси йўқ оқ тулпорни акаси Қалайбекка ҳадя этганидек, Оқбўтага совға қилиши аниқ эди. Аммо энди чакмонни ҳеч кимга бермайди, уни ғулга, тарбиялажак итининг тагига тўшайди. Бундан қўзланган мақсад – ғаними Итолмаснинг жирканч ҳиди итнинг димоғига ўтириб, михланиб қолсин. «Ҳайт» дейиши билан ярамаснинг бўғзидан олсин!

Айни шу фикр тунлари хушёр, кундузлари эса бекорчиликдан ўзини кўярга жой тополмай юрган Эрманга шу қадар ёқиб тушдики, аввалроқ бу ўй бошига келмаганидан роса ажабланди. Ғулдан сўнг, ҳаял ўтмай, ўтовнинг кунботиш томонига чоғроқ кўра эгирди. Отасининг чорвасидан улуш олиб, кўрасини молга тўлдирди. Хуллас, айрим ғаразгўй овулдошларининг таъбири билан айтганда, ғаним баҳона, Қушқўнмасни бутунлай ўзиники қилиб олди. Отаси Хонтўра қарамоғидаги чорванинг маълум бир қисмини унга ҳадя этган эса-да, аммо чорвага эгалик ҳуқуқи ҳануз ўзида эканини эслатиб туриш учун ўтовга дам-бадам қадам ранжида қилиб туради. Бу орада Эрман ёлғизликка тамомила кўникди. Энди Итолмасни ўзи тарбиялаётган Қорақуюн

чангалида кўриш истаги ҳаётининг асосий мазмунига айланди. Айни шу борада йигитнинг юраги сира алдамас, қачон бўлмасин Итолмас водийга бир бор бош суқишини кўнгли аниқ сезиб турар, буни Бибисора ҳам тинмай башорат қиларди.

– Бу ярок билан дўстлашиб олдингми, ишқилиб? – Окбўта чакмондан умидини узиб, ўтов ёндорига суяб қўйилган милтиққа ишора қилади.

– Ҳа, бир амаллаб дўстлашиб олдим, – деди Эрман, «ярокни кўздан нари сақлаш керак экан», деган ўйда.

– Бу ишинг дуруст бўпти. Буни... бир варанглатмайсанми, а? Қани, бир варанглат-чи, Эрманбой, – деди Окбўта ярокни кизиқсиниб кузатишда давом этаркан.

– Овул тинчи бузилади-да, оқсоқол.

– Бир сафар бузилса бузилар, қани бир варанглат!

– Ё ўзингиз...

– Йўк, ўзингга буюрсин, – Окбўта унинг илтифотини кескин рад этди. – Бу билан менинг дўстлигим йўк.

Эрман милтиқни ўқлаб, наридаги арча новдасини опикмай нишонга олди-да, тепкини босди. Милтиқ гумбурлаб, арча новдаси чирт узилиб тушди.

– Қалай, дурустми? – Эрман мамнун кулимсираб, ёнида ранг-қути ўчиброк турган оқсоқолга юзланди.

– Дуруст-дуруст! – деди Окбўта унинг қўлидаги ярокка кўз қирини ташлаб, сўнг милтиқ овозидан югуриб келгани ҳолда, муюлишдан бу ёғига ўтишга ҳадлари етмай, дўнгда акиллаб турган овул итларига ишора қилди: – Айтмадимми, дўнгдан берига ўтишмайди булар деб...

Эрман қўлидаги милтиқни шай тутганича, қоронғилик қўйнига қайта синчков тикилишда давом этаркан, тунов кунги мол ўғрилари тағин бу томонга бўйладимикан, деган ўйга борди. Сўнг ярим тунда ғаними Итолмас эмас, қандайдир мол ўғрилари эсига тушганидан таажжубланди: «Нахотки, Итолмасга нисбатан ғазабим сўнаётган бўлса?» Йўк, юрагидаги ғазаб ва нафрати сўнадиган эмас – ўша-ўша алангаланиб турибди. Шу тобда Эрман қоронғилик қўйнидан мол

ўғрилари эмас, Итолмас чиқиб келишини шу қадар истардики, бунинг учун жону жаҳонини тикишга ҳозир эди.

У тун қоронғисида Қорақуюннинг безовталаниш сабабини англаёлмай, боши қотиб тураркан, кўнглида дафъатан ғанимидан ўч олиш истаги туғилди. Бу истакка қитмирлик – дўнгдан берига ўтишга юраги дов бермайдиган овул итларининг тинчини бузиш хоҳиши ҳам кўшилди. Ой булутлар орасидан кўриниш бериши билан у нарида қорайиб турган чўзиқ харсангни Итолмас дея тасаввур қилиб, кўлидаги милтиқ милини ўша томонга тўғриларкан, аввалига чўзиқ харсангнинг тепа қисмини – хаёли ва тасаввуридаги ғаним кўксини нишонга олди. Кейин дарров бу фикридан қайтиб: «Агар кўкрагидан отар бўлсам, киприк қоқишга улгурмай, жони узилади, менга эса унинг ўлиги эмас, тириги керак, – деган ўйга борди. – Жони узилмасдан туриб, итга рўпара қилай, тоза бир хуморимдан чиқай», – деди.

Эрман шу ўй, шу истакда Итолмасни – харсангнинг қуйи қисмини мўлжалга олди. Салдан сўнг милтиқ қарсиллаб, тош сиртига теккан кўрғошин парчалари чийиллаб кетди.

Ана энди Қорақуюнни бўшатса ҳам бўлади!

Эрман беихтиёр ғулга интилган жойида, бирдан хушёр тортди: «Ё тавба, менга нима бўляпти ўзи?»

У овул итларининг жиғига тегишни ўйлаб, қавм аҳлини бутунлай унутган экан, салдан сўнг шу томонга тапир-тупур югуриб келаётган кишилар шарпасидан илғади. Бироқ бу ишидан, яъни уларнинг тинчини бузганидан зиғирча хижолат тортмади. Қайтамга, худди катта бир ишни дўндириб қўйгандай, уларни иддао билан қаршилади. Орада ўтовга бош суқиб, қорачирокни ёқиб қўйишнияму унутмади.

– Нима гап, яна мол ўғриларими? – дея сўради биринчи бўлиб етиб келган йигитлардан бири ҳаллослаб.

– Билмадим, лекин қуйида қандайдир қораларни илғадим, – дея ёлғонлади Эрман ғор тарафга ишора қилиб.

– Бирортасини кулатдингми?

– Йўқ, қочиб кетишди.

– Нима экан, одамми ё ҳайвон?

– Тик коматли жониворга ўхшатдим.

– Нима деганинг бу?

– Нима десам экан, – Эрман, тўқиётган ёлғони ўзига хуш ёқиб, гапни чувалатишда давом этди: – Гавдасининг тиклигига караганда, айикқа ўхшаброқ кетади-ю, лекин жуссаси... Балки Дўнгғордаги ёввойи одамлардир, а?

– И-и, Дўнгғордаги ёввойи одамларинг бобойлар тўқиган бир чўпчак! Шу пайтгача ким кўрибди уларни? Ҳеч ким. Демак, бу томонга айик ўрлаган.

– Балки чинданам ёввойи одамдир, – дея уни кувватлади кимдир.

– Бўлса бордир...

– Бу кўхна тоғларда нималар йўқ дейсан...

– Йигитлардан бир-иккисини қолдирайликми?

– Ҳожати йўқ.

– Унда ўзинг биласан.

Шу тун дўнгда анча-мунча одам йиғилган эса-да, бироқ ғулда ўз майлида ўқтин-ўқтин ириллаб кўяётган итга эътибор берувчи бўлмади. Фақат овулга қайтмай, шу тун ёнида қолган жўраси Омонтойгина:

– Нега итни бўшатмадинг? – деб сўради.

– Эсимга келмабди... – деди Эрман сирли тарзда.

– Зерикканингдан... милтиқ отдингми дейман?

– Асло! – деди Эрман ўта жиддий оҳангда. – Хаёланганимни бошлаб итга ғажитиш учун унинг нақ оёғини мўлжаллаб отдим!

– Ия, шунақаси ҳам бўларканми?

– Мана, бўлди-ку!

* * *

Овул томон жилган одамлар шовури тингач, Қоракуюн бирдан тинчланди. У ғул оғочларини қисирлатиб-шикирлатиб, ўнғайроқ ётишга ҳозирланаркан, гўё қандайдир истаги амалга ошмаганидан норозилангандай, бир-икки ириллаб кўйди.

Қорақуюн бу сафар Эрман ўйлаганчалик бирор хавф важдан эмас, балки нелигини ҳали ўзи англаб етишга қодир бўлмаган эрк истаги туфайли безовталанганди. Бу истақ ярим тунда пинакка кетган жониворнинг тушига сахро бўронидек тўсатдан бостириб кирди-да, одатдагидек, чек-чегарасиз дашт ҳолида намоён бўлди. Қорақуюн тушида сирли ва фусункор оқшом ёғдусига чулғанган ҳамда шувокнинг ўткир бўйига тўйинган адоқсиз кенглик бағрида, дўппидек дўмпайган тепалик устида енгил ва оромбахш эпкинга юзланиб ётган ҳолда кўрди ўзини. У ўзи туғилиб ўсган тоғ муҳитига бутунлай ёт ҳидни – шувок бўйини дарров таниди.

Қорақуюн уйғониши ҳамон шувок бўйини йўқотди. Қибла томондан дам-бадам кўзғолиб қоладиган ўткинчи ел қанотига илашиб келган бу ҳид ўрнини арча ва бошқа ўт-ўланлар иси эгаллади. Шунингдек, жонивор ўзини тушида намоён бўлган кенг даштда эмас, балки тангу торғулда кўргач, умрида илк бор озодликни кўмсади, шувок бўйига тўйинган сарҳадсиз дашт бўйлаб беармон елиб-югуришни истади ва шу важдан, беихтиёр, ириллай бошлаганди.

Бу тун Қорақуюнда камдан-кам жониворларда юз берадиган ғаройиб бир ҳолат – аждодлар хотираси уйғонганди. Унинг жисми ҳамда шуурида юз йилнинг нарисиди тоққа туташ чексиз Бўзсанг даштида яшаб ўтган «Оларит» отлиғ зулукдек қоп-қора итнинг руҳи бош кўтарганди.

Оларит гул нелигини билмаган.

У кенг даштда шамол билан баҳслашиб, қувлашиб яшаб ўтган бахтли жониворлардан бири эди. Агар Эрманда гулда ит боқиш истаги пайдо бўлмаганида, Оларитнинг олис авлоди ҳисобланмиш Қорақуюн гулга тушмаган, бошқа овул итлари каби эркинликда умр кечирган бўларди.

Тақдир ишини қарангки, Эрман тутқунликдан қайтган куни Қалайбекнинг Кўкиш лақабли ити болалаган эди. Бу жонивор бошқа итлар каби қиш адоғи ёхуд кўклам бошида

эмас, ҳамиша баҳорнинг ўрталаридан ўтиброк болалайди. Кўкиш ўта ҳайбатли ва келбатли бўлишига қарамай, негадир ҳар сафар бор-йўғи икки-учта, гоҳида эса биттадан ортик болаламайди.

Бу йил у учта болалаганди.

Эрман ўша куни ўтовига ташриф буюрган Окбўта оксоқолни кузатиб қўйиши билан акасининг ҳовлисига борган, салом-аликни ҳам паққос унутиб, бостирма тагида болаларини эмизиб ётган Кўкишга олисроқдан разм соларкан, ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмайдиган бир оҳангда:

– Ака, анову кучуклардан бирини менга берасиз энди! деганди.

Қалайбек ҳафта бурун бандилиқдан қайтган ва етти малакда топилмайдиган ажойиб оқ тулпорини ҳадя этган укасининг раъйига қарши тура олармиди. Шунинг учун тантилиги кўзиб:

– Бирини эмас, менга деса барини олмайсанми, укам! – деди.

– Йўқ, менга фақат бири керак.

– Унда истаганингни танла-да, эн солиб кўявер, – деди Қалайбек. – Сўнг олиб кетарсан. Ё ўзим танлаб берайми?

– Йўқ, ўзим танлайман, – деди Эрман кўзлари оловланиб турган Кўкишга хавотирли боқиб. – Бу... қанжикни қарашни жуда бежо-ку, а, ака?

– Не ўйда келганингни сезиб турибди-да.

– Унда буни ҳозирча арқонлаб туриш керак, ака, – деди Эрман безовталана бошлаган итга хавотир ила боқаркан. – Тагин... ташланиб қолмасин дейман-да.

– Ташланиши тайин.

– Унда тезроқ боғланг!

– Ҳозир қантарамиз...

Эрман табиатан ғоятда дилкаш бўлса-да, бироқ жониворлар борасида, айниқса, от ва ит бобида анчайин хасис бўлган акасига қарши йўл-йўлақай ўзини обдон қайраб кел-

ганди. Мабодо акаси итини бергиси келмаса, ўзи ҳадыя этган оқ тулпорни миннат қилиб бўлса-да, мақсадига эришиш ниятида эди. Бахтига, Қалайбек ортиқча гап-сўзсиз, тезгина кўна қолди. У она итни арқонлагунча, Эрман ҳовли юзига бир сидра кўз ташлаб чикди.

Акасининг ҳовлиси бир-бирига жипс тушган овулдаги бошқа хонадонларга нисбатан хийла кенг эди. Ҳовли юзи ҳеч бир белгисиз, яъни тош ёхуд четан деворсиз иккига бўлинган бўлиб, унинг қояга туташ кунботиш қисми Қалайбекнинг устахонаси ҳисобланади. Ҳовли саҳнида тоғдан кўчириб келтирилган тошлар уюми кўзга ташланади. Устахона жойлашган қоя биқинидаги турли ҳажм ва шакл-шамойилдаги ўйиқлар – табиий токчаларга тарашланган тошбуюмлар дид билан терилгани ҳолда, «дастгоҳ» деб аталмиш кенг ғўла теварагида чала тарашланган ёхуд тарашланиши лозим бўлган тошлар бетартиб сочилиб ётарди.

Ҳовлининг қояга қарама-қарши қисмида эса, олди пешайвонли ўртача баландликдаги пишик тошқулба қад ростлаган. Унинг сўл қаноти бўйлаб бошқа катта-кичик хўжалик бинолари, шунингдек, отхона ва чўзинчок кўра ўрин олган. Турли тусдаги тошлардан ҳавасга зеблаб қурилган ит ини ҳам шулар қаторида эди.

Одатда, бу ҳовлини қора тортган кишининг назари аввало қоя пойидаги тошдўнгликда кўкка сапчигудай бўлиб турган тошот – ҳайкалга тушмай қолмайди. Қояга орқа ўгирганча осмону фалакни кўзлаб турган мазкур тошҳайкал шамолдай елгир тўриқ оти ўгирлаб кетилган йили, юқорида таъкидланганидек, Қалайбек томонидан йўнилган бўлиб, ҳали-ҳанузгача ниҳоясига етказилмаган. Умуман олганда, Қалайбек шуғулланиб келаётган бу касб – тоштарошлик қавм аҳлига бутунлай ёт ҳунар. Бу қавм азал-азалдан чорванинг пири ҳисобланади, яқин йиллардан буён озми-кўпми деҳқончилик билан шуғулланиб келишади. Хуллас, Қалайбеккача бу ҳунар билан бирон кимса машғул бўлмаган. Овул кексалари авлод суришти-

риб, бобосининг бобоси бу хунарга қисман қўл урганини аниқлаган бўлишди.

Қалайбекка келсак, болалигида бировга билдириб, бировга билдирмай, аввалига эрмакка турли тошшаклар, тошлаганлар йўниб юрди. Бир кун қараса, йўнган тошлаганлари кишилар корига бинойидек ярамоқда. Бу орада буюртма берувчилар ҳам топила қолди. У ёрғичоқ ва тегирмон тошларини йўнишни ўзлаштиргач эса, уста сифатида ном чиқарди, шунингдек, қўшни овуллардан ҳам талабгорлар кўпайди.

Қисқаси, бу овлоқ худудда Қалайбекнинг тоштарош уста сифатида донг таратиши фавқулодда ҳодиса саналмаса-да, шунга яқинроқ эди. Негаки, ташқи оламдан деярли бутунлай узилиб қолган қавм аҳли бу ёруғ оламда тошдан тикланган бутун-бутун шаҳарлар, тошлардан ноёб санъат асарлари яратишга қобил элатлар борлигини, турган гап, тасаввурларига ҳам сиғдирилмасди. Қавм аҳлининг олам ва тириклик ҳақидаги тушунчалари турли афсона ва ривоятлар камровида қолган бўлиб, ундан нари-сига парвоз этмоққа қодир эмасди. Шу боис, Қалайбек томонидан ўта моҳирлик билан сайқалланган жиҳозлар ўзига хос санъат асари сифатида эмас, рўзгорга керакли шунчаки жўн буюм қабилида, завқ-шавқдан йироқ ҳолда қабул қилинарди. Чунончи овул аҳлининг тошотга бўлган муносабати бундан бешбаттар эди: кимдир уни нимага даркорлигини англаёлмай гаранг, кимдир эса йўқолган оти ҳажрида бир муддат телбаланган Қалайбекнинг алами сингган тош, деган ўйда эди. Агар мазкур жараёнга жиндек ойдинлик киритадиган бўлсак, тўсатдан юз берган жудолик, яъни суюкли тўриғидан ажралиш Қалайбекнинг шуурида мудраб ётган табиий ижодкорлик туйғусини турткилаб, уйғотиб юборганди, холос. Бироқ бу ҳолатнинг нелигини, бошқалар нари турсин, йигитнинг ўзи ҳам тўла англаб етмаганди.

Тошҳайкалнинг чалалигига келсак, бу хил ижодий уринишлар, одатда, қай бир маънода атрофдагиларнинг

диққат-эътиборига мойил бўлади. Бу нарса йўқ жойда эса, унинг қанот қокмоғи душвор кечади, яъни лоқайдлик қурбонига айланади. Қисқача айтганда, тошхайкални тугалламоқ учун йигитга биргина Оқбўтанинг рағбати камлик қиларди.

Аммо тошотни юзага келмоғига Оқбўтанинг эътибори эмас, Эрманнинг беҳос турткиси сабаб бўлганди. Агар ўшанда иниси хаёлини бўлмаганида, тошотга қўл уриш фикри икки дунёда ҳам унинг миясига келмасди.

Ўша оқшом Эрман акасининг ҳолидан бирров хабар олгани келса, Қалайбек хануз ўғирлаб кетилган тулпори ғами ва ҳажрида, ўнг кафтини иягига тираганча, чўккан тошдек қотиб, ўчоқ бошидаги косовдек қорайиб ўтирибди. Қоя пучмоғига қадалган кўзларида на нур, на маъно бор. Сўрашгани узатилган қўли ҳавода муаллақ қолган Эрман унинг ёнига чўқаркан, юпатиш учун жўялироқ сўз тополмай, манглай кашлайди. Сўнг акасининг бу тахлит дард чекиб ўтириши ғашига теккандай, оғир сўлиш олиб, теваракка малолланиб қарайди. Буни қарангки, ўшанда унинг диққатини бошқа бирор нарса эмас, қоя қаршисидаги тошдўнгликда кўкка тигдай санчилиб турган қизғиш қоятош тортади. Эрман шакл-шамойили қандайдир жонзотга ўхшаб кетувчи бу каби қоятошларга илгари сира эътибор бермасди. Аммо бу сафар, жигарининг ғами боис, кўкка санчилиб турган қоятош тарҳида осмонга сапчиётган афсонавий тулпор тимсолини илғади. У ботаётган куёш нурида шу қадар ғайритабний тус олган эдики, агар шу тобда жиндеккина хаёлотга эрк берилса борми, қоятошга жон битиб, кишнаганча кўкка парвоз қиладигандек эди.

– Ака, ановунга бир қаранг! – дея Эрман акасининг елкасига туртаркан, – Асов отнинг худди ўзи-я! – дейди қоятошнинг ҳақиқатан ҳам асов тулпорга ўхшаб кетишидан ҳайрати тошиб.

Бироқ Қалайбек, аразлаган боладай, қилт этмади.

Қачонки, Эрман бу қизғиш қоятошнинг ҳозирги туриши унинг тунов куни ўғирлаб кетилган тулпориға ғоятда ўхшаб кетишини қайта эътироф этганидан сўнггина Қалайбекнинг тошқотган жисмиға жон кирди. У аста ўша томонға ўгирилди.

Ё алҳазар, дўнгдаги қоятош чиндан-да кўкка интилаётган асов тулпорнинг айнан ўзи эди! У қай бир жиҳати билан ўзининг елгир тўриғиға ҳам ўхшаб кетарди.

Тавба, шу пайтгача буни пайқамаганини қаранг!

Қалайбек ғамдан чалғиб, ҳайрат оғушида илдам оёқлади. Қоятош теварагини айланиб-ўргилиб, унга ҳар томонлама боқди. Тош йўниб юрган одам эмасми, у ёқбу ёғи озгина қиртишланса, қоятош ажабтовур тошотга айланиши мумкинлигини дарров идрок этди. Ҳовлиси биқинида қизғиш тошотнинг кўкка бўй чўзиб туриши унга жуда мароқли туюлди. У ички бир қизғин ундов етовида тош устиға териб қўйилган асбобларини кўлиға олди. Шу дамгача фақат рўзғор буюмларинигина йўниб келган тошйўнар ускуналар билан илк бор том маънодаги санъат асарини қиртишлагга киришади.

Турган гап, Қалайбекнинг бу ҳаракати ҳақидаги хабар эртаси куниёқ овулға ёйилди.

– Эшитдингми, Қалайбек тошдан ўзига от йўнаётган эмиш.

– Кўрдик, ўлиб-тирилиб тошни йўниб ётибди.

– Нима, уни миниб улоқ чопмоқчимиз у?

– Ўғирланган тулпори дардида ҳалиям куйиб-ёниб юрибди-да, бечора! Аламдан нима қилсин, ҳали тошдан, ҳали лойдан от ясайди-да энди.

– И-и, от одамнинг хунимидики, бунча куймаса!

– Лекин тулпори зўр эди-да...

– Ҳа, жуда зўр эди.

– Тошдан ўзига от ясаб, ўзича йўқолган тулпори хуморини босмоқчи дейсанми?

– Худди шундай!

– Аҳмоқ экан-ку, у!

– Ёш бола бўл-а, баччағар.

– Оллоҳнинг иродаси билан тошотига жон битиб қолса, зўр ҳангома бўларди-да лекин!

– Йўқ ердаги гапларни қўйсанг-чи!

– Буям бир хаёл-да энди...

– Тошотга жон битиш-битмаслигини билмадим-у, лекин йигит бечоранинг мияси айнигани чин. Эмасам, шу қилиғи ақлга сиғадиган ишми.

– Шунга айт...

Бахтга қарши, Қалайбекнинг бу иштиёқи кўпга чўзилмади: тошотнинг сағриси қоятош исқанжасидан халос этилмай, иш чалалигича қолди.

Ана, турибди кетини тошдан узолмай!

Эрман ҳовли ўртасида тошотга хаёлчан термулиб турганида, Кўкишни арқонлаб қайтган Қалайбек унинг оёқлари тагига деярли бир тусдаги қоп-қора кучукларни қатор териб қўйди.

– Мана, хоҳлаганингни танлаб олавер.

Эрман худди тажрибали синчилардек, ингишлаганча турли томонга пайпасланаётган митти жониворларни бир муддат синчков кузатиб тураркан, акасининг «унисиямас, буниси яхши, буни эмас, унисини ол», деган гап-сўзларини кўпда ёқтирмай, норози қиёфада манглай тириштирди. Сўнг жониворларни бирин-сирин қўлига олиб, наридаги тизза бўйи сандалсимон харсанг томон юрди. Қўлидаги жониворларни ўша тош устига авайлаб қўйгач, ўзи ортга тисланиб, улар ҳаракатини зимдан кузатишга тушди. Кутилмаганда илиқ она бағридан айро тушган ушоқ жониворлар бошда пича инг-синг қилиб туришди-да, кейин тошбағирлаб чор тарафга сургалиб кетишди. Аввалига сўл тумшуғи ёнида жимитдек оқи бор кучук, сўнг ўнг қулоғи малла тусдагиси тошдан пастга думалаб тушди. Тепада ёлғиз қолган кўмирдек қоп-қораси қулаш хавфини сезиб, тош лабидан изига қайтди. Унинг оқилона бу хатти-ҳаракати бир неча бор такрорлангач, Эрман акасига:

– Мана шунисини танладим, – деди.

– Қачон опкетасан?

– Қачонингиз нимаси? Ҳозир опкетаман.

– Буни қандай боқасан? – Қалайбек ажабланди.

– Изимдан энасини обориб берасиз-да.

– Ия, энасини обориб берадиган бўлсам, – Қалайбек тош пойидаги кучукларга ишора қилди, – буларнинг ҳоли не кечади?

– Буларни йўқотамиз, ҳозирок! – деди Эрман ўша-ўша ўта совуққонлик билан. – Таомили шу...

– Увол-ку ахир! – деди Қалайбек оғриниб.

– Биладан, лекин бўлак иложи йўқ.

– Нечун?

– Чунки мен сиз ўйлаганчалик ит асраш ниятида эмасман, ғулда ит бокмоқчиман, тарбияламоқчиман. Бу юмушнинг биринчи шarti – энасининг меҳри бўлинмаслиги учун ортиқча кучуклар дарров йўқотилиши лозим. Иккинчи шarti...

Қалайбек ғулда ит тарбиялашнинг ўзига хос нозик сирасрорларини бирин-сирин баён қилишга тушган инисининг гап-сўзларини ҳазм қилишга ортиқ тоқати етмай, «ғул ити не даркор, ҳатто энг нотинч замонларда ҳам ота-боболаримиз бу ишга қўл урмаган», дея унинг орзу-ўйларига сув сепишга уриниб кўрди. Бироқ тутган жойини кесмай кўймайдиган кишилар хилидан бўлган Эрманга унинг бу панду насиҳатлари тариқча ҳам таъсир қилмади. Азалдан феъли шу – бирор ишга қарор қилдими, тамом – адоқламай кўймайди. Айни дамда зарурият важдан эмас, Окбўтанинг кутқуси сабабли фавқулодда миясида туғилган бадкир ният туфайли бу ишни орзулаган эди.

– Ака, итни бериш ниятингиз борми-йўқми? – дея жиддий замзамага ўтди Эрман. – Ё... очигини айтаверинг!

Қалайбек, «йўқ» демокқа оғиз жуфтлаб, у томон ўгирилган ерида даҳшатдан донг қотди. Қаршисида ўзи билган аввалги Эрман эмас, кўзлари тубида ададсиз қаҳр тўнғиб қолган, меҳр-шафқат ҳиссидан ўта йироқ бир кимса мисли бўридай тикилиб турарди.

Оға инисидан илк бора ҳайикди.

Бу Эрман унга бутунлай бегона эди.

Бу Эрман билан баҳслашмоқ бефойда.

Одатда, донолар бундай кимсаларни минг қондош бўлмасин, ҳар қандай панду насихатдан йироқ тутадилар.

Ақл-хуши жойида одам бу кабилардан икки қир нарида юради.

Негаки, уларнинг онгу шуурини кирлатиб турган гардигуртни тозаламоққа ҳар доим ҳам одам боласининг қурби етавермайди.

Бу хил кимсаларни фақат вақт даволаши мумкин.

Бунақалар ўз ҳақиқати йўлида қурбон бўлишдан тоймайди.

Ва, ўз навбатида, қурбон қилишдан ҳам.

Ана, бугун биринчи қурбонга, ҳеч кўз юммасдан, қўл урмоқда.

Буни ўз вақтида англаб етган Қалайбек, билганингни қил, дея ундан нари кетди. Сўнг бунга ҳам қаноат этмай, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам, деган ўйда тошот бўй чўзиб турган дўнглик ортидаги тор сўкмоқдан энсиз дара тубига эна бошлади. Халқда «Чуқурдара» деб аталмиш бу даранинг кунботиш томонга чўзилган ғарбий йўналиши бирор уч чакиримлардан сўнг қўшни улкан дара ўзанига бориб туташар, кунчиқиш тарафга тармоқланган қисми эса, шимолий қоялар мажмуаси пойидан сирғалиб ўтиб, Қушқўнмас худудида яқун топарди. Овул оралаб юришни истамаган кезлари Эрман акасининг уйига мана шу тинч, сокин дара орқали келиб кетарди. Ҳозир ҳам кучукларни этагига солганича, акаси изидан дарага энаркан, унинг хомуш туриб қолганига эътибор ҳам бермай, «қанжикни ҳаяллатмай, иложи бўлса, оқшомга қолдирмай ўтовга етказинг» дея, йўлида учраган чуқурлардан бирига икки кучукни тириклай кўмиб, учинчисини ўзи билан олиб кетди.

Эрманнинг бу ишига овулда эътибор берувчи бўлмади. Ғулда ит сақлайдими, бит сақлайдими, кимнинг неча пуллик иши бор. Бу юмушдан озми-кўпми хабари бор кишилар эса,

«энди умри бўри пойлаб ўтаркан-да», дея устидан кулган бўлишди. Ахир ғулда ит тарбиялашнинг ўзи бўладими. Бу иш кишидан тоғдек сабр-тоқатдан ташқари, улкан тажриба ҳам талаб этади-да. Бир сўз билан айтганда, ҳавас қиларли юмуш эмас. Ёвуз итга эга бўлиш иштиёқида бу ишга бел боғлаган Эрман эса ғулга қамалган жонзотнинг ранг-тусини назарда тутиб, уни «Қоракуюн» деб атади. Бу ном қулликда ит кунини бошига солган Қоракул деган кимсани мудом эслатиб турса-да, бу атамадан воз кечмади. Қайтамга ният қилди: насиб этса, Итолмасга қўшиб, Қоракулни ҳам итга едираман!

* * *

Итолмаснинг чапдаст тўдаси томонидан Чохлидарада банди қилинганга қадар бу ёруғ оламда Қоракул отлиқ баг-тол кимса мавжудлигини хаёлига келтирмаганидек, ўша кунларда қўшни қавмининг сулув қизи – Мойчечак ишқида сармастроқ юрган Эрман ўзига синашга бу тоғу тошлар бағрида кимдир йўлини тўсишга журъат этишини ҳатто тасаввурига ҳам сиғдиролмасди. Ўзи хон – кўланкаси майдон бўлиб юрган бир паллада куюқ арча новдалари орасидан бамисоли қоплон янглиғ сирғалиб чикқан нотаниш кимсалардан бошда бирор ёмонлик кутмади. Уларни ўзига ўхшаб, ўз майлида юрган қўшни қавм йигитлари деб ўйлади. Қачонки уларнинг хатти-ҳаракатида қандайдир бежоликни пайқагачгина хаёли бирдан Мойчечакка кетди, чамаси, овулининг ошиқ йигитлари қизни мендан қизганиб, ўчини олмоққа келганга ўхшайди, деган гумонга борди. Бирок эътибор бериб қарасаки, йўлига кўндаланг бўлган шоввозлар Уймовут қавмининг йигитларига сира ўхшамайди, етти ёт бегоналар. У бирор қарорга келишга улгурмай, улардан бири оти юганидан тутди, иккиси ёнлаб келди. Народаги арча бутуқлари орасида яна бирининг қораси кўзига чалингандай бўлди.

Эрман хаёлини жамлаб, қаршилиқ кўрсатаман дегунча бўлмай, йўлтўсарлар ақл бовар қилмас даражада эпчиллик

билан уни эгардан ағдаришди-да, зумда кўллари ортига чирмашди ва отига қайта мингазиб, бошига сассиқ емхалтани кийгизиб кўйишди. «Кимсизлар, мендан нима истайсизлар?» – деган саволига жавобан кетма-кет аччиқ камчи билан сийланди. Агар тилини тиймаса, камчилар ёмғири остида қолишини фаҳмлаб, мум тишлашга мажбур бўлди.

Итлар овози ҳамда уни банди қилган йигитларнинг гангир-гунгир гап-сўзларидан қандайдир манзилга етганини англаганда, гоҳ юқори, гоҳ қуйига ўрлаб, анча-мунча йўл босиб кўйишганди. Шу боис, отдан сургаб туширилган Эрманнинг одим олиши дастлаб қийин бўлди, уюшган кўл-оёқларининг оғригига чидолмай, ихраб юборди ва ихраши инграшга айланиб улгурмай, уни қандайдир ясси ва совуқ тош устига ўтқазишди-да, бошидан қопни – емхалтани олишди. Кўзлари қуёш нуридан шафақланган йигит бошда ҳеч бир нарсани илғай билмади. Қачонки, қаршисидаги оқиш жисм секин-аста аниқлик касб этиб, оппоқ ўтовга айлангандан сўнггина тевараги чўнг қоялар билан қуршалган овлоқ бир гўшага келиб қолганини англади. Қоялар орасидаги яшил сайхонликда ўндан зиёд ўтов бўлиб, қошидаги оқ ўтов туси ва ҳажми жиҳатидан бошқаларидан кескин фарқланиб турарди. Бироқ қаршисида юз очган нотаниш овул, у йўл бўйи ўзича тасаввур этиб келган қароқчилар қароргоҳига сира ўхшамасди. Ўтовлар ёнидаги тошўчоқлардан кўкка ўрлаётган тутун, ўзларининг кундалик юмушлари билан андармон аёллар, ўтовлар орасида суманглаб юрган итлар, ялангликда ўйнаб юрган болалар – буларнинг бари тинч ва осуда ҳаётдан дарак бериши билан бир қаторда, киши юрагига қандайдир илиқлик ва таскинлик бағишларди.

Итолмас уни тош устида, икки йигит назорати остида қолдириб, эндигина оқ ўтов томон юриши билан у ердан бадчеҳра, қоп-қора, даванг бир кимса – Қоракул, бўридан кўркқан қуёндай, отилиб чиқди-да, кўлидаги ўроғли гулдор, қалин кигизни ўтов қабатыга тўшаб, сўнг ўзи мутеларча ортига тисланди. Итолмас унинг жонсарақ ҳаракатларига

эйтибор бермай, афтида ўша ўчмас истехзоли нимтабас-
сум, аста кигизга чўкди. Сўнгра қаршисидаги бандини гўё
энди кўраётгандек, Эрманга бошдан-оёқ кўз югуртириб
чикди. Унинг абгор ахволига ачингандек, чуқур хўрсиниб
ҳам кўйди. Четдан қараганда, Итолмас нимадир демоқчи-ю,
фақат гапни нимадан ва қай йўсинда бошлашни билолмай
қийналаётгандек эди. Боз устига, нимтабассуми қатида
яшириниб, дам-бадам юзага қалқиб турган ғалати бир
ифода киши кўнглида умид ва илинжга ўхшаш нимадир
уйғотар, ҳали-замон у тўсатдан қаҳ-қаҳ отганича, «шу сенга
бир ҳазил қилгим келди-да, биродар», дейдиганга ўхшарди.
Бироқ ўтқир нигоҳининг чуқур қаърида йилтиллаб турган
совуқ бир ёлқин унинг анчайин мунофиқ, шафқатсиз кимса
эканини ошкор этиб турарди.

Итолмаснинг сўл ёнида шамдай қотган Қоракулнинг
тунд башарасида эса бутунлай тесқари ифода зухурлан-
ганди. У тош устида ҳануз ўзига келолмай ўтирган бан-
дига шу қадар ғазаб, шу қадар адоват билан тикилиб
турардики, кўйиб берса, шу заҳотиёқ уни тилка-пора
қилиб ташласа. Ҳолбуки, у Эрмандан ҳеч бир ёмонлик
кўрмаган, унга эндигина рўбарў келиб турибди.

Унда бу қадар ғазабнинг боиси нима?

Боиси – Эрман банди.

Қоракулнинг назарида, бандилар нафратдан ўзгасига
лойиқ эмас, улар то ўлгунча ғазабга маҳкум кимсалар эди.

Бу орада Итолмас ўша сокин ва алдамчи табассумни аф-
тидан аритмаган ҳолда унга нимадир деди. Қоракулга шу
заҳотиёқ жон кирди – оғир гавдасига ярашмаган чакқонлик
билан диконглаб, сўлдаги қоя томонда ёлғиз ўзи кўнқайиб
турган чоғроқ ўтов ортига ўтиб кетди.

Кўп ўтмай ўша тарафдан итларнинг бўғиқ ва таҳдидли
ириллаши ҳамда Қоракулнинг шалоқ сўқинишлари эши-
тилди. Бир муддатдан сўнг ўтов ортидан занжир тутган
Қоракулни судраганча улкан малла ит чиқиб келди. Умри
бино бўлиб бу қадар ёвуз, бу қадар важоҳатли махлуқни
кўрмаган Эрманнинг капалаги учиб, беихтиёр ўрнидан ту-

риб кетди. Бирок ҳар икки ёнида шопдай бўлиб турган йигитлар елкасидан босиб, қайта жойига михлаб қўйишди.

Малла ит бошқаларга алахсимамай, тўғри келиб Эрманга ташланди. Аммо унинг ўткир сўйлоқ тишлари йигитнинг бўғзига етиб-етмай, Қоракул чапдастлик билан занжирни ўзига тортди.

Сўнг яна тизгинни бўшатди.

Ит қайта олға ташланди.

Бу ўта қалтис ҳаракат бир неча бор такрорлангач, Итолмаснинг енгил имоси билан ит четга олинди. У илк бора тилга кириб, келбатига мос босиқ ва салобатли оҳангда:

– Ҳозирча сени ёвуз итлардан бирига таништириб қўйдик. Мақсад – қочишни асло хаёлингга келтира кўрма, негаки, бу итлардан ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайсан... – деди.

– Қолганларини ҳам опчиқайми, хўжайин? – деди нарида итни базўр тутиб турган Қоракул, бот сўкиниб.

– Йўқ, қолганлари кейин...

Бу воқеалар гўё тушида кечаётгандек, Эрман ҳануз қарахт эди. Аммо шунга қарамай, боя йўлда тилига тугилиб қолган саволларни беришга ўзида куч топа олди.

– Кимсиз? – деди Итолмасга юзланиб. – Мендан нима истайсиз? Нечун мени бу аҳволга солдингиз? Мақсадингиз не?

Бирок Итолмас унинг гап-сўзларини эътиборга арзитамади. Қошида одам боласи эмас, тоғдан тутиб келтирилган бирон жонзот тургандек, шунчаки кўз қирини ташлаб қўйди-да, ошиқмай ўрнидан кўзгалди. Кўзғалиш асносида секингина «чоҳга» деди.

Йигитлар ҳаяллатмай Эрманни ўтов ортидаги қоя томон сургашди.

Итни ғулга жойлаштириб қайтаётган Қоракул йўлда ҳе йўқ, бе йўқ, бирдан унга хезланиб қолди:

– Сен, манглайи қора қул, нечун хўжайинимга тиргалдинг! Бунга қандай журъат этдинг, а?! Қулга гапни ким қўйибди, а?!

– Нима? – Эрман кулоқларига ишонгиси келмади. – Нима дединг?

– Нима дердим, кул дедим! – Қоракул унинг ҳолатидан бадхоҳларча суюниб, хунук ишшайди. – Кул, кул ва яна кул! Бўлдими, ё яна айтайми, а? Кул!

Тақдир чархпалаги қай ва қайси томонга айлана бошлаганини аллақачон фаҳмлаб етган эса-да, барибир бу сўз Эрманга жуда оғир ботди. Алами кўзиб, қаршисидаги нусханинг чотига бошлаб бир тепкиси келди. Афсуски, тепишга улгуролмади, сўл томонидаги йигит сўкиниб, ўнг томонидагиси эса ўшқириб-турткилаб, Қоракулни чоҳ томон ундашди.

– Бор, шотини тушир, аҳмок! – деди сўлдаги.

– Тезроқ қимирла, хўкиз! – деди ўнгдагиси.

Қоракул уларнинг буйруғини сўзсиз адо этиб, қоядан беридаги ялангликда ётган узун ва мустаҳкам шотини сиртдан қаралганда мутлақо сезилмайдиган теран чоҳга туширди, сўнг боя ўзини турткилаган даванги соқчининг амрига итоат этиб, Эрманга емак келтиргани ўтов томон зингиллади.

Эрман ҳануз оғриғи кетмаган уюшган билакларини уқалай-уқалай, қоронғи чоҳ оғзига кўз ташларкан, қисматнинг бу ишидан бор овозда фарёд қилгиси келди. Ахир ярим кун бурун осмон бағирлаб сузиб юрган анави бургут янглиғ эркин эмасмиди! Оғзига келган ўланни хиргойи қилганича, эмин-эркин тоғлар бағрида юрмаганмиди! Бу нимаси, кутилмаганда нотаниш кимсаларга банди тушиб, «кул» деган номга эга бўлиб ўтирибди. Аҳволи шу қадар ночор эдики, ҳатто тоғнинг қайси буржи ва пучмоғига келиб қолганини ҳам билмасди. Янада аламлиси, бугун окшомга яқин бодомқовок Мойчечакнинг овули томон ўрлаб, қизга узокдан бўлса-да, бир кўз ташламоқчи эди.

Эрман ҳали қизга аниқ бир гап айтмаган – муносабатлари нигоҳларнинг ўзаро тўқнашувидан нарига ўтмаган, бундан ўзгасининг имкони йўқ – хиёлгина ноўрин ҳаракат қавмлар орасида кутилмаган муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, Эрман ҳозирча қизнинг бир лаҳзалик қиё

боқишига каноат этиб келар, шу боқишнинг ўзиёқ шўрлик ошиқни адои тамом қиларди. У қизга интилгани сайин овулга бақамти тушган тошкулба одам оёғи етиши қийин бўлган сирли бир сарҳадга айлана борар ва ҳар сафар кулба ёнидап ўтганида, ҳаяжони зўридан, юраги кўксига сиғмай тепа бошларди. Ошиқ йигитнинг назаридан деворсиз ҳовли юзидаги майда-чуйдаларгача, жумладан, акаси Қалайбек томонидан йўнилган ёргичоққача четда қолмасди. Бу буюмларга ҳар куни қизнинг бармоқлари неча бор тегишини ўйларкан, кўп эмас, атиги бир зумга, ўша буюмлардан бири ўрнида бўлиб қолишни истарди.

Бугун ҳам ўй-хаёли қизда бўлгани сабаб, теваракни идрок этадиган ҳолатда эмасди. Қачонки, тор сўкмоқ бўйидаги бўлиқ арча новдалари оҳиста силкиниб, унинг ортидан бирин-сирин сирғалиб чиққан нотаниш норғул йигитларга кўзи тушгандан кейингина, ҳуши ўзига келиб, боясароқ оти нимадандир ҳурккандай бўлганини эслади. Аслида жонивор юз бериши тайин бўлган фалокатни аввалдан сезиб, кетма-кет пишқирган ва ҳатто бироз тайсаллаган ҳам эди. Аммо бутун фикри-зикри қизда бўлган йигит жонивор томонидан берилган бу огоҳлантиришни сезмади. Агар ўз вақтида хаёлини жиловлай олганида эди, бу ҳолга тушмаган, ҳеч курса, чоғи етса-етмаса, йўлтўсарлар билан бир майдон олишган, курашган бўларди. Мана энди, ғаним кўлига ўта жўн ҳолатда тушиб қолганидан алами ошиб-тошиб, бошини қайси тошга уриб ёришини билолмай ўтирибди.

Ўшанда Эрман кутилмаган бу ҳолдан гангиб қолган эса-да, ғаройиб бир ҳолатни – нарироқда ҳеч нарсага аралашмай, бамисоли тошдай қотиб турган кимсани, аниқроғи, унинг юзидаги истехзоли табассумни илғамай қолмаганди. Авзойидан тўдабошилиги сезилиб турган бу одам бурни тагида одам боласи эмас, бир гала қушлар дон талашаётгандек, талатўпни шу қадар бефарқлик билан кузатиб турардики, бундан Эрманнинг ўзи не аҳволда-ю, ҳайрати тошмай қолмади. У йигитлар кўлидан чиқишга беҳуда уринаркан,

унга қараб: «Нимаси бу?! Айтинг, бас қилишсин!» – деди. Бирок Итолмас пинак бузмади – ўша-ўша истехзоли кулиб тураверди. Эрман овулда яна ўша «табассум»га рўбарў бўлди. Итолмас юзидан ўша табассумни аритмаган кўйи, йигитнинг тақдирини бутунлай ўзга йўлга – шоти туширилган чуқур чоҳга бошлаб келди.

Бу чоҳда қанча ва нима учун ётади?

Наҳотки, бу ҳақиқатан ҳам қуллик бўлса?!

Ахир у қул эмас, Кўкалабош қавмининг эркин, ўзига ишонган йигитларидан бири эди-ку! Нечун ярамас Қорақул унга қул каби муомала қилмоқда? Унинг совуқ ва ёвуз нигоҳида тўнғиб қолган бу бадкир ифода нимани англатади: «Агар истасам...»

Қорақул баттолгина эмас, учига чиққан нодон ҳам эди.

Унинг нодонлиги шу даражада эдики, ўзининг бор инонихтиёри, ҳаттоки жўнгина нафас олиши ҳам Итолмаснинг измида эканини билса-да, «барча тутқунларнинг тақдири ва жони ёлғиз менинг кўлимда», деб ўйларди. Ҳолбуки, ёвуз итларни бандиларга гиж-гижлаш пайтида, билиб-билмай, улардан бирига жиндек озор етказиб кўяр бўлса, Итолмас уни аяб ўтирмасди, соқчи йигитлар томонидан обдон калтакланарди. Негаки, Итолмасга мажруҳлар эмас, ишчи кучи – қуллар керак эди. Шунга қарамай, Қорақул ҳамisha ўзича масрур юради: «Ажал сиртмоғи кўлимда! Агар истасам...»

Дарвоқе, Қорақул ўзини шу овул кишиси деб ҳисобласа-да, аслида, Итолмаснинг назари билан қараганда, бор-йўғи бир қул эди. Фақат ўзга қуллардан фарқли жиҳати – у бошқа бандилар каби тутиб келтирилмаган, болалигида етим қолиб, Итолмаслар оиласига сиғинди сифатида келиб қолган. Овул кишилари уни «қул» демаса-да, аммо муносабатлари бундан зиёда эмасди. Энг ночор томони, Қорақул ўзининг ройишлиги ҳамда беминнат меҳнати туфайли кейинчалик Итолмаснинг онгида «қул тутиш ва сақлаш» фикрини уйғонмоғига сабаб бўлганди.

Қоракулнинг қатор қусурларидан яна бири – худо урган даражада вайсақи эди. Бу борада суҳбатдош танлаб ўтирмас, бекорчи кулоқ бўлса бас – ҳали тоғдан-ҳали боғдан келиб, вайсагани-вайсаган эди. Дейлик, бугун тонгда тутқунларнинг жонини товонига тушириб, уларга қарши ёвуз итларни хузурланиб гиж-гижлаган бу кимса, агар ўша куни Итолмас бирор ёққа кетган бўлса, оқшом чоҳга емак тушираркан, туйнук лабига ёнбошлаб олиб, ғулда ит тарбиялашнинг ўзига хос сир-синоатлари хусусида ёхуд болалик кечмишлари ҳақида соатлаб гап сотиши мумкин эди. У бир мавзуни юз бора такрор этишдан эринмас, шунингдек, унинг ҳар бир сўзи ва ҳатти-ҳаракатида йиртқич ғул итларига меҳри бутунлай бўлакча эканлиги яққол акс этиб турарди.

Қоракул ўзи тарбиялаётган ғул итларини мароқ билан таъриф этмоққа тушган кезларида, бошқалар қатори Эрманнинг ҳам ғаши келиб, гоҳида:

– Насиб этиб, бу ердан эсон-омон қутулиб чиқай, ўзим сени итларга едираман! – дерди.

Бироқ бу гапдан Қоракул сира жаҳлланмайди, балки кулади, кулгандаям роҳатланиб кулади. Эрманни аҳмоқдан олиб, аҳмоққа солиб, кўзларини ёшлаб-ёшлаб кулади. Ахир кўкдаги куёшнинг мавжудлиги қанчалик чин, теварақдаги тоғларнинг чўнглиги нечоғлик рост бўлса, бандиларнинг бу ғўшадан соғ-омон чиқиб кетолмаслиги ҳам шунчалик ҳақиқат-ку! Қоракул, наҳотки, шугина нарсага ақлинг етмаса-я сени, дея қотиб-қотиб кулади. Аммо кейин, итларни гиж-гижлаш пайтида зимдан Эрмандан ўч олиш пайида бўлади, яъни қутураётган ит тизгинини одатдагидан кўра бўшроқ қўйишга уринади. Қани энди Итолмас изн берса-ю, ер тирнаб, олға интилаётган ит тизгинини кўп эмас, атиги бир энликкина бўшатса, ана ўшанда тили ҳаддан ташқари бийрон бўлган Эрманнинг ҳолига маймунлар йиғлаган бўларди-я! Ҳолбуки, гиж-гижлаш маросими пайтида шусиз ҳам тутқунларнинг жони қил устида туради – итнинг бўйнидаги тасма бехосдан узилиб кетса борми, бандининг жонига Яратгандан ўзгаси ора киролмайди.

Эрман ҳафтада бир, гоҳида эса икки бор такрорландиган бу нохуш ҳамда ўта хавфли жараён пайтида бир ҳолатни – тизгин тутган Қоракулнинг ўша лаҳзадаги қиёфаси, кўз қарашларини ҳалигача унутолмайди: «Йўқ, у одам эмас, махлук! Агар кўлимга тушса эди, тирик-лайн итлар тўдасига ташлардим!» Шу тариқа, гоҳида асосий ғаними бўлмиш Итолмас бир ёқда қолиб, нодон Қоракулни ўзича яниб-сўкиб, хаёлан уни итларга ем қиларди.

Ўша куни у чоҳга туширилган шотига оёқ кўяркан, сопол идишда емак кўтариб қайтган Қоракулнинг авзойини кўриб, «ҳозир бу баттол ортимдан тепиб юборса керак», деган ўйга борди. Йўқ, ўта жиддий соқчи йигитлар қаршисида Қоракул ҳаддидан ошолмас, доимо ўзини тиярди. Шу куни у кўзларини ола-кула қилиш билан кифояланиб, зарда билан шотини чоҳдан тортиб олди-да, хийла вақтгача қорасини кўрсатмади.

Чоҳда ёлғиз қолган Эрман нимқоронғиликка кўникиш ўйида кўзларини чирт юмиб олди. Бу нарсага у Қушқўнмас ғоридан ўтиб-қайтиш пайтларида одатланганди. У ҳар сафар ғорга бош суқаркан, кўзим қоронғиликка кўниксин, дея кираверишда ҳамиша бир муддат туриб қолар, шу ҳолда ғорнинг зах ва намхуш ҳавосини бор вужуди билан ҳис этишга уринар, шифтдан томаётган чакки овози ҳамда куруқ кунжакларда осилиб турган кўршапалакларнинг безовта тебранишларини жон қулоғи билан тинглашга тиришган кўйи, шу қисқа муддатдаёқ ташқаридаги ёруғ оламнинг нақадар созлигини ботинан қайта ва қайта ҳис этмокка уринарди. Бироқ етовидаги отнинг зимистонга бардоши кам эди. Агар бироз ҳаяллагудек бўлса, «юрсанг-чи тезроқ» дегандай тумшуғи билан ортидан турткилай бошларди. Эрман жониворнинг бетоқатлигидан жаҳлланса-да, аслида ёруғликка ўзи интилаётганини ичдан туяркан, етовидаги от каби бировга тобе эмаслиги ҳамда бутун инон-ихтиёри ўзида эканидан нечундир ич-ичидан суюниб кўярди. У оти юганидан тутиб, ғорнинг у бошидан чиқаркан, қуёш

нурига йўғрилган оламга бахтиёрлик кўзи билан қарашга интиларди.

Эрман нимқоронғиликка кўниккач, чоҳ ичкарисини аста ўргана бошлади.

Чоҳ – юкориси тор, куйи қисми эса кенг табиий тошўра эди. Девор пойидаги сандиксимон тош устида зах ва тер хиди анқиб турган бир нечта эски кигиз ҳамда бир талай пўстинлар тахланган бўлиб, бу «тахмон»нинг сўл тарафидаги токчасимон камар четида қорачироқ қорайиб турарди. Чоҳ марказида чоғроқ тошўчоқ бўлиб, унинг теваригига терилган курсимонанд тошлар устига арча новдалари тўшалган. Бир бурчакка эса озроқ ўгин тахлаб қўйилганди.

У чоҳни кўздан кечириб, аста айланиб юраркан, ичкарига соя тушиб, туйнук оғзида Қоракул пайдо бўлди.

– Эй, кўпам ўтаканг ёрилавермасин! – деди бу сафар ўта хушҳол кайфиятда. – Сен бу кавакда ёлғиз эмассан...

– Яна кимлар бор? – дея беихтиёр сўради Эрман.

– Ким бўларди, сенга ўхшаган бир талай манглайи қора куллар-да! – деди Қоракул чоҳга арқон учига боғланган саватни тушираётиб. – Кўпам ич-этингни еяверма! Ҳали оқшом келишади. Кўришасан, танишасан, дардлашасан, йиғлашасан! Ҳозир эса анови лаганни саватга солиб юбор! Ишқилиб, ҳаммасини едингми? Тагин эртан ишга ярамай юрма дейман-да! Ахир тилла кавлаш осон эмас сенга!

Бу ерда тутқунлар ёмон боқилмаслиги лагандаги таомнинг рафториданок кўриниб турарди. Бу тўкинлик Ойбекач исмли гўзал ва ўктам феълли жувоннинг саъй-ҳаракати туйфайли эканини, табиийки, Эрман ҳали билмасди. Ҳозирча, худди қафасга тушган бўридай, чоҳ бўйлаб изғиш-у, дамбадам бошини кўтариб, юқоридаги туйнукка алам-ла боқиб қўйишдан бошқасини билмасди.

* * *

Қалайбек овулдошларининг кўзини ўйнатиб, булутдек оппоқ тулпорини ташқарига миниб чиққан кезларида Эрман оқсоқолнинг ғаним томон сабру тоқати ҳақидаги

гапларига кўпда ишонгиси келмай қоларди. «Йўқ, – дерди бош чайқаб, – бу қадар гўзал жонвордан айро тушган одамнинг узок сабр қилиши ёхуд пайт пойлаб юриши ақлга сигмайдиган иш! Бу жудоликка бандасининг бардош бермоғи қийин! Бунинг туришини қара! Юришиничи! Юрмаяпти, сузаяпти бу! Ё тавба, ўзича буни еру кўкка ишонмай юрган Итолмас бу айриликқа қандай бардош бераяпти экан?! Ё... у... тўнғиз кўпдимикан? Агар тўнғиз кўпган бўлса, Қушқўнмасда унинг йўлини пойлаб ўтиришдан не маъно? Ахир қайси гўрдаги майда-чуйда ўғри ва қароқчилар йўлига тўганок бўлай деб, овулдан айро тушмаган-ку!» Кўнгли бунинг аксини, яъни: «Сабр қил, у албатта келади», – дерди. Бу ёқда эса Ойбекач дам-бадам кўз ўнгида бўй ростлаб: «Овул йўлини унут!» – дерди. Шўрлик энаси – Маширой эса, номи қасамга тиркалгани билан бир чақалик иши йўқ, кунора бирон тансиқ таом кўтариб келаркан, «тор қорнимга сиққан, кенг уйимга сигмай қолдингми сен», дея ҳар гал жавраб-жавраб кетади. Отаси – Хонтўрагина Қушқўнмасдек кенг худуд гўё ёлғиз ўзига дахлдордек масрур келиб, масрур кетади. Бунга сари лаънати Итолмас қора берай демасди.

У гоҳида Ойбекачни ўйлаб ғамга чўмади, гоҳида эса шубҳалар уммонига бўғзигача кўмилади: ярамас Итолмас унинг бошига ит кунини солмадимикан? Йўқ, у унча-бунчага эгиладиган аёллардан эмас, боз устига, чиройининг ўзи унга қалқон... Бу қадар гўзал аёлни жазоламокқа кишининг қўли бормайди. Агар жазоланиши лозим бўлганида, бу иш биринчи кунини амалга ошириларди. Негаки, Итолмас ҳеч қачон ҳеч нарсани пайсалга солиб ўтирмайди, шу ондаёқ чора кўради. Ойбекач эса бандилар қочган туннинг эртаси ҳам гўё ҳеч қанақа воқеа содир бўлмагандек, бамайлихотир ўтовга кириб-чиқиб юрарди. Шаршара ортида туриб аёлга ҳеч бир хавф соя солмагани ва калтакнинг бари Қорақулнинг бошида синганини ўша тонг ўз кўзи билан кўрди. Ё ўшанда Қорақул мардлик қилиб, барча айбни ўз зиммасига олдимикан? У тентақдан ҳар балони кутиш мумкин.

Эрман, ҳар қанча юраги торикмасин, ҳар қанча Ойбекачни ўйламасин ва у ҳақда қанчалик яхши-ёмон хаёлларга бормасин, барибир асосий воқеадан мутлақо беҳабар эди. Агар аёлнинг бандиларга кўрсатган муруввати туфайли овулда бир қатор жиддий ва таҳликали муаммолар юзага келиб, сўнг бу воқеалар ривожини хавфли нишаблик сари хийла жадаллик билан силжишда давом этмаганида, Итолмас бу қадар ҳаялламаган – соқчи йигитлар томонидан етказилган хабарнинг тўғри-нотўғрилигига шахсан ўзи аниқлик киритиш ниятида дастлабки кунлардаёқ ҳаракатга тушган, яъни тирик бўлса, ўлдирган, ўлик бўлса, тинчланган бўларди. Бироқ бу ёқда йигитлари, «шешини ўз кўзимиз билан кўрдик, қушлар еб адо қилаёзибди», деб турганда, инонмай қаёққа ҳам борарди. Бу ташвиш камдек, иккинчи ёқда Ойбекачнинг ҳеч қутилмаган ўзига хос исёни, қавм аҳли таъбири билан айтганда, кечириб бўлмас хиёлати туфайли юзага келган кейинги нохуш жараён, яъни аёлни жазолайман деб, ўз бошига минг бир балони орттириб олиши Итолмасни тамомила гангитиб қўйганди. Қисқаси, у ташвишлар уммонида қолиб, Эрманнинг ўлик-тириклигини тўла-тўқис аниқлашга сира фурсат тополмади. Дарвоқе, орадан бир неча ой ўтган бўлишига қарамай, аёлнинг қавми ҳалигача тинчиманган, ҳануз ҳўл ўтиндай писиллаб, тутаб турибди. Бу нарса истаган пайтда лоп этиб аланга олиши мумкин. Итолмас мана шундан хавотирда эди. Биладикки, икки қавм ўртасида содир бўладиган тўқнашувдан баттари йўқ – ҳўл-қурук барабар ёниб, жабр кўрмаган бирор тирик жон қолмайди. Қани энди барига этак силтаб, қавмини олиб боши оққан томонга жўнаб қолса. Афсуски, у икки дунёда ҳам этак силтаёлмас – тилла кони сабаб водийга ипсиз боғланиб қолганди. Агар қонга боғланмаганида борми, ўлақолса Ойбекач қавмининг ковоқ-тумшуғига қараб турмаган, ота-боболари йўли ва йўриғини тутиб, кўч-кўронини кўтарганча бир тундаёқ изсиз ғойиб бўларди. Қани, кейин бу ҳадсиз тоғу тошлар бағридан уларни топиб кўришсин-чи! Итолмас яккаш бир

нарсадан – ўшанда рашк деган балога қул бўлиб, ўзини тута олишга куч ва ақл топа билмаганидан жуда-жуда ўкинарди.

У бошда аёлни итдай уриб-сўкиб, сўнг ота овулига ҳайдаб юбормоқчи эди. Бироқ, агар ҳайдар бўлса, Ойбекачдай сулув жувон ҳеч вақт ерда қолмаслиги, эрта бир кун ўзга бир эркакнинг қучоғини тўлдириб, ёқасини оқартириши мумкинлигини ўйлаб, қизганиш ҳиссидан юраги ўртаниб ва тилкаланиб, ич-ичидан доллаш даражасига етаркан, сўнгги дақиқадагина аёлга ўлимни раво кўрганди.

Ўз навбатида, собиқ қули Эрманнинг лошга айланган жасадини ўз кўзи билан кўрмагани боис, у тарафдан юз кўрсатиш хавфи бўлган хужумни назарда тутиб, ҳар эҳтимолга қарши, Қоракулни кунчиқишдаги юксак қоялардан бири – Учқатга вақтинчалик соқчи қилиб қўйишни ҳам унутмади. «Эрман томон, мабодо у тирик бўлса, топталган ор-номуслари важдан қасос олиш қасдида эмас, балки тилла қони дардида жавлон уриб келди», деган гумонга борди. Бироқ бу ортикча эҳтиёткорликка қарши қавм йигитларининг эътирозлари ҳамда орадан ҳафта-ўн кун ўтган бўлишига қарамай, Эрман томондан бирор хатарли шарпанинг сезилмаслиги Итолмасни турли шубҳа ва ҳадикдан ҳалос этди. Ҳолбуки, собиқ қули не сабабдандир – сабаб дегани тоғда бас деганча – йиртқич қушлар емишига айланган экан, энди у олиб қочган оқ тулпорни қидирмоқдан ҳеч бир наф йўқ, деган қарорга келди. Нега деганда, ҳар йили бу сарҳадсиз тоғу тошларда қанчадан-қанча йўқолган хонаки жониворлар ёввойилашиб кетмайди дейсиз. Боз устига, шусиз ҳам бу ёқда бош-кети йўқ муаммолар тўлиб-тошиб ётарди. Шулардан бири – йигитлари санокли бўлишига қарамай, ҳар куни кундузи кунботиш тарафда кўкка бўй чўзиб турган Қушчўққидан соқчи аритмаслик эди. Боиси, Қушчўққидан нариси кенг арчазор водий бўлиб, у ерда онда-сонда шикорга чиққан бек навқарлари ўралашиб қоларди. Чўнг чўққи яғринидаги қоятошлар

орасида кўним топган сокчининг бор-йўк вазифаси – улар ҳаракатидан мудом огоҳ бўлиб туриш эди. Бироқ бу ортикча эҳтиёткорликдан ўзга нарса эмасди. Чунки оёқ остида жаннатдек сўлим водий ястаниб ётганида, ким ҳам икки водий оралиғидаги девордек тик ва юксак довонга тирмашиб юрарди, дейсиз. Аммо олтин васвасаси туфайли Итолмас кейинги пайтда жуда серҳадик бўлиб қолганди.

Қисқаси, ўша таҳликали кунларда у бир ҳақиқатни – маълум бир макону манзилда муқим қолишдан ёмони йўқлигини юрак-юракдан ҳис қилган. Кўчманчи қавмларга, уларнинг эркин туриш-турмушига жуда ҳаваси келган. Кўчманчи қавм ҳеч вақт бир манзилга боғланиб қолмайди, доимо шамолдек эркин ва елгир бўлади. Агар зигирдек хавф-хатар вужудга келса, ҳеч қачон ортикча ваҳимага тушиб ўтирмай, бир тундаёқ ғойиб бўлишади. Сўнг уларни бу тоғлар орасидан топиб кўр-чи. Ундан кўра ғарамга тушган игнани қидириш минг чандон осонроқ. Бунинг акси ўлароқ, ўтроқ қавмларга ҳамиша жуда қийин – юзага келган ҳар қандай хавф-хатарга, истаса-истамаса, юзма-юз бўлишга мажбур – на қочиб қутула олади, на биқиниб. Шунинг учун ҳам ўтроқ қавмлар кўрғонлар мустаҳкамлигига алоҳида эътибор бериб, ўз хавфсизликларини пишиқ-пухта деворлар ортидан қидиришган.

Тўғри, шарқий довонлардан бирининг кунгай бетида Итолмас қавмининг тошдан кўтарилган пишиқ-пухта кўрғони бор. Чор тарафи баланд тошдевор билан ўралган қальсифат кўрғонга биргина дарвозадан кириб-чиқилади. Қавм аҳли томонидан у «қишки кўрғон» деб аталади. Бироқ ҳар томони катта-кичик чўнг қоялар билан қуршалган Тиллаводийнинг мўътадил иқлими ҳамда овлоқ ҳудудда жойлашганлиги туфайли, қавм аҳли қишки кўрғонга эҳтиёж сезмайди. Боз устига, қайси аҳмоқ маъданли конни ўз ҳолига ташлаб, қишки кўрғонга бориб тиқилади? Шунинг учун Итолмас ҳар қандай ҳолату вазиятда қочиш ёхуд биқинишни эмас, энг аввало, ҳимоя чораларини ўйлашга ва бир-биридан пишиқ минг бир тадбир режасини тузиш-

га мажбур. Агар ўшанда Эрманнинг қавми босқин уюштириб, унинг ерига бош сукқанда борми, пистирмага дуч келиб, тутдай тўкилиши тайин эди. Хуллас, сарик маъданнинг сеҳри ва макри ёмон – чангалига тушган одамни ўта шафқатсиз, ўта тадбиркор қилиб кўяди. Керак бўлса, қондошу жондошларни бир-бирига нисбатан ашаддий ғанимга айлантиради.

Итолмас ўз тажрибасидан аллақачон шуни англаб етгандики, рангли маъданда, сеҳр-жозибадан ташқари, сўз ила ифода этиш қийин бўлган қандайдир жоду мавжуд – у ўз асирига айланган кимсанинг қалбидан эзгу ҳисларни ситиб чиқариб, ботинидаги бор қусурларни юзга қалқитади, иллатларни кучайтириб, бу нарсалар унинг феълига айланишига хизмат қилади. Бунга биргина мисол, Итолмаснинг назарида, оғаси Эрдонбой отасидан қолган бир хум тиллага эга бўлмагунча бинойидек йигит эди. Отасининг вафотидан сўнг улкан бойликка эга бўлгач, бирданига ўта хасис, ўта кибрли кимсага айланди-қолди. Худди отаси каби хумдаги хазинани ишлатишга кўзи қиймай, уни тоғнинг одам топмас жойига бекитиб ташлади. Шунинг баробарида, димоғи шишгандан шишиб, ўзини тутишдан тортиб, қадам олишигача кескин ўзгарди. Айни шу нарсалар туфайли ака-ука орасидан ола мушук ўтиб, кейинчалик тузатиб бўлмас улкан можарога айланди. Юз берган воқеа бир қарашда ғоятда жўн – бўрилар томонидан ёриб кетилган тўрт-беш жонлиқ – бор гап шу. Аслида эса оғанини ўртасидаги зиддият сал бурун – отанинг жасади гўрда чиримай турибоқ бошланганди. Бу қавм таомилига кўра, ота ўлгач, унинг бор мулки катта ўғил тасарруфига ўтади. Мабодо амали бўлса, амали ҳам мерос сифатида тўнғич ўғилга насиб этади. Отасидан кейин қавмга бош бўлиб қолган пачаққина Эрдонбой иниси Итолмасни алп келбати боис ҳам азалдан унчалик хушламас, қабатида укасининг мисли қоядай савлат тўкиб туриши ҳамиша унинг ғашига тегарди. Шунинг учун, бирор баҳона топилди дегунча, инисини ерга уришга уринарди. Бўрилар томонидан чавақлаб

кетилган жонлиқлар шунчаки навбатдаги баҳоналардан бири бўлди. Аввалига Эрдонбой шўрлик Қорақулни обдон камчи остига олди. Кейин эса, «сенинг кўзинг қаёқда эди», дея ёнида турган Итолмаснинг яғринига беихтиёр камчи тортиб юборди. Ахир у энди чакана одам эмас, қавм-боши – кўнглига не келса, шуни қилади-да. Бироқ Эрдонбойнинг бу қилиғи жавобсиз қолмади – укасининг енгил бир силтовидан анча нарига оёғи осмондан бўлиб тушди. Оқибат, ўрнидан туришга чоғи етмай, кўкка тикилиб ётаркан, қулоғига чалингани шу бўлди – бундан кейин Итолмас унга тобе эмас, шунингдек, отадан қолган катта мулкка тенг шерик экан. Эрдонбой асрий удум ва қадриятларнинг юзига оёқ қўйишга журъат этган жигарини кечиролмади, натижада, жанжал катталашгандан катталашиб, қавм иккига бўлиниб кетди.

Итолмас ўзига тегишли йигитлари билан айроликнинг дастлабки йилларидаёқ довоннинг офтобли бетиде ўша мустаҳкам қишки кўрғонни барпо этди. Кейинги йили эса акасида улуш сифатида тортиб олинган сурувларига ёзги яйлов қидириб юриб, Тиллаводийнинг у бошидан бу боши томонга бораётиб, қутилмаганда бош бармоқ катталигидаги тилла бўлагини топиб олди. Қимматли бу маъдан шундоққина жилға бўйида йилтиллаб ётган экан. У оқим бўйлаб юқорига ўрлашда давом этаркан, яна бир нечта катта-кичик тилла бўлақларига дуч келди. Қачонки пойида катта-кичик лаҳимлар оғзи қорайиб турган улкан қояга рўбарў бўлгандан сўнггина қавм кексаларидан кўп ва хўб эшитган афсонавий тилла қонига дуч келганини фаҳмлаб етди. Тиллаводийга яқин бир неча юз йил давомида одам боласи қадам босмагани шундоққина кўриниб турарди.

Қоя бағрида биқиниб ётган сарик иблис ўз ўлжасини қўлга тушириш пайида атай «дон» сочиб қўйгандек, Итолмас қимматли маъдан асирга айланди. У узок ҳаялламай, ўз қавмини Тиллаводийга кўчириб келди. Тоғ аҳли орасида азалдан мавжуд бўлган афсона унинг тинчи ва ҳаловатини бутунлай ўғирлаб қўйганди. Риво-

ятга кўра, тиллақоя бағрига жуда катта хазина кўмилган бўлиб, бу иш, босқин пайтида, аввалги маъданчи қавм томонидан амалга оширилган экан. Аслида эса афсонавий хазинасиз ҳам бу маконда тилла дегани жуда сароб бўлиб, фақат машаққат чекиб, меҳнат қилиш лозим эди. Хуллас, қавм йигитлари томонидан дастлаб ўта уқувсизларча бошланган тилла кавлаш ва уни ювиш ишлари секин-аста жонлана бошлади. Бироқ бу ишга ҳамманинг ҳам бардоши етавермас, шу боис, бир юмалаб чорвадор бойдан маъданчи бойга айланган Итолмас қавм йигитлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кул тутмоқни режа қилди.

* * *

Сўнгги кунларда тушларида Оларитнинг руҳи томонидан тез-тез безовта қилинаётган Қорақуюннинг айрим хатти-ҳаракати ва ўзини тутишларида Эрман ўзининг тутқунлик давридаги баъзи ҳолатларни яққол кўра бошлаганди. Жонивор гоҳо ғулда ўта бежо тўлғонганидек, айрим окшомлари Эрман ҳам чоҳга сиғмай қоларди, шерикларидан фарқли ўлароқ, ҳали у ён-ҳали бу ён юрганича, ўзича тутқунликдан қутулишнинг турли-туман режаларини тузган бўларди. Ўз навбатида, соқчи йигитларнинг анойи эмаслигини ёдидан чиқармасликка уринар, уларнинг ўта даражада хушёрлигидан диққати ошарди. Билмасдики, соқчи йигитлар бежизга сергак эмас – мабодо бандилар жуфтакни ростлаб қолар бўлса, маъданли рудаларни кавлаш, уларни тегирмонда майдалаш, сўнг сувда ювиб, рангин урвоқларни ажратиб олишдек сермашаққат юмуш яна ўз зиммаларига тушиб қолишидан чўчишарди. Агар ўшанда қавм йигитларидан бирини лаҳимда тош босиб қолмаганида, ким билади, ҳозирга қадар ўзлари қоя бағрини кавлаб юришган бўлармиди.

– Йўқ! – деганди Итолмас эртасиёқ йигитларни оқ ўтов ёнига тўшлаб. – Бу туришда ҳадемай қавмда бирортаям эр-

как зоти қолмайди. Шунинг учун, бу ишнинг бошқа бир йўлини топмоғимиз даркор.

Эрдонбой билан бўлиб ўтган жанжалдан сўнг қавм иккига бўлиниб, Итолмас тарафга ўтиб, иссик ўринларини совутишга мажбур бўлган йигитларнинг бари бири-бирига хеш, ҳар қандай қора-кура юмушни ўз вақтида дўндирадиган Қорақулдан бўлак барчаси Итолмасга узоқ-яқин қариндош. Мазкур йиғин нобуд бўлган йигит ўтовидан келаётган фарёд остида ўтмоқда эди.

Қавмдошларидан бирор жўяли фикр чиқавермагач, Итолмас бир чеккада бақадек котиб ўтирган Қорақулга, сен нима дейсан, деган маънода кўз ташларкан, туйқусдан миясига келган ўйдан ҳушёр тортиб, сўнг ўз режасини айтди.

– Бу ишда қуллар кучидан фойдаланамиз...

Шу пайтгача овул аҳлидан бирон кимса Қорақулга нисбатан «қул» сўзини ишлатмаган бўлса-да, негадир ўтирганларнинг бари беихтиёр у томон қаради. Бу қарашдан не гаплигини англаган Қорақулнинг хўрлиги келиб, кўзлари намланди. Унинг қаттиқ изза бўлганини пайқаган Итолмас ҳар бир сўзини чертиб-чертиб:

– Қорақул ҳаммамиз учун жигардай яқин одам! Эсларингда тутинглар, у қул эмас, хеш бизга! Гап шу, бугундан бошлаб ҳеч ким лаҳимга кирмайди! Бундан буён конда биздан ҳеч ким ишламайди! – деди.

– Биз ишламасак, ким ишлайди?

– Қуллар ишлайди.

– Қанақа қуллар?

– Бизга ўхшаб боши юмалок, қўл-оёғи бутун қуллар.

– Ҳазил яхши нарса, лекин уларни... қаердан топамиз?

– Дарахтмидики, улар тоғу тошда ўсса...

– Олисроқ тоғу тошлардан, бегона қавмлар орасидан тутиб келамиз уларни, – деди Итолмас дадил оҳангда. – Меҳнатни қуллар қилади, бизнинг ишимиз уларга кўз-қулоқ бўлиб туриш. Агар бўшанглик қилиб, қочириб қўйсаларинг... улар ўрнида ўзларинг ишлайсанлар!

– Қул ишлатиб кўрмаганмиз, қандай бўларкин?

– Яхши бўлади...

Эрман шу мақсадда тутиб келинган навбатдаги тутқунлардан бири эди. Бирок бу тақдир ёзигига кўникмоғи осон кечмади – кундузлари иш билан овунса-да, гоҳи тунлари азбаройи алам қилганидан, кафасга тушган йирткичдай, бир жойда тек ўтиролмаё қоларди. Туйнукдан осмон тўла юлдузларга боққанча, баъзида бирдан бўридай бир ув тортиб қолар, сўнг шерикларини мутелик ва журъатсизликда айблаб, уларни янишга тушарди. Қочаман деб, яқинда ўққа учиб ўлган бурундор йигитни ёд этиб, мижжаларини намлаб оларди. Негаки, бурундор йигит бошқалар каби сукутни эш тутмасди – окшомлари унга кўшилиб ёниб-ёлқинланиб турар, дадил-дадил гап-сўзлари билан унинг кўнглига ўт ёқарди. У гап орасида тўсатдан «ох» тортиб, қуйидаги хитобни такрор этишни яхши кўрарди: «Оҳ-х, тоза алам қилади менга, биродар, тоза алам қилади! Агар билсанг, Итолмаснинг итлари мени бирон овлоқ ерда эмас, овулим биқинидаги ёнғоқзорда банди қилган! Аввал бошимга уриб, сўнг коп кийгизиб опкелишган! Овулда суйганим чиркиллаб қолган! Аллақачон мени ўлдига чиқариб, бошқасига тегиб кетган чиқар! Балки тегмагандир... Орзуylim шу – бу ердан эсон-омон қутулиб чиқай, ўша куниёк ёнғоқзорнинг қоқ ўртасига баланд минора қурдираман-да, ўша минора тепасида ит бўлиб овулимни кўриб ётаман, ҳатто пашшани доритмайман...» Унинг бу гапи Эрманнинг кўнглида хавотирга ўхшаш нохуш туйғуни уйғотади, назарида, Итолмаснинг чапдаст тўдаси Қушқўнмас орқали Туякўзга ўтиб, туғишганларини банди қиладигандек туюлади. «Қушқўнмас ғорига қоровул қўйиш керак», деб ўйлайди. Алами зўрлигидан вақт-бевақт туйнукдан мўралаб турадиган Қорақул билан ғижиллашади. Эркинликни ширин жонидан афзал билган бурундор йигитнинг жаҳдидан таъсирланиб: «Бошқа йўли йўқ – ё ўлмоқ, ё қочмоқ керак!» – дейди. Баъзида соқчиларга шердай ташлангиси, гоҳида эса лаҳимдан қайтиб чиқмай, ўша ерда тинчгина ўлиб қўя қолгиси келади. Бирок тангу тор қоронғи йўлакда жон тас-

лим қилишни истамай, ўлимга ёруғ олам қўйнида рўбарў бўлмоқни маъқул кўради. Негаки, қорачироқ нуридан зўр-базўр ёришган кон йўлаги кишида ёруғ оламга интилиш туйғусини кучайтиради. Дарвоқе, банди тушганидан бери, бурундор йигитнинг акси ўлароқ, у суйган ёри Мойчечакнинг номини тилга олмай қўйган, бунга ўзини нолойиқ деб билади: «Ўз бошини қўрий олмаган мендек бир нодонга ёр ҳақида ўйлашни ким қўйибди!»

Қорақуюннинг ғулда тўлғонишларини ўзича тушунгандек эса-да, бироқ жониворнинг ботинида юз бераётган эврилишларни англаб етмоққа, инсон сифатида қодир эмасди. Бу ҳақда бош қотириб ҳам ўтирмасди. Негаки, Қорақуюн – киши меҳр қўядиган жонзот эмас, ёвуз ният йўриғида махсус тарбияланаётган «жонли ўқ». Яроқдан узилган ўқ ҳавога учиши билан сайёд учун ўз аҳамиятини йўқотганидек, итнинг кейинги тақдири ҳам ҳозирги ҳолати каби Эрманни кўпда қизиқтирмас, мудом беҳос ғулдан чиқиб кетмаслиги ҳақида қайғуларди.

Негаки, у йиртқич!

Аниқроғи, атай йиртқичлик мақомида вояга етказилган ғоятда хавфли жонивор!

Ана, ўтов қошидаги айрилардан бирида унинг ғаройиб емаги – қуритилган бўри эти осиглиқ турибди. Тарбия таомилига кўра, ғулдаги ит ҳафтада тўрт-беш марта ўша этдан озуклантирилади...

Қорақул – нодон!

Агар у нодон бўлмаганида ўзининг ўта билимдонлигини намойиш этиш учун илиқ тунлари чоҳдаги бандиларга, унинг таъбири билан айтганда, манглайи қора қулларга ғулда ит асраш ҳамда унинг тарбияси хусусидаги айрим нозик сир-асрорларни керагидан ортик даражада валақлаб қўймасди. Чунончи, кишидан жиддий сабр-бардош, айрича диққат-эътибор талаб этувчи бу юмушнинг ўзига хос сирлари борки, бу ҳақда, одатда, бировга чурқ этилмайди. Янада аниқроғи, бу соҳада ўзаро тажриба алмашилмайди, яъни кўп нарсалар пинҳон тутилади.

Эрман итни Қорақулнинг йўриғи асосида тарбияламокда эди. Қорақул бир сафар: «Бехос туртки жониворнинг оҳорини тўкади – у бир умр журъатсиз бўлиб қолади. Шунинг-чун ғулга солиниши кўзда тутилган жонивор аввалбошданок гулғунчадек ўта асраб-авайланиши лозим. Туртилган-суртилган кучукдан қопонғич ит чиқиши мумкин, лекин ғул ити чиқмайди. Унинг емаги албатта бўри эти бўлиши шарт», – деганди. Эрман унинг барча айтганларига бекаму кўст амал қилиб, антиқа хўрак – бўри этини дастлаб аталага кўшиб, она ит – Кўкишга берди. Қачонки, қаттиқ емак чайнашга кучукнинг чоғи ета бошлагач, она ит ғулдан бадарга қилиниб, тарбиянинг қолган қисми маълум белгиланган тартиб асосида давом эттирилди. Кучукни одам боласига нисбатан ўчақиштириш, яъни уни ваҳшийлаштириш жараёнига жўраси Омонтой тортилди. Натижада, Қорақуюн ўз эгасидан ўзгани тан олмайдиган ўта ёвуз махлукқа айлантилди.

Қорақуюн тоғу тошларда санқиб юрадиган бўрилар исидан кутургандек, шу кунларда олис даштдан эсадиган дайди ел, қавм аҳли таъбири билан айтганда, қибла шамоли қанотига илашиб келиб қоладиган шувок бўйидан ўртанмокда эди. Шувок ҳидини туйиши ҳамон, сарҳадсиз кенглик бағрида мисли шамолдек елиб-югуриш иштиёкида ёна бошларди. Бу истак бошда тушларида безовта қилган бўлса, эндиликда ўнгида ҳам тинчини буза бошлаганди. Айниқса, оқшом, гоҳида эса ярим тунда у ғулга сиғмай қоларди.

Афсуски, Қорақул чоҳдаги тутқунларнинг руҳиятини англаб етмоққа кодир бўлмаганидек, Эрман ҳам ғулдаги жониворнинг дам-бадам бежо тўлғонишлари сабабини идрок этмоққа ғоятда ожиз эди.

Қорақул баъзи оқшомлари тўсатдан тутақиб, ҳеч бир сабабсиз бандиларга тирғалиб қоларди.

– Ойбекач ойим хўжайинга билдириб-билдирмай, сизларни ёмон кўп сийлаяпти лекин! – дейди узун олачипор жун аркон учига боғланган саватда таом тўла идишни чоҳга тушираркан, гўё ўзига кам қолаётгандек, зардаси қайнаб. – Ўзи нима еса, сен манглайи қораларга ҳам шуни илинади! Бундай хомчўт кип кўрсам, ҳар сўйилган кўйнинг чорак қисми сен итларга кетаркан! Шукр қилиш ўрнига, баринг ковоқ-тумшук қиласан тагин! Лаънати нонкўрлар! Яхшиликни билмаган тўнғизлар! Мен берган овқатни гуппа-гуппа туширасанлар-у, лекин биттанг қуллук қилай демайсан! Ярамас текинтомоқлар! Агар ихтиёр менда бўлганидами, ҳаммангни ювундига боғлардим!..

Эндигина тин олиб, қорачирок ёруғида тилинган, шилинган жойларига Ойбекач томонидан берилган малҳамдан сураётган тутқунлар шундан билишадики, бу кеч овулдан Итолмаснинг қораси ўчган. Одатда, у йўқ кезлари Қорақул дарров ўзгаради – ўзини хўжайиндек ҳис этиб, тирғалишни бошлайди. Тутқунлар унинг куракда турмайдиган бу хил қилиқларига кўникишган – пинак бузишмайди. Аммо гап ювунди хусусида кетганда, улар чидаб туришолмайди.

– Қора меҳнат емакнинг кучи билан-ку, нодон! – дейди кимдир шалок сўкиниб. – Агар бизни ювундига боғласанг, шунча ишни ким қилади, энангни гўрда ётган эри қиладими, нодон!

Бу гап Қорақулга айилдек ботади.

У туйнукдан ичкарига мўралаб, эндигина таомланишни бошлаган тутқунлар орасидан гап эгасини беҳуда қидиришга тушаркан, оғзидан тупук сачратиб дейди:

– Қайси биринг?! Ув-в, манглайи қоралар, мен сизлардан сўраяпман, қайси биринг сайрадинг ҳозир?!

Бунга жавобан ярим қоронғи чоҳ тубидан яна болохонадор сўкиш эшитилади.

Қорақулнинг бир зумга қораси ўчиб, салдан сўнг қўлида калладай тош, яна туйнук оғзида пайдо бўлади.

Бироқ йигитлар чўчишмайди. Бунақа пайтда уни қандай даф этишни яхши билишади.

– Агар ҳозирок даф бўлмасанг, – дейди бири оғзидаги лукмани чала ютиб, – барини Итолмасга айтамыз!

– Сенга тилла кавлаб берадиган кўлимизни қасддан тош билан уриб синдирмоқчи бўлди, деймиз! – дейди иккинчиси.

– Ювган тиллаларингдан ҳар куни менга бекитикча улуш бериб турасанлар, деб айтди деймиз! – дейди яна кимдир.

– Сенга сира дўстлиги йўқ, тилла конига ўзи эга чиқмоқчи деймиз!

Ҳозиргина кўлидаги тошни куйига иткитишдан тоймайдиган важоҳатда гезариб турган Қоракул бу бўҳтонлар ёмғири қаршисида жуда ожиз қолади. «Мабодо бу гаплар Итолмаснинг кулоғига етиб борса борми, тамом – оёғимдан осиламан», деб ўйлайди ваҳимага тушиб. У аввалига айб иш қилиб кўйган боладек бўзаради, сўнг кўзлари ғилтиллаб, шоша-пиша ўзини оқлашга тушади:

– Мен... ундай... демарим-ку...

– Дединг! – дейди чоҳдагилар жўр овозда.

– Демарим! – Қоракул қасам ичишга тушади.

– Унда нега бошимизга тош кўтариб келдинг?

– Тош? – Қоракул кўлидаги тошни энди кўраётгандек, унга ҳайрон тикилади.

– Ҳа, тош.

– Ия, бу қаердан кўлимга тушиб қолди?

– Буни Итолмасдан сўраймиз.

– Мен ҳозир...

Қоракул кўлидаги тошни четга улоктириб, ошиғич туйнукни тарк этади-да, хиёл вақтдан кейин бирор тансиқ емак билан яна чоҳ оғзида пайдо бўлади.

Чоҳ кулгуга тўлади.

У қаҳқаҳага эътибор бермайди.

Кўлидаги емакни арқонда куйига тушираркан, гўё ўта муҳим сирдан воқиф этаётгандек, аста дейди:

– Аслида-чи... овқатни мўл-кўл сузинг деб, Ойбекач ойимга ўзим айтиб тураман. Эмасам...

– Ака, пастга тушинг, гурунглашамиз, – дейди йигитлардан бири Қорақулнинг бу қадар соддалигидан кўнгли ийгандай, атай «сиз»лаб. – Шунча тиллани нима қиласиз? Шундан гапиринг бизга.

– Чоҳга тушиш бизга мумкин эмас-да, – дейди Қорақул мўмингина бўлиб. – Хўжайин билса, этимни нимталайди. Эмасам, гурунглашиб ўтиргим келади мениям.

– Шунча тиллани нима қиласиз... айтмадингиз?

– Тилла эгаси биз эмас, хўжайин, – Қорақул бошини кўтариб, ҳадик-ла теваракка тезгина кўз югуртиради-да, сўнг ярим овозда дейди: – Тиллани нима қилади, буни фақат у киши билади.

– Сизга улуш тегадими, ишқилиб?

– Йўқ, тегмайди, – дейди Қорақул ўксиниб. – Меҳнатнинг зўрини мен қилсам-да, ҳечам улуш тегмайди!

Эрман тилла борасидаги гап-сўзларни унча хушламайди. Айниқса, кулик ва хўрлик нонини татий бошлаганидан буён лаънати рангли маъданни кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ. У кўпда гапга қўшилмай, ўчоқдаги ўтга тикилганча, хаёлга ботади, гоҳида Ёвузқояга боғлиқ воқеаларни хотирлашга тушади. Негаки, олтин ҳақидаги илк нохуш тасаввурри ўша қоя тимсолида бўй кўрсатганди-да.

У вақтда Эрман эндигина ўсмир ёшига етган йигитча, Ёвузқоя деганлари эса тоғдаги ўнлаб номсиз қоялардан бири эди. Кейинчалик бағрига яширган қимматли маъдан туфайли шу номга эга бўлди. Хуллас, кунлардан бирида йигитчанинг эшитгани шу бўлдики, қоя пойидан олтин урвоқларини топган овулнинг тўрт-беш эпчил йигити энди пинҳона равишда қоя бағрини ўйиб кўришмоқчи эмиш.

Эсида, ўша оқшом жамоа ўчоғи теварагига жамланган овул кексалари нохуш кайфиятда ниманидир ўйлаб, ниманидир сўйлаб ўтиришарди.

Агар шу ўринда, «жамоа ўчоғи» деган атамага андак изоҳ бериб ўтадиган бўлсак, бу – қоқ марказида тошдан махсус ўчоқ тикланган ўтов шаклидаги тошкулба бўлиб, ёгин-сочин кунларда қавм ҳаётига оид барча зарурий ма-

салалар ушбу кўналғада кўрилади, муҳокама этилади. Узоқ қиш оқшомлари эса ўзларининг тор гўшаларида торикқан ва зериккан овул кексаларига гурунғхона вазифасини ўтайди. Кўхна йўриққа кўра, қишда жамоа ўчоғига қараш ва бошқа шу каби майда-чуйда юмушлар ўсмир ёшдаги йигитчалар зиммасида бўлиб, бу ишга улар навбат билан жалб этиб турилади. Навбатчи йигитчалар оқсоқоллар хизматини адо этиш билан бир қаторда, уларнинг ўғитга бой гурунғларидан бахраманд бўлмоғи шарт. Бу – ўзига хос тарбия воситаси ҳисобланади.

Ўша куни оқсоқоллар хизматида бўлган Эрман, бу сафар гурунғ одатдагидан кўра ўзгачароқ кечаётганини дарров пайқайди. Гап-сўзларда аввалги файз, аввалги салмоқ йўқ, худди азага келишгандай, калта-култа эди:

- Аввалига паридек жилваланиб ўзига тортади...
- Ҳа, ўзига ёмон тортади...
- Сўнг йўлдан чалғитади...
- Ҳушни ўғирлайди...
- Кўзни кўр қилади...
- Кўнгилни кирлатади...
- Ҳушёр бўлинмаса, ҳалок этади...
- Балогоа гирифтор этади...
- Биродарлик йўқолади...
- Ғанимлиқ урчийди...

Шу пайт итлар хуриб, овулга кимдир яқинлашаётганидан огоҳ этади. Ўчоққа яқин ўтирган жиккак чол тўрда кўр тўккан Бардам чолга савол назари билан боқайди ва унинг имосидан сўнг қанотланиб, эшик томон юради. У эшикни қия очиб ташқарига мўралаб, гўё оқшом пардасига чулганган оппоқ тоғлар сеҳрига ошуфта бўлгандек, осто-нада бир муддат тек туриб қолади-да, кейин эшикни ёпа ортига ўгириларкан, мамнун бир кайфиятда кулимсираб:

– Келишаяпти, – дейди.

Даврада фавқулудда жонланиш юзага келади.

– Мана кўрасиз, кирмасдан ўтишмайди.

– Йўқ, тилланинг жодуси ёмон, киришмайди...

– Юзимизга оёқ кўйишмас ахир...

– Тилла бор ерда, хатто падарнинг бетига оёқ кўйилади...

– Аввалдан фол очмайлик, яхшилар.

– Ҳа, фол очиш ярамайди.

– Ҳозир эшикдан кириб, «хорманглар, гурунг бино-йидек кетаяптими, хўш, буларни нима қиламиз энди», дея топган-тутганларини ўртага ташлашса, бекорга уялиб қолмайлик.

– Ташлаб бўпти...

– Ташлайди!

– Аввал бу ёққа киришсин-чи, сўнг кўрамиз, ташлайдимиз-йўқми.

Бардам чол ўнг қўлини хиёл юкори кўтариб, оқсоқолларга хос босиқлик билан баҳсга чек кўяркан, бир четда сергак ўтирган Окбўтага:

– Энди сиз каранг, Окбўтавой! Назаримда, анча ҳаяллаб қолгандай улар, – дейди.

Окбўта эшикни қиялатиб, ташқарига қараркан, ҳайратини яширолмади:

– Ия, аллақачон ин-инларига кириб кетишибди-ку!

Даврага оғир, жуда оғир сукунат чўқди.

Шу пайт худди атай қилгандек, ўчоқдаги ўт шўхчан чирсиллаб, қорақумғон ғашга тегиб, жиғиллай бошлади.

– Бу – биринчи ёмон аломат, – деди Бардам чол вазминлик билан.

– Ҳозир бориб, барини олдимга солиб келайми, оқсоқол? – деди Окбўта жаҳдланиб.

– Сиз элбошилиққа сиёғли одамсиз, Окбўтавой, – деди Бардам чол ўша босиқ оҳангда. – Тезоблик сизу бизга ярашмайди, ҳамиша оғир бўлинг! Бу кеч индамайлик. Эртан уларни бу ерга чорлаб, аввал ранг-рўйларига бир разм солайлик, сўнг қолган гапни гаплашамиз...

– Қоянинг жуда нобоплигини айтиб кўйиш керак уларга...

– Айтамиз.

– Мен айтганман, оқсоқол, – дея гапга аралашди жиккак чол. – Қоя бағри нобоп, тошлари омонат, деганман.

- Тағин айтиш керак.
- Ёш бола эмас-ку, буни ўзлари ҳам билишар...
- Жодуга учган одам билганини ҳам эсидан чиқаради...
- Балким... ҳозир келиб қолишар?
- Келишмайди, айтганингиздек, жодуга учиб бўлди улар.
- Унда эртан қаттиқ тайинлаш керак.
- Ҳа, тайинлаш керак.

Бирок оқсоқоллар тайинлашга улгуришолмади.

Тонг бўзармай қишлоқни тарк этган йигитлар тошлар остида қолиб нобуд бўлишгани ҳақидаги машъум хабар чошғоҳга қолмай овулга етиб келди. Шу кундан эътиборан «Ёвузқоя» номига эга бўлган қоя йигитларнинг сўнгги ва мангу маконига айланди. Марҳумлар жасадини олишга бўлган барча уринишлар зое кетди – харсангтош аралаш тошлар қатлами кишилар саъй-ҳаракатига монелик қилди.

Аслида Ёвузқоянинг турк-таровати азалдан совуқ эди. Фожеадан сўнг, кишилар назарида, у янада мудҳишроқ тус олди. Унинг пойини ювиб ва ялаб оқадиган жилға ўзанидаги ялтироқ маъдан зарраларидан кишилар ҳайиқадиган, ҳатто ирганадиган бўлди. Овул аҳли ирим қилиб, ҳозиргача жилға сувидан ичишмайди.

Бирок тақдир йўриғини қарангки, тилла деганда, Ёвузқоядан ўзгасини тасаввур қилолмайдиган ва ҳамиша ушбу мудҳиш жойдан айланиб ўтадиган Эрман эндиликда бутунлай ўзга тоғ бағридан лаънати маъданни кавлашга мажбур. Ёвузқоя бағридаги маъдан овулдошлари умрига зомин бўлган бўлса, бу тоғдаги маъдан уларни қулликка маҳкум этди. Қуллик сиртмоғидан қутулмоққа уринганлар эса муқаррар ўлимга рўпара бўлади.

Энди Итолмаснинг ҳов бирда берган ваъдасига келсак, турган гап, унинг таги пуч эди. Эмишки, боскин пайтида ўтган қавмлар томонидан бекитилган ўша афсонавий хази-на топилиши билан барча тутқунлар озод этилармиш, озод этилибгина қолмай, хазинадан уларнинг ҳар бирига етти пуштига етадиган даражада улуш берилармиш. Бунинг учун улар жон куйдириб ишлашлари лозим эмиш. Сўнг ҳар ким

қайта юз кўришмаслик учун ўз йўлига кетармиш, тутқунлик эсдан чиқиб, ҳамма рўшнолик кўрар эмиш. Иккинчидан, агар иш суръати шу тарзда давом этса, ҳадемай палахса-палахса бўлиб ётган тилла қатламига дуч келиш ҳам мумкин эмиш. Кейин, марҳамат, истаганингча бўлаклаб олавер эмиш. Бу каби афсоналарга барча – соқчи йигитлардан тортиб, тутқунларгача ишонишади. Аммо бу борада Эрманнинг қарашлари бутунлай бўлакча – тоғу тошларни чўкилайвериб тажриба орттиргани боисми, ё табиат ато этган туғма майли туфайлими, рангли маъданли қатлам маълум бир йўналиш бўйлаб ётишини билганидек, палахса-палахса соф олтин бўлаклари табиатда учрамайдиган ҳол эканини ички бир туйғу ила идрок этади. Бироқ шунга қарамай, гоҳида хазинани учратиш умидида шифтининг у ер-бу ери ўпирилиб тушган кўҳна кон йўлақларига синчков-синчков қараб кўяди, гоҳида эса бирдан ғазаби қайнаб, Итолмасга бетланганча унинг бу борадаги барча орзу-ўйларини пучга чиқариб ташлагиси келади. Афсуски, у билан юзлашмоқ қийин – Итолмас тутқунлар билан сўзлашмоқ нари турсин, ҳатто яқинига йўлатмайди. Ҳафтада бир-икки ғулдаги итларни бандиларга гиж-гижлаш пайтида бир лаҳзага кўриниш беришини демаса, қолган вақт қорасиниям кўрсатмайди. Аммо ўзи кўринмаса-да, унинг метин ҳукми ҳамма жойда, ҳаттоки ҳавода ҳам яққол сезилиб туради.

Эрман юрагини куйдираётган қизгин туйғуларини баъзида Қорақул орқали Итолмасга етказишни ўйлайди. Аммо Қорақулга айтилган ҳар қандай гап манзилга етмаёқ, йўлда тўкилиб-сочилиб кетишини ўйлаб, аҳдидан қайтади.

* * *

Итолмас ривоятларда таъриф ва тавсиф этилган афсонавий хазинага қисман ишониб, қисман ишонмаса-да, лекин кутилмаганда ўта улкан бойликка эга бўлишни жуда-жуда орзулайди. Бошда топилганига қаноат қилиб келган бу банданинг иштаҳаси кейинги пайтда фавқулодда очилиб, кунда

ювиб олинаётган тилла урвоқлари кўзига кам кўрина бошлаганди. Шунинг учун у афсонавий хазина топилишини ғоятда истар, гоҳида ўз-ўзидан тўлкинланиб, босиқ феълига хос бўлмаган бир оҳангда йигитларига: «Қани энди ўша хазина топила қолса-ю, барингни бекка айлантирсам...» – дерди. Сўнгра юксак тоғлардан олисда, бийдек кенглик киндигида жойлашган катта шаҳардаги чоғроқ қасрни кўз олдига келтириб, иштиёқ билан гурунг бергиси келади. Лекин табиатан камгап эмасми, эринади. Гурунг мавзуси хаёлида кечади ва бунда у ташқи ҳовли таърифи билан чекланади, негаки, ҳар сафар шаҳарга тушганида қасрнинг ташқи ҳовлисида бўлиб қайтган, ички ҳовлини эса фақат сиртдан кўрган. У меҳмон бўлган ташқи ҳовли, унинг назарида, жаннатнинг нақ ўзи эди: ўртада гирдига турли рангдаги тошлар терилган кўм-кўк ҳовуз, чорбурчак пишиқ гиштлар ётқизилган узун йўлаклар гирди гулу гулзор, ҳовли тўридаги чоғроқ боғ марказида ҳашамдор шийпон қад ростлаган, ҳовуздан шийпонга қадар чўзилган яна бир энсизроқ йўлакнинг ҳар иккала чеккаси эса тигиз япроқли пакана буталар билан безалган, ҳовли саҳнида ўзи гўзалу овози хунук товуслар бемалол сайр қилиб юради, айримлари ҳуркмай, қўлингдан хўрак ейди, қафасдаги турли-туман сайроқи қушлар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Итолмасга янада хуш ёққани – тўкин дастурхон атрофида хипчиндек озгин йигитларнинг хизматда бўлиши ва амрингга мунтазир туриши эди.

Итолмас бу ҳовлида тўрт бора бўлган. Ундан ювиб тозаланган олтинларни харид қилиб оладиган Ҳасан отлик савдогар авваллари уни бозордаги қатор дўконларидан бирида қабул қиларди. Кейин меҳри ийдими, ё унга нисбатан қандайдир ишончи ортдими, бир боришида ҳовлисига таклиф этди. Умри пишиқ тошқалама кўрғонлару ёзги яйловларга тикилган кигиз ўтовларда кечиб ва ўтиб келаётган Итолмасга шаҳарлик дўстининг бу ошёни афсонавий бир жаннат бўлиб туюлди ва кўнглида ўшандай маконга эга бўлиш истаги туғилди. Йигитни ғоятда лол қолдирган яна

бир ҳолат – ҳовлида аёл зотининг кўзга ташланмаслиги эди. Ахир у яшайдиган манзилда ҳамма нарса очик-сочик, аёллар эркаклардан бекиниб, юзини яшириб ўтирмайди. Шаҳарда эса, гўё уларни биров олиб қочадигандек, аёл зоти ичкари ҳовлидан бери чикмас экан. Бу синоатлар бошда Итолмасга ғалати туюлса-да, кейинчалик барига кўникди.

У Ҳасаннинг лаззатли таомларидан тотиниб, гурунгла-ридан баҳраманд бўлгани сари, ўзининг тоғдаги турмуш тарзи жуда жўн, жуда ёввойи туюла бошлади. Агар бу одам биз томонларга бориб қолса, ҳайратдан эси оғиб қолса керак, деб ўйлади. Ички ва ташқи ҳовлили маҳобатли қаср қаерда-ю, ўтлоқдаги ўтов қаерда. Тоғнинг кунгай бетида-ги тошқўрғони ҳам мақташга арзигулик эмас – ўзига хос истехком сифатида бунёд этилган бу макон меҳмон кутгулик ҳолда эмас: унда яшаш мумкин, лекин яйраб бўлмайди. Шунинг учун ўз турмуш тарзи ҳақидаги барча саволларни ҳамиша жавобсиз қолдиришга тиришади.

Ўз навбатида, «жаннатмакон» деганлари ўлгудек зерикарли бўлишини пайқашга ҳам улгурди.

У кейинги сафар «жаннат»дан кочди.

Ўзининг тинч, сокин ва қадрдон тоғлари бағрига ошиқди.

У шу «қочиш»да Қўшўркачли водийга етгачгина, енгил тин олиб, сукутга чўмган тоғларни нигоҳи ила қучмоқ истади. Аммо тоғлар чўнг ва маҳобатли – нигоҳига сиғмади. Бироздан сўнг бу улуғворлик қаршисида ўзини чумолидек ушоқ сизди ва ички бир ундовга итоат этганича, астагина ерга – ўзича тоғ тўшига бош қўйди.

Шу созда қанча ётди, билмайди.

Қачонки, сукунат занги – ғайритабiiй бир сасдан ўзига келганида, кун адоқлаб, бобо қуёш аллақачон чўккилардан бири бошига қўнган – ҳадемай борлиқни қора тун ихтиёрида қолдириб, тоғлар ортига шўнғиш тараддудида эди.

Итолмас сукунат сасини аниқ эшитди.

Одатда, бу ғайритабiiй сас – зангни биров илғаб, биров илғамайди, биров эса умуман фаҳмига етмайди. Қўнғирокнинг бехос ҳамда ўта енгил тебранишидан

юзага келадиган садога ўхшаб кетадиган бу сас дастлаб бўшлиқнинг олис, жуда олис қаъридан қалқиб чиққандек бўлади. Сўнг эса, бирдан иккилана бошлайсиз – негаки, бир зумдан кейин занг овози бўшлиқ қаъридан эмас, ботинингиздан силқиб чиққандек туюлади-да. Аслида эса ғаройиб бу сас киши ботинида эмас, коинот қаърида сас беради, асосан, сокин тунлари...

Итолмас ғайритабiiй сасдан ҳушёр тортиб, секин бошини кўтараркан, нигоҳи жаннат янглиғ, ниҳоятда гўзал манзарага тушади. Окшом олди ёғдусида арчазор қиялик туби бўйлаб ҳув олисдаги довонга қадар чўзилган зангори кўл кечки куёш нурида ажиб бир тусда товланар, унинг бўлик ўтлоқзор билан безанган соҳили томон шиддатла бостириб борган асрий арчазор, худди нимадандир ҳурккандай, ўтлоқдан анча берида ҳадик-ла тўхтаб қолган. Кўкда сузиб юрган бир парча оппоқ парку булут кўл сувида акс этиб, бу манзарага янада сирли жозиба бахш этганди.

Қаршисида ястаниб ётган бу «жаннат» Ҳасанники каби сунъий эмас, табиий эди. Минг афсуски, Итолмас бу аслиятга қалбидан жой беролмади, унинг юраги ҳануз кўлда яратилган ўша зерикарли жаннат ишқида ёнарди. Бироқ киши меҳнати орқали юзага келадиган жаннатга янада кўпроқ қимматли маъдан керак эди. Тўғри, унда маъдан кам эмас – керагидан ортиқча. Агар истаса, Ҳасанникидан тўрт карра муҳташамроқ қаср бунёд этмоғи мумкин. Ана, у хаёлан ўша қасрни тиклашга улгурди ҳам. Бироқ тасавурида тикланган бу гўзал қасрга содиқ кули Қоракул сира ярашмай турарди. Бу қасрга Ҳасаннинг хизматкорлари каби хипчиндай озғин йигитлар лозим эди. Улар мисли шарпа янглиғ ҳаракатланиб, хизмат деганини дўндиришади. Қоракулда эса на дид бор, на назокат – боқувдаги мастликқан буқанинг нақ ўзи, хизмат қиламан деб, муҳташам қасрнинг бир томонини ўпириб юбориши ҳам мумкин. Бироқ Итолмас содиқ кулини оклашга дарров жўяли баҳона топади – Ҳасаннинг хипчиндек озғин йигитлари қасрдан ташқаридаги муҳитга асло ярамайди, маса-

лан, тоғу тошда уларни шамол учириб кетиши мумкин. Бу ёввойи оламга Қорақулга ўхшаш, йўнилмаган харсангдай ғадир-будур кимсалар ярашади. У хаёлига янада эрк бериб, мухташам қасрида Қорақулга зўр бир юмуш топади – уни қаср эшигига қоровул қилиб кўяди. Қани, энди кўшқаватли қасрига бирор ёт одам кириб кўрсин-чи! Бундан ҳам сози – энди кундан-кунга тобора салмоғи ортиб бораётган олтин захирасининг асосий қисмини қайси гўрдаги қоронғи ғор пучмоқларига бекитиб юрмайди, қасридаги катта-катта сандиқларда асрайди.

Кон эгаси бўлганидан бери Итолмаснинг ҳаловати йўқолган, қимматли маъданларнинг маълум бир қисмини ўтовда қолдириб, қолганини шарқи-шимолий томонда бўй ростлаб турган Учлиқоя бағридаги ғорлардан бирида сақлайди. Бойси, Учлиқоя овулга бет бўлиб, унинг белидаги қадимий кўрғон харобалари кўзга яққол ташланиб туради. Ушбу кўхна кўрғон харобалари тепасидаги ўнгирда тор оғизли бир нечта ғор мавжудлигини Итолмасдан бўлак ҳеч кимса билмайди. У, гоҳида, «ривоятда тилга олинган ўша сирли хазина ушбу кўрғон аҳли томонидан ғорлардан бирига яшириб кетилмаганмикан», деган гумонга боради. Бироқ гумонига аниқлик киритиш учун ғорларни бошдан-оёқ тит-пит қилиб чиқишга юраги дов бермайди, ҳафсаласи ҳам етмайди. Шунда ҳов бирда тутқунларга берган ваъдаси, яъни «ўша хазина топилган куниёқ барингни озод этаман», деган гапи эсига тушиб, истехзоли жилмайиб кўяди.

* * *

Учлиқояга яна бир кимса – Эрман ҳам безътибор эмас. Итолмасдан фарқли ўлароқ, уни водийдан туриб қаралганда кўз илғамайдиган ғорлар эмас, кўхна кўрғон харобалари кўпроқ қизиқтиради. Оқшом тутқунлар сафида, чарчоғи зўрлигидан оёғини базўр судраб кўналгага қайтаркан, ҳар сафар қоя бағридаги кўрғонга ўзгача нигоҳ – соғинч ва ўкинч назари билан боқади. Сабаби, қалин ва мустаҳкам

тошдеворлари ҳанузгача бус-бутун сақланган бош кўрғон ҳамда уни тевараклаган бошқа биноларнинг умумий шакл-шамойили, тўрт томонга чўзилган тор ва қисқа тошкўчалари у туғилган овулга айнан ўхшар, назарида, аждодлари қай бир замонларда Учлиқоя ҳудудини макон тутиб, сўнг Туякўз водийсига кўчиб кетишгандек туюлади.

– Ҳар кеч Учлиқояга энасини соғинган боладай термулиб-термулиб кўясан, тинчликми? – дея сўрайди бир оқшом Қоракул нарида турган тунги соқчилар назорати остида чоҳ оғзида унинг билагини кишандан халос этаркан. – Бирор нимани илғадингми дейман?

– Ҳа, илғадим! – дейди Эрман овулини назарда тутиб. – У ерда бағримни оловдек куйдираётган соғинчларим ва ўкинчларимни илғадим!

– Оббо, гапниям пичоксиз сўясан-да, – Қоракул ўзича уни ўта нодон санаб кулади. – Бундай одамга ўхшаб гапирсанг-чи. Қани, туш пастга!

У Қоракулнинг енгил турткисидан сўнг чоҳга туширилган шотига оёқ кўяркан, оқшом ёғдусига чулганган кўрғонга бот кўз ташлади ва кутилмаганда жисми-жонида азобли бир оғриқни ҳис этиб, беихтиёр инграб юборди:

– Лаънати Итолмас! Олтин паллам – йигитлик давримни хароб этаяпти-я!

– Нима? – Қоракул хушёр тортади. – Олтин дедингми? Қанақа олтин?

Эрман яна ўша таниш саркаш туйғу измига тушади, яъни қоя бағридаги қадимий кўрғон каби тўзиб битишни эмас, қандай қилиб бўлмасин, тутқунликдан халос топиш чораларини ўйлайди ва бунга сари журъатсиз шериклари кўзига нақ балодай кўрина бошлайди. Эрманнинг назарида, бу ёруғ оламда улардан ўтар нодон, улардан ўтар тентак бўлмаса керак. Агар улар шу қадар аҳмоқ ва нодон бўлишмаганида, баттол Итолмаснинг ҳов бирда айтган гапига ҳалигача лаққа тушиб юришармиди. Эшитган одамнинг аламдан додлагиси келади, нима эмишки, бандиларнинг қисмати ўша афсонавий хазинага боғлиқ эмиш,

у топилиши ҳамоноқ барчаси озод этилармиш. Бу камдек, айрим бандиларнинг соддалиги куракда турмас даражада эди – ҳасрат қилишга худди бошқа одам куриб қолгандай, топилиши қийин бўлаётган бу хазина хусусида соқчи йигитлар билан дардлашгиси келарди. Билишмайдики, хушёрлик ва шафқатсизлик бобида ёввойи йиртқичлардан қолишмайдиган бу соқчи йигитларнинг кон теварагида сочилиб ётган забонсиз қоятошлардан ҳеч фарқи йўқ – на «ҳа», на «йўқ» дейишни билишади, фавқулодда кўнгиллари ийиб, муртлари тагидан бир зумга илжайишларини демаса, қолган пайт мисли бақадай қотиб, бақрайиб тураверишади.

Эрман юзларига тўнглик ниқобини атай тортиб олган соқчи йигитлардан ошқора нафратланади. Тошга ҳар чўкич урганида эса, Итолмаснинг номини тутиб сўкинади, уни гўрдан олиб, гўрга тикади ва ҳамиша бир нарсани – тоғ жинсларидан ажратиб олинган қизғиш маъданни мўл-кўл эритиб, тўйгин сен, дея унинг оғзи-бурнига тўлдириб-тўлдириб қуйишни орзулайди. Бу орзусини кунда неча-неча бор хаёлан адо этади. Қорачироқнинг сассиқ ҳиди ва тутунига тўлган лаҳимда нафаси қисилиб ўлай деганда эса, алами тошгандан-тошиб, яккаш ўзини лаънатлайди, «бундай юргандан кўра ўша Чохлидарада ўлиб кетганим минг карра дуруст эди», дея ўкинади. Ақл-идроки тиниклашган кезларда эса, бу оғир қисматдан тоғ оралаб қочишни ўйлайди, қочган тақдирларида изларидан зумда етиб олиши тайин бўлган ёвуз ғул итларига қарши чоралар ҳақида бош қотиради. Қани энди, қўлидан келса-ю, ўтов ортидаги қатор ғулларда сақланаётган итларнинг барини ғулдаёқ бўғиб ўлдирса, ёхуд тоғдаги бирор гиёҳ билан уларни ҳид ола билмайдиган банги махлукқа айлантириб қўйса! У қочоқлар ҳидини ололмай тоғу тошда сарсон искаланиб юрган ёвуз итларни кўз олди-га келтириб, мийиғида кулиб қўяди.

Кунлардан бирида эса ҳеч кутилмаганда ғул итларини галлаб кетиш чорасини топгандай бўлди.

Ўша куниям шилинган ўнг тирсагини сўл кафти билан тутган қўйи, шум тақдирига лаънатлар ўқиганча саф

бошида, соқчи йигитлар таъбири билан айтганда, занжир бошида чарчоғи зўрлигидан зўр-базўр қадам санаб келаркан, овул бошидаги ўтовларга етганда, одатдагидек, овул итлари шовурини эшитиб, аста бошини кўтаради ва алами баттар кўзиб, айбсиз жониворларни тепкилаб ташлагиси келади. Аммо, мабодо шундай қилар бўлса, бикинига милтиқ кўндоғи келиб тушишини ўйлаб, ўзини тийди, теваракка ғамнок боқди. Қаршисидаги кечки манзара киши ақлини лол қолдирадиган даражада тароватли эса-да, барча тутқунлар каби бу гўзалликни идрок этмоққа жуда ожиз эди, негаки, мазкур водийдаги жамики нарса, ҳатто ерда думалаб ётган оддий тошгача етти ёт бегона, бари унинг кўзига балодай кўринарди. У ҳар кеч Учлиқоя пойидаги кўрғон харобаларига разм солишга соларди-ю, лекин қоянинг сўл қанотидан ўрин олган Бурунқоя шаршараси ва унинг бекиёс кўрку тароватини ҳамиша эътиборидан четда қолдирарди. Агар ўша куни, чамаси, ўттиз беш кулочча баландликдан қуйига отилиб тушаётган шаршара – сув пардаси ортига дам-бадам шўнғиб чиқаётган калхатдан каттароқ қандайдир қушнинг ажабтовур хатти-ҳаракатини туйқусдан илғаб қолмаганида, табиийки, шаршарага нисбатан айрича қизиқиш ҳиссини туймаган бўларди.

У қушнинг ҳаракатларини андак ҳайрат, андак ажабланиш билан кузатганча, йўлда давом этаркан, Бурунқоя шакл-шамойили афсонавий одам қиёфасига ўхшаб кетишини дафъатан пайқаб қолди: сўпоқ бошли қоянинг манглайга қиёсланмиш юқори қисми девордек тик бўлиб, ўша тик девор, яъни манглай пойидан улкан қоятош худди бурундек бўртиб чиққан, унинг тагида эса мисли мўйловдек бўлиб, бир неча туп пакана арча кўклаб турар, арчалар тизимидан қуйироқдаги камар – ўрадек очилган «оғиз»дан эса катта ҳажмдаги кучли сув оқими шиддатла отилиб чиқарди-да, мисли иякдек олдинга туртиб чиққан қоятошга урилиб, қиз боланинг сочидай ёйилиб қуйига энарди. Шаршара суви қоя тубида кўнқайиб турган катта-кичик қоятошлар юзини ювганча катта-кичик

жилғалар ҳосил қилиб, пастдаги Тилласой ўзани томон ошиқарди.

Тилласой.

Олисдаги қорли дараларнинг биридан кичик жилға сифатида бошланиб, Тиллаводийга етгунга қадар катта оқимга айланиб, унинг шимолидаги катта-кичик қоялар пойини ювиб оқадиган бу сой гўё шаршара сувига қаноат этмагандай, бошқа ўнлаб булоқлар қатори маъданли қоя қаъридан силқиб оқадиган жилға сувини ҳам ўзига жамлаб, кунботишдан эсадиган совуқ шамоллар йўлини тўсиб, водийдаги мўътадил иклимнинг юзага келмоғига сабаб бўлмиш юксак довонгача бўлган бир неча чақиримлик масофани хийла сокинлик билан босиб ўтади-да, сўнгги муюлишда бирдан унинг шиддати ортиб, довон пойидаги қоронғи камар қаърига шўнғийди ва қўшни арчали водийнинг шарқий этагида жойлашган девордек тик қоя тиркишида улкан ошқин булоқ кўринишида намоён бўлади. Қуллик чангалдан қочишга уринган бурундор йиғит шу оқимга тушиб, қўшни водийга чиқиб олишга умид боғлаган, аммо бир ярим чақиримдан зиёд довон ости сув йўлидан унинг тирик чиқиши ўта даргумон эди. У шуни била туриб оқимга интилганди.

Эрман сув пардаси ортига дам-бадам шўнғиб чиқаётган қушнинг ҳаракатларини кўз узмай кузатаркан, туйқусдан миясига келган ўйдан дастлаб бир сесканиб тушди, сўнг кўнгли бамисоли қуёшдай чароғон тортди. Ахир тунда чоҳдан бир амаллаб чиқиб олишнинг эвини топган одам, дарров тоққа интилмай, атиги бир тунни шаршара ортида ўтказса, тутқунликдан осонгина қутулиб кетиши мумкин-ку! Ана, у чоҳдан сакраб чиқди-да, оёғини қўлга олганча, қоронғи тун оғушига сингиди ва бу воқеадан овул аҳли хабар топгунча бўлмай, ўзини шаршара ортида кўрди. Мана энди гул итлари тугул, жин ҳам тополмайди уни! Боз устига, қочоқни шаршара ортидан қидириш кимнинг ҳам хаёлига келарди дейсиз! Эрман бу ажойиб ва ғаройиб режани миясида қайта-қайта пишитаркан, ҳар эҳтимолга қарши, эркинда

юрадиган овул итлари кўнглини ҳозирдан овлаш лозимлигини ҳам унутмади.

Нечун?

Ахир шусиз ҳам овул итларининг уларга нисбатан муносабати ёмон эмас, тутқунларни ўзлариники деб билишадди – ҳар окшом қаршиларига пешвоз чиқиб, суйкалишадди, эркаланишадди. Бироқ, қандайдир ички бир идрок овул итларига нисбатан янада ройишлироқ бўлиш зарурлигини уқтирмоқда эди.

Шу кунгача у тиззасига келиб суйкаладиган жониворларни, яъни ғаним итларини жинидан баттар ёмон кўрар, азбаройи нафрати зўрлигидан уларни тепиб-тепиб ташлагиси келарди. Бироқ шаршара режасидан сўнг олдига югуриб чиққан ит борки, эркалаб, бошини силаб-сийпалайдиган бўлди. Табиийки, Эрманнинг бу ҳаракатлари Қоракулнинг назаридан четда қолмади, йигитга нисбатан меҳрини ийдирди.

– Сен борган сари ўзимизнинг одамга айланиб бора-япсан, – деди бир куни елкасига дўстона қоқиб. – Феълим шу – итни суйганни мен ҳам суяман!

– Тўғриси, сизниям итдан кам суймайман! – дея дарров отини қамчилайди Эрман. – Сизга меҳрим тушганидан бери овул итларигаям кўнглим илиган.

Бу гаплар, айниқса, доим «сен»лаб келган одамнинг бирдан «сиз»лай бошлаши Қоракулга мойдай ёқиб тушади.

– Буни ўзим ҳам сезиб юрибман, – дейди меҳри товланиб. – Аввалги ўрлигинг йўқ.

– Ҳамма гап меҳрда-да, ака!

– Ҳақ рост, меҳрда гап кўп!

– Сизга меҳрим ийганидан бери овулим ҳам эсдан чиқай деяпти.

– Айтдим-ку, сен ўзимизники бўп қолдинг деб.

– Ўзи... шу... овулим қайси томонда, а, оға?

– Овулинг қайси томонда, тўғриси, билмайман! – Қоракул бошда андак хижолатланади, сўнг бирдан сергак тортиб, унга шубҳали боқади. – Менга қара, бирор шумлик-

ни ўйламагин тагин! Агар ниятинг ёмон бўлса, билиб қўй, бошинг кетади-я!

– Қанақа шумлик! – Эрман ўксинган киши бўлади. – Шунчаки овулимга дуойи салом йўлламоқчи эдим, холос.

– Дуойи салом? – Қоракул ажабланади. – Қандай қилиб йўлламоқчисан уни?

– Шамол орқали...

– Шамол орқали?! – ҳайрати ошган Қоракул бир муддат сукутда қолади, сўнг ютиниб дейди: – Ўзингча мени аҳмоқ қилаяпсан-да, а?!

– Бунақа ўйга борманг, оға, – дейди Эрман янада юмшоқлик билан. – Шу кейинги пайтда нимадир бўлган менга, нукул овулимга шамол орқали дуойи салом йўллагим келаверади. Бу – ё соғинч туфайли, ё ҳақиқатдан калламга бир нарса бўлган. Ҳар ҳолда соғ одамнинг иши эмас бу.

Қоракулнинг нигоҳидан гумон ариб, ачиниш аломатлари зоҳирланади. Сўнг Итолмаснинг йўқлиги туфайли ўзларини ортиқча ҳушёрликдан тийган қўйи, нарида ўзаро суҳбатлашиб турган соқчи йигитлар томон тезгина кўз ташлаб, секин:

– Овулинг қайси томондалигини ановулар билишади. Бирок улар буни ўлақолса-да айтишмайди. Агар кўнглинг чиндан-да шуни истаётган бўлса, маслаҳатим шу – саломингни дуч келган шамолга айтавер. Ҳовринг босилиб, кўнглинг ором топади. Агар шунчаки калака қилаётган бўлсанг, билиб қўй, бу кеч ўтинсиз қолдираман! – дейди.

– Оға, мендан бекорга ранжияпсиз, – Эрман кўзларини хиёл намлаб, теваракка ғамгин тикилган бўлади. – Майли, сизга бошқа гапирмаганим бўлсин...

Қоракул ўша кеч чоҳга икки ҳисса кўпроқ ўтин ташлайди. Бирок Эрман кутган нарса – овули қайси томонда эканлигини барибир аниқлаб бермайди. Аниқроғи, буни ўша заҳотиёқ эсидан чиқариб юборган бўлади.

Эрман тошўчоқда чирсиллаб ёнаётган оловга тикилиб, адоксиз хаёлларга берилиб ўтиришни азалдан ёқтиради. Шунинг учун ҳар кеч Қоракулдан кўпроқ ўтин ундириш

пайида бўлади. Айниқса, шаршара режасидан сўнг ро-йишлиги ўта даражада муваққат бўлган Қоракулнинг ортик жигига тегмайдиган, унинг куракда турмас килиқларига чидайдиган бўлди. Аввалги китмир Эрмандан асар ҳам қолмаган – ўйчан, эзгин бир кимсага айланганди. Боиси, мясида обдон пишитилган шаршара режаси ҳақида шерикларига айтиш-айтмасликни билолмай, виждони қаттиқ азобда қолган эди. Бу борада йигитни қийнаётган муаммо шу эдики, шаршара орти неча кишига паноҳ бўла олади, бир кишигами ёхуд ўн кишигами? Боз устига, ҳамма унинг ортига биқинар бўлса ва гул итлари учун тоғда тутарга одам қолмаса, бу нарса Итолмасда шубҳа уйғотмасмикан? Демак, кимнингдир қутулиб кетмоғи учун кимнингдир ўлмоғи шарт экан-да. Бундан ташқари, тунда бу лаънати чоҳдан чиқиб кетишнинг имкони бормикан? Тунги қоровул Қоракулни чалғитишни-чи?

* * *

У кейинги пайтда Қоракуюннинг айрим ҳаракатларида, яъни унинг гул тубида ўликдек чўзилиб, ғамнок ётишларида ўзининг чоҳдаги ҳолатини кўргандай бўлади. Ит шу ҳолда со-атлаб ётар ва одатда, салга ўзида йўқ даражада қутуриб кета-диган жонивор, турткиласанг-да, ғинг демас, жуда нари борса, ғашимга кўп тегаверма дегандай, аста ириллаб қўя қоларди. Унинг нимадандир қаттиқ азобланаётганини сезса-да, Эрман-нинг парвойига келмас, сабаби, гул ити ачинишга арзимади, Қоракул, кейинчалик оғаси Қалайбек таъбири билан айтган-да, у садокдаги ўк – отилади ва шу заҳотиёқ унутилади.

Эрман она ит – Кўкишни акасиникига қайтариб олиб борган куни бўлиб ўтган ўша суҳбатни ҳанузгача унутолмай-ди. У итни одатдаги жойига занжирлагандан сўнг келгани-ни билдириш ниятида тўни барини тап-тап қоқиб, бир-икки томоқ қирсаямки, устахонада тош йўниб ўтирган Қалайбек ишдан бош кўтарай демади, яъни иззатини қилмади. Бундан Эрманнинг дили оғриб, шартта изига қайрилди-да, ўзича аразлаб кета бошлади.

– Қалай, чиройли чиқибдими?!

Бу савол айнан ўзига қаратилганини сезган Эрман кетаётган жойида кескин ортига ўтирилди. Қарасаки, акаси қўлидаги бежирим тошлагани ўзидан нари тутган кўйи, нари-бери айлантирганча, уни завқланиб томоша қилмоқда.

– Йў-ўк, бунисини ҳеч кимга бермайман! – деди у жўшқин бир оҳангда. – Ялинишса-да, бермайман! Бунақаси кам бўлади!

Эрман тоғнинг ётган бўлак бир тоши акасининг қўлида гўзал буюмга айланганидан ичдан андак ҳайратланса-да, лекин у каби завқлана олмади, қайтага, ўзи четда қолиб, унинг қандайдир бир тошга маҳлиёлигидан баттар жини қуришди. Тўрсиллаганча изига қайрилди. Худди шу аснода Қалайбек уни яна сўроққа тутиб қолди.

– Ит энди керак эмасми?

– Йўк, – деди Эрман қолишниям, кетишниям билмай.

– Нега?

– Кучук эт чайнайдиган бўлди...

– Кучук дема, садокдаги ўк дегин...

– Нима деганингиз бу?

– Чунки сен кўранг учун эмас, ганим кўксига ўқдек санчиш ниятида тарбиялаласан-да уни. Шундай бўлгач, садокдаги ўқдан нима фарқи бор, отасану шу захотиёқ унутасан, демоқчиман.

– Нима қилай, қисмати шу экан-да...

– Шу қисматни сен унга раво кўраялсан...

– Нима, бирор жўяли режангиз борми?

– Бу борада йўк.

– Унда нима қиласиз унга ачиниб.

– Яхши итга одам ачинади-да.

– Ачинишга асло ҳожат йўк.

– Хай-й, берманроқ кел-чи! – Қалайбек тагин уни йўлдан қайтарди. – Аразлаган боладай тўрсайиб қочишинг нимаси.

– Мана келдим, – Эрман акасининг қошига борди. – Нима дейсиз?

– Бу... ҳалиям ҳовурингдан тушмадингми? – Қалайбек унинг кўзларига синовчан бокди.

– Ҳовуримдан тушганим – ўлганим!

– Демак, хануз оташ бўлиб ёнаяпсан?

– Ёнганда қандок!

– Албатта, қасамни маҳкам тутиб?..

– Қасам – менинг тириклигим!

– Агар... – Қалайбек кўлидаги тошлаганга тикилганча бир зум ўйга толиб турди-да, сўнг деди: – Агар тошдан мана бунақа чиройли буюмлар йўна билганингда эди, бунақа демасдинг!

– Шунинг учун тош йўнмайман-да! – деди Эрман зардаси қайнаб. – Ундан кўра, тош йўнадиган кўлларимни шартта чопиб ташлайман!

– Йўқ, чополмайсан!

– Нега чополмас эканман?

– Нимага деганда, тош йўниш кўлингдан келмайди.

– Келмагани маъқул!

– Аммо келганида, дуруст бўларди.

– Нечун?

– Юрагингдан қасос арирди...

– Қасос арийдиган юракни кўксимдан юлқиб отаман!

– Қийин, сенга жуда қийин...

– Нимаси қийин?

– Юрак тўла адоватни кўтариб юришнинг ўзи бўладими...

– Менга ўхшаб куллик ва хўрлик азобларини бошингиздан кечирганингизда эди, бундан-да ортиғини ортмоқлаб юрган бўлардингиз, ака!

– Сени тушунаман... – Қалайбек кўлидаги буюмдан энди ортиқ завқ туймай, уни сўл ёнидаги ясси тош устига кўяркан, жиддий ва хаёлчан тарзда деди: – Бироқ бандасининг қилмишига яраша жазолагувчи Яратган борлигини унутмаслик керак...

– Унда оғиз тўлдириб ичилган қасам нима бўлади? – Эрман чарсланиб, акасига ёвқараш қилди. – Кейин... Худо қачон унинг жазосини бераркан, дея кутиб ўтиролмайман-ку!

– Кутаяпсан-ку...
– Мен қасос онини кутаяпман!
– Ва одамдек яшай олмаяпсан...
– Ҳа, қасос они етмагунча ўзимни одамдек ҳис этолмайман!

– Шунинг учун қийин-да сенга...

– Лекин... нолиётганим йўқ!

Бу гапдан сўнг ўртага оғир сукунат чўкди.

Қалайбек кулранг тош сиртига қатор териб қўйилган тошйўнар ускуналардан бирини қўлига оларкан, гўё қилар юмушини унутгандай, номаълум нуқтага ўйчан термулган қўйи туриб қолди.

Бу суҳбатдан юраги баттар ғаш тортган Эрман тева-
ракка дилгир бир кайфиятда назар ташларкан, кўнглида
бу кўтир дунёдан ўпқаланиш истагини туйди. Бирок
бундай разм солиб қараса, унинг ички алам ва изтироб-
лари билан тириклик дунёсининг мутлақо иши йўқ,
одатдагидек, у ўз майли ва ўз маромида секин тебра-
нишда давом этмоқда: нарида Кўкиш ғулда қолган бо-
ласини соғиниб ингишлар, тизза бўйи тошдевор ортида
янгаси қўшни жувон билан ғийбатнинг уйини куйдирар,
қияликдаги калин бутазор ортидан қўй-қўзилар маъраши
хамда болалар шовқини эшитилар, муюлишдаги арча-
зордан болта товуши кулоққа чалинар, дўнглик белида
оппоқ соқолли чол бебош невараларидан бирини яниб
турар, қанотларини кенг ёйганича кўкда бамайлихотир
сузиб юрган болтатумшук ахён-ахёнда чулдираб қўяр,
дам-бадам гоҳ у бетда, гоҳ бу бетда какликлар сайраб
қолар, сўқмоқда тошга қоқилиб, йиқилиб тушган семиз
аёл қошида серрайиб турган ўсмир ўғли бир ёқда қолиб,
наридаги қоятош пойида ғимирлаб юрган эрини қарғар,
ҳозиргина катакда тухумлаб чиққан чипор товукнинг
қақалаши эса оламни бузмоқда эди.

Агар шу тобда нимагадир чалғимаса, бу олам саси ва
сурони остида эзилиб, ситилиб кетадигандек, Эрманнинг
сарсари нигоҳи наридаги тошхайкалда тўхтади. Тошотнинг

сағрисиға – харсангта туташ қисмиға яқиндагина жиндек ишлов берилганини дарров пайкади.

– Яна тарашлашни бошлабсиз-да, а? – деди у акасининг хаёлини чалғитиш ниятида, ҳолбуки, бу ишга мутлақо қизикмаётган эса-да, тошотга ишора қилди.

– Оқсоқол қистаб қўймаяпти, – деди Қалайбек қоя томонга бош буриб. – У кишининг кўнгли учунгина қўлим бўш пайтларида у ёқ-бу ёғини йўниб, тарашлаб турибман.

– Тавба! – бояғи ҳолатидан фарқли ўларок, энди негадир гурунг истаётган Эрманнинг энсаси қотган бўлди. – Оқсоқолнинг қизикмаган нарсаси, мўраламаган тешиги йўғ-а! Қавмбошидек кап-катта одамга шу иш эпми, а? Сизам ҳадеб кўнглига қарайвермай, йўлига, бир-икки силтаб ташланг, қайтиб бошингизни қотирмайди.

– Иним! – деди Қалайбек феълига хос босиқлик билан. – Шунини ёдингда тут, мен икки дунёда ҳам оқсоқолни силталамайман! Ундан кўра манови тоғу тошларни бир-бирига уриб парчалайман! Ойни қуёшга, қуёшни эса ойга уриб, дунёни зимистонга айлантираман! Аммо-лекин Оқбўта оқсоқолни сира ранжитмайман!

– Вой-бўй! – таажжубдан Эрманнинг қошлари керилди. – Нима, у киши отадек азизми сизга?

– Тириклик бобида у одам менга ҳаммадан азиз!

– Ия, нима деганингиз бу? – Эрманнинг хайрати ортди. – Тириклик... тириклик... нима, сизнингча биз тирик эмасми?

– Тирикликка тириксан, – деди Қалайбек ўша босиқ оҳангда. – Аммо тирикликдан тирикликни фарқи бор-да, ука! Буни сенга қандай қилиб тушунтирсам экан... Биласанми, оқсоқолнинг гап-сўзларию жисму жаҳонида киши қалбини покловчи қандайдир ботиний бир куч бор! Кўнгил қандайдир қувват олади ундан. Масалан, мен оқсоқол билан тўрт оғиз гурунглашсам, бу оламнинг одами бўлмай қоламан! Бошқача фикрлаб, ўзгача ўйлай бошлайман! Ботини зўр одам у!

– И-и, нимаси зўр унинг, – Эрманнинг кенг манглайи тиришди. – Тўридан гўри яқин бир одам-да!

– Агар сен ёшни назарда тутаётган бўлсанг, – Қалайбек истехзоли жилмайди, – овулда сену мён тенгиларнинг бир галаси аллақачон чолга айланиб улгурган! Улар на ёнади, на ёндиради! Оқбўта оқсоқол эса ҳам ёнади, ҳам ёндиради! Бошқалар каби юрак ўрнига тош кўтариб юрмайди!

Қалайбекнинг овул кишиларига хос бўлмаган бу хилдаги гап-сўзлари азалдан Эрманнинг жинини қуриштириб, ғазабини кўзитади. Агар ҳозир ўрлиги тутиб, терс гапира бошласа, биладикки, акаси у билан баҳслашиб ўтирмайди, ҳар сафаргидек, садқаи гап сенга, дея ими-жимиди ишига тугинади ва ора-сира, «ия, ҳалиям шу ердამисан, кўрикчидай қакқаймай, тезроқ қорангни ўчирсанг бўлармиди», деган маънода кўз қирини ташлаб кўяди. Унинг айнаи шу қилиғи, яъни атай эътибор бермай кўйиши ҳамиша Эрманга оғир ботади. Бу гал ҳам шу ҳолат юз бермаслиги учун у тишини тишига босиб, дўстона оҳангда:

– Агар тошотга Оқбўта оқсоқолнинг ҳаваси бу қадар баланд бўлса, унда уни тезроқ битказинг, ака, – деди.

– Ўзим ҳам шу ўйдаман, – деди Қалайбек. – Лекин бошқа ишлардан ортишим қийин бўлаяпти.

– Сўнг унда галма-гал улоқ чопасизларми? – Эрман кесатиғдан базўр тийилиб, ўзича ҳазиллашган киши бўлди.

– Ҳа, кўнгилда галма-гал улоғам чопамиз!

– Лекин шу тошотни деб овулда кулгу бўлаётганингиз менга сал ёқмайроқ турибди-да, ака. – Эрман кетмоққа ҳозирлана бошлади. – Овулга кулгу бўлманг, дейман-да, ака.

– Овулга эмас, нодонларга кулгу бўлаяпман!

– Нодонлар ҳам одам-да...

– Бу энди баҳсли масала...

– Қанақасига?

– Шунақасига!

Қалайбек унга синовчан тикилиб, инисининг турқтароватидан қулик балосидан эндигина қутулиб қайтган

дастлабки Эрманни кидирди. Йўқ, укасининг нигоҳи хийла юмшабди. Шу боис, уни ўзига янада яқин тутиб деди:

– Энди сенга бир сирни ошкор этай, ука. Мен, шу бирор ишга қўл уришимдан аввал у кишига маъқул келадими-йўқми дея, ҳамиша Донишотанинг авзойига разм соламан. Агар қилаётган ишим ножоизроқ бўлса, у кишининг авзойи ўзгариб, жуда қаҳрли тус олади. Акси бўлса, худди офтобдай нурланади. Демокчиманки, тошотга қотинишим, уни йўниб, киртишлаб туришларим у кишига маъқулдирки, доим чехраси очик. Шунингчун, отамга ўхшаб, ҳадеб менга тирғалаверма! Нима қиламан, нима кўяман – ўзингча қозилик қилаверма! Бари Донишота назорати остида... Қарагин, юрагинг қасос ва адоватга тўла бўлгани боис, у киши сени ёқтирмай турибди...

Эрман даранинг нариги бетидаги катта-кичик қоялар тизими каторида бўй ростлаб турган оқиштоб тусдаги қоя томонга назар ташларкан, ётоқлаётган куёш нурида ўта дарғазаб кўриниш олган тошсиймо – Донишотанинг вазоҳатини кўриб, беихтиёр бир қалқиб тушди. Сўнг ўзининг бу ҳолати устидан кулмоқ истади, бироқ кўзи қоя белидаги супага ўхшаш, чоғроқ сайхонликда дўмпайиб турган тошқалама – сағана ҳамда унинг устидаги туғта тушгач, эндигина қанотланишга чоғланган истехзоли табассуми шу заҳотиёқ афтида музлаб, ранги бўздай оқариб кетди.

У барча овулдошлари каби Донишота руҳидан ҳайикди.
Донишота.

Қавм аҳли у кишини тоғда макон тутган илк одам ҳамда тоғлар бағрида умргузаронлик қилиб келаётган барча қавм ва элатларнинг бош бобоси деб билишади. Энди унинг қояга менгзалишига келсак, бу афсона қуйидаги йўсинда талқин этилади: эмишки, Донишота жуда серфарзанд бўлиб, улар ўсиб-улғайишгач бу макон торлик қилиб, секин-аста тоғнинг турли пучмоқларига таралиб кетишибди. Йиллар ўтиши билан улар ўртасида бегоналик, сўнг душманлик кайфияти урчиб, ўртада конли низолар юзага кела бошлабди. Бу вақтда Донишота аллақачон тўқсонга тўқишиб, юз билан юзлашиб

қолган экан. У эндиликда ҳар бири мустақил бир жамоага бош бўлган ўғилларини ёнига чорлаб, яқдиллик хусусида насиҳат қилмоқни истабди. Бироқ уларни бир ерга йиғнаб бўлмабди – жаҳолатга эш тутинган ўғиллари бирдамликдан кўра кек ва адоватни афзал билишиб, низо гулханини багтар алангалатишда давом этишибди. Бу ҳолдан дили вайрон бўлган Донишота кунлардан бирида ушбу қояга бош қўйибди-ю, қайтиб кўз очмабди. Бу воқеа кўклам кунларидан бирида содир бўпти. Ўша тун кўкда ғалати чакин чакнаб, унинг руҳини ўзига сингдирган қоя юзида Донишота сиймоси пайдо бўлибди. Шундан бери у киши тева-рак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кўриб, билиб, яхшиликни қувватлаб, ёмонликни лаънатлаб тураркан. Ул зотнинг руҳини безовта қилмоққа журъати етган кимса жазосиз қолмас экан... Хуллас, турли ҳалокатли кўчкилар, кишиларнинг турли ҳодисалар туфайли нобуд бўлишлари бежизга эмас – бунинг бари Донишотанинг норозилиги сабабли содир бўларкан.

Қоя юзи – Донишота қиёфаси қуёш ҳаракатига қараб, кунда бир неча бор турланиб ва тусланиб туришини Қалайбек кўп бора кузатган эса-да, ривоят боис, ундан жуда ҳайқади. У Эрманнинг ўзга бир жон қасдида Қушқўнмасда макон тутиб ўтириши ул зотга сира маъқул келмаяпти, деган ташвишда эди.

Улар бир қориндан талашиб тушган эса-да, қасду қасос бобида Қалайбекнинг қарашлари бутунлай бўлакча: «қонга қон билан жавоб бермоққа бандасининг ҳақи йўқ, лозим жазони Яратганнинг ҳукмига ҳавола этмоқ керак», деган ўйда эди. Бироқ, қани энди буни Эрманга уқтира олса.

Умуман олганда, одам боласига бирон нимани уқтириш қачон осон бўлган?

Айниқса, Кўкалабош қавмига.

Бу қавм аҳли Донишотани бош бобо сифатида тан олишса-да, аммо, бу бизга ота мерос, дея ўзга қавмларга нисбатан ғаним кўзи билан қарашдан ўзларини тийишолмайди.

Бу кавмда энг эъзозли туйғулардан бири – адоватдир!

Бу туйғу мерос сифатида авлоддан авлодга ўтиб келади, яъни бу авлод адоқлашга улгурмаган қасду қасосни кейинги авлод қайси йўл билан бўлмасин ниҳояламай қўймайди. Гапнинг қисқаси, худди Итолмас қавмидек, бу қавм аҳли ҳам интиқом бобида ўта сабр-тоқатли, қасос онларини йиллаб эмас, керак бўлса, бир умр кутади. Овулдан айро тушган Эрман бунга жонли бир мисолдир. Ана, у тўла-тўқис қуроллангани етмагандек, алоҳида иштиёқ билан ғулда ит тарбияламоқда. Агар у шунча куч-ғайратини бошқа бирор фойдали юмушга сарфласа борми, қанчалик оқил йигит бўларди-я, деб ўйлайди Қалайбек ичи ачиб.

Бироқ Эрман оқил йигит бўлишни эмас, қон тўкишни истарди.

Агар яна биров ҳаяллагудек бўлса, ораларидан гап қочиши муқаррарлигини фаҳмлаган Эрман илкис изига қайрилди-да, гўё нимадир қувлагандай, жадал кета бошлади. Бироқ ҳарчанд уринмасин, Қалайбекнинг қуйидаги хитобидан қочиб қутула олмайди.

– Қон тўкиш... барибир ярамайди, ука!

Бу гап Эрманга оғир ботади.

У қатъий ва жиддий эътироз билдириш ўйида кескин ортига ўгириларкан, Қалайбекни ўзига эмас, тош устидаги буюмлардан бирига тикилиб ўтирганини кўриб, шаштидан қайтади. Қалайбек ҳозиргина ортидан сўз қотган одамга сира ўхшамас, унинг бутун диққат-эътибори тошлаган гирдига туширилган бежирим нақшларда эди. Ана, у лаганини қўлига олди-да, кўрсаткич бармоғини безаклар устидан юргиза бошлади.

Эрман жигарига қаттиқ-қурук гапириб юбормаслик учун, одатдагидек, бир амаллаб ўзини босаркан, беихтиёр занжирини тортқилаб, ирғишлаётган Кўкишга чалғиди ва шунда илк бора қасос ва адоват занжирининг бу қадар узун ва бу қадар серҳалқалигидан жуда ҳайрати ошди. Буни қарангки, ғанимидан қонли ўч олиш ниятида нималар қилмади ва қилмаяпти – аввалига бошдан-оёқ тўқис

куролланди, сўнг Кўкишнинг икки боласини тириклайин ерга кўмиб, бирини гулга солди. Агар бу саъй-ҳаракатлари қаторига итнинг емагига айланган шўрлик бўриларни кўшадиган бўлсак, ҳалқалар сони тобора ортиб борарди. Дарвоқе, бу ҳали бошланиши. Эрта бир кун ғанимини маҳв этар бўлса, яна қанча кишилар тақдирида тузатиб бўлмас ўзгаришлар юзага келади – болалар етим, бир эмас, уч хотин тул қолади.

Қизик, ширин жонини гаровга қўйиб, бандиларнинг қочмоғига кўмаклашган Ойбекач ўз қўли билан эрига қотил ҳозирлаганини билармикан? Ё рашк аёлнинг кўзини шунчалик кўр қилиб қўйдимикан? Йўқ, у майда майлларга бериладиган аёл эмас. Унинг ўктам нигоҳида ҳамдардликдан ташқари, қаҳрга ўхшаш нимадир доимо оловланиб турарди: «Ё қочинглар, ё ўлинглар!» Эрман бу ёлқинни англари, бироқ уни ато этмоқнинг асло имкони йўқлиги боис, аёлнинг олдидида ўзича қаттиқ хижолат тортарди.

Ойбекач банди йигитларни бўшангликда, сариқ маъдан қулига айланган эрини эса шафқатсизлик ва тийиксизликда айбларди. Негаки, кейинги пайтда эрининг ўй-фикрлари ҳамда хоҳиш-истаклари кескин ўзгарган – иккиси камдек, учинчи хотинни орзулаб қолган, режасида тўртинчи ва бешинчиси ҳам йўқ эмасди. Аёл бир нарсани ҳеч ҳазм қилолмасди – тавба, бу ёқда шунча йигит айна ёр қучадиган навқирон ёшида тош қучиб ётишса-ю, эри тўқликка шўхлик қилиб, хотин устига хотин олса!

Ахир бу қандай бедодлик!

Айниқса, тўй олди куни Эрманнинг ўкинч тўла оҳангда, «суйган ёрим қолган менинг», деган гапидан сўнг Ойбекачнинг бўлари бўлган – бедодликдан бўкириб юборай деган. Аслида у фожеанинг қоп-қора тусини сал илгарирок, яъни эрта тонгда тутқунларга емак ҳозирлаш учун қозон оскандаёқ бор бўйича ҳис қилганди. Қизик, у ёқда – чоҳда эрталабки нонуштани интиқ кутаётган бир тўда бахтиқаро бандилар, бу ёқда эса эртанги тўй шавқидан ўзида йўқ бахтиёр Итолмас. Ана, у келин томонга жўнатилиши лозим

бўлган бир талай жонлиқ ҳамда бошқа майда-чуйдаларни ўзгаларга инонмай, ўзи туванлаб юрибди.

Бу тадорикдан кундоши Тожинордан кўра Ойбекач кўпроқ азоб тортмоқда эди. Унга қолса-ку, кунни кеча бўлғуси кундоши учун куриб битказилган тўқсон керагали ўтовга ўт кўйиб юборишга ҳозир у нозир эди. Бироқ кундошлик алами жувон адо этиши лозим бўлган кундалик юмушга асло даҳл қилмаган – ҳар сафаргидек тутқунларга нонушта ҳозирлаб, уни Қорақулнинг кўлига тутқазар экан, унинг афтида беадад қувончни кўриб, аламдан додлаб юборай деди. Қорақул, хўжаси Итолмас эмас, худди ўзи уйланаётгандек, ҳаддан ташқари шод ва бахтиёр эди. Боз устига, бот-бот, «бизди хўжайинга учта хотин нима бўпти, у кишига қирқ учта хотин ҳам камлик қилади», деб кўярди. Начора, Қорақулнинг бўлиши шу – ёш боладек, тўй ва тантаналарни ўлгудек яхши кўради.

Ойбекач ўз майлида қувониб, иршанглаб юрган Қорақулнинг хумдай сўпоқ бошига капкир билан тушириб қолишдан зўр-базўр ўзини тийиб, ўчоқбошига маҳзун чўқаркан, бир хаёли, ҳозироқ бориб кундоши билан обдон ҳасратлашишни ўйлади. Бироқ, биладикки, Тожинордан жўяли бир фикр чикмоғи душвор – куриган тол оғочидай писирлаб, қисирлаб қарғанишдан бошқасига ярамайди. Мабодо ақлли гап чикқан тақдирдаям, бирон нарса ўзгариб қолмайди. Бу қавм эркаклари икки дунёдаям аёл кишининг хоҳиш-истаги ва ўпка-гинаси билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Бироқ Ойбекач ожиза эмасми, шу тобда ҳасрат истарди, ичидаги бор алам-ситамини кимгадир тўкиб-сочгиси келарди. Таажжубли жиҳати, тевараги тўла одам-у, аммо дардини эшитадиган биронта кимса йўқ эди.

Шу аснода жувоннинг кўзи чоҳга туширилган шотидан бирин-сирин чиқиб, тўнг соқчилар назорати остида бир сафга тизилаётган тутқунларга тушаркан, бирдан миясига ушбу оғриқли ўй мисли тошдай келиб урилди: «Оҳ-ҳ, худойим-эй, ҳали буларнинг бирортаси ҳам қиз боланинг бўйини ҳидлашга улгурмаган-ку! Буларга қиз бўйи насиб этарми-

кан?! Агар насиб этмайдиган бўлса, бу тириклик деганлари не чикора уларга!»

Чоҳдан чиқиши билан тўйнинг ўзига хос тадоригини дарров илғаган Эрман, минг бора истамаса-да, беихтиёр Мойчечакни эслади. Қизни эслаши билан ўкинчга ўхшаш ғалати бир туйғудан қаншари ачишиб, мижжалари намланди. Агар ўчок бошида шу томонга зимдан тикилиб турган Ойбекачга кўзи тушиб қолмаганида борми, ёноқларини хўллашдан ҳам тортинмасди. Аммо аёлнинг ўткир нигоҳи ортиқча ҳиссиётга берилмоғига изн бермади. Ўзига қолса-ку, қайғу тўрига баҳузур чирмалганича овули ва эркинликда ўтган кунларини эслаб, чуқур-чуқур хўрсинган, сўнг хаёлан Итолмаснинг гўрига бир дунё тош қалаб, ўзларини теваараклаб юрадиган «соқов» соқчилар устига қоялардан бирини ағдарган бўларди. Аммо кўрдик, Ойбекачнинг кўзлари тўла мунг бўлса-да, қарашлари ҳамда ўзини тутиши одатдагидек, жуда ўктам эди. У ўзининг шу туриши билан йигитларни адлликка ундаб, «агар ўлар бўлсаларинг, сўлжаймасдан, тик туриб ўлларинг», деётгандай эди. Шунга қарамай, тўй эпкинни Эрманга ғоятда қаттиқ таъсир қилди – Ойбекачга дилини ёргиси, аёлнинг гўзал рухсорига термулганча чуқур-чуқур хўрсингиси келди.

Нечун?

Бу саволга жавоб йўқ эди.

У кўнглида фавқулодда туғилган бу туйғудан хижолат тортиб, ҳозиргина ўнг билагига тиркалган узун занжирни шилдиратганча, саф бошида ошиқмай бораркан, жувоннинг ёнидан ўтаётганида, барибир ўзини тутиб туролмади – юрагининг тўр-тўридан қалқиган қуйидаги хитобни тутиб қололмади:

– Суйган ёрим қолган менинг!..

Кутилмаган бу дардли сасдан Ойбекач додлаб юборай деди. Сарҳади йўқ бу тоғу тошнинг қайси бир буржида қолган маъшуқаси ҳажрида ўтдай қуйиб ёнаётган банди йигитга ичи ачиб қараркан, узун енги билан унинг шўр манглайини артиб-суртиб қўйгиси келди.

Бироқ бу мумкин эмасди.

Бу – муқаррар ўлим, яъни банди ўлдирилиб, у шармандаларча овулдан ҳайдалиши тайин эди.

Оҳ-ҳ, одам боласи бу қадар золим бўлмаса!

Шу куни Ойбекачнинг кучи ўтовга биқиниб, кўз ёш тўкишга етди. Унинг дарду ҳасрати билан эса бировнинг бир чақалик иши йўқ – эри қуда томонга бориши лозим бўлган вакилларни йўлга солиш билан овора, кундоши қўшни ўтовда аламини болаларидан олмоқда, Қорақул эса ўзида йўқ шод ҳолда диконглаб, хизматни дўндириб юрибди. У ўзини кераксиз ва киши эътиборидан бутунлай мосуво сезаркан, кундошининг кечаги гапларини эслаб, баттар юраги эзиларди.

– Қисир совлиққа ўхшамай тезроқ кўзилаганингизда, у учинчи хотин демасди! – деганди кундоши захрини унга сочиб.

– Мана, сиз бир эмас, учта кўзилагансиз, шунга қарамай, устингизга мени олган-ку, – деган Ойбекач унинг нодонлигидан ранжиб. – Бу – шунчаки бир баҳона, холос.

– Ким билади, менга шундай дейишяпти-да...

– Ким шундай деяпти?

– Қайси бирини айтай, – деди Тожинор эрининг учинчи хотин олишига ҳануз уни айбдор санаб. – Келин бўп тушганингизга икки йилдан ошибдики, ҳалигача қоматингиз бузилмаган...

– Бари Оллоҳдан!

– Оллоҳ деб турмай, бундай ҳаракат қилинг-да сиз ҳам!

– Қандай қилиб? Ўргатинг...

– Билмайсиз...

– Билмайман...

– Билсам аллақачон ўргатардим...

Ўша тун ўтовда ёлғиз қолган Ойбекач болиш кучиб йиғларкан, хаёлидан ўша банди йигит – Эрман кетмай қолганидан бошда ажабланди. Сўнг эрталабки ҳасрати боис, шунчаки юрагига яқин олганини фаҳмлаб, баттар бўзлашга тушди.

Бу – муҳаббат эмас, дардли фарёд эди!

Аёл қорачадан келган бу йигит сиймосида ботиний бир ҳалокатни – улкан йўқотишни фавқулодда ҳис этган, яъни эрининг кирдикорлари туфайли жувоннинг мудроқ идроки уйғонган ва у теваракка тафаккур кўзи билан қарай бошлаганди. Бундан ташқари, ўтган улуғ момоларининг зукколиги ва ёвқурлиги Ойбекачга мерос сифатида ўтган эмасми, бунинг бари жувон вужуди ва шуурида акс этиб, оқибатда, унинг идрок этгани шу бўлди – бу ёруғ оламга келиш бахтига муяссар бўлган ҳар бир тирик жоннинг зиммасида эртанги ҳаёт ибтидоси мавжуд, яъни тирикликнинг келгуси тебраниши бугунги авлоднинг гувранишига боғлиқ. Дейлик, бугун тонгда дилини ёрган анови қорача йигит маҳв этилар бўлса, келажакда юзага келиши лозим бўлган қандайдир қавм абадий йўқликка юз тутади. Гапнинг қисқаси, ўша тунда Ойбекач тутқунлар тимсолида овулдошлари назаридаги шунчаки қулларни эмас, балки йўқлик чоҳига иткитилган бўлгуси қавмлар ҳалокатини кўрди ҳамда ҳақиқий фожеани англаб етишга муяссар бўлди. Буни қарангки, ҳақиқий фожеа деб ўйлагани – устига эрининг кундош олиши эмас, балки димоғида ҳали қиз боланинг бўйини туйишга улгурмаган йигитлар умрини заволга юз тутишига лоқайд ва бепарво қараб туриши экан.

Тўғри, тутқунларга енгиллик яратиш борасида ҳамиша Итолмасга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилиб келди ва қўлидан келган ягона чора – улар емагини яхшилаш бўлди. Айтганча, Эрманга нисбатан унинг андак айрича қарашига келсак, Ойбекачга йигит нигоҳида мавжланиб турадиган умид учқунлари ҳамда қулликдан қутулишга бўлган ишонч ёлқини ёқарди. Итолмаснинг ҳов бирда берган ёлғон ваъдасига фақат у ишонмаганига аёлнинг ўзи гувоҳ бўлган. Ўшанда Эрман истехзоли тарзда қулиб қўя қолганди.

Аёл уларни озод этиш ҳақида қайғурар, бу борада ўзича турли тадбирлар ўйлаб топар, сўнг ҳамиша иккиланиб қолаверарди. Аммо эрининг учинчи хотинга бўлган иштиёқи дабдурустдан унинг қаршисига адолат тарозисини

кўндаланг кўйди ва тарозининг бир палласидан эри, иккинчисидан эса тутқунлар ўрин эгаллади. Тарозининг посангисига қарасаки, адолат мезони бутунлай бузилган – муҳаббат булоғидан сув ичиши мумкин бўлган бир тўп йигит йўқлик сари йўналтирилган ҳолда, унинг эри ҳирс оловида ёнмоқда.

Хўш, қани бу ерда адолат?!

Бу балодан йигитларни қутқариш керак!

Аммо қандай қилиб?

Минг афсуски, жувоннинг онги ва қалбидан бўлак маслакдоши йўқ. Эндиликда унинг кўксига буюк оналикнинг улкан юраги тепсинмоқда эди. Агар бу ишга жазм этар бўлса, тирик қолмоғи гумонлигини ҳам яхши биларди. Бирок, негадир энди бу нарса уни зиғирча ташвишга солмас, боиси, қалбида кечаётган ғаройиб эврилишларни тўла англаб етишга ўзи ҳам қодир эмасди. Табиий, унинг ҳолати ва руҳияти билан овулда бирон кимсанинг иши йўқ – эри янги ёр иштиёқидан маст, елиб-югуриб хизмат қилаётган Қорақул эса нечун бу қадар шодлигини ўзи ҳам билмас, хуллас, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди.

Аммо Эрман тўйдан бир кун олдин Ойбекачнинг кўзлари одатдагидан кўра ўзгачароқ чакнаётганини туйқусдан пайқаб қолганди. Кейинчалик бу тарздаги чакнашларни ўлим бўсағасидаги жонзотлар, айниқса, урғочи бўрилар нигоҳида кўп бора кўрди. Кўзлари бу хилда ёнувчи жон зоти борки, ҳеч балодан тап тортмаслиги ва қайтмаслигига бир неча бор гувоҳ бўлди.

У тизгиндаги Кўкишнинг кўзларида ушбу чақинни пайқаб, бирдан ҳушёр тортди.

– Ит қийналаяпти, ака... – деди беихтиёр.

– Ҳа, у азоб тортяпти... – деди Қалайбек ўтирган ерида қаншари остидан итга кўз ташлаб.

– Зўрлар ҳамиша қийналади... – дея писанда қилди Эрман Ойбекачнинг тўй олди ҳолатини кўз олдига келтириб. – Зўрларга доимо қийин бўлган...

У йўлда давом этган ҳолда занжирини тортқилаётган итга яна бир-икки бор назар ташларкан, «бўри этидан то-

тингани боис, бўрига ўхшаб қопти бу ярамас», деган ўйга борди ва беихтиёр яқинда ўзи маҳв этган она бўрини эслади. Ўшанда ҳаётга ташналиги кўзларида яққол акс этиб турган жонивор ўлимни ғоятда нописанд кутиб олган, «бўл, тезроқ жонимни олақолсанг-чи энди», дегандай ундан нигоҳ узмаган. Агар жароҳати жиддий бўлмаганида, Эрман уни қўйиб юбориши тайин эди. Бирок милтиқ ўқи ўз ишини қилган – жониворнинг ўмганини ўпириб юборганди.

Лекин нигоҳи...

Эрман унинг этини қоқлаб, итлар аталасига қўшиб бераркан, унутиб юборсам керак, деб ўйлаганди.

Йўқ, унутолмади.

У бу ҳақда ортиқ эслашни истамай, бот Донишота қоясига назар соларкан, унинг қиёфаси боягидан бешбаттар тундлашганини кўриб, тезроқ жўнаб қолишни маъқул топди.

* * *

Бу окшом Қорақуюннинг безовталиги янада кучайди.

Бундан Эрманнинг ғазаби ортиб, уни обдон бўралатиб сўқди. Сўнг, «ўзим аҳмоқман-да, агар аҳмоқ бўлмасам, бошқа ит куриб қолгандай, ғулга келиб-келиб сени таълармидим», дея йўқ ердаги гапларни айтиб, ўзича жиғибийрон бўлди. Кейин бу каби жониворлар бекорга безовталанмаслиги эсига тушиб, итнинг хатти-ҳаракатларига эътиборлироқ бўлишга тиришди ва негадир унинг илк кутурган даврини эслади.

Ўша окшом Кўкишни акасининг ҳовлисида қолдириб қайтсаки, ғулда илк бор ёлғиз ўзи қолган Қорақуюн кутилмаган даражада кутурмоқда – ўта қопағон итлардек гоҳ ғул оғочларига тиш ботирар, гоҳ чир айланар, гоҳ юқорига сакрарди. Унинг бу қилиғини бошда Эрман соғинчга йўйди, энасини кўмсаяпти, деган ўйга борди. Сўнг бундай жиддий разм солсаки, жониворнинг бу хатти-ҳаракатлари сира соғинчга ўхшамайди, кўпроқ ёнбағирликдаги арчазор томонга интилмоқда эди. Эрман

Ўша оқшом ёнбағирликка тоғнинг маймоқ полвонларидан бири – айиқ ташриф буюргангани эртаси чошгоҳга яқин те-загидан билди. Қоракуюн айиқнинг турқ-тароватию шакл-шамойилини ҳали кўрмаган эса-да, ҳиди ва шарпасини сезибок ўзининг ёвқур ва ёвуз табиатини намойиш этиши Эрманга жуда ёқиб тушди. Ит танлашда адашмаганига яна бир карра амин бўлди.

Худди шу тўполон устига келиб қолган жўраси Омонтойнинг жониворга раҳми келган:

– Оббо, жони тоза азобда қопти-ку буни! Кўп қийнамай, бир нафасга чиқариб юбор, чопқиллаб-сопқиллаб сал ўпкасини босиб олсин! – дея Эрманни тошбағирликда айблайди.

– Бунинг иложи йўқ...

– Нега иложи йўқ экан? – Омонтой гул тирқишидан ичкарига мўралайди. – Қара, ғазабдан бўғилиб ўлай деяпти!

– Ўлмайди!

– Раҳм деган нарса йўқ сенда...

– Ҳа, мен уни кулликда қолдириб келганман...

– И-и, кул бўлган битта сенми...

– Ия, яна ким? – Эрман бу гапдан ажабсинади.

– Биттаси, мана, мен...

– Қанақасига сен?..

– Отам чизган чизикдан бир энлик нари чиқишга журъатим етмаганидан кейин кул бўлмай кимман мен?!

– Бугун тагин отангдан ҳаққингни опсан-да, а? – Эрман кулади.

– Тоза... – Омонтой чуқур хўрсинади.

– Энди... ота бўлгач, сўкади-да.

– Йўқ, у киши мени шунчаки сўкмайди, – дейди Омонтой ўксинган оҳангда, – аввалига камситиб, тоза ерга уради, тоза тупроққа кориштиради, сўнг сўкишни бошлайди...

– Унчалик эмасдиров... – дейди Эрман салга қўли калтакка югурадиган ўта сержаҳл, ўта серғайрат жиккак чолни кўз олдига келтириб. – Балки сенга шундай туюлар?

– Гўдак эмасман-ку, оқ-қорани фарқлай билмайдиган.

– Тўғри, лекин катгаям эмассан...

– Нима деганинг бу?

– Кап-катта йигит эсанг-да, ҳалиям болалигинг бор-да, – дейди Эрман ростига кўчиб. – Шу бола феълинг билан қуллик нелигини қаердан ҳам билардинг демокчиман.

– Нега билмас эканман! – дейди Омонтой кутилмаганда гердайиб. – Билсанг, бу дунёда ҳамма қул!

– Сени эмас, оқсоқолнинг гапи бу...

– Йўқ, менинг гапим, ўзим ўйлаб топганман!

– Доно экансан-ку.

– Мен ҳамиша доно бўлганман.

– Қара-я, биз аҳмоқ сендай одамнинг кадрига етмай юрибмиз-а...

– Кўявер, бунга кўникканман.

– Бундан кейин кадрингга етишга ҳаракат қиламиз.

– Шарт эмас, – Омонтой одатига кўра унинг пичинг ва кесатиғларига парво қилмайди, сўнг ғулга ишора қилиб: – Ундан кўра, манови жониворга андак раҳм қил, – дейди.

– Йўқ, раҳм қилмайман.

– Унда меням қадримга етмайсан.

Омонтой овулдошларига ўхшаб, гина сақлашни билмайди, кек ва адоват каби тушунчалар унга бутунлай бегона. Яна бир феъли – баҳсу мунозарага сира тоқати йўқ, томдан тараша тушгандай, ҳали боғдан, ҳали тоғдан кела бошлайди. Бироқ ҳозир Қорақуюн масаласида жиддий тортишмоқда эди. Бунга сари Эрман унинг куракда турмайдиган талабларидан баттар энсаси қотади. «Менга салга чотини ҳўллаб кўядиган ит эмас, ёвузликда ҳар қандай йиртқични бир чўқишда қочирадиган даҳшатли бир махлуқ керак», дегиси келади, лекин демайди. Қайтага жўрасининг ғулда ит тарбиялашнинг ўзига хос нозик сир-синоатларини билмаслигидан ва билишни истамаслигидан жаҳли чиқади. Бунақа пайтларда ўзи ҳам бунинг ҳадисини айнан Қорақулдан ўрганганини негадир тан олгиси келмай: «Бу ишга мойиллик менга эна авлодимдан ўтган», дея ўзини ишонтиришга уринади. Аммо барча уриниш-

лари бир пуллигича қолаверади – ўтмиш қаъридан унинг эна авлоди эмас, Қорақул илжайган кўйи қалқиб чиқиб келади-да: «...ташки муҳитда арзимас бир ножўя ҳаракат мурғак жониворга, худди юракка санчилган ўқдек тузатиб бўлмас даражада шикаст етказиши мумкин...» – дейди. Ўшанда Қорақул бу ҳолатни тахминан қуйидаги йўсинда ифода этганди: «Кўз олдинга келтирки, ўтов теварагида дўмбокқина бир кучук лўмбиллабгина юрибди, унга ҳамма нарса жуда қизик, шу боис, қаршисидан чиққан қора борки, бориб оёғи тагида ўралашади, ўзини эркин ва бежавотир сезади. Митти жонивор бу оламни ўзича ҳис қилган ҳолда эркаланади ва ўзгаларни ҳам суйгиси, суйкалгиси келади. Ана шунда кимдир бехос унинг биқинига тепиб қўйса борми, тамом – тепки еган кучук кўрқоқ ва журъатсиз ит бўлиб улғаяди. Қайишқоқ тол оғочидан ишланган ғул эса жониворни аввало мана шу хилдаги кутилмаган таъсирлардан асрайди. Иккинчидан, ғулда вояга етган итнинг зардаси қайноқ, қаҳри қаттиқ бўлади. У ғул ташқарисидаги жамики тирик жонни ўзига ғаним деб билади, кўринган қорани бурдалаб ташлаш қасдида ёнадиган ёвуз итга айланади. Эгасидан ўзга бирор жонни тан олмайди. Одам боласи томонидан атай яратиладиган бу махлуқнинг таомномасида бўри эти биринчи ўринда туради. Тунги шабадада махсус қуритилган бўри эти аввалига она итнинг аталасига кўшиб, сўнг ўзи берилади. Кучук эт чайнаш даражасига етгач, онаси бадарға қилиниб, ғулда унинг ёлғиз ўзи сақланади. Айтганча, ғул итининг тагига хашак эмас, бўри териси тўшалади. Оқибат, у бўри деган зотнинг ҳақиқий кушандасига айланади. Сурувга бўри дориганини сезган чўпон ғул оғзидаги оғочларни салгина нари сурса бас – отарга яқинлашмоққа журъати етган бўрининг бу уриниши ўлим билан якун топмоғи тайин. Айрим ғул итлари бўрини тутган еридаёқ нафсини қондириб, сўнг қолган этини елкасига ортмоқлаб қайтади. Ғулдаги итни вақти-вақти билан атайдан гиж-гижлаб туриш эса муҳим тарбия таомилларидан бирига киради. Сен каби манглайн қора қулларни

тоғнинг ҳар қандай тешигидан қийналмай топиши учун эса, дам-бадам сизларни ҳидлатиб туришимиз шундан. Барингни ҳидинг уларга таниш, тагин қочаман деб, уларнинг емагига айланиб ўтирманглар...»

Дастлаб гулни унчалик ҳазм қилолмаган Омонтой кейинчалик Эрманнинг беминнат дастёрига айланди. Унинг илтимосига кўра ҳафтада бир-икки атай Қорақуюннинг гашига тегиб туради.

Очиғи, Омонтой қайси бир жиҳатлари билан Қорақулга ғоятда ўхшаб кетади – чўмичдай бурун, чуқур ботган кўзлар, кулгули тарзда олдинга туртиб чиққан тўмток ияк, ковун нусха сўпоқ бош, хуллас, зулуксимон қалин қошлари манглайининг чорак қисмини эгаллаган бу кимса Қорақулнинг акси – ўта содда, ўта хокисор ва меҳрибон эди. У содик дўст сифатида кунда, баъзида кунора Эрманнинг холидан хабар олиб туради. Бу дунёда ягона мақсади – Қизилюз қавмидан бўлмиш Чеваргул деган қизнинг висолига етиш. Аксига олиб, Қизилюз қавми азалдан Кўкалабош қавми билан чиқишолмай келади. Улар орасидан не гап қочган ва қачон ўрталаридан оламушук ўтган, буни ҳатто овул кексалари ҳам тузукрок эслай билишмайди. Уруғ оқсоқоллари – Бардам чол, сўнг Окбўта орадаги душманлик кайфиятини йўқотишга неча бор уриниб кўришди, афсуски, бари бефойда – ўртадаги муносабат ҳалигача илимаган, чала эриган муздай қотганча турибди.

Қавмлар орасидаги бу бемаъни адоват туфайли суйганига икки дунёда ҳам етиша олмаслигига Омонтойнинг ақли етиб турса-да, бироқ сира бўй бергиси келмайди. У, амалий ҳаракатлари иш беравермагач, тасаввурга зўр беради – гоҳ қизни отга ўнгариб қочган, гоҳ қавмнинг саркаш йигитлари билан муштлашиб, ғолиб сифатида оловли муҳаббати ҳақида бутун оламга жар солган, гоҳ эса ёр ҳажрида Қушқўнмас ёхуд Донишота қояси тепасидан қуйинга сакраган. У мазкур фожиани ранг-баранг бўёқларда ифода этаркан, гоҳида тўлқинланиб, сўраб қолади:

– Шундан сўгин Чеваргул тозаям йиғласа керак, а, биродар?

Бу саволга айтилиши лозим бўлган жавоб эса Эрманнинг ўша пайтдаги кайфиятига ниҳоятда боғлиқ – агар унинг кўнгли чоғ бўлса, тасдиқ ишорасида бош ирғаб: «О-о, асло гапирма, суйган ёринг изиллаб, икки бетини тимдалаб, этиларини чимчилаб тоза йиғлайди», – дейди. Ана шунда ўлим деганлари шўрлик Омонтойнинг кўзига шу қадар гўзал, шу қадар жозибали кўриниб кетадики, беихтиёр ўлгиси келади – мижжалари намланиб, томоғига йиғи келиб тақалади. Мабодо айтилган жавоб бунинг акси бўлса, алами кўзиб, ўтиргани жой тополмай қолади.

– Нега йиғламас экан?! – дейди жазавази кўзиб. – Мендай бир йигит қоя тубида тош қучиб... ўлиб ётса-ю, қанақасига у йиғламас экан!

– Хай, қани, унда бир ўлиб кўр-чи, – дейди тошбағир Эрман пинак бузмай. – Ана шунда кўрамиз, йиғлайдимийўқми.

– Йиғлайди! – Омонтой ёш боладай қайсарланди. – Мана кўрасан, у тоғу тошларни ларзага солиб, сойу ўнгирларни кўз ёшига тўлдириб йиғлайди! Сиздай бир йигитнинг қадрига ета билмадим, дея кўксини чоклаб-чоклаб йиғлайди! «Бегим»лаб, айтиб-айтиб йиғлайди!

– Нима бўпти, йиғлаб-йиғлаб, сўнг овунади... – дейди шафкат билмас Эрман ўша лоқайд оҳангда, – Кейин эса унутади...

– Нега унутаркан?

– Ўлдинг-ўчдинг деганлар-ку ахир...

– Вой, энангни... – Омонтой бўшашганча ўтириб қолади. – Унда... ўлиб... менга нима зарил!

– Йўқ, сен ортиқча ўйга бормай, бемалол ўлавер.

– Нега энди бемалол ўлишим керак?

– Суйган қизинг кейин мақтаниб юриши учун...

– Тушунмадим?

– Кампир бўлганида невараларига, «шунқор бир йигит мени дея ўзини қоядан ташлаган», деб мақтаниб юради-да.

– Тушини бориб сувга айтсин! – Омонтой аразлаб, юзини терс ўгиради. – Бировнинг мактаниб юриши учун ўзини қоядан ташлаб ўладиган аҳмоқ йўқ!

– У сенга биров эмас-ку.

– Менга тегмаганидан кейин биров-да.

– Сен уни тегишга кўндир.

– Кўндиролмаяман-да, биродар! – Омонтой бағри тутаб, ёзгиради. – Мени кўрса, ўзини кўрмасликка олади, яқинига борсам, худди бўрига йўликқан кийикдай ҳадаҳа қочиш пайида бўлади. Мен шўрлик юрагимни чангаллаганча қолавераман!

– Бўш келма, кўндиришга урин!

– Уни кўндирганим билан, – Омонтой чуқур хўрсинади, – барибир... отам кўнмайди.

– Нега?

– Унинг қавмини ёмон кўради.

– Ҳа-а, бу ёғи жуда чаток экан...

– Ўртада не гап қочган ўзи, а?

– Мени биледи деб ўйлайсанми?!

– Ким биледи унда?

– Буни, ана, юрт кайвониларидан сўра.

– Юрт кайвониларидан бири отамми?! – Омонтой тиззасига мушт туширади. – Яна шу қизнинг номини тутсанг, оқ қиламан-қора қиламан, бошингни узаман, терингга сомон тикаман, дейишдан бошқасини билмайди.

Бу хил хангомалар Эрманга жуда хуш ёқади. Айниқса, димоғи чоғ пайтларида атай дўстининг дардини кавлаштиради. Уни обдон ҳасрат ўтида қовуради. Бироқ дўсти тўсатдан Мойчечак ҳақида оғиз очар бўлса, ўзи қочгани жой тополмай қолади.

– Кеча уни қўшбулоқ бўйида кўрдим, – дея гап бошлайди Омонтой, ҳар сафаргидек, унинг ранг-рўйи ва холатига зиғирча эътибор бермай. – Агар билсанг, оқи оққа, кўки кўкка, қизили қизилга, сариғи сариққа ажралиб, шундай бир сулув қиз бўптики, кўрган одамнинг суқи киради! Сен, биродар, буйтиб юрмай, отинг-

ни қамчила, эмасам куруқ қоласан! Бошқа биров липпа илиб кетади уни...

Бу вақтда Эрманнинг аламноқ нигоҳи теваракдаги қоялардан бирига қадалган бўлади. У шу тобда қошида ўтириб олиб, тинмай чакак ураётган дўстининг тилига тир-сак чикмаганидан жуда-жуда афсуслана бошлайди.

– У қавмнинг бизга душманлиги йўқ, – дея унинг юрагини қиймалашда давом этади Омонтой. – Юборган совчиларингга йўқ дейишмайди улар...

Эрман хануз бир маромда мингирлаётган дўстини куйидаги дарага улоқтиришни, наридаги чўққи ўнгирида оқариб турган қорга бошини тикишни истайди. Боши қорда, оёғи эса осмонда бўлиб қолган жўрасининг аянчли ҳолатини кўз олдига келтириб, кулгуси қистайди. Кулгусини бир амаллаб ичига ютаркан, бу жазо кам, деган қарорга келади. Нега деганда, ўтган сафар бу мавзуда қайтиб оғич очма, деган маънода ичидаги бор алам ва ситабини тўкиб, дўстига шундай деганди: «Бандиликда, кулликда ёмон руҳимни синдиришган, Омонтой! Жисмингга зуғум қилишса, чидаш мумкин, ҳафта ўтмай оғриғи ўз-ўзидан йўқолиб кетади! Бироқ руҳингни абгор этишса, унинг тузалиши қийин! Юрак қасду қасосга тўлиб, унга муҳаббат сиғмай қолади. Ўшанда ғаним кўлига осонгина тушганим ва олишиб, курашиб ўлмаганим учун ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман! Овул бекаси Ойбекач олдидаги қарзим ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Агар у кўмак бермаганида, ким биллади, ҳалигача маъдан кавлаб юрармидим, ё аллақачон қора ернинг қаърига сингиб кетган бўлармидим. Шунинг учун бу туриш-турмушимга қараб ҳадеб тўн бичаверма, зўрсан-пўрсан, деб. Мен, агар билсанг, жисмонан озод бўлганим билан, руҳан кулман! Токи онгимни адо этмас эканман, одам қаторига қўшиб ўтирма мени! Қизлар ҳақида эса умуман гапирма! Яна шуни билки, агар кўксимга муҳаббатни доритар бўлсам, тўшимни қиздириб турган қасос ўтига сув сепган бўламан! Ўзинг биласан, сув сепилган ўт ўчмай қолмайди. Бундан ташқари, ҳозирча бошим битта, йигит киши бит-

та бошни йўқотишдан кўпда чўчимайди! Агар бир бошим иккитага айланар бўлса, Эрман ўлди, Эрман битди, Эрман тамом бўлди деявер! Негаки, иккинчи бош эр кишининг шаштини кесади, уни ўйчан ва журъатсиз қилиб қўяди! Шу боис, ҳозирча менга аёл зоти ҳақида гапирма! Тушундингми? Шу... агар сенга юрагим туб-тубида асраб келаётган нозик бир сирни ошкор этар бўлсам, мен билган Ойбекач олдида сен айтган ўша қизлар бир пулга қиммат!.. Гапнинг чин эркаги шу! Сен эса, анови таомдан ол, манови таомдан е дегандай, нукул, у ёрни куч–бу ёрни куч, дейсан! Ахир мен ёр кучадиган одам эмас, Қушқўнмасга ипсиз боғланган бир итман! О-о, агар Ойбекачга сўз бермаганимда борми, аллақачон қоплонга айланиб, ширин жонимдан кечиб бўлса-да, Итолмасни ўз овули, ўз ўтовида тинчитардим, ё унинг чангалида жон берардим! Гап шу – Эрман ёрни эмас, ёвни ўйлайди!»

Минг афсуски, юракка кутқу солувчи, уни оловлантирувчи бу оташин нутқ тингловчи томонидан ғоятда жўн кутиб олинди, яъни унга жавобан Омонтойнинг айтган гапи шу бўлди:

– И-и, «итман-битман» деб юрасанми энди. Мойчечакнинг пайида бўл, бўлмаса, бошқасига тегиб кетади.

Бу гапдан Эрман деганлари бутунлай адои тамом бўлади. Қўлига илинган тош Омонтойнинг кенг яғринини сийпалаб ўтгач, тутакқанча, уни ўтов айлантриб қувлашга тушади. Ва қачонки, жўраси кетига бошлаб тепки еб, овул томон жилгачгина ҳовури босилиб, ўтов биқинидаги тошлардан бирига чўкади. Худди шу аснода кулоғи тагида Ойбекачнинг ўша таниш ўтли шивири аста сас беради: «Шарти шу – бу овул йўлини бутунлай унутасан!» Бу сафар Эрман, ҳар галгидек, маҳзун тортмайди, балки зардаси қайнаб: «Унутай деб, мана, овулнинг Қушқўнмасга боғланган итига айланиб ўтирибман-ку! Бундан ортиқ яна нима қилай?!» – дейди. Бу гапдан Ойбекачнинг овози янада майин тортади: «Аъло йигитлигингни бир қарашдаёқ билганман!..» Бунга жавобан Эрман андак ўпкаланган тарзда дейди: «Эмасам

аллақачон...» Ойбекачининг туси ўзгаради: «Асло!..» Сўнг юмшаб, йигитни алқайди: «Баракалла! Мен сенга сабр тилайман!» Эрман беихтиёр нолийди: «Ториқиб кетдим-да, кутавериб...»

Бирок наридаги чағиртошли дўнглик белида, пастак арча ёнида тўхтаб, зарб еган қуймичини силаб-сийпаётган Омонтой бу хаёлий суҳбатнинг ҳам белига тепади. У тоғу тошни акс-садога тўлдириб:

– Ўв-в, Қушқўнмаснинг кутурган ити! Шунинг ёдингда тут, Мойчечак овулнинг ўртача эмас, олд қизи! У сенга ўхшаб кўча тайхари эмас! Қайта айтаман, отингни тезроқ қамчила! Эмасам, курук қоласан! Тушунгдингми, кутурган ит?! – дейди.

Эрман, тезроқ қорангни ўчир, деган маънода қўлини тўлғайди. Аммо Омонтой кетишни хаёлига келтирмайди. Арча тагига чўкиб, замзама қилишга тушади.

– Менга қўлингни тўлғама! Агар яна шунақа қилар бўлсанг, кейин мендан ўпкаланиб юрма, ўзингдан ўпкала! Чаток қиламан!

– Нима қиласан? – Эрман беихтиёр қизиксинади.

– Нима қилардим, қайтиб «биродарим» демайман!

– Бор-йўғи шуми?

– Ия, бу сенга камми?! – Омонтой таажжубланади. – Нима, дўстни йўқотиш шунчалик осонми сенга?!

– Сендай дўстнинг боридан йўғи...

– Сўнг йиғлаб юрма, дўстим Омонтой қайдасан, деб.

– Ҳозир итни бўшатаман!

– Ўзинг айтгандай, пишмаган жониворни уринтириб нима қиласан.

– И-и, пишмай йўқ бўлиб кетмайдими!

– Шу гапни сен айтаяпсанми? – Омонтой кулади.

Кутилмаганда Эрманнинг кўнглида итни гўлдан бўшатиш истаги пайдо бўлади. Қорақуюнни атиги бир лаҳзага синаб кўриш иштиёқида ёна бошлайди. Аммо сўнгги лаҳзада бу фикридан қайтади, дўстининг азият чекишини хоҳламайди. Бойси, Омонтой асосий гиж-

гижловчиси, ғулдан чиқарилган Қорақуюн унга мисли шердай ташланиши аниқ. Шу сабабли, Омонтой гоҳида нолиб қолади:

- Бунинг бирда бўлмаса бирда мени еб-ютиб қўяди-ёв...
- Нега унақа дейсан?
- Тинмай ғашига тегаяпман-да.
- Юрагинг ёрилмасин, емайди у сени.
- Нима, сендан сўраб ермиди?
- Сабаби... у... фақат бир мартагина ғулдан чиқарилади...
- Фақат бир марта?
- Ҳа, фақат бир марта...
- Кейин... нима бўлади?
- Кейин нима бўлишини фақат худо билади.
- Тушундим...
- Тушунган бўлсанг, бекорга ташвишланаверма!

Бу гапдан сўнг Омонтой хийла тинчланиб, ўзгача бир ғайрат билан одатдаги юмушига тутинади – гоҳ ғул оғочларини тепкилаб, гоҳ шусиз ҳам хийла беўхшов бўлган афтини тириштириб, буриштириб, кўзларини олайтириб, тишларини иржайтириб ва аллақандай ғайритабий овозлар чиқариб, Қорақуюнни кутуртира бошлайди. Бунақа пайтда шўрлик ит ғазабдан адойи тамом бўлади: «Оҳ, қани энди, ўртадаги оғоч тўсиқ бўлмаса-ю, манави ярамаснинг нақ бўғзидан олса, қонини ичиб, этини нимталаб, устухонини тоғу тошларга сочқилаб ташласа! Сўнг бунга ҳам қаноат этмай, сочилган устухонларни тергилаб, битталаб ғажиса!» Қорақуюн шу қасдда ўртадаги тўсиққа – ғул оғочларига қаҳр-ла ташланади, уларни тишлайди, тортқилайди. Бирок ғул оғочлари ўта даражада пишиқ – майишади, қайишади, аммо тўкилиб тушмайди. Агар жонивор фикрлаш, идрок этиш салоҳиятига эга бўлганида борми, ғазаб ва нафратини ғул оғочларига эмас, тоғу тошларга кўрк бағишлаб турган дов-дарахтлардан аломат қурилмалар ясашга кодир одам боласига сочган, уларни обдон лаънатлаган бўларди. Боиси, барча турдаги ёввойи жониворларнинг энг қулай ва энг ишончли панагоҳи сифатида табиат томонидан яра-

тиб кўйилган дов-дарахтлар, одам боласининг кўли тегиши билан ўз вазифасини тубдан ўзгартиради-да, пишиқ ва мустаҳкам тўсиққа ёхуд жон олғувчи ўткир қурол – оғоч найзага айланади. Масалан, биргина Эрманнинг ўзи гулдан ортган оғочларни чикитга чиқармай, улардан ўндан ортик оғоч найза йўниб, ўтовининг ўнг ва сўл томонига қатор тегиб кўйган, бу камдек, бекорчи пайтларида уларга ўзича зеб берган, пардозлаган. Кунора улардан бирини кўлига олиб, ўзича машқ қиларкан, хаёлан ўткир найза учини Итолмаснинг кенг кўксига қайта ва қайта санчади.

Эрман ўзининг бу ўй ҳамда хатти-ҳаракатлари замиридаги қотиллик ва шафқатсизликни тариқча ҳис этмайди – буни одатий ҳол деб билади. Бироқ гулда ўзида йўқ даражада қутурадиган Қорақуюннинг ҳолат ва вазоҳатидан доимо ҳайратга тушади: «Ё тавба, мунча баттол бўлмаса бу?! Агар беҳос гулдан чиқиб кетар бўлса, шўрлик Омонтойнинг тирик қолиши гумон, зумда уни тилка-пора қилиб ташлайди-я!» У дўстини Қорақуюннинг чангалида тасаввур этаркан, негадир баъзида унга нисбатан ачиниш туйғусини ҳис этмайди ва бундан таажжубга тушади. Сўнг куйидаги баҳона билан кўнглини тинчлантиришга уринади: «Қулликда бундан бешбаттарини кўрганмиз биз! Эҳ-хе, не бир қутурган итларга бет бўлмаганмиз!..» Кейин эса бу юмуш – итни «гиж-гиж»лаш ёхуд «қаҳрлатиш» маросими Итолмасники каби тантанали йўсинда кечмаётганидан ўкинади.

Бунда Омонтойни айблайди.

Журъатсиз!

Кўрқок!

Ҳақиқатан ҳам, Итолмас бу маросимни Эрманга ўхшаб кўнгли тусаган вақтда, аниқроғи, Омонтойнинг ўтовга ташриф буюрган кезларида эмас, балки ҳафтанинг маълум бир куни ва соатида бор қонун-қондасига биноан, жиддий ва тантанавор йўсинда ўтказарди. Маросим катта оқ ўтов биқинига, яланг ерга қалин ва гулдор кигиз ташланиш билан бошланарди. Кигиз тўшалгандан сўнг орадан бирор уч

дақиқа ўтиб-ўтмай, оқ ўтовдан мисли хонлардай керилиб Итолмас чиқиб келади. У кигизга жойлашиб ўтириб оларкан, оғир нигоҳини аста кўтариб, дастлаб тоғлар бошига разм солади, кейин тоғлар бўйлаб сирғалаётган нигоҳи кўхна кўрғон харобаларида бир лаҳзага тўхтаб, Бурундор шаршарасида кўним топади. Шаршарага кўзи тушиши ҳамон куйидаги ўй миясини пармалай бошлайди: водийга келибдики, ҳар ёзда атиги бир марта бўлса-да, шаршара тагида чўмилишни доимо орзулайди, бироқ бунга на вақти, на ҳафсаласи етади, ҳамиша не бир ишлар билан андармон бўлиб, илиқ кунларни ўтказиб қўяди. Қизик томони шундаки, чўмилиш у ёқда турсин, эрта-индин ўтарман, дея шу дамгача ҳали шаршара яқинига бориб кўрмаган. Баъзида эса, эрта-индин дея умрининг хийла қисмини ўтказиб қўйгани ҳақида ўйлаб қолади. Агар умр деганлари бу қадар тез ўтар бўлса, мисли селдаин оқар бўлса, захирадаги олтинларининг ҳоли ва тақдири не кечади? Ўзидан сўнг ким уларга эгалик қилади? Дарвоқе, маъданли коннинг аҳволи не кечади, ким уни эплайди? Агар кейин ўзидек эплай олишмаса, қаршисида тиз чўкиб ўтирган манави бандиларнинг умри ва жонига зомин бўлмоққа не ҳожат?

Бу каби бош-кеги йўқ саволлар мисли хира пашшадай унинг қаттиқ ғашига тега бошлайди. Оқибат, гоҳида ўзини чалғитиш учун нарида амрига мунтазир турган Қоракулга, афтига қарамаёқ, аста им қоқади. Бу имодан Қоракул деганлари дарҳол жонланади – елкасига ташланган ўртгача йўғонликдаги занжирни қўлига ола-ола, диконглаганча кигизлари уникқан чоғроқ ўтов ортига зинғиллайди. Ўтов ортидаги чоғроқ сайҳонликда қатор тушган биринчи ғулга яқинлашиши билан ўша томондан итларнинг даҳшатли ириллаши кулокка чалинади. Қоракул кучли ва эпчил, ҳар қандай кутурган итни зумда жиловлаб, ўз измига юрита олади. Бироқ, ҳар сафар у итни эмас, ит уни судраб ўтов ортидан чиқиб келади. Майдонга кириб келган ит тўғри тутқунлар томонга ташланади. Қоракул ҳар бир итнинг тизгинидан маҳкам тутиб, уларни бирма-бир бандилар-

га рўбарў киларкан, эсдан оғар даражада кутураётган йирткичларнинг ғашига тегишнинг асло ҳожати йўқ эса-да, бандиларга қараб бўкиришини кўймайди:

– Ғашига тегинглар! Ғашига тегинглар деяпман сенларга!

О-о, бунақа пайтда бандилар неча бор ўлиб, неча бор тирилмайди дейсиз!

Ит рўпарасига келиши билан кўзларини чирт юмиб оладиган Эрман, у нари кетиши билан кушдай енгил тортиб, аввал бир кўзини, сўнг иккинчисини очиб, теваракка аста разм соларкан, доимо бир ҳолдан ғоятда таажжубга тушади – кўрадики, ақл-идрок соҳиби ҳисобланмиш бир тўп оломон ўта кўнгилсиз бу манзарани, одатдагидек, жуда мароқ билан томоша қилмоқда. Тўп қабатида турган болалар, чуғурлашганча, ўзларича итларга пишанг бермоқда, фақат овул аёлларигина бу ёқимсиз «томошагоҳ»га яқин йўлашмайди. Аммо ҳамма шу нарсани жуда яхши билдики, мабодо кутураётган итлардан бирортасининг бўйин тасмаси бехос узилиб кетар бўлса, тамом – унинг чангалига тушган тутқуннинг жонига ҳеч кимса ора киролмайди.

Барча юракдан туйиб, ҳис этиб турадиган қалтис бу вазиятга фақат Итолмасгина бепарво. У, юзида ўша истеҳзоли нимтабассум, кўз илғамас имо-ишоралар билан мазкур хавфли жараённи зимдан бошқараркан, ҳар сафар маросим сўнггида гоҳида индамай туриб кетар, баъзи ҳоллардагина айрим итнинг хатти-ҳаракатига қисқача баҳо бериб, Қорақулга нималарнидир тайинларди-да, шу билан қорасини ўчираб, яъни маълум пайтгача тутқунларни унутарди.

Бироқ ғул итларини тарбиялаш ва сақлаш борасида юқори малакага ва тажрибага эга бўлган Итолмасни қул тутишда у қадар уқувли деб бўлмасди. Масалан, шу пайтгача тутқунларни сақлаш учун чоҳдан бўлак тузукрок кўналғани ўйлаб тополмагандек, тунги кўриқчиликни тўлалигича Қорақулнинг зиммасига юклаб қўйган ва у туфайли соқчи йигитларнинг жони роҳатда эди. Уларнинг юмуши тонгда бошланиб, оқшом яқун топар, агар ўхшатиш

жоиз бўлса, овул подачиларидек тунни ўз ўтовларида ўтказишарди. Боз устига, тунги кўрикчиликка тўла масъул бўлган Қоракул ҳайратли даражада хушёр эди. Кушуйку бу банда ярим тунда олис ёнбағирликда сичқон қимирласа сезар, аммо ўзидан ҳам кўпроқ ғулдаги итларга ишонарди. Шу сабабли ҳар оқшом куйидаги гапни такрорлашни сира қанда қилмасди:

– Яна тунда қочаман-почаман деб юрманглар! Итларим йиртқич! Улар қочарманни тоғнинг истаган қавагидан топадиган, сўнг этини нимталаб, суягини тошлар устига териб кўядиган жониворлардир!

Аксарият тутқунлар бу замзамага деярли эътибор беришмайди. Бироқ ҳамиша ҳам эмас, гоҳида сабр-тоқатлари тугаб, тўсатдан тўполон кўтариб қолишади. Боз устига, Қоракулнинг ҳеч куракда турмайдиган шундай бир ғаройиб қилиқлари борки, ҳар қандай босиқ одамнинг ҳам ғазабини тоширмай кўймайди. Бу камдек, айрим оқшомлари Қоракул чоҳ бошига худди қарғадай кўниб, чўкқайиб ўтириб оладида, шусиз ҳам ўлгудек ҳориб, очиқиб қайтган бандиларнинг жиғига текканча, ҳали тоғдан, ҳали боғдан кела бошлайди.

– Қоракул! – дейди шунда Эрман ғазабини зўр-базўр жиловлаб, босиқлик билан. – Ростини айтар бўлсам, сенинг пойинтар-сойинтар гурунгларингни тинглашга ҳеч биримизда хоҳиш йўқ! Шунинг учун, яхшиси, бизни тинч кўй! Акс ҳолда хафалашиб қоламиз!

Ўша заҳотиёқ уни бошқа тутқунлар қувватлашади:

– Туйнукка ўлигингни ташлаб, тутуннинг йўлини тўса-япсан!

– Андак нафас ростлаб олишга изн бер энди.

– Ҳа, сенсиз ҳам бўларимиз бўлиб ўтирибди ўзи!

– Агар ҳадеб вайсайверсанг, билиб кўй, тишларингни бари тўкилиб тушади...

– Шу, бизга ўхшаб қоронғи қонда тош чўкилаганида эди, бутунлай бошқача сайраган бўларди бу!

Бу гап-сўзларга жавобан Қоракул томонидан итқитилган муштдан кичикроқ тош гоҳида қаттақон оғоч идишдаги та-

омга келиб тушади-ю, чоҳ ичи шовкин-суронга тўлади – бор овозда уни сўкишга тушадилар.

– Қораманглай!

– Кутурган ит!

– Ит эмган!

– Ювиндихўр!

– Кул!

– Ярамас, кул!

– Баттол кул!

– Кул?! – ерни пайпаслаб навбатдаги тошни қидираётган Қоракул бу сўздан ғоят ажабланиб, туйнукка эгилганча, қуйига – ўртадаги гулхан ҳамда токчадаги қорачирок нуридан базўр ёришган чоҳ тубига мўралайди. У қараши билан шовкин сустлашиб, тутқунлар емак ейишга тутинади. Қоракул бир муддат уларни кузатаркан, оғир пишқирганча сўрайди: – Бу гап кимдан чикди?!

– Кул демадик, Қоракул дедик, – дейди кимдир.

– Сизни кул деб бошимиз иккитами, – дейди Эрман масхараомуз оҳангда. – Қоракул эмас, Қоракул ака дедик.

Унинг атай «сиз»лашидан Қоракулнинг баттар ғазаби ошади ва йигитнинг етмиш етти пуштини лойга қориштирганча, болохонадор сўкинишга тушади. Табиий, Эрман ҳам бўш келадиганлардан эмас, сўкинишда бирга ўрни кўндира бошлайди. Аммо қаҳри жунбишга келган пайтларда Қоракул ғирт карга айланади, ўзидан бўлак кимсанинг гапи қулоғига кирмайди. Шунинг учун Эрманнинг жон куйдириб сўкинишлари унга пашшанинг ғинғиллашича таъсир қилмайди. Охири у сўкинишдан чарчаб, умид-ла ичкарига кулоқ тутди – Эрманнинг узр сўрашини кутади. Бирок чоҳ тубидан узр ўрнига қуйидаги қаҳрли хитоб қалқиб чиқади.

– Ярамас, кул!

– Нима?

– Кул!

Қоракул баттар кутуриб, ўзини кўярга жой тополмай қолади. Бир хаёли, пастга сакрагиси, Эрманни уриб, чоҳ деворига бамисоли чалпақдай ёпиштириб ташлагиси ке-

лади. Бироқ ҳар қанча ғазаб отига минмасин, барибир жон ширинлик қилади – чоҳ теран, қуйига сакраган одамнинг оёғи синмасдан қолмайди. Бунинг устига, тутқунлар уни аяб ўтиришмаса керак. Шунинг учун Қоракул дарров бошқа бир шумликни ўйлаб топади – тепадан сув қуйиб, ўчоқдаги оловни ўчиришни режалаштиради. Биладики, тутқунлар очлик ва хўрликка чидашлари мумкин, лекин тунда оловсиз қолишга асло тоқатлари йўқ. Негаки, тошўчоқдаги олов ўтларнинг тунги эрмаги, кўнгил чироғидир.

У бандиларни ўша бахтдан мосуво этиш қасдида, қўлида сув тўла идиш, чоҳ томон диконглаб бораркан, ўтовдан чиқиб келган Ойбекачнинг замзамали овозидан мисоли шамдай қотади.

– Қоракул, қаёққа?

– Ановилар... сув дегандай бўлишувди...

– Бери кел!

Ойбекач фаросатли аёл, Қоракулнинг турки-таровати ва хатти-ҳаракатидан не гаплигини дарров фаҳмлайди, шу кеч атай уни ишга кўмиб ташлайди... Хуллас, буюрилган барча юмушларни тўла адоқлаб, ярим тунда емакдан бўшаган идишларни олиб кетгани келган Қоракул чоҳ оғзида бутунлай ўзга бир кайфиятда пайдо бўлади. Унинг оқшомги вазоҳатидан асар ҳам йўқ, мушукдай мулойим тортиб, хокисор бир қиёфада чоҳга арқон тушираркан, юмшоқлик билан:

– Идишларни бериб юборинглар, йигитлар, – дейди.

Бу қадар кескин ўзгаришининг боиси нимада?

Бунинг боиси – юмуш Қоракулни юпатади ва ортиқча қусурлардан чалғитади.

У табиатан меҳнатни жуда хуш кўради, иш билан қанчалик кўп машғул бўлса, шунчалик мулойим тортиб юради. Акс ҳолда, қўли бўш қолди дегунча, кўринган қорага тирғалишни бошлайди. Шу сабаб овулдаги барча оғир юмушлар унинг зиммасида – каттадан тортиб кичик-кача иш буюради унга. Дарвоқе, Қоракулнинг яна бир ёмон феъли – гоҳида кимгадир сўзини ўтказгиси, унинг устидан

хукмронлик қилгиси келиб қолади. Ўша дарди кўзғалган кезларда тутқунларга ёпишиб, уларнинг қонига ташна қилиб юборади. Қолган вақт эса ўзининг тутуриксиз орзу-ўйлари ҳамда гул итлари тарбияси ҳақида сўз юритиб, дурустгина гурунг беради.

Эрман нарида турганча атай Қорақуюннинг ғашига тегаётган Омонтойнинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатаркан, дўстининг айрим қилиқлари Қорақулниқига ўхшаб кетишидан гоҳида ғоятда ҳайратга тушади. Шунда гул тева-рагида Омонтой эмас, Қорақул ўралашиб юргандек, беихти-ёр кўнглида адоват ҳисси бош кўтаради. Бу ҳис Қорақуюнни гулдан чиқариб юбориш истагини юзага келтиради. Сўнг тезда ўзини қўлга оларкан, буни қарангки, дўсти Омонтойни эмас, ити Қорақуюнни ўйлаб, бу хоҳиш-истагидан воз кечганидан жуда ажабланади. Кейин бу ҳолатни ўзича таҳлил этмоққа киришади. Оқибат, таҳлил хулосаси шу бўладики, Эрман итини эмас, ити тимсолидаги «жонли ўк»ни авайлагани аёнлашади.

Мол ўғрилари водийга қадам қўйган тунда ҳам Эрман итини авайлаган. Эрманнинг бутун диққат-эътибори кути-лаётган хавфда бўлса-да, ғаройиб бир ҳолатни сезмасдан қолмаган – ўша тун Қорақуюн итлигига бормаган, ўзини ҳайратли даражада сокин тутган. У бошда ўта паст овозда бир маромда ириллаб турган-турган-да, кейин кутилмаганда дамани ичига ютиб, тинч туриб қолган. Илгари салга тоғни бошига кўтарадиган Қорақуюннинг бу сафарги ҳолати – ғайритабиий босиқлиги, турган гап, Эрманни ғоятда ажаблантирган. Ўша лаҳзада илк бора Қорақуюнга тан берган: «Сен ит эмас, алп йигитсан! Ўпкасини босиб олган шер йигитсан!»

Албатта, бу сўнг айтилган эътирофлардан бири эди.

Унгача Эрман, ўша таниш сезгига бўйсинган кўйи, яроғини қўлига маҳкам тутганча, сал наридаги харсанглардан бири ортига бориб чўккан. Шунингдек, ўтов ёнига қатор териб қўйилган оғоч найзалардан бирини, ҳар эҳтимолга қарши, ёнига қўйиб қўйишни ҳам унутмаган.

Эрман, пистирмага жойлашиш асносида, туйқусдан итининг уни ўчгани ва ҳали кимлиги номаълум бўлган хавфни мисли баҳодирлардек сокинлик ила қарши олаётганини нақ энсаси орқали ҳис этаркан, бундан ўзида йўқ севинган, итни ширин сўзлар билан алқагиси келган. Бирок Қорақуюндаги бу ҳолат таҳсинга лойиқ фавқулодда ҳодиса эмас, шунчаки жониворнинг жисми-жаҳонида, Қалайбекнинг таъбири билан айтганда, табиатнинг оналиги ҳамда донолиги бўй кўрсатганди, холос.

Одатда, табиий хусусиятлар боис, барча турдаги ёввойи ўсимликлар ташқи муҳитга тез мослашади ва жойига қараб ўз ҳимоя тизимини яратади, яъни айрим ўсимлик турлари бежиз тикон билан қопланмаганидек, баъзилари бекорга ўзидан нохуш ҳид таратмайди. Бу хил табиий эврилишни ёввойи жонзотлар, жумладан, овлоқ гўшани ўзига макон тутган одам боласининг характер-хусусиятида ҳам кузатиш мумкин. Ёлғиз одамда ички сезги ва идрок, шунингдек, аввалдан ҳис эта билиш туйғуси бошқаларга нисбатан кучлироқ ривожланган бўлади. У қалин бутазорда биқиниб ётган йиртқични ёхуд ўзи томон бостириб келаётган хавфни олдиндан пайқай олишдек ноёб салоҳиятга эга бўлади.

Бу – табиатнинг инсон боласига берган инъомидир.

Инсоннинг ҳимоя тизими – идрокдир.

Идрок туфайли Эрман сабрли эди.

Аммо ўша тун Қорақуюннинг сабри уникидан-да зиёда бўлди.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб-ўтмай, ғор оғзи тепасидаги сайхонликда учта кўланка пайдо бўлганида, юқорида таъкидлаганимиздек, Қорақуюн итлигига бормади – акилламади, Эрманни хавфдан огоҳ этиб, эласгина сас бериш билан кифояланди, бу билан узок аждоди бўлмиш Оларитнинг қилиғини такрор этди.

Оларит зоҳиран бошқа итлардан унчалик ҳам фарқланмаса-да, ботинан уларга сира ўхшамасди. Масалан, у ўзга овул итлари каби кўринган қорага акиллайвермас,

мабодо даштда бирор ўлжа эътиборини тортгудек бўлса, уни кўлга тушириш учун, худди ёввойи жониворлардек, соатлаб пойлаб ётишга сабри етар, кексалар таъбири билан айтганда, ўз кунини ўзи кўришга қодир жонивор эди. Ул итнинг яна бир қилиғи – нотаниш кимсани ўтовга киритишга киритиб, сўнг кўналға сохиби келмагунча уни эшикдан чиқармай, ичкарида тутиб турарди. Гапнинг қисқаси, Оларитнинг куракда турмайдиган қилиқлари бир дунё эди. Эндиликда ундаги бор яхши ва ёмон хусусиятлар секин-аста Қорақуюннинг вужудида қайта уйғониб, ўзини намоён эта бошлаганди. Шунинг учун ҳам водийга шунчаки ёт кишилар эмас, балки ёмон ниятли кимсалар бош сукқанини Қорақуюн дарров фаҳмлади ва ғул оғочлари орасидан уларнинг ҳар бир ҳаракатини диққат-ла кузата бошлади. У шу тобда ғулни унутган, ҳар лаҳзада олға ташланишга шай ҳолда ер бағирлаб ётарди.

Қароқчиларнинг бу тарафга доримаганига анча бўлган шекилли, дўнгда қорайиб турган ўтовга кўзлари тушиши билан бир лаҳза тек туриб қолишди. Кейин бош бириктириб, тезгина ниманидир маслаҳатлашиб олишди-да, сўнг шарпа янглиғ куйидаги сўқмоқ бўйлаб водий ичкарисини томон жилишди. Тепадаги ёлғиз ўтов уларни сираям чўчитмаган, шунчаки ҳушёрликка чорлаганди, холос. Ахир кимсан – кўздаги сурмани сездирмай сидириб кетишга қодир қароқчилар эди-да улар.

Кўланкалар арчали дўнглик ортидаги тор ботикда жойлашган подаётонки кўз остига олишганини Эрман дарров фаҳмлади. Ботикда кўкламдан то қиш-кировли кунларгача оғил юзини кўрмайдиган овул моллари ётоқлар, аниқроғи, тунарди. Айрим жониворлар эса бу эркинликка қаноат этмай, бутунлай ёввойилашиб кетарди. Тоғликлар удуми бўйича ёввойилашган жониворлар эгасиз саналар, қишда улар ким томондан овланса, ўшанинг ризқ-рўзига айланарди. Ботикқа жамланадиган жониворлар кишилар томонидан кўрикланмас, негаки, пода ҳар қандай йиртқичдан бемалол ўзини ҳимоя қила оларди.

Кўройдинда ғимирлаётган кўланкалар ўзи интиқиб ку-таётган Итолмас тўдаси бўлиб чиқмаганидан ҳафсаласи пир бўлган Эрманнинг алами ортди. Алининг ўчини Валидан олгиси келди. Айни шу лаҳзада Қорақуюн яна ўзини эслатди, мени эркинликка қўйиб юбор, деган маънода секингина гингшиди. Эрман, бир хаёли, уни ғулдан бўшатмоқчи бўлди. Бироқ сўнгги лаҳзада бу фикридан қайтди. «Сен қандайдир қароқчиларга эмас, Итолмасга аталгансан», дея қўлидаги ярокни олдинда хиёл эгилиб бораётган новча кўланкага тўғрилади. Аммо сўнгги сонияда милтиқ милини андак чет-га буриб юборди.

Милтиқ гумбурлаб, тоғу тошлар ларзага келди.

У нечун бундай қилди?

Нечун у қароқчилар қотили бўлишни истамади?

Бойси, Эрманда қароқчиларга нисбатан ғазаб ва нафрат ҳисси етарлича уйғонмаганди. У ғор томон шаталок отиб қочиб бораётган кўланкалар ортидан қараб қоларкан, эрмакка яна отмоқчи бўлди, бироқ ўқини аяди.

Эгасининг шафқат ҳиссига бўйсунганини сездими, милтиқ овозидан кейин ҳам Қорақуюн акилламади, норози оҳангда бир-икки ириллаб қўя қолди. Сўнг ириллашга ҳам ройиши бўлмай, ғул тубига ғужанак тушиб ётиб олди.

– Бу... итингни саси чиқмай қолди? – дея сўради, овул йигитлари қатори ўпкасини қўлтиқлаб етиб келган Омонтой, энг сўнггида ғулга эътибор қаратиб. – Бунинг, ишқилиб, ўлиб-нетиб қолмадимикан, а?

– Ўлса, кўнглинг тинчийдими?

– Нима деяпсан, йўқ.

– Унда хавотир олма, тирик у.

– Саси чиқмаяпти-ку...

– Мендан қаттиқ хафа...

– Ия, нечун? – Омонтой қоронғида янги қабрдай тўмпайиб турган ғулга бу гал жиддий назар ташлади. – Нелигини англаб менга, биродар.

– Қароқчиларга раҳм қилганим ёкмади унга.

Омонтой пиқирлаб куларкан:

– О-ла, ўзи шунақа дедими? – деди.

– Ит демайди, ишора қилади, – деди Эрман бу мавзуда гаплашишга асло хоҳиши йўқлигини англаган оҳангда.

– Шу қилганига, – деди Омонтой ҳеч тузалмас ўша тўпорилик билан, – бор-йўғи бир ит бўлсанг, ноз қилишинг нимаси, дея ғулдан чиқариб, кетига бир тепайми, а?

– Агар кўлингдан келса, бир эмас, икки теп!

– Йўқ, бу иш кўлимдан келмайди, – Омонтой беихтиёр ғулдан узоқлашади. – Ғулдан чиқиши билан тириклайин еб кўяди мени! Шусиз ҳам кўрарга кўзи йўқ...

Эрман тундаги қароқчилар отларини ғор оғзидаги чангалзорда қолдирганини эртаси куни эринмасдан аниқларкан, демак, Итолмас ҳам худди шу йўсинда иш тутади, деган хулосага келди. Шу куни пешинга яқин келиб, ҳар галгидек, бир муддат бошини қотириб кетган Бибисора момо ҳам буни бот тасдиқлагандай бўлди:

– Ғанимнинг зўри учқур уловларда келиб, бу томонда арвоҳ янглиғ кезинади...

Ўша куни у сезмаган харсанг сиртидаги қон доғини Бибисора момо дарров илғади. Бу жониворнинг эмас, ёмоннинг қони, деди. Эрман эса ҳайрон, ахир мўлжални атай нотўғри олган эди-ку?

Овул кексалари уни олқишга кўмиб ташладилар.

Оқбўта оқсоқол уни «овул кўрикчиси» дея эълон қилиб, емоқ-ичмоғини овул зиммасига юкламоқчи бўлди. Бироқ Эрман бу имтиёздан кескин бош тортди. «Йўқ, ўз кунимни ўзим кўраман, оқсоқол», деди. Қорақуюннинг тунги ғаройиб қилиқлари ҳақида эса бирон кимсага чурқ этмади, ҳатто кунда шунда Омонтойга ҳам.

Ўша тунда Қорақуюннинг безовталиги қароқчилар тўфайли эди.

Хўш, унинг бу сафарги беҳаловатлигининг боиси нима экан?

Эрман айри оғочда осиглиқ турган бўри этидан бир парча кесиб олиб, уни кафтлари орасида обдон пиймалаб, думалоқ шаклга киритди-да, итнинг оғзига тутди. Бу – Эр-

маннинг эркалаши ҳамда ўзига хос ҳол-аҳвол сўраши эди. Аммо Қорақуюн бу сафар эркаланмади, оғзига тутилган емакни ликқа ютди-ю, астагина ириллаб кўя қолди. Кейин, гўё бу дунёдан аразлагандай, гул ўртасига ғужанак тушиб ётиб олди.

* * *

Тутқунликда сақлангани боисми, Қорақуюннинг ташқи оламга нисбатан нафрати ниҳоятда кучли эди. Оғоч тўсиқ ташқарисидаги барча нарса – тоғлар, қоялар, арчазорлар, эпкинда тебранаётган яшил майсалар, ўтовга келиб-кетувчилар, агар таъбир жоиз бўлса, ҳаттоки кўкдаги қуёшнинг мавжудлиги ҳам унинг ғашига тегар, ғазабини кўзитарди. Қаҳри тошган кезлари у барча нарсани бақувват жағлари орасига олиб, бурдалаб ташлагиси келарди. Бироқ яқиндан буён бу нафратли туйғулари қаторига кўмсаш ҳамда соғинч ҳислари ҳам кўшилган бўлиб, кунботиш томондан вақт-бевақт, кўпроқ шом олдидан тўсатдан кўзғоладиган дайди ел қанотига илашиб келадиган шувок бўйини туйиши ҳамон жонивор гулга сиғмай қолар ва беихтиёр ташга интила бошларди.

Агар узокдан суриштириб келинадиган бўлса, Қорақуюн ўта ноёб ит зотидан эди. Аммо Қорақуюнга қадар бу зотга даҳлдор итлардан бирортаси гул юзини кўрмаган, барининг умри эркинликда, чексизлик уммонида – бийдек даштда поёнига етганди. Кенглик бу зотдаги итларнинг ошёни, шамол эса уларнинг энг яқин ҳамроҳи эди. Бўридек шиддаткор ва оҳудек елгир Олақалпоқ қавмининг чорваси каби итлари ҳам бисёр, кўч-кўронлари эса енгил эди. Оларит қавм итларининг олди ва етакчиси эди. Бу қавм ҳеч бир манзилда узок туриб қолмас, ҳаминша янги ўтлок илинжида даштма-дашт изғиб юрарди. Бу хил турмуш тарзи қавм аҳли қаторида итларга ҳам жуда маъқул эди. Мабо-до қавм бирор манзилда сал зиёдроқ туриб қолса борми, одамлар қолиб, итлар безовталанишни бошларди: «Нима-

си бу, қачонгача бу маконда уялашамиз?» Шу боис, ҳар бир кўчиш тараддуи итлар учун энг ажойиб, энг ҳузурбахш дамлардан бири саналарди.

Кўчиш саъй-ҳаракати ҳамиша тонгдан бошланади. Ўтовлар йиғилиб, уловларга ортиларкан, ошиқмай манзилни тарк этаётган қавм ортидан бузилмаган тандир ва тошўчоқлар, гирдига тош терилган қудуқ қоларди. Дарвоқе, кўчманчи қавмлар таомили шу – улар ўзларидан кейин келиб-кетувчиларни назарда тутиб, тошўчоқлар ҳамда оғзи кўҳна кигиз ва терига ўхшаш нарсалар билан ўраб-чирмалган тандирларни бус-бутун қолдириб кетишади. Қудуқ оғзи эса ёввойи жониворлар тушиб-негиб юрмасин дея, шох-шаббалар билан тўсиб қўйилади.

Турган гапки, одам боласининг бу хил удум ва одатлари билан овул итларининг мутлақо иши йўқ. Жониворларни бугун тушгача ёхуд кечга томон етиб боришлари лозим бўлган янги манзилдан бошқаси асло қизиқтирмайди. Шу ўринда қуйидаги саволнинг туғилиши табиий – хўш, янги манзил нимаси билан жониворларни бу қадар ўзига тортади?

Фараҳбахш дамлари билан!

Бу дамлар – янги маконнинг асл эгалари бўлмиш бўрилар билан юз берадиган кетма-кет тўқнашувлардир.

Қавм аҳли янги манзилга келиб ўрнашиши билан, кишилар назарида, маҳаллий бўрилар бийдек даштнинг кўз илғамас олис сарҳадларига бадар сингиб, йўқолиб кетгандек туюлса-да, аслида улар кўпам узоқлашиб кетмаган, шу атрофдаги ўр ва қир пучмоқларида суманглаб юрган бўлишади.

Бўриларнинг кенглик кифтида муаллақ туриб қолган ҳиди биринчи кунданок овул итларини бирдамликка чорлайди – улар ўзаро гина-қудуратларни унутган ҳолда ҳамжиҳатликда теварак-атрофни обдон айланиб, ўрганиб чиқишади-да, сўнг ўтовлар тикилган сайхонлик яқинидаги бирор дўнгликка бирин-сирин кўтарилиб, чўлнинг олис уфқларига тикилганча, ҳап сенларними, дея «мушт ўқталиб» қўйишади. Бунақа пайтда айрим кўшпақлар, кўпчилик

эканидан ҳаволаниб, пўписага зўр беради. Бошқа бири эса, ўзича чираниб, йўқ ғанимни жангга чорлаган бўлади: «Агар зўр бўлсаларинг, қани, бу ёққа чиқларинг-чи!» Бу хил ҳолатлар, одатда, заифроқ итларда кузатилади. Ёвқур табиатли жониворлар эса чек-чегарасиз кенгликнинг узок чеккаларига хаёлчан назар ташлаш билан кифояланади. Бирок бу овул итларига чексиз завқ бағишлаши лозим бўлган ўша фараҳбахш дам эмас, балки унинг дастлабки енгил эпкинларидан бири, холос.

Барча завқли онлар ҳали олдинда.

Фақат бу дамнинг рўй бериш муддати ҳамда фурсати итларга эмас, бўриларга, уларнинг хоҳиш ва истасига боғлиқдир. Шу боис, учрашув онлари ҳаддан зиёд чўзилса, яъниким бўрилар галаси ҳадеганда қорасини кўрсатавермаса, кутишдан торикқан итлар ҳасратдан ёна бошлайди:

«Ўҳ-ҳ, нима бало, ўлиб-нетиб қолмадимикан улар, а?!»

«Тезроқ кела қолишмайдими, а!»

«Кўлимга тушсин, барини битта кўймай ғажиб ташлайман!...»

«Улар келса, қочгани тешик тополмай қоласан-у, тагин мақтанишингга бало борми?»

«Кўявер, мақтанаверсин».

«Ия, анови қоралар... ўшалар эмасми?»

«Кўздан қопсан шекилли, кўшни отар-ку...»

Шундан сўнг одатдаги ланжлик юзага қалқиб, торикқан ва ўлгудек зерикқан итлар бир-бирлари билан ёқалаша бошлайди. Аксарият итлар эса, бўриларни ўзлари томон чорлаб, тунлари ув тортиб чиқади. Кундузлари ёшроқ итлар тулки қувлашу қуён овлаш билан ўзларини овунтиришса, нодонроқлари отар бир ёқда қолиб, тутқич бермас кийиклар ортидан беҳудага югуриб юришади. Бирок бу эрмакларнинг бирортаси ҳам даштнинг чин эгалари бўлмиш бўрилар билан юз берадиган хавфли бетлашувнинг ўрнини боса олмайди.

Ана шундай кунлардан бирида кутилмаганда бўрилар тўдаси ўзларидан дарак бериб қолади. Бу дам-

ни кутавериб тоқати тоқ бўлган баъзи итлар азбаройи кувонганидан хотини хўллаб кўяди; бошқа бири эса ўмгани билан ер сузиб, инграб-ириллаб ўз кувончини шу йўсинда ифода этади; айримлари ҳаяжони зўридан, бошқа ер куригандай, ўтов сиртига чоптириб кўйиб, эгасидан калтак еб юради.

Яна бири...

Хуллас, бунақа пайтда жонланган ва шодланган итлар тўдасига Оларит бошчилик қилади. Итлар бир тану бир жон бўлган ҳолда бўрилар галасини чўлнинг узок ичкарисига кувиб солишади. Айни шу жараён аксарият итлар учун бир умрга татиғулик ҳузурбахш дам саналади. Ахир бутун бошли ёвуз тўдани олдиларига солиб қувлашдек ажойиб тадбирда иштирок этиш ҳамма итларга ҳам насиб этавермайдида. Шунинг учун, бу завқли онлар лаззатини ҳеч бир нарсага тенглаштириб бўлмайди.

Бироқ биринчи, яъни синов ташрифдан сўнг бўрилар тўдаси, негадир, худди сувга чўккан тошдек, анча вақт йўқ бўлиб кетади. Оқибатда, овул итлари тағин ўзларини кўярга жой тополмай қолади. Улар ланжлик тўрига ортик чирмалишни истамай, чўл кўйнига илҳақ-илҳақ термулишга тушадилар:

«Қани, у ярамаслар, а?!»

«Нечун қораларини кўрсатишмаяпти, а?!»

«Ишқилиб, тирикмикан?!»

«Ё чинданам битта қолмай кирилиб битишдимикан?!»

Бу пайтга келиб, ҳар сафаргидек, майда-чуйда кўнгилочар юмушлар, яъни даштдаги беозор ертешар жониворларни овлаш ва бошқа шунга ўхшаш эрмаклар итларни ортик қаноатлантирмай кўйган, оқибатда, улар жиззакилаша бошлайди.

Итлар бир-бири билан ёвлашиб ва ёқалашиб юрган кунлардан бирида, бахтларига, туйқусдан дўнгликлардан бирида яна бўрилар галаси пайдо бўлади. О-о, ганимлар шарпасини илғашлари билан барча итларнинг кувончи бу олам сарҳадига сиғмай қолади – ланж торта бошлаган вужудла-

рига қайта ғайрат иниб, орадаги барча гина-кудуратлар зумда унут бўлади.

Улар овул четидаги яйдоқ сайхонликка йиғилиб, етакчи ит – Оларитни сабрсизлик билан кута бошлайдилар.

Бироқ хиёл нарида, негадир ҳалигача тикланмаган ўтов анжомлари панасида, бўлик ўт-ўланлар орасида, олис дўнгликда уймалашаётган бўрилар қорасини зимдан кузатиб ётган Оларит, ҳар галгидек, бу сафар ҳам ўлгудек бетоқатланаётган итлар чорловига тезда жавоб қайтара қолмайди – ўзича андак иззат саклаган бўлади. Боз устига, кунботишдаги энг чекка ўтов ёнида тўпланиб турган овул ёшларидан ҳадикда эди у. Мабодо йигитлар, эрмакка, бўрилар томон от суриб қолар бўлса борми, худо урди – итларга бир тўп суворийга дум бўлмоқдан ўзга чора қолмайди. Бу ҳол заиф итларга ёқиши мумкин, аммо Оларит каби ёвқурларга эмас. Азалдан у бу каби эрмакларга одам боласининг аралашмоғини ёқтирмайди. Назарида, ғаним томон улар устидан куладигандек туюлади. Аслида ҳам шу – итлар суворийлар соясига айланса, бўрилар чиндан-да кулади, яъни жониворларга хос увлаб-увлаб кулади. Хуллас, овул итлари тоқатсизликдан бўғилиб ўлар даражасига етгачгина, Оларит ўзидан белги беради – аста қаддини тиклаб, хузурланиб керишади-да, гўё ҳеч гапдан хабарсиздек, андак зардали, андак норози оҳангда аста ириллайди.

Бунга жавобан итлар бараварига чувиллашади:

«Бўрилар!»

«Бўрилар!»

«Бўрилар!»

Оларит – ақлли жонивор!

Бўрилар тўдаси бу сафар ҳам овул моли ва жонига тажовуз қилиш ниятида эмас, балки даштнинг энг сара ити бўлмиш ўзини, яъни бўрилар назарида, Оларит отлик ўта шиддатли, ўта ёвқур табиатли итнинг тинчини бузиш, ўмганини ердан узишга мажбур этиш мақсадида дўнгда пайдо бўлганини аллақачон фаҳмлаб улгурган эмасми, шу сабаб ғаним томонга нисбатан ғазаб ҳиссини туймайди. У

шериклари интиқиб кутаётган кўнгилли юмуш – кув-кувга овул йигитлари аралашиб қолмасин, деган ҳадикда тезда ташаббусни ўз қўлига олади. Аввалига журъати сустроқ итлар тўла жамлансин, деган ўйда аста югуради. Кейин эса ички бир асов тўлқинга бўйсуниб, тўдадан юз-юз элик одимча олдинлаб, мисли елдай уча бошлайди.

Оҳ-х, бунинг гаштига нима етсин!

Олис уфқ томон шаталоқ отиб қочиб бораётган бўрилар галаси изидан тушган итлар шамол билан баҳс бойлашиб югуришади. Мабодо шамол пинакка кетган бўлса, уни қайта кўзғаб, уйғотиб югуришади. Дўнгликлар устидан учиб, зовлардан сакраб ўтишади. Қизиқ жиҳати, ганим томонни тилка-пора қилиш важи ва қасдида эмас, балки ушбу макон, ушбу кенгликнинг асл эгаларини олдиларига солиб қувлашдек улуғвор устуворликдан, ўша улуғвор устуворлик туфайли юзага келган ғаройиб роҳатдан мароқланиб, хузурланиб-хузурланиб югуришади.

Оларит изидан келаётган шерикларининг бу ҳолатини яғрини орқали туйгани ҳолда олдинда елиб бораркан, доимо оралик масофани бир текис сақлашга уринади. Бироқ гоҳида азбаройи кизишиб кетгани боис, бу йўриққа бўйсуниб лозимлигини паққос унутиб кўяди, яъни даштнинг маълум бир сарҳадига етгач, ўзи билиб тийилиш ўрнига, телбаларча таъқибни давом эттиради. Аммо бу хил «ўйин»ларда меъёр ҳамда тартибни хуш кўрадиган етакчи кулранг бўри дарров унинг эсини киритиб кўяди. У кенгликнинг белгили бир нуқтасига етгач, кутилмаганда шартта изига бурилади-да, тишларини даҳшатли тарзда иржайтирганча, ириллаб: «Бас, иззатинг битди! Қани энди, бир жўнаб қол-чи!» – дейди. Одатда, бунақа қалтис пайтда, умуман, ҳар вақт ҳам етакчи бўри етакчи ит билан мулоқотда бўлади. Қолган жониворлар эса доимо иккинчи даражали бўлиб қолаверади. Шунинг учун кулранг бўри бор захрини Оларитга сочади.

Ана шундан сўнггина Оларит, ўта қизиқишда йўриқни бузиб, «андиша» чегарасидан андак ҳатлаб қўйганини аңглайди. Биладики, бу ёғи ўта хавфли – агар яна жиндек сур-

бетликка эрк берилса, ғаним томон ўлар-тирилариға қараб ўтирмайди, гўё ўнгир бағридаги инларини химоя қилгандай, бараварига ҳамлага ўтишади. Натижада, хамиша бу каби жараёнға ҳукмронлик қиладиган ёвузлик қаҳ-қаҳ отиб, дашт тупроғи қизил қонға бўялади.

Шу боис, Оларит, тўдабоши сифатида, ортиқча хунрезликка асло ҳожат йўқлигини англагган ҳолда аста ерга чўккалайди. Ўз навбатида, итлар галасининг ҳар бир ҳаракатини ҳушёрлик билан кузатаётган бўрилар жамоасининг тезроқ даф бўлишини сабрсизлик билан кута бошлайди. Ахир шунча қув-қувдан сўнг, ғаним тумшуғи остидан ортга қайрилиб бўлмайди-да. Аввал улар кетсин, сўнг итлар изига қайтади. Бироқ барча итлар ҳам Оларит каби тинчлик йўлини тутавермайди. Баъзи кўппаклар дарҳол номардлик кўчасига кириб, шу яқин-атрофда бирор одам боласи кўриниб қолмасмикан, деган илинж ва умидда теваракка аланглай бошлайди. Бундай пайтда итлар кутку ва пишангга ниҳоятда муҳтож бўлишади. Агар шу тобда бирор кимса келиб: «Бос!» деса, бас – улар ҳар қандай муқаддас йўриқнинг юзига панжа уриб, бўрилар тўдасини даштнинг янада олис буржига суриб ташлашға ҳозир турадилар. Буни сезган Оларит, «Бас!» дея ғазаб-ла ириллайди. Негаки, барча ёвкур табиатли жониворлар каби бу хил тўқнашувлар одам боласининг иштирокидан холи бўлмоғини истайди.

Нечун?

Бунинг боиси шундаки, жониворлар ботинида андишаға ўхшаш ғаройиб бир йўриқ мавжуд бўлиб, бу йўриқнинг тартиби ҳамда ички моҳиятини инсон боласи икки дунёда ҳам идрок эта олмайди. Идрок этолмагани сабабли, у хамиша бузувчи объект ролини ўтаб келади.

Хўш, инсон зоти англаб етиши қийин бўлган бу йўриқ қачон ва қай тарзда вужудға келган? Унинг ибтидосию интиҳоси қанақа? Шунингдек, чинданам у мавжудми?

Ҳа, у чиндан-да мавжуд.

У ер юзида жониворлар пайдо бўлган кездеёқ юзаға келган ва шу дамгача улар ботинида ими-жимиди яшаб келади.

Мазкур йўриқ жараёнини ёввойи олам қучоғида кўриш ва ўрганиш учун қалин ўрмон оралаш ёхуд баланд тоғларга тирмашиб юриш шарт эмас, бу табиий ҳолатни бизга жуда яқин бўлган ит ва мушук муносабатида ҳам бемалол кузатиш мумкин. Бунинг учун бирор мушукни жон-жаҳди билан қувлаб бораётган кўппакнинг барча хатти-ҳаракатини синчковлик билан кузатишнинг ўзи кифоя: бир қарашда, ит шу қадар ёвузлашганки, мабодо мушук унинг чангалига тушгудек бўлса, тирик қолиши гумондек туюлади. Худди кутилгандек, ана, қутурган ит мушукка етай деб қолди. Агар у яна жиндек зўр берса, тамом – шўрлик мушукнинг куни битди деяверинг. Бироқ сўнгги сонияда воқеа ривожини кескин ўзгаради – ит энг охириги лаҳзада мушукнинг чап бермоғига атай имкон яратади ва шу билан мушук муқаррар ўлимдан қутулиб қолади.

Хўш, нечун сўнгги дақиқада ғазабкор ит мушук тимсолидаги ғанимини маҳв этиш фикридан воз кечди?

Бунинг сабаби ғоятда жўн – ит мушукни одатига ҳос тарзда қувлаган эса-да, аммо аввалида ундан бирон ёмонлик кўрмагани боис, ўзи сезмаган ҳолда беихтиёр ботиний йўриққа итоат этган, мушукнинг қутулиб кетмоғига изн берганди. Масалага янада ойдинлик киритадиган бўлсак, итни фавқулодда туғилган шафқат ҳисси эмас, балки она табиат томонидан жисми-жонига сингдирилган муқаддас қоида – йўриқ жиловлайди.

Агарда ит мушук томонидан бирон ёмонлик кўрган бўлса, бунинг бутунлай акси кузатилади – бундай пайтда кўппак ботиний йўриққа эмас, йиртқичлик майлига бўйсунди ва мушукни маҳв этмасдан қўймайди.

Бир-бирига зид бу қонун-қоидалар ит ва бўрилар орасида ҳам мавжуд бўлиб, ўзаро муносабатда улар бу йўриққа жиддий амал қилиб келишади. Агар шу ўринда Оларитнинг бугунги сокин ҳолатини бироз таҳлил этадиган бўлсак, бунинг асосий важи шундаки, ҳозирча бўрилар тўдаси овулнинг моли ва жонига даҳл қилганича йўқ. Шу боис Оларит уларга нисбатан ўтқир адоват туйғусини туймайди.

Бўриларга келсак, изларидан аҳмоқ бўлиб қувлаб юрган итлар галаси бу ҳудудда муваққат: сайҳонликни тўлдириб турган ўтовлар йиғилиб, қавм кўчган куниёқ уларнинг ҳам қораси ўчади. Хуллас, ҳозирча ўртада зиддиятга арзигулик жиддий сабабнинг ўзи йўқ.

Бу эса ҳар икки томоннинг ими-жимиди изларига қайрилиб кетишларига изн беради. Ва доимо биринчи бўлиб бўрилар жамоаси кўзғалади. Улар изларига қарай-қарай, йўртишганча, дашт қўйнига қуюндек сингиб кетишади. Аммо, ит дегани, барибир итлигига боради, айрим кўпаклар аллақачон ном-нишони қолмаган бўрилар ортидан пўписали тарзда акиллашда давом этади. Уларни азбаройи ёмон кўрганидан эмас, итлигига бориб, яна бироз шовқин солгиси келади. Бу билан ўзларининг бачкана ва заифлигини янада кўпроқ ошқор этишаётганини, табиий, билишмайди.

Оларит ярим йўлдаёқ шерикларидан ортда қолиб, ёлғиз ўзи секин йўртишда давом этаркан, гоҳида учраган тепаликлардан бирига кўтарилиб, шамолга юз тутганча узоқ туриб қолади. У шувок бўйини ёктиради. Бу ҳид кенглик маҳобатини юракдан туймоғига янада кўпроқ изн беради.

Оларит, айниқса, айнаи ёз оқшомларининг ўзига хос ҳолат ва манзаралари – кафтдек сайҳонликда қўнқайган турли ўтовлар, ўчоклардаги гулхан шуъласи, кўкка ўрлаётган тутунлар, ёш-ялангларнинг ўйин-кулгуси, овул этагидан нозланиб келаётган чанқовуз саси, қирмизи уфқ ранглари-нинг товлана-товлана сўна бориши, яғринини силаб-сийпалашга журъати етган кимсанинг қайноқ кафтидан таралаётган илиқ ҳарорат таровати ва яна кўп нарсаларни шувок бўйисиз тасаввур этолмайди. Оларит бу ҳид оғушида эркаланади, сархушланади ва ярим тунга бориб унда тийиксиз бир истак – куйлаш истаги бош кўтаради.

Қавм аҳли иримчи – итларнинг увлашини ёмон кўради, бирор фалокатни бошлаб келади, деб ўйлашади. Шунинг учун увлашга уринган ит борки, ҳамиша калтак остида қолади. Шу боис Оларит овулдан узоқлаб, бирор дўнгликка

кўтарилади-да, қадимги аждодлари кўшигини бошлаб юборади. Овози бўриникидан асло фарқ қилмагани туфайли, эшитганлар уни бўри деб ўйлайди. Аслида унинг бир томони бўрига бориб туташишини биров билиб, биров билмайди. Бўрилар ҳам худди ўзларидек келиштириб ув тортаётган итнинг иззатини қилиб, узоқ-яқиндан унга жўр бўлишади. Ана шундай кезларда томонлар бир-бирларига нисбатан асло адоват сезмайди, шунингдек, дўстлик ҳам, бироқ ўртада қандайдир яқинлик юзага келмай қолмайди. Бу нарса жониворлар ботинидаги йўриқни янада кучайтириб, турли кутилмаган тўқнашувлар пайтида «андиша»нинг этагидан маҳкамроқ тутмоқларига сабаб бўлади.

Шу ўринда қуйидаги савол туғилади:

Хўш, Оларитдай жониворни тизгинлаб бўлармиди?

Турган гап, асло!

Аммо, минг афсуски, Оларитнинг узоқроқ авлоди бўлмиш Қорақуюндек ўта ёвқур жонивор тизгиннинг энг баттари ҳамда энг азоблиси – ғулда сақланмоқда ва бу бедодликка қарши Қорақуюн ботинидан ўрин олган аждодлар руҳи исён кўтармоқда эди. Итнинг, худди бангидек, шувок бўйини кўмсаши ва бу ҳидни илғаши ҳамон ўзида йўқ даражада қутуриб кетишининг асл сабаби ҳам шу эди. Қорақуюн сўнгги кезларда қибла ели қанотига илашиб келиб қоладиган ўша таниш, кадрдон бўйни илҳак кутадиган ва шувок бўйини туйган заҳотиёқ унда эрк туйғуси бош кўтарадиган бўлиб қолганди.

Эрман жони ичига сиғмай тўлғанаётган итга зимдан боқаркан, гоҳида Қорақулнинг ҳов бирда айтган гапини эслаб қолади. Қорақул ўзининг бош-кети йўқ тутуриксиз гурунгларидан бирида шундай деган эди: «Бу оламда ғул итидек расво феъли жонзот бўлмаса керак. Бир қарасанг, ўликдай чўзилиб ётиб олган, бир қарасанг, ғайрати ичига сиғмай кўкка сапчиган, бир қарасанг, ўз эгасига ола қараган, яна бир қарасанг... Шу десанг, ғулда ўнлаб ит тарбияладим, лекин ҳалигача бирортасининг феълини тўла тушуниб етмадим. Гоҳида, улар жин-пин измида эмасмикан, деган ўйга

бораман. Баъзида ичида дарди борлигини сезиб қолиб, молга ўхшамай ўл, дея олдига турли ўт-ўланлар ташлайман. Баъзилари майсаларни танлаб-танлаб ейди ва ювош тортигандай бўлади. Баъзилари эса тескари, худди тирикликка қасди бордай, багтар кутуришда давом этади. Майли, улар бир ит, агар сенга чинини айтсам, гоҳида ўзим улардан зиёд кутураман. Кутурган кезларим барига қўл силтаб, киндик қоним тўкилган гўшам – Илонўрмаларга кетгим келади. Шу десанг...»

Қоракулнинг гурунгини тинглар экан, Эрманнинг кўз ўнгида қуйидаги манзара жонланади: Илонўрмалар – тухумсимон икки қоятош оралиғидан бошланувчи эгри-бутри узун дара. Тевараги тик кесилган қоялар билан қуршалган бу дара чоғроқ ёнғоқзор водий билан адоқланади. Қоракулнинг киндик қони ўша водийда тўкилган. Водий жанубида тепадаги кенг арчазор яйловга олиб чиқадиган энсиз йўлак мавжуд бўлиб, унинг кичик қавми илиқ-иссиқ кунларни ўша ёқда ўтказиб, киш-кировли кунлардагина қуйига энишган. Дарвоқе, водийнинг шимол томонида яна бир тор йўлак бўлиб, у Қизилча қавмига қарашли қўшни воҳанинг махфий остонаси ҳисобланган. Қоракулнинг таъкидига кўра, ушбу остона туфайли қўшни воҳа ҳам «Илонўрмалар» деб аталаркан. Бир-бирига елка тираб турган икки улкан қоятош оралиғидаги тор йўлакдан хиёл бош эгиб ўтган одам кутилмаганда табиати ўта сўлим бир гўшага дуч келади. Қизиқ жиҳати, водийнинг акси ўлароқ, бу сўлим маконда бирортаям ёнғоқ дарахти йўқ, аммо ёввойи тоқлар бас деганча, узум новдалари дарахт ва қоялар юзига тирмашиб кетган, ҳатто булоқ бўйларида ҳам учрайди улар. Бу воҳадаги қавмнинг ўзига хос айро жиҳатларидан бири – қизлари ўта сулув, йигитлари эса ҳаддан ташқари рашкчи ва бадгумон – кўзлари бирор бегона кимсага тушди дегунча манглайлари тиришиб, бамисоли кутурган итдай ириллай бошлашади. Аммо ниятнинг тўғри, кўнглинг тоза бўлса, улардан яхши, улардан дилкаш одамнинг ўзи йўқ. Бироқ Қоракулнинг уларга нисбатан хусумати ўта чексиз, ҳар гурунгда қандайдир қиз туфай-

ли қавм йигитларидан калтак еган амакисини тилга олиб, Қизилча қизларидан бирини ўғирлаб қочишини айтади. Бу борада бирор эътирозни тан олмайди, қасам ичганман, дейди-ю, аммо қасамини адо этишни хаёлига ҳам келтирмайди. Ниманидир кутади, нималигини ўзи ҳам билмайди. Кўнглидан баттар қора ва чиркин хотираларини кавлаштирганча, гурунг беришда давом этади.

Қорақулнинг бу ҳолати Эрманга яхши таниш. Негаки, унинг ўзи ҳам ўзга қавмларга ёт кўз билан қарайди. Ўз навбатида, улар нигоҳида ҳам ушбу бегоналикни кўради. Бунда гурунг ўчоғини билиб-билмай кавлаштирадиган айрим уруғ оқсоқолларининг айби ҳам йўқ эмас, улар ўтмиш хотирларига бериларкан, ўзлари билмаган ҳолда, овул йигитлари юрагига низо чўғини ташлаб қўядилар.

Қандай қилиб дейсизми?

Жуда жўн тарзда.

Масалан, қавм кексалари гапига қараганда, айни дамда Олабош қавми эгаллаб турган кунчиқишдаги Яхбулоқ ҳудуди Донишотадан бурун Кўкалабош қавмига тегишли бўлган экан. Олис ўтмишда нимадир содир бўлибди-ю, қавм у ерни тарк этиб, Туякўзни макон тутибди. Мана энди, улар тангу тор водийда сиқилишиб яшаётган эмиш. Аслида Туякўз водийси тор эмас, ғоятда кенг, янада аниқроғи, ўша Яхбулоқ ҳудудидан ўлса ўлиги ортик. Аммо бор муаммо шунда эдики, қачонлардир у ерда ота-боболари яшаб ўтган. Шундай экан, Яхбулоқ Олабошларга эмас, уларга тегишли.

Бор гап шу.

Қизиқ, нечун аждодлари у ерни тарк этган?

Овул кексалари бунинг сабабини қидириб, йўқ ердаги тахмин ва даъволарни илгари суришда давом этишади. Тўғри, оқсоқолларнинг куракда турмайдиган бу хил даъвою дostonлари қавмлар ўртасида жанжал қўзғаш ниятида эмас, шунчаки, одатдаги гурунг сифатида тилга олинади. Бироқ бу хил гурунглар ёш-яланглари онги ва шуурига ўзгача таъсир этиб, улар кўнглида қўшни қавмга нисбатан адоват ҳиссини

уйғотмай кўймайди. Сўнг, оқибатда, хиёл ваз тугилиши биланок бармоқлар тугун тортиб, кўл белдаги ярокқа югура бошлайди. Бундан-да ёмони, барча эзгу ҳис ва тушунчалар ўрнини адоват эгаллаб, куда-андачиликда қатор муаммолар юзага кела бошлайди.

Бу ҳолдан Қалайбекка ўхшаш туғма донишлар кўп азият чекадилар. У гоҳида овул йигитларини суҳбатга тортиб, жоҳилликнинг ранг-туси борасида чуқур мулоҳаза юритишни истайди. Бирок оқил фикрга кулоқ тутувчилар ҳамиша анқонинг уруғи. Оқибат, у гап укмас йигитлар даврасини тарк этиб, хаёли ва тасаввуридаги ўша донишманд ҳузурига бориб, у билан суҳбат курмокни маъкул кўради, эринмасдан водийнинг шимол томонида жойлашган Ажинақоя қошига чиқиб боради.

У сертикан пастак бута ёнидаги қизғиш, япалоқ харсангтошга чўкиб, қоя юзидаги суратларга тикилганча, ўша дониш сиймонинг хаёлида жонланишини кута бошлайди.

Донишманд кўп куттирмайди.

У, эгнида оқиш узун пўстин, қоя бағридан оҳиста сирғалиб чиқиб келади. Ҳар сафаргидек кулранг қоятош биқинида бир муддат туриб қолади. Кейин унга тирсак тираб, йигит томон жиддий назар ташлайди. Қалайбек учун у қоя юзидаги барча катта-кичик суратлар муаллифи. Бирок йигитнинг луғат бойлигида «мусаввир» деган сўз йўқлиги боис, қисқагина «донишманд» деб кўя қолади. Қалайбек у билан бўладиган хаёлий суҳбатдан торикмайди, аксинча бу жараённинг узоқроқ давом этишини истайди. Қоя юзидаги суратлар суҳбатда доимо бош мавзу вазифасини ўтайди.

Қалайбек мазкур суратларни ўзича уч гуруҳга бўлган – қоянинг ўнг ён юзасига ўтқир жисм билан қириб, чегалаб туширилган турли жониворлар сурати биринчи гуруҳга мансуб бўлиб, негадир уларда одам боласи акс этмаган. Донишманд бу суратлар ҳақида чехраси нурланиб сўзларкан, жониворлар одамлар тазйиқидан холи бўлган замонлар, дея ҳикоясига нуқта қўяди.

Аммо қоя марказидан ўрин олган иккинчи гуруҳга мансуб суратлар томон юзланиши билан унинг чехрасидан нур қочиб, жиддий тус олади. У кўлига найза тутган ибтидоий одамлар шакл-шамойилини кўришни истамай, ички бир оғриниш билан кўзларини юмади. «Жонзотлар орасида одам боласидан баттоли йўк! – дейди бир муддатдан сўнг аста қовоқларини очиб, қизғиш ва қизил бўёқларда чизилган учинчи гуруҳдаги суратлар томон ишора қиларкан, оғир тебраниб. – Бу дунёда ер, қуёш, ой каби барча жонзот бир-бирига жондош ва биродар бўлиши лозим! Аммо одам боласи бу йўриққа амал қилмайди! Шунинг учун мен бу суратларни қонли бўёқларда ишладим!..» Ҳақиқатан ҳам қонли бўёқда қонли сахналар акс этган: ана, яғринига найза санчилган кўтосга ўхшаш улкан жонивор тиззалаганча туриб қолган, кўлларига ўткир найза тутган уч нафар сайёд навбатдаги зарбаларни бериш тараддудида уни тева-раклаб боришмоқда; хиёл сўл томонда кўксига бир эмас, бир нечта найза ҳамда камон ўқлари қадалган яна бир жонивор ўзининг сўнгги нафасини олмоқда; қуйи ҳамда ўнг қанотдаги суратлардаги воқеалар янада аянчли... Табиатда ўчмас бўёқлар мавжудлигидан беҳабар Қалайбек бу суратлар қон ила битилган, деб ўйлайди, ички бир кўрқув туфайли уларга бақамти бормасликка тиришади. Унинг фикрича, қоятошсуратлар мажмуасида акс этган барча воқеалар юз йил, нари борса, икки юз йилнинг нарисида рўй берган ҳодисалар сирасига киради. Агар шу тобда кимдир, «йўк, бу суратлар кечаги давр маҳсули эмас, улар кам деганда, беш–ўн минг йил нарисида қоя юзига муҳрланган», деса, ўлақолса-да инонмайди. Нега деганда, қадимиятга йигитнинг тасаввур дунёси ўта торлик қилади.

Бу орада донишманд узун пўстини барлари билан тошлар юзини сийпалаганча қоя томон жилади. Қалайбек, хайр, деганча бўлмай, у қоя бағрига сингиб, зумда кўздан ғойиб бўлади.

Қалайбек бир нарсани – хаёлотли маҳсули бўлмиш бу сиймо унинг ўзи, шуури, ботини эканини асло тан олгиси

келмайди, мабодо буни тан олар бўлса, яқин дўсти ва маслакдошидан бир умрга айрилиб қоладигандек, тезда ўзини чалғитишга урина бошлайди.

Унинг Ажинақоя қошида тошсуратларга тикилиб ўтирганини кўрганлар, «Қалайбек жин-ажиналар билан тиллашади», дея ғийбатини қилишади. Бироқ йигит бу хил гап-сўзларга эътибор бермайди, ҳар «учрашув»дан сўнг қалбида кучли яратиш иштиёқи ортиб, боши билан ишга шўнғиб кетади. Ўз навбатида, тошйўнар асбобларини кўлига олиши билан иккинчи бир туйғуни – юрагига ўт ёққан ушбу иштиёқ ўзгаларнинг холисона муносабатига ниҳоятда муҳтожлигини, янада аниқроғи, рағбатга чанқоклигини туюди. Минг афсуски, бутун бошли овулда Оқбўтадан бўлак уни тушунадиган кимсанинг ўзи йўқ – бари лоқайдлик тўрига чирмалган. Бахтига, у суйиб ишлайдиган буюмларга талабгорлар кўп, акс ҳолда Қалайбек бу ишидан бирор маънавий ҳузур топмаган ва натижада, аллақачон кўлини ювиб, кўлтиғига урган бўларди. Хуллас, йигитнинг туйғу ва туғёнлари билан теваракдагиларнинг зиғирча иши йўқ, улар учун Қалайбек шунчаки кўли гул косиб, уста тоштарош. Ўша касби туфайли ўзга овулларда ҳам унинг ҳурмати баланд, яъни Оқбўта оқсоқол ғурур-латаъкидлаганидек, Қалайбек учун тоғнинг барча эшик ва тешиклари ҳамиша ланг очик эди. Бу дегани шу маънони англатадики, дейлик, бирон-бир овулга тегирмон тоши зарур бўлиб қолди. Бироқ оғир ва ноқулай юкни – ҳали ўрга, ҳали гўрга тирмашиб дегандай – бу овулдан у овулга олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Шунда кўшни қавм аҳли йигитни эҳтиром билан ўзлари томонга таклиф этишади, кўлларида келганча иззатини қилишади. Шусиз ҳам касби ва хушхулқи туфайли қавмлар орасида алоҳида нуфузга эга бўлган Қалайбек улар ўтинчини ерда қолдирмай, қабатига овулнинг тўрт–беш бўз йигитини олади-да, шу яқин-атрофдан тегирмонтошга яроқли тошни қидиришга тушади. Учратса, ҳафта-ўн кун ўша ерда қолиб, керакли жиҳозни йўниб беради, мабодо учратолмаса, бошқа бирор

кулай йўлини топади. Қисқаси, кўшни қавмининг кўнглидан чикмай кўймайди. Барчанинг корига ярагани учунми, у қавм ва уруғлараро зиддиятлардан холи – ҳаммага бирдек эъзозли ва ҳурматга лойиқ одам. У мана шу тарзда эл ора-лаб юраркан, ҳамиша бир ҳолдан – инсон қавмининг зиддиятсиз яшай олмаслигидан ҳайрати ортарди.

Шунингдек, Ажинақоя пойида лаганбоп қат-қат силлик тошлар мажмуаси мавжуд бўлса-да, уларга қотинишга ботинмас, яъни қон рангидаги бўёқларда акс этган шафқатсиз ов сахнаси бунга монелик қиларди. Бу маконга зиёратгоҳ сифатида муносабатда бўларди. Шунга қарамай, ҳар сафар силлик тошларга ҳавас билан кўз ташлаб кўйишни қанда қилмасди. Боз устига, тошлар ранг-баранг, улардан қанчадан-қанча нафис буюмлар йўниш мумкин.

Қалайбекнинг яхши одати, тош йўнишга ўтириши ҳамон бу дунё икир-чикирларини бутунлай унутади, тош юзасида пайдо бўлаётган ғаройиб шакл ҳамда безаклардан кўнгли адоқсиз ҳисларга тўлиб-тошади. Ана шундай кезларда у теварақдаги тоғу тошларни кучгиси, шўх болакайдай бор овозда ҳайқиргиси келади. Бироқ ҳув нарида, Қушқўнмасда кўнқайиб турган укасининг ўтовига кўзи тушиши билан рангдор туйғулари бирдан хира тортиб, ҳозиргина кўзига тароватли кўриниб турган чўнг тоғу тошлар ўта хавfli экани, яъни унинг кучоғида янги безак топганида ўзида йўқ қувонадиган Қалайбек отлиғ йигитдан ташқари, қон ва жонга ташна кимсаларда мавжудлигини гўё эндигина идрок этгандек, дарров маҳзун тортади. Ўз бағрига яхши-ёмон воқеа ва ҳодисаларни ими-жимиди яшира билиш қудратига эга бўлган тоғларга нисбатан нафратга ўхшаш англарсиз бир туйғуни туяди. Ҳа-а, бу тоғлар маккор, ахир у ўзининг одам топмас овлок пучмоқларидан бирида иниси Эрманни неча муддат кўздан панада – кулликда сақламади, ҳар йили неча-неча одамлар унинг бағрида, сувга тушган тошдек, изсиз ғойиб бўлмайди дейсиз. Унинг беҳудуд бағридан бирон кимсани қидириш, худди ғарамдан игна излашдек бир гап. Ва агар

чини билан қидирилса, йўқолган игнани ғарам орасидан топиш мумкиндир, аммо тоғлар бағридан эмас.

Тоғлар – сокин!

Тоғлар – алдамчи!

Тоғлар – бадкир!

Қалайбекнинг назарида, тоғларнинг бадкирлиги одамзод тимсолида ҳам бўй кўрсатади. Ана, иниси Эрман ўзига ўхшаш бир банданинг ширин жонини ситиб олиш нияти ва қасдида тоғнинг овлоқ бир кучоғида мисли қоплондай пусиб ётибди. Билмаган одам дўнгдаги ўтовни бирор чўпоннинг қўналғаси деб ўйлайди. У ерда бир кўлида тиғ, бир кўлида ўт сочар ярок тутган бандаси пайт пойлаб ётганини хаёлига ҳам келтирмайди. Бу камдек, зарур пайтда ғаним бўғзига чанг солиш йўриғида тарбияланаётган гулдаги итга нима дейсиз? Ўтов ёндорига қатор териб кўйилган оғоч найзаларга-чи? Наҳотки, ғанимга биргина кайноқ ўқ камлик қилса? Умуман олганда, одам ўлдириш учун шунча оҳанжама не чикора?

Бу ёқда Окбўта оқсоқол, «ҳаммасига вақт даво», дейди. Аммо, ҳамма нарсани даволашга қодир вақт ҳам адоват қаршисида ғоятда ожиз экан. Агар у ожиз бўлмаганида, Эрман аллақачон аҳдидан қайтган, киши қонини тўкишдан кўра, бошқа бирор-бир фойдали юмушнинг бошини тутишни ўйлаган бўларди. Таажжублиси шундаки, қавмда эс-ҳушли одамлар анқонинг уруғи эмас, етарлича. Аммо ўшалар ҳам Эрманнинг бу саъй-ҳаракатини қоралаш фикридан йироқ эдилар. Қолганлар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Қалайбек тагин фикр қилади, чамаси, тоғларнинг яна бир хатарли жиҳати – уларнинг сукут сақлашидир. Агар у сукутга чўммай, вақт-бевақт яғринини, кўп эмас, хиёлгина силкиб-силкиб кўйганида борми, одам боласи чивиндек жони ғамида мўмингина бўлиб қолармиди. Негаки, хатардан холи вақт ва маконда одамзод ўзини осмон чоғлайди. Бу дунёга сиғмай, не истаётганини ўзи ҳам билмайди. Зиддиятларга ошна тутуниб, йўқ ердаги ғавғоларни кўзгаб юради, ўзича

дамида ош пиширади... Қалайбек шу тарзда фикр юритаркан, кейинги пайтларда яна бир сезгани шу бўлдики, иниси Эрман ўзича интиқом онларини интиқиб кутаётгандек-у, аслида Кушқўнмасдек катта ҳудудга эгалик ҳуқуқидан сармастдек эди. Ана, овул аҳли ҳалитданок «Кушқўнмас» деган иборани тилга олмай қўйган, у ер энди «Эрманнинг жойи» дея атала бошлаган. Эрман булардан бохабар эса-да, ўзини билмасликка олади. Қалайбекнинг наздида, у гоҳида номигагина нолиб қўяди. Шу гумон остида иниси билан жиндек тортишиб ҳам олади. Аслида гумон тегирмонига у эмас, Эрманнинг ўзи сув қуяди.

– Шу десангиз, оғизга сўз олганда жуда эҳтиёт бўлиш керак экан, ака! – дейди иниси, сизга кўзим учиб турганча йўқ эди, деган оҳангда. – Мана, оқибат, боғлиқ итдан ҳеч фарқимиз қолмади...

– Нолима! – дея акаларча танбеҳ беради Қалайбек, сўл қўлидаги емак тўла тугунни тошлардан бири устига қўяркан. – Бу қисматни ўзинг танлагансан!

– Шу... ториғиб турган пайтимда кеп қолдингиз-да...

– Сен торикма!

– Айтишга осон...

– Унда овулга қайт, сени ким тутиб турибди бу ерда.

– Овулга тиригим эмас, ўлигим қайтади, агар...

– Ҳадеб «агар»лайверма, энсани қотириб!

– Мабодо жанжаллашиш ниятида келмадингизми?

– Биласан, жанжалга тобим йўқ.

– Билганим учун ҳайронман-да.

– Хай, унда сенга бир гап айтайми?

– Айтинг, қулоғим сизда, ака.

– Йигитсан! – дейди Қалайбек юрагидаги оташни жиловлашга тиришиб. – Бу ерда умрингни беҳуда ўтказмай, тўғри унинг овулига уриб борсанг-чи! Бир бошга бир ўлим, дея уни яккама-якка курашга чорласанг-чи!

Бу гапдан сўнг у Эрманни сапчиб-сачраб кетишини кутади. Аммо у кутганидек бўлмайди – иниси гуноҳкордек бошини эгади, шу ҳолда бир муддат туриб

қолади, сўнг кўзини ердан узмаган кўйи, хаёлчан бир тарзда қандайдир жувоннинг номини тилга олиб, ғаним овули томон қадам босмасликка сўз берганини айтади. Қалайбек, «бу – бир баҳона бўлса керак», деган ўйга боришга улгурмай, Эрман бот ўша аёлнинг номини тутган кўйи, уни дунёдаги энг нодир сўзлар билан таъриф ва тавсиф этмоққа тушади. Аёлнинг суратини гўё ундан қизгангандай, нукул сийратини таъриф этади. Бунга сари Қалайбекнинг ҳайрати орта боради. Негаки, бу кезде Эрман таниб бўлмас даражада ўзгаради. Қалайбек унинг ҳаяжондан чакнай бошлаган кўзларига таажжуб-ла боқаркан, беихтиёр ёқа тутаяди, «наҳотки шу сўзларни айта билган одам ўзга бир банданинг жонига қасд қила олса», дея ўйлайди.

У бу саволга жавоб қидиргандай, аста теваракка разм солади. Кўзи ўтов ёндорига қатор териб кўйилган оғоч найзаларга тушгач, яна таъби хира тортади. Қизик, бирор ёввойи жониворни эмас, балки инсон жисмига осонгина санчилиши кўзда тутилиб, ғоятда ҳафсала билан ишлов берилган бу оғоч яроқларни йўнаётган пайтда Эрман нималарни ўйлади экан? Тагин битта эмас, ўнга яқин. Бир кишига кўплик қилмасмикан булар? Наҳотки, ҳозиргина қандайдир аёлни гўзал лутф ила таъриф ва тавсиф этган, кўйиб берса, унга сажда қилишга ва ҳатто этагини ўпишга ҳозир турган Эрманнинг иши бўлса шу?

Одамнинг ҳеч ишонгиси келмайди.

Қалайбек шу саволлар оғушида Қушқўнмас худудини зимдан кўздан кечираркан, дабдурустдан илгари эътибор бермаган бир ҳолни – пистирмада ўтирганини пайқаб қолади. Эрман шундай жойни танлагандики, водийга бош сукмоққа ҳадди етган ғаним борки, аниқ нишонга айланиши тайин эди. Қатор харсанглардан бири ортига биқиниб олган ўтов соҳиби уни биргина ўқ билан осонгина саранжом қилиши ёхуд оғоч найза билан кўксини тешиши мумкин эди.

Тоғлар кўзига балодек кўриниб, Қалайбек ғаройиб бир ҳисни туяди – қани энди, ер юзидан барча тоғу тошларни бутунлай супуриб ташлашнинг имкони бўлса! Ана шунда

бариси – дўстан тортиб душмангача якқол кўзга ташланиб турарди. Боз устига, чўнг тоғлар орасида торикқан нигоҳлар чексизликда кулоч отиб, кўнгил эзгуликка тўлармиди?

У шунақа пайтларда туйқусдан қалбини жунбишга келтирган туйғуларини ким биландир ўртоқлашгиси келади. Аммо биладикки, агар дилидагини тилига чиқарар бўлса, ҳамма, шу жумладан Эрман ҳам уни ғирт аҳмоққа чиқариши тайин. Боз устига, шусиз ҳам у акасининг ўтовга келиб-кетишларини кўпда хушлайвермайди ва гоҳида буни яшириб ҳам ўтирмайди. Боиси, Эрман – аламзада, Қалайбекнинг ҳамма нарсадан яхшилик кидириши, бу қусурли дунёни эзгуликка йўғрашга бўлган барча интилишлари унга сира ёқмайди. Назарида, акаси юрагида оловланиб турган қасос ўтига атайин сув сепиш ниятида кадам ранжида қиладигандек туюлади. Билмайдикки, худди Қорақул болалигида юз берган кучли зилзила туфайли кўчки тагида қолиб кетган қишлоғини ҳеч унутолмаганидек, Эрман ҳам қулликда кечган дамларини асло ёдидан чиқара олмайди.

Ўша машъум зилзиладан омон, аммо ота-онасидан айрилиб, ғирт етим бўлиб қолган Қорақул сал наридаги Қизилча қавми томон юрмай, таваккалига кунчиқиш тарафга йўл тортиганидан ҳалигача ўзича масрурланиб юради: «Бола бўлсам-да, каллам тўла экан, дўст-душманни ажрата билганман. Эмасам, юрардим ҳозир Қизилчанинг меҳнатини қилиб...»

Баъзида эса, сира кутилмаганда Эрманга тирғалиб қолади:

– Ранг-рўйингга қараганда, сен шулардансан-ов!..

Эрман у назарда тутаётган Қизилча қавми ҳақида ҳатто бчрор тасаввурга эга бўлмаса-да, бу ҳақда тортишгиси келмай, елка учуриб кўя қолади.

– Аниқ шулардансан, – дея бунга сари баттар авж қилади Қорақул. – Ҳали кўрасан, овулинг сулувларидан бирини тўшимга босиб, тоза ичингни куйдираман мен сени!

Бу гап етти ёт бегона Қизилча қавми шаънига эмас, ўз овулига қарата айтилгандек, Эрман ўзида йўқ тутақиб ке-

тади. Ва шундай бир аччиқ гап қиладики, Қоракул алам ва газабдан тутаб, тутақиб, унинг бошига туширмоқ учун чоҳ теварагини гир айланиб тош қидирмоққа тушади. Аммо Ойбекачнинг хушёрлиги туфайли бўғзигача ишга кўмиб ташланади. Эрман эса қолган аламини шерикларига сочади:

– Бу ярамас, иблис кулнинг қилиқларига яна қанча чидаш мумкин, а?!

Бироқ итдай ҳориб қайтган ҳамроҳларидан тайинли бир гап чиқмагач, баттар хуноби ортиб, тақдиридан янишга тушади, сўнг гўё бандасидан эмас, тирикликдан аразлагандай, чоҳнинг бир чеккасига бориб, ғужанак тушиб ётиб олади.

У гоҳида ўзи каби ғул тубида ғужанак тушиб ётиб оладиган Қоракуюнга боқаркан, кўнглига шафқат ҳиссини доритмаслик учун Итолмаснинг номини тутмаган ҳолда, ҳар бир сўзини чертиб-чертиб:

– Кўнглим алдамайди, у ярамас сенинг чангалингда жон беради! – дейди.

* * *

Кўп ҳолларда кўнгли алдамаслигини у яхши билади.

Буни неча бор синаб кўрмаган дейсиз.

Ойбекачнинг гўзал рухсорига илк бор назари тушган кездаёқ, негадир айнан шу аёл халоскори бўлиши мумкинлиги лип этиб кўнглидан ўтган, бироқ кейинроқ ақли буни инкор этганди – аёл боши билан халоскорлик вазифасини қандай уддалаши мумкин: ахир бу иш оғир шотини киши билмас чоҳга тушириш билан чегараланмайди-ку, аксига олиб бунинг имкони ҳам йўқ – тунлари Қоракул чоҳ оғзини бамисли сергак итдек кўриқлаб ётади. Хай, уни бир амаллаб чалғитди ҳам дейлик, сўнг оқибати нима бўлади? Бу қилмишини Итолмас кечирармикан, кейин уни тирик кўярмикан? Ва энг муҳими, шуни била туриб Ойбекач бу қалтис ишга қўл урармикан? Хуллас, кўнгли жувондан умидланар, шуури эса бу умидворликдан хи-

жолат тортарди. Бу камдек, аёлнинг ичдан нурланиб, ёлкинланиб турувчи кўзларида, теварак-атрофдаги кимсаларнинг ҳиссиз, лоқайд ва совуқ қарашларидан фарқли ўларок, ҳамдардликдан ташқари, таассуф ва қаҳрга ўхшаш шундай бир ифода зухур эдики, қуллик нонини кавшаб юргандан кўра ўлмоқ минг карра афзал туюларди унга. Аёлнинг мана шу таънали қарашидан қутулиш учун гоҳида, беихтиёр, ўлимни истаб қоларди. Лекин шунга қарамай, аёл тутқунлар тақдирида қандайдир ўчмас из қолдириши тайинлигини сезиб турарди.

Иттифоқо, кунлардан бирида ярим тунда чоҳга шоти сирғалиб тушганида, Эрман дастлаб пинак бузмади. Окшом кайфи тарок юрган Қорақул яна ниманидир бошламоқчи, деган ўйга борди.

Бирок сира қутилмаганда юкоридан аёл кишининг кескин ва шиддатли шивирлаши эшитилди:

– Бўлақолинглар, э!

Барча нарсани кутса-да, бу каби синоатни икки дунёда ҳам хаёлига келтирмаган тутқунлар аввалига бир муддат довдираб қолишди, сўнг тимирскиланиб, шотига яқинлашишди.

Қоронғи тўйнуқдан аёлнинг шиддаткор яниши эшитилади:

– Бўлақолсаларинг-чи тезроқ!

Эрман биринчилардан бўлиб шотига оёқ кўяркан, ҳаяжон тўла оҳангда шерикларига деди:

– Ҳар ким ҳар томонга, эмасам баримиз қўлга тушамиз!

У, ўз хаёлида, ташқарига чиқиши билан хайр-маърузни насия қилиб, ўзини қоронғи тун қаърига урмоқчи эди. Бирок чоҳ оғзида мисли арвоҳдай бўлиб турган Ойбекач унинг енгидан тутиб, зумга тўхтатди-да, ғоятда қатъий оҳангда:

– Шарти шу – бу овул йўлини бутунлай унутасанлар! – деди.

Эрман аёлнинг қайноқ тафти ва илиқ нафасини жуда яқиндан туяркан, ўта ночор вазиятда бўлишига қарамай, ноаниқ бир ҳисдан юраги бир қалқиб тушди. Ўз навбати-

да, тун бўлишига қарамай, жувоннинг ўкдек қадалиб турган кўзларида шу маънони ўкиди: «Ваъдангни эшитмадим!»

– Сўз бераман, овул йўлини бутунлайга унутаман! – деди у ҳаяжондан нафаси бўғзига тикилиб. – Сиз учунгина бу томонларга қайтиб қадам босмайман!

Бу мулоқот, йигитнинг назарида, жуда узокқа чўзилгандай туюлди. Қизиги, ўшанда илк бора аёлни суйишини ҳис этди. У озодлик лаҳзаларини нечоғлик зориқиб кутган бўлишига қарамай, жувонни бошқа қайтиб кўрмаслигини ўйларкан, алам ва айрилиқдан додлаб юборай деди. Аслида у аёлнинг чиройига эмас, унинг ўктамлиги ҳамда журъати-га ошиқ эди. Кўшни овул гўзали Мойчечакка нисбатан бу хил ҳисни ҳеч қачон туймаганди. Қизни ўйлаган кезлари, уни бирор овлоқда учратиб маҳкам бағрига тортишу дил изҳор қилишдан бошқасини орзуламасди. Аммо Ойбекач бу хил орзу ва тасаввурларидан жуда йирокда эди, ҳатто жувоннинг қўлини тутиш ҳақидаги ўйнинг ўзи, унинг назарида, мумкин бўлмаган ҳол эди. Йигитнинг Ойбекачга нисбатан бўлган муҳаббати асло ўзга бировга айтиб бўлмайдиган ва бир умрга юракда пинҳон сақланиши лозим бўлган муқаддас туйғу эди! Бу туйғуни ўзидан бўлак одам боласининг англаши қийиндек эди. Бу муҳаббат ҳеч нарса ваъда бермаганидек, бирор нарса тамаям қилмасди. Шунингдек, ундан узоклашиши, имкони борича олислаб кетиши лозим эди!

Эрман аёлни ёнлаб ўтиб, тун қўйнига шарпа янглиғ сингиб кетаркан, хийла ортда қолиб кетган шерикларининг от каби дупурлашидан ғаши келди. Бироқ ҳозир бировга гап уқтирадиган фурсат эмас. Шунинг учун аллақачон ҳушёр тортган итлар шовқини остида янада илдамлади.

У аввалдан пухта ўйлаб қўйилган ва шерикларидан сир тутилган режа асосида сой ёқалаб қочишда давом этаркан, худди кутганидек, овул тарафдан кетма-кет ўқ овози эшитилди. Аммо Эрманнинг ҳадиги ярокдан эмас, ҳали-замон изидан етиб келиши тайин бўлган гул итларидан эди. Итлар учун кеча-кундузнинг фарқи йўқ, ҳидини олса бас – зумда

кувиб етади. Итлар чангалида жон бергандан кўра, яхшиси, сойга оқиб ўлгани маъкул. У изи ва хидини йўқотиш ниятида сойнинг саёз соҳилига тушиб, бир муддат сув кечиб борди-да, сўнг Бурунқоя қошидаги ёйиқдан сойни кечиб ўтди.

У кўркув ва ҳаяжондан қалтираган ва ҳолдан тойган бир алфозда шаршарага етиб келди-да, гўё ҳозир орқа этагидан ит тортиб қоладигандек, жонҳолатда сув пардаси ортига шўнғиди. Бахтига, худди кутганидек, шаршара орти бўшлиқ экан. У сув пардаси оғушидаги қоя пойи бўйлаб, худди кўрдек пайпасланганча олға жиларкан, тўсатдан қўли бўшлиққа кетиб, қандайдир камарга дуч келганини англади. Иккиланиб турмай унга бош сукди. Камар ичи зах ва намчил, энг муҳими, сув зарраларидан холи эди. Эрман, ҳаяжони зўридан, эгнидаги шалаббо кийимларини ечиб, сиқиб ташлашни хаёлига ҳам келтирмай, беихтиёр камар тўрига интилди. Қачонки камар тўрига етгачгина шериклари эсига тушди, уларнинг холи не кечди экан? Буни минг истаса-да, бироқ ташқи сасни эшитишнинг асло имкони йўқ – тепадан қуйилаётган улкан сув кулокни қоматга келтирди.

Эрманни ўз кучоғига олган шаршаранинг эса на пинжидаги қочоқ билан, на овулдаги бесаранжомлик билан бир чақалик иши бор эди. У ўша-ўша водийни шовурга тўлдириб, қоя пойидаги киррадор харсангтошлар юзини ювганча, қуйидаги сой томон ошиқишда давом этарди.

Шаршара дегани ўзини тоғларга тенгдош деб биларди!

Шаршара дегани ўзини тоғлардан кучли санарди!

У, «бу дунёда мен емирмайдиган нарса йўю», деб ўйларди.

Чиндан-да, сув дегани табиатан ўта кучли ва тиришқоқ келади. У замин қаърида бўладими, ё ер юзасида жавлон урадими – ҳеч вақт тинч турмайди. Унинг энг севимли бир эрмаги – йўлига кўндаланг бўлган неки тўсиқ бор, уни емиришни, парчалашни яхши кўради. Бу юмуш учун вақт ва замоннинг аҳамияти йўқ – тикилган жойидан қон олмай қўймайди у.

Айтганча шаршара, тоғларга тенгдошман, дея ўзича ҳаволанса-да, ҳар ҳолда ёши миллион йилнинг берисида эмас, анча нарисиди эди. У қачон бўлмасин тоғ кўксидан қайнаб чиқишни орзулаган жўнгина ерости ўзанларидан бири эди. У орзуланиб юрган йиллари кучли зилзила рўй берди-да, тоғ табиати бутунлай ўзгариб, Чўнғқоя ҳудудида коса сифат улкан ботиклик юзага келади. Ботик асрлар давомида эриган қор, ёмғир ҳамда булоқ сувлари тўпланиши натижасида улкан кўлга айланади. Орадан яна бир асрдан мўлроқ вақт ўтгандан сўнг мисли денгиздек те-ранлик, улуғворлик ва маҳобат касб этган кўл суви ташга интилиб, чиқишга ўзан қидира бошлайди. Буни қарангки, бўлғуси шаршара – ерости ўзани кўлнинг тубига яқин ерда жойлашган бўлиб, ҳали-ханузгача ниятига етишолмай, яъни зилол булоқ сифатида тоғ кўксини зийнатлашга чоғи ва қурби етмай доғда юрарди. Кўл сувидан куч олгач, у булоқ эмас, биратўла шаршарага айланиб қўя қолди. Нафси-ламрини айтганда, унинг бу қадар юксак мавқега эришиши бежизга эмасди, чунки у мақсад йўлида тинмай интилиб, ўзи билиб ва билмаган ҳолда кўлдан Бурунқоягача бўлган масофада хийлагина салмоқли ишларни амалга ошириб қўйган, яъни тоғ қаъридаги юмшоқ жинсларни эритиб, ерости йўлагини бунёд этганди. Кўл сувидан қувватлангач, йўлига ғов бўлиб турган барча тўсиқларни мисли хасдек тўзғитиб юборди-да, улкан шаршара сифатида Бурунқояда юз кўрсатди. Гапнинг қисқаси, умри олис мозийнинг узок пучмоқларига бориб тақалувчи мазкур шаршара миллион йилнинг нари-берисини эслаб, ажабтовур хотиралар сўзлашга қодир эди-ю, бироқ уни тинглайдиган қулоқ йўқ эди. Дарвоқе, яна бир гап – Тиллаводийга одам боласи кадам қўйгунга қадар, тоғу тошларни тешмоққа ёлғиз ўзим қодирман, деб ўйларди у. Буни қарангки, ўта нотавон туюлган одам боласи тоғлар бағрини илма-тешик қилишда ундан кўра омилкорроқ чиқиб қолди. Сарик маъдан илинжида тоғ бағрини чўқиляётган одамлар қилиғидан бошда хўп ажабланган, сўнг уларнинг бу қадар тиришқоқлигидан

бағоят ҳайратланган. Кейинчалик эса одамзод хусусида унинг чиқарган хулосаси шу бўлган – жонзотлар орасида одам боласидай тиниб-тинчимаси ва серғалваси йўк! Улар теваарак-атрофга дахл қилмасдан, бир-бирининг тинчи ва оромини бузмасдан яшай олмас экан!

Унинг бу хулосага келишининг боиси шунда эдики, шаршара Тиллаводийга ташриф буюрган барча қавмларнинг турмуш тарзи ва ҳагги-ҳаракатларини обдон кузатган, ҳатто уларнинг қаердан келиб, қаерга кетганигача яхши билади. Масалан, кунчиқишдаги қорли доволардан ошиб келган биринчи қавмнинг асл касб-кори маъданчилик эди. Қавм аҳли тоғлар бағрини кавлаштириб, маъдан қидирар ва топган маъданларини ўзга жинслардан тозалаб, печда эритиб, турли шакл ва безаклар ясарди. Бу қавм шундок ёнидаги Учлиқояни, яъни унинг белидаги чоғроқ сайхонликни макон тутган бўлиб, улар томонидан ўта ҳафсала билан бунёд этилган тошқўрғон харобалари ханузгача кўкка бўй чўзиб турибди. Бирок шимол тарафдан босиб келган ёв – ўзга қавм тазйиқига бардош беролмай, водийни тарк этишга мажбур бўлдилар. Аммо орадан кўп ўтмай босқинчи қавмнинг ўзи ҳам кўчманчи қабила ҳужумига учраб, олис даштга бадар кетдилар. Кўчманчи қавм бетизгин эди, маъдан конлари билан уларнинг иши бўлмади – шамолдай келиб, шамолдай кетдилар. Улардан сўнг, Итолмасга қадар, водийга бошқа эга бўлмади.

Итолмас табиатан хийла ишбилармон эди – биринчи қавмдан ёдгорлик бўлиб қолган маъдан конини қайта жонлантирди, қуллар меҳнатидан фойдаланишни йўлга қўйди. Бу юмуш, айрим кутилмаган фалокатларни демаса, ортиқча мураккабликни талаб қилмасди – маъданли тоғ жинсларини қазитиш ва ювиш, улардан маъдан урвоқларини ажратиш олиш – бор гап шу эди.

Шаршаранинг бу қавм ҳақида билгани шу эдики, улар ўз ишига у қадар уста эмас, қаранг, ҳатто маъдан эритадиган печлари ҳам йўк. Чамаси, печнинг уларга кераги ҳам йўкка ўхшайди. Итолмас ювиб тозаланган маъданларнинг

маълум бир қисмини вақти-вақти билан Учлиқоянинг ғору кавакларига бекитиб, қолган қисмини эса чарм халтачага жойлаб, бир неча кунлаб қаёққадир ғойиб бўлади. Унинг қайси гўрларга гум бўлиши шаршарани мутлақо қизиқтирмайди. Умуман олганда, кейинги пайтда одам боласи билан унинг унчалик иши бўлмай қолган – ким нима қилади ва нима кўяди, қисқаси, шаршара учун одамзод оёқ остида ётган тошдек бир гап, ҳатто эътибор бериб ўтиришга арзимамайди. Мана, улардан бири ярим тунда қаноти остига кириб, биқиниб ўтирибди. Қолганлари эса, гўё кундузи куриб қолгандай, қоронғи тунда қувлашиб юришибди бир-бирларини итларга талатиб.

Тавба, нечун улар ярим тунда тўзғиб қолишди экан?

Шаршара ўзини ҳарчанд доно санаса-да, инсон қавмининг куракда турмайдиган айрим хатти-ҳаракатларини англаб етмоққа ниҳоятда ожиз эди. Шу боис, фаҳми етган-етмаган нарсага ортиқча бош қотириб ўтирмайди. Ҳозир ҳам пинжига суқилиб кирган одам боласини эътиборидан мосуво этган ҳолда ўзининг азалий ҳамда абадий кўшиғини барала куйлаганча, пойидаги харсангтошлар юзини ювиб, сойга ошиқмоқда эди.

Аммо унинг пинжидан паноҳ топган Эрманнинг аҳволи ҳавас қиларли эмасди – тўсатдан рўй берган бу воқеа олдида у тамомила гангиб қолган ва бошида минг бир хаёл чарх урмоқда эди: «Ойбекач нечун бу тунни – тўй кечасини танлади?», «Нечун у туйқусдан бу ишга жазм этди?», «Итолмас тирик кўярмикан энди уни?!», «Йўқ, Ойбекач гўзал аёл – уни маҳв этмоққа киши кўли бормаиди!» Бу хил тизгинсиз хаёллар боис, Эрман озодликдан қувнаш ва қувониш лозимлигини паққос унутиб қўйганди. Зеро, қувонишига ҳали жуда эрта – унинг қаршисида водийдан соғ-омон чиқиб кетиш муаммоси кўндаланг турарди. Боз устига, шерикларининг ҳоли не кечди, бу жумбоқ ҳам уни қаттиқ қийнамоқда эди.

Эрман ёлғизлик ва чорасизликдан сиқилиб, беихтиёр ҳолатда шерикларини кўмсай бошлади. Агар улардан бири ҳозир қабатида бўлганида борми, турган гап, ғами ариб,

юрагига қувват инган, кечаги воқеаларни эслашиб, тонгни бир амаллаб оқартиришган бўларди.

Кечаги кун тутқунлар учун ғаройиб бир тарзда бошланганди: аввалига, соқчи йигитлар тўй ташвишлари билан банд бўлгани сабабли, тонгда уларни ҳеч ким безовта қилмади, Қорақулнинг таъбири билан айтганда, она қорнида ётган боладай чоҳда маза қилиб чўзилиб ётдилар. Сўнг у бугун ҳеч ким ишга чиқмаслигини эълон қилди. Тушга яқин эса, тўй нишонаси сифатида, чоҳга дастлабки сархил емаклар туша бошлади. Қорақулнинг беҳад кайфияти чоғлиги туфайли тутқунлар ҳафта бурун олис шаҳардан махсус олиб келинган мусалласдан ҳам тотиндилар. Қисқаси, гуруч ортидан курмак сув ичгандек, улар беармон едилар, ичдилар, мусаллас таъсирида обдон гурунглашдилар, бекорчиликдан ора-сира андак-андак мизғиб ҳам олдилар, эртага ишга чиқишлари лозимлигини ўйлаган кезларида эса, одатдагидек, Итолмасни чангитиб сўкдилар – кимдир уни қашқирларга ем қилди, кимдир унинг оғзига маъданли тош бўлақларини тиқиб, бошини жилға сувига тикди, кимдир эса баланд қоядан пастга улоқтирди. Ўз навбатида, ора-сира туйнукдан хушҳол мўралаб, чоҳга у-бу ташлаб турган Қорақулни ҳам унутмадилар. Аммо томоқларига қарашиб тургани боис, ҳозирча унга оғир жазони раво кўрмадилар. Бироқ тўнг соқчи йигитларнинг барини лаҳимлардан бирига қамаб, оғзини харсанглар билан маҳкамлаб ташладилар, қани энди, ташга чиқиб кўринглар-чи! Лекин эркаксиз қолган овул тақдирини ҳал қилишда тутқунлар орасида ихтилоф чиқди – кимдир овулни ер юзидан бутунлай супуриб ташлаш режасини олға сурди, кимдир бунга қарши чиқди. Қачонки Ойбекач номи бехос тилга олингачгина, беихтиёр ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Ахир эркакнинг зўри бу ёқда-ку, қанақасига овул безга бўларкан!

Сўнг ярим тунда бирдан...

Эрман бир нарсани билмасдики, агар бу тун, одатда, молар ёхуд янгалар томонидан адо этилиши лозим бўлган удум – келин-куёвга ўрин ташлаш маросими, фалокат бо-

сиб, Ойбекачнинг зиммасига тушиб қолмаганида борми, тунги қочқин юз бермаслиги, яъни жувон бу ишга журъат этолмаслиги мумкин эди. Аслида ҳар қандай уй бекасининг юрагига ханжардек ботадиган мазкур маросим алами ундаги иккиланишга чек қўйиб, жувонга тийиксиз бир куч бағишлади. Барига ортиқча ирим-сирим ва маросимларга мутлақо хуши йўқ Итолмаснинг шошқалоклиги, унинг сархуш бир кайфиятда ўтовга бош суқиб қолиши сабаб бўлди. Куёвнинг нигоҳи аёллар орасида мисли ғунчадай яшнаб ўтирган келинчакка тушаркан, бирдан уни тўшига босгиси келиб кетди. Етар шунча кутгани! У шу истакда аёлларнинг барини ташқарига ҳайдади. Сўнг айикдай лапанглаб, келинчак томон юраркан, бирдан унга айтадиган тузукрок бирор гапи йўқлигини ичдан ҳис этиб, бу ҳолдан лолу ҳайрон туриб қолди.

Бироздан сўнг тилига келгани шу бўлди:

– Ўрин ташла!

Бу буйруқ айни шу дамда ичкарига бош суққан Ойбекачга эмас, аёллар кўзғалмасидан бурунрок каттакон гулдор рўмолга чирманиб олган келинчакка қаратилган эди. Турган гап, Ойбекач бу буйруқни ўзига тегишли деб билди. Боз устига, қайси келинчак биринчи тундаёқ ўзига ўзи ўрин ташлайди?

Ойбекач шу андишада беихтиёр тўшаклар тахламига қўл чўзаркан, бу ишни аввалига одатдаги юмуш деб билди. Сўнг, кутилмаганда рашки кўзғалиб, тўшаклар бармоқларини ўтдек куйдира бошлади. Ҳозир ўрин солиб бўлиши билан эри кундошини тўшига тортишини кўз ўнгида гавдалантираркан, рашк ва аламдан жисму жаҳони азобда қолди ва тўсатдан бақриб юбормаслик учун маҳкам лабини тишлади...

Бир чеккада, оёқларини керганича, сузадиган ҳўкиздеқ бўлиб турган Итолмаснинг нигоҳи келинчакдан ўзгасини илғамас, ўрин солаётган Ойбекач эса унинг учун соядан ўзга нарса эмасди. Кундузиёқ катта хотинларининг кўнглини овлаб қўйгани боис, бу томондан жуда хотиржам эди. Биринчи

хотини Тожинор ҳадя этилган тилла тақинчоққа овунди-ю, лекин Ойбекачга совға қилингани ўтовнинг бир четида кераксиз матоҳдек ялтираб ётди-ётди-да, сўнг у ким томондандир ўмариб кетилди. Табиий, Итолмас бундан беҳабар эди. У яна бир нарсани, яъни Ойбекачга ўхшаш туғма кайвони аёлларнинг кўнглини аллақандай ҳадялар билан овлаб бўлмаслигини ҳам билмасди.

Ойбекач қадимда ўтган момолари каби қавми бошқариш салоҳиятига эга аёллар тоифасидан бўлса-да, аммо Итолмаснинг овулда ўрнатган қатъий йўриғи боис юзага келган муҳит таъсири туфайли жувондаги барча нодир хусусиятлар – онда-сонда бир бўй кўрсатиб қолишини ҳисобга олмаса – қолган пайт қалби ва шуурининг теран буржида димланиб ётарди. Бегоналар-ку майли, ўзининг кимлиги ва нималарга қодирлигини Ойбекачнинг ўзи ҳам билмасди.

Худо урган бир саркашман-да, деб ўйларди у ўзи ҳақида.

Бошқалар ҳам айна шу фикрда эди:

– Ўр, жуда ўр!

– Бир ўрлиги тутса, эриниям танимамай қолади у!

– Ҳа, тунов куни қулларнинг ёнини олиб, Итолмасга не бир сўзларни айтмади...

– Тағинам Итолмас оғирлик қилди.

– У ҳамиша оғирлик қилади.

– Оғирлик қилди эмиш, яғринига қамчи билан солди-ку, айлантириб!

– Буям кам бу хотинга!

– Итолмасдан бошқа эр бўлганида, шу гапи учун ўлдириб кўя қоларди!

– Йўк, ўлдиролмайди!

– Нега ўлдиролмас экан?

– Чунки у гўзал аёл!

– Нима, гўзал аёлнинг оyi борми?

– Ҳа, ойни ярим йўлда қолдириб кетадиган ҳусни бор!

– И-и, қисир хотиннинг ҳусни қаерга борарди!

– Худо бериб қолар унгаям...

- Э, берса, шу пайтгача берарди-да.
- Сабр... Худо ҳали унга шундай фарзандлар берсинки!
- Берсин-берсин!
- Феълини чарс демаса, яхши аёл у...
- Яхши аёл буйтиб юрмайди, келган йилиёқ дарров кўзилаб беради!
- Бу иш фақат унга боғлиқ эмас-ку...
- Ит ҳам, бит ҳам болалаб турганида, худо нега уни бу жиҳатдан қисди экан, а?
- Бу билан мени...
- Йўқ ердан нам олишни бас қилинг, ҳеч ким сизни ит деяётгани йўқ!
- Мен демоқчи эдимки...
- Шу... сиз демай туринг...
- Нима, оғзимга эгамисиз, и-и!
- Катгалар сўйлаяпти, ов!
- Тўғри-да, аёл киши қўлидаги гўдаги билан чиройли-да!
- Ҳа, туғмас хотин мевасиз дарахтдай бир гап...
- Шуни айтинг, туғмас хотиннинг чиройини биров бошига урадими! Ё унга нон ботириб ейдими!

Бу хил пасту баланд гап-сўзлардан Ойбекачни беҳабар деб бўлмасди. Шунинг учун аёллар билан пачакилашиб юришни ўзига эп кўрмай, гоҳида бирор сабаб важдан эрига тирғалиб қоларди. Бироқ Итолмас баъзи эркакларга ўхшаб на овозига, на газабига эрк беради – нордон нарса чайнаб кўйгандай, бирор муддат афтини буриштириб туради-да, сўнг ошиқмай белидаги камчисига қўл юборади. Кўп урмайди, атиги бир камчи уради, ургандаям жонни ачитиб уради, кейин жимгина ўтовни тарк этади.

Қамчи зарбини тотган Ойбекач эрини эмас, ўзини тақдири азал измига ташлаб кетган суюкли ёри – Тўқайбекни айблайти. Агар у қароқчилар тўдасига кўшилмаганида ва бошқа карвон қуриб қолгандай, амирликка қарашли карвонга ҳужум қилмаганида, бу кунларга қолиб юрмасди. Ҳозир Тўқайбекнинг эркаси бўлиб ўтирарди. Аммо бахтга қарши, амир сарбозлари қароқчилар тўдасини бу сафар аяб

Ўтирмади, барини битта қўймай қириб ташлашди. Шўрлик қароқчиларни ҳатто тоғнинг овлоқ қаваклари ҳам асраб қололмади. Тўқайбекни эса овули биқинидаги арчазорда қиличдан ўтказишди. Шу кунларда унга узатилиши лозим бўлган Ойбекач қутилмаган бу фожеадан тамоман қарахт бўлиб қолди. У қарахтликдан қутулишга улгурмай, Итолмасга иккинчи хотин сифатида узатиб юборилди.

Итолмас эса ҳамisha бир ҳолдан, яъни қамчи еган кезларида Ойбекачнинг бошқа аёллар каби йиғи-сиғи қилмаслигидан кўп таажжубланади. Хотини ўрнида бошқа аёл бўлганидами, уни нақ бўғзигача қарғишга кўмиб ташлаган бўларди. Ойбекач эса, мижжаларини намлаб, кўзларини ўкдай қадаб тураверади. Бу қилиғи камдек, қарашиям сира одам боласиникига ўхшамайди – яраланган йиртқичдай, кўзларидан учкун сачрайди. Айниқса, қочмоққа уринган тутқунлардан бири соқчи йигитлари томонидан отиб ўлдирилгандан сўнг Ойбекач зимдан эрига қарши уруш эълон қилди. Бу уруш бир кун келиб аланга олиши тайин эди. Фақат унга озгина туртки – учкун зарур эди. Эрининг қутилмаганда устига кундош олиб келиши тутаб турган аламнинг аланга олмоғига зўр сабаб бўлди.

Ўша тун эри кундоши ёнида қолгач, Ойбекач ўтовлардан бирининг панасига ўтиб, ўз ёғида ўзи қоврилганча бир нуқтага термулиб, узок ўтириб қолди. Сўнг аста бошини кўтариб, теваракка ғамнок разм солди. Шунда кўзи наридаги кигиз устида тўнкарилиб ётган баҳайбат қорага – Қорақулга тушди. Аввалига, ит ётибдимми, одам ётибдимми, эътибор бермади. Кейин эса бирдан ҳушёр тортди. Синчиклаб қарасаки, эрининг итдан зийрак содиқ қули, одатига хилоф равишда, қаттиқ уйқуда. Жувон уни бу аҳволда илгари сира кўрмаганди. Чамаси, Қорақулнинг кайфи ошиб қолганга ўхшайди. Ойбекач қўлига илинган майдароқ тошни унинг яғринига қараб отди. Қорақул қилт этмади. Ана шундагина Ойбекач қачондан бери илҳақ кутаётган қулай фурсат охири етиб келганини дарров фаҳмлади. Бу ёқда эри кундоши билан

овора – бутун оламни унутган. Соқчи йигитлар ҳам хотинлари кўйнида ором уйкуга кетган. Кўшни ўтов тарафдан тунаб қолган меҳмонлар хурраги эшитилади. Хуллас, ташқарида ўзи ва Қорақулдан бўлак тирик жон йўқ эди.

Ойбекач янада ишонч ҳосил қилиш учун Қорақулнинг тепасига борди-да, бармоғи учи билан уни аста турткилаб кўрди. Бунга жавобан Қорақул оғзидан бадбўй ҳид уфуриб, ғудранганча, иккинчи ёнбошига ағдарилиб олди.

Аёл чоҳ томон дадил ва илдам одимларкан, йўл-йўлакай, овозларинг ўчсин, дея ғулдаги итларга у-бу нарса ташлашни ҳам унутмади. Шу тобда Ойбекачни ақл-идрок эмас, оташли алам бошқарди. Агар унинг чоғи етганида борми, юлдуз тўла осмон қаърида қорайиб турган теваракдаги қоялардан бирининг белидан даст кўтариб, эри ва кундоши ётган ўтов устига кўндириб кўя қоларди. Афсуски, унинг кучи қояга эмас, чоҳ ёнида ётган узун шотини силжитишга ҳам етмасди. Арча оғочидан пишиқ-пухта ишланган шоти анча залворли эди. Қорақулдек одам, инқиллаб-синқиллаб, зўрга эпларди уни. Шу боис ҳам шотини ҳадеб чоҳга тушириб-чиқариш баъзида унга жуда малол келарди. Сўқиниб, тутақиб, аламини тутқунлардан оларди. Бироқ бу сафар оғир шотини аёл эмас, унинг тимсолидаги алам кўтарди. Маълумки, аламнинг кучи ҳамиша ўта бисёр келади. Агар алам дегани чинакамига жаҳдланса борми, ойни куёшга обориб уриши ёхуд кўкдаги юлдузларни маржондек териб ташлаши мумкин. Алам оғушида ўртанаётган Ойбекачнинг миясида, айни дамда, яккаш бир ўй чарх урарди: «Менга ўхшаш аёлларнинг бахти ва суянчиғи бўлишга арзигулик гулдек йигитлар чоҳда тош қучиб ётишса-ю, нечун энди кўппак Итолмас хотин устига хотин олиб, вужудини ёш хотин тани билан иситиб ётиши керак! Хўш, қани бу ерда адолат?!»

Арча оғочли шоти узун ва залворли эди.

Бошқа пайт аёл уни жойидан жилдиролмаслиги тайин эди. Аммо бу тун у Ойбекачга худди пардек енгил туюлди...

Тонгни шаршара бағридаги камарда қаршилаган Эрман аёлга бефарқ эмаслигига яна бир карра амин бўлди – кўзини очиши билан бу водийдан қандай қилиб чиқиб кетишни эмас, аввало Ойбекачни ўйлади, хаёлига келган нохуш ўйдан безовталаниб, беихтиёр камар ташқарисига ўрмаларкан, худди инидан эндигина бош чиқарган полапондай, ўзини ташқи оламдан ажратиб турган сув пардаси – шаршарага тикилганча камар оғзида бир муддат туриб қолди. Кейин, ярамас Итолмас аллақачон уни бурдалаб, этини итларига ташлаган бўлса керак, деган хаёлга бораркан, димоғи қаттиқ ачишиб, кўзлари ёшланди. Сўнг, чиқмаган жондан умид, дея сув пардаси ортидан овул томон мўралашга аҳд қилди.

У камардан мисли илон янглиғ сирғалиб чиқаркан, устига ёғилаётган сув зарраларидан янада хушёр тортди. Эгнидаги кийими сувга бўкмаслиги учун уларни ечиб камарга иткитди-да, сўнг нам тошлар устидан эҳтиёткорона одимлаб, дастлаб шаршаранинг сўл қаноти томон юрди. Аммо бу ердаги тор тирқишдан – қоя билан шаршара оралиғидан овул кўзга ташланмасди. У тошлар юзида сирпана-сирпана ўнг томонга жилишга мажбур бўлди. Бу ердаги оралиқ икки қулочдан зиёдроқ бўлиб, сув пардаси ортига кириб чиқаётган қушларни Эрман шу ерда кўрган ва кеча тунда ўзи ҳам айни шу йўналишдан шаршара қучоғига интилган, янада аниқроғи, жон-жаҳди билан отилганди.

Эрман сув пардаси ортидан секин бошини чиқариб, ташқарига мўралади. Тунда юзага келган бесаранжомлик тонгги қуёш нурига чўлғанган овул рафторидан яққол сезилиб турарди. Овул аҳли ўта дилгир кайфиятда эди. Қатор ғуллардан бири ёнида, чамаси обдон калтакка пишган Қорақул ғамгин бош эгиб ўтирарди. Ана, ҳозиргина қаердандир қайтган соқчи йигитлар Итолмас етовида қаршидаги сўқмоқни кесиб ўтиб, узун дара бағрига от қўйиб кетишди. Суворийлар ортидан тикилиб қолган йигитнинг ички сезгиси овули айнан ўша томонда бўлиши мумкинлигини огоҳ этгандай бўлди. Шунингдек, ўзини шаршара

ортидан қидириш ўлақолса бировнинг хаёлига келмаслигини ўйлаб, кўнгли янада хотиржам тортди. Сўнг ўтовлар теварагида куйманиб юрган аёллар орасидан Ойбекачни қидира бошлади. У кўриниш беравермагач, юраги адоғсиз ғуссага тўлиб, уни ўлдиришган, деган хаёлга борди. Аммо мижджаларини ёшлаб улгурмай, кутилмаганда ўтовларнинг биридан коса тутган Ойбекач чиқиб келди. У ўша-ўша тинч ва бамайлихотир юрарди. Эрман ўзида йўқ шодланиб, шаршара ортига қайтди. Қоя юзидан тузукроқ жой – каттароқ камар қидиришга киришди. Ахир ярим тунгача шаршара ортида биқиниб ўтиришнинг ўзи бўладими.

У тунда тунаган камаридан, чамаси, икки қулочча юқоридан янада кенг, янада чуқур камар топиб, унга баҳузур жойлашиб олди-да, зора вақт тезроқ ўтса, деган умидда мизғимокқа уриниб кўрди. Бироқ кучли сув шовури остида бунинг асло иложи йўқ. Бу ҳам етмагандек, Ойбекач хаёлидан кетай демасди. Эрман эса зумга бўлса-да уни унутишни, ўз ўйлари билан ёлғиз қолишни истарди. Аммо аксига олгандай, жувоннинг ўктам, тиниқ ва дилбар чеҳраси эшикдан қувса, тешикдан кириб келар, назарида, у нигоҳи ила йигитга нимадир демоқчи бўларди. Инчунун, Ойбекач бандилар билан ҳамиша нигоҳи орқали сўйлашарди, яъни нигоҳи билан ҳамдардлик билдирар, кўнгилларини кўтарар, зарур пайтда тергаб кўяр, баъзида эса ошкора қаҳр билан: «Қуллик ва хўрликка чидагандан кўра ўлиб кўя қолганларинг минг карра дуруст эди!» – дерди.

Бироқ ўлмоқ осон эмасди!

Жон қурмағур жуда ширин эди!

Аммо Эрман учун жондан ҳам кўра орзуланган қасос онлари ширин эди. Азалдан маълумки, агар қасос онлари чин дилдан орзуланса, боз устига, онт билан муҳрланса, у ҳамиша жондан ширин туюлади. У умр мазмунига айланиб, кишини яшашга, ҳар қандай зулм ва хўрликка чидашга ундайди. Шу боис ҳам Эрман қасосли онларига етишолмай ўлиб кетишидан кўпроқ чўчирди. У ўч олиш иштиёқида ўтдек ёнаркан, ҳар кеча, бекорчиликдан, тур-

ли интиқом режаларини тузар ва хаёлан улардан бирини адо этиб, Итолмасни қизил қонига бўяр, кундузлари эса минг бир азобда маъдан кавларди. Қисқаси, Эрман анчайин овкор феъл эди – бир қарасанг, ундан мўмин, ундан хокисор одам йўқ; бир қарасанг, яраланган йиртқичдай, чоҳга сифмай, ўзини ҳар ён ташлаган; бир қарасанг, ҳеч бир сабабсиз Қорақулга тирғалган, яна бир қарасанг... Баъзи кунлари эса кон йўлагидан қайтиб чиқмасликни истаб қоларди. Бироқ лаҳимдаги шароит шу қадар нобоп, шу қадар ноқулай эдики, чала ошланган теридан тикилган халтаси қазилган руда парчаларига тўлар-тўлмас ташқарига ўрмалаб қоларди. Кончи йигитларни ичкарида қора чирок тутунидан бўғилиб ўлиш хавфи кўпроқ азобларди. Бунинг устига, сариқ маъданли рудани кавлаш осон юмуш эмасди – гоҳ чўккалаб, гоҳ чалқанча тушиб ишлашга тўғри келарди.

Эрман ўтган вақт давомида ички сезгиси ҳамда орттирган тажрибаси туфайли тоғ қаърида турли томонга таралиб кетган маъданли томирларни тез ва осонгина илғаш ва аниқлай олиш даражасига етган малакали ишчига айланиб улгурганди. У ҳар тонг лаҳимга бош суқаркан, доимо бир нарсани – тоғни тешиб қочиб қолишни ўйларди. Турган гап, бу шунчаки хаёл эди. Лаҳимда тутундан бўғила бошлаган бандилар учун ташқарида яроғини шайлаб турган соқчилар ўқига учиб ўлиш роҳатлироқ туюларди.

Эрман тутундан беҳад азоб тортган кезлари бор захрини соқчиларга сочгиси келарди. Афсуски, соқчилар Қорақул эмас у билан ади-бади айтишиб ўтирадиган, улар тирғалишга журъат этган кимсани сира аяб ўтиришмайди, нақ манглайига милтиқ қўндоғи билан тушириб қолишади. Қизик ҳолат, соқчидан калтак еган бандининг кўзига шу куни Қорақул ўта беозор, Ойбекач эса туғишганидан аъло кўриниб кетади. Бунинг боиси, Қорақул қанчалик кўпол ва жоҳил бўлмасин, қўлига кўпам эрк беравермайди – Ойбекачдан ҳайиқади. Дарвоқе, соқчи йигитлар ҳам аёлнинг ёнида ўзларини сипо тутишга уринишади. Гапнинг қисқаси,

жувонда шундай бир ботиний куч мавжуд эдики, унинг нелигини англашга Эрманнинг идроки ожизлик қиларди.

Кунларнинг бирида туткунлардан бири кутилмаганда шу гапни айтиб қолди:

– Қани энди Итолмасни қора ер ютса-ю, Ойбекачга уйлансам!

Улар эндигина кечки таомни адоқлаб, ўчоқни теваараклаб ўтиришганди. Аввалига бу гапга эътибор берувчи бўлмади. Ахир ҳар окшом чоҳда не бир гаплар айтилмайди, не бир ҳасратлар тўкиб сочилмайди. Бироқ юкоридаги хитоб илк бора тилга олинмоқда эди. У иккинчи маротаба хиёл бошқачароқ тарзда такрор этилгач, даврага бирдан оғир сукунат чўкди. Бошқалар қатори Эрман ҳам ичида қизганишга ўхшаш ниманидир туйди. У бошини бир ён буриб, гап эгасига ғазабнок боқди. Бир оғиз нордон гап билан эсини киритиб кўймоқчи бўлди. Бироқ разм солиб қарасаки, гап эгаси бўлмиш дўнгманглай йигит бу дунёни бутунлай унутган кўйи, оғир хаёлга чўмиб ўтирибди – туртсанг-да сезмайдиган бир аҳволда. Бироздан сўнг у аста бошини кўтарди. Киприкларида ялтиллаб турган кўз ёшлари олов ёлкинида бир лаҳзага акс этиб, аста яноқларини юва бошлади. Бу ҳолатдан Эрманнинг юраги наптар санчгандай бир санчиб олди. У йигитга қарамасликка тиришиб, беихтиёр Уймовут қавмининг олд гўзалларидан бири бўлмиш Мойчечакни кўз олдига келтираркан, негадир уни Ойбекач билан қиёслай бошлади. Йўқ, Ойбекачнинг ўктам сиймоси қаршисида Мойчечакнинг рухсори анчайин хира ва нимжон эди. У ҳар қандай шабадага эгиладиган новдага, Ойбекач эса шамолу бўронларни писанд қилмайдиган арчага ёхуд тошлар орасида ўсадиган сертикан бутага ўхшаб кетарди. Аслида у ўша «тикан»лари билан йигитлар қалбидан жой олган. Уларнинг бир-биридан қизганиши боиси шундан эди.

Дўнгманглай йигит тўсатдан пиқиллаб йиғлашга тушаркан, деди:

– Агар у... Ой... Ойбекач бўлмаганида, бу азобларга ортиқ бардошим етмасди, аллақачон ўлиб кетган бўлардим!

Ойбекачга бошқалар ҳам безътибор эмаслигини Эрман азалдан сезиб юрарди-ю, аммо бу даражада деб ўйламаганди. Шу боис, рашки қайта кўзғаб, дўнгманглай йигитга тирғалмоққа важ қидира бошлади. Бироқ ўша таниш ички сезгиси бу сафар ҳам «бас» деганча бунга монелик қилди.

Одатда, фавқулодда кезларда уйғонадиган бу сезги Эрманни ҳеч қачон доғда қолдирмаган. Бу ғаройиб ҳолат унга болалиқдан таниш. Дейлик, у тоғда қиялик бўйлаб бораркан, йўлда бирор бир кўнгилсизликка дуч келиши мумкинлигини аввалдан сезарди. Ўн беш йилнинг нарисидида кўшни овулга тўйга отланган отасига тўсатдан йиғлаб ёпишган бола ҳам шу Эрман эди. Ўшанда ота кутилмаганда тутқаноғи тутиб қолган ўғли билан андармон бўлиб, тўдадан қолиб кетган, илгарилаб кетганларнинг бир қисми эса кўчки тагида қолиб нобуд бўлганди. Шунингдек, Мойчечакка ошиқ бўлганида ҳам ўзини нуқул қандайдир чуқурликда ҳис этарди, баъзан ўша чуқурликни тушларида кўрар ва кимлар биландир олишиб чиқарди. «Қизнинг васлига етишгунча овул йигитлари билан жикқамушт бўларканмиз-да», дея ўйларди кўшни қавмга йўли тушган кезлари кўринган қорадан хавфсираб. Бироқ, буни қарангки, унинг йўлини кўшни овул йигитлари эмас, Итолмаснинг тўдаси тўсди. Тушларида кўрган чуқурлик эса ушбу чоҳ бўлиб чиқди. Баъзи ҳолларда сезгиси моддийлик касб этиб, бўлиши лозим бўлган айрим ҳолат ва воқеликнинг ранг-тусигача аниқ кўрса-да, бироқ нўноқлиги боис уни ўқий олмасди. «Сабр! – дерди шунда ички бир нидо юпатувчи оҳангда. – Сабр!»

Бироқ ўша сабр ортида нима бор?

Эрман унинг ортида нима борлигини ўша куни – чоҳга шоти туширилган тун хиёл фаҳмлагандай бўлди.

Шусиз ҳам тутқунлар сўнгги пайтларда Ойбекачнинг ёниқ бир қарашига тез-тез рўпара келадиган бўлиб қолишганди. Жувоннинг ўтли нигоҳи «ё ўлим, ё озодлик», дея уларни исёнга ундар, бироқ озодлик йўлида жонини қурбон қилишни йигитларнинг бирортаси ҳам истамас-

ди. Бири қандайдир мўъжиза содир бўлишини, бошқаси эса ўша афсонавий ёмби топилишини кутарди. Ва худонинг берган куни, албатта, улардан бири туш кўрган, тушида бари озодликда юрган бўларди. Хуллас, чоҳ туйнуғи оқариши билан туш кўрган йигит уни сўйлашга, бошқалар эса жон қулоғи билан тинглашга, сўнг ҳар ким ўзича таъбир айтмоққа тушарди. Чоҳдаги йигитларнинг тақдиридек тушлари ҳам умумий эди. Агар туш таъбири кутилгандан зиёда чиқиб қолса борми, уларнинг кайфияти тоғдек кўтарилиб, Қорақулнинг жиғига тега бошлашарди. Бу борада Эрман ҳамиша ташаббускорроқ эди.

– Сизга қийин, ака! – дейди одатдагидек уни «сиз»лаб. – Итда тиним борки, сизда тиним йўқ!

– Асло гапирма! – дейди жун арқонда чоҳга нонушта тушираётган Қорақул ўпкали оҳангда. – Ҳалакининг итидай доим у ёқдан-бу ёққа чопганим чопган!

– Шунинг учун ҳам сизнинг кунингизга тушиб қолишдан худонинг ўзи асрасин деймиз-да, ака.

– Ия, менинг кунимга нима бўпти? – Қорақул бирдан хушёр тортади. – Еганим олдимда, емаганим кетимда, сизларга ўхшаб лаҳим кавлаб юрганим йўқ, яна нима керак менга?! Ундан кўра, менга ўхшаб ройишли бўлинглар, хизматни чин дилдан қилинглар, сўнг зора эркинда юрсаларинг...

– Қулдан итга айлан демокчисиз-да, а?

– Бу билан мени итсан демокчимисан?

– Тентакманми, сизни ит деб, ака.

– Йўқ, сен гапни айлантирма!

– Ака, кўйинг, овқатни заҳар қилманг.

– Ҳозир шу... заҳар-заққумингни бошингга ағдараман!

Қуйида нонушта тушишини илҳақ кутиб ўтирган туткунлардан бири жонҳолатда туйнукка қараб қичқириб юборади:

– Ойбекач!

Қичқириксиз ҳам ўчоқбошида куйманиб юрган жувоннинг ўткир нигоҳини елкасида ҳис этиб турган Қорақул зумда тийилади. Яғринига калтак келиб тушишидан кўрққан

итдай кўзларини жавдиратганча чоҳдан узоқлашади. Чоҳдагилар эса, нонуштани захар қилай дединг, дея Эрманга ёпишиб кетишади.

У ҳар тонг айнаи бир вақтда қуйига тушириладиган шотидан юқорига кўтариларкан, чоҳ оғзидаёқ кўлига кишан соладиган соқчи йигитнинг тунд башарасига бир мушт тушириб, боши оққан томонга ура қочиб қолишни кўп ўйлайди. Бироқ бу ҳаракатидан зиғирча наф йўқлигини билгани боис, сал нарида ҳар қандай фавқулодда ҳолатга шай турган соқчи йигитларга, ғулдаги шамолдек елгир, бўридек йирткич итларга аламноқ кўз ташларкан, узун занжирга маҳкамланган кишанлардан бирига билagini тугтиб бермоқдан бўлак иложи қолмайди. Айнаи шу ҳаракати, яъни итоаткорлиги Ойбекачнинг ғашига тегишини билгани сабаб бу пайтда бошини кўтармасликка тиришар, сўнг барибир уни кўриш истаги устуворлик қилиб, астагина тева-ракка разм солар, агар тонгги юмуш билан андармон аёллар орасида уни учратмаса, елкасидан тоғ ағдарилгандай, енгил тортар ва бир муддатдан сўнг эса кўнгли баттар ғашланиб, нигоҳи ила жувонни кидиришга тушарди.

Қисқаси, узун занжирга тизгинланганча, соқчилар кузатувида ҳар тонг кон томон йўл тортадиган бандиларнинг аҳволига овул аёллари аллақачон кўникиб улгуришган эсада, фақат Ойбекачгина бу ҳолатни ҳеч ҳазм қилолмас, ҳар сафар тутқунларни кузатиб қоларкан, беихтиёр уф тортиб кўярди.

– Эсиз-з!..

* * *

Қорақуюн бугун тонгдан безовта эди.

Жонивор наридаги ёнбағирлик белидаги кўнғиртоб қоятош пойидан жимираб сизиб чиқаётган булоққа, аниқроғи, булоқ бўйидаги бўлиқ майсалар томон интиломқда эди. Қани энди, ўша ўт-ўланлар орасида, назарида, ўзга бир тусда яшнаб турган ялпизларга етишса-ю, авва-

лига тўйгунча уларни хидласа, сўнг ошиқмасдан битта-лаб ютса-ю, шунинг билан ярим тундан буён жисмини қийнаётган дарддан тезгина фориғланса. Бироқ, ҳамма гап шунда эдики, бу истагининг амалга ошиш ёхуд ошмаслиги ёлғиз Эрманнинг диди ва фаҳм-фаросатига боғлиқ эди. Минг афсуски, одамзод жониворларнинг бу хил хоҳиш ва истаklarини ҳамиша ҳам англаб етавермайди. Эрманга келсак, унинг бу борадаги тушунчаси ўта жўн эди – ит молмидики, майса кавшаса! Тўғри, майсаларга оғиз урган этхўр жониворларга унда-бунда кўзи тушган, лекин нечунлиги ҳақида бош қотириб ўтирмаган. Ҳолбуки, этхўр жониворлар, хоҳ у ёввойи, хоҳ у хонаки бўлсин, вақти-вақти билан ўт чайнаб, жисмини турли дардлардан тозалаб туришини тоғнинг ёш боласи ҳам яхши билади. Аммо кўпчилик буни эътиборидан соқит этгани боис, бу ҳолга деярли ҳеч ким жиддий муносабатда бўлмайди. Буни қарангки, гул итларини тарбиялаш борасида «бас» дегунча вайсаган Қоракул ҳам бу масала бўйича лом-мим демаган.

Қорақуюннинг тоғялпизига бўлган истақ ва хоҳиши оқшом олди бир бўлак этни ялпизга ўраб келган Омонтой томонидан кутилмаганда кондирилди.

Кўрада ғимирлаб юрган Эрман унинг ғулга нимадир ташлаганини сезмай қолмади.

– Яна итга нарса ташладингми? – деди жаҳл билан.

– Зарил кептими... – деди Омонтой сир бой бермасликка тиришиб, кўзларини лўқ қилганича.

– Унда нега саси чиқмай қолди?

Омонтой гўё шунинг тагига етмоқчидай, бурнини хунук тортганча, ғулга мўралади ва кўрдикки, ташланган эт бўлаги бир четда қолиб, ит сочилган ялпизларни тергилаб емоқда.

– Ия, бунингни ичи тўла дард экан-ку, – деди у феълига хос шовқинлаб. – Қара, ютақиб ўт чайнашини қара!

– Сен менга дўст эмас, душмансан! – деди Эрманнинг ғазаби баттар қайнаб. – Қачон карама, кўзимга чўп суқиш пайида юрасан! Ахир, итга хўрак ташлама, деб неча марта айтганман сен нодонга!

– Ўзинг нодон! – Омонтой ҳар эҳтимолга қарши ғулнинг нариги томонига ўтиб, ундан ўтказиброқ ўдағайлашга ҳаракат қилади. – Мен сенга айтсам, нодонларнинг нодони ўзингсан! Дўстман деб, душманнинг ишини қилиб юрган маълунсан!

– Ия, тинчликми? – ундан бу хил гапларни кутмаган Эрман ғазабиниям унутиб, хайрон туриб қолди. – Нечун тўсатдан ириллаб қолдинг, а?

– Кеча окшом гурунгда бир гапни эшитдим, – деди Омонтой ўзича андак ҳовуридан тушган бўлиб. – Биродарим бўлатуриб, сен менга ажал тайёрлаётган экансан.

– Ия, бу яна қандай тухмат бўлди? – Эрман ажабсинди.

– Бу тухмат эмас, ҳақиқат, – деди Омонтой ўпкаланиб. – Сен мени итга едирмоқчи экансан. Мен аҳмоқ, гапингга лакқа тушиб, ўзимга зўр бир душман орттириб опман. Кеча гурунгда шу гаплар бўлди. Жигига текканим учун бу мени энди омон қўймас экан, ғулдан чиқиши билан биринчи бўлиб менга ташланаркан, еб-ютаркан.

– Оббо, яна ўша тиррақилар даврасида бўпсан-да...

– Қаерда бўлишим билан сенинг ишинг бўлмасин, ё гапим нотўғрими?

– Нотўғри, икки дунёда ҳам у сени емайди.

– Йўк, авзойига қараганда, ямламай ютадиганга ўхшайди.

– Шунинг учун дўстлашиб олай дебсан-да.

– Ахир жоним ўзимга керак, – деди Омонтой алланечук тўлқинланиб. – Оркамдан ёрим бўзлаб қолмасин дейман-да...

– Чеваргул...

– Ҳа, Чеваргул!

– Бўзлайди деб ўйлайсанми?

– Эмасам-чи!

– Шунинг учун эт ташладингми?

– Ҳа, окшом ўзим емай, атай бунга опкелдим.

– Еяптими?

– Йўк, ўт еяпти.

– Нечун?
– Айтдим-ку, ичида дарди бор деб.
– Ўт чайнаса, дарди бўладими?
– Билмагандай гапирма.
– Ўт чайнаши, тош чайнаши мумкиндир, лекин, такрор ва такрор айтаман, у сени емайди.

– Ким билади, – Омонтой андак тинчланган бўлиб, бо-
шини қашлайди. – Улар «ҳа албатта, ейди», дейди, сен эса,
«емайди» дейсан. Тўғриси, қайси бирингга ишонишни ҳам
билмай қолдим. Бирок бунинг турки ҳеч яхшиликдан дарак
бермайди. Қара, олдига емак ташласам-да, ириллашини бас
қилмаяпти. Йўқ, бўшалган куниёқ ейди бу мени!

– Емайди!
– Емаслигига кафолатинг борми?
– Бор, сени ейишгача етиб бормайди у!
– Ия, нима деганинг бу?
– Ҳов бирда ҳам айтганман...
– Асло эсимда йўқ.
– Яна айтайми?
– Айт, биродар, айт.
– Тагин унутасан-да.
– Унутмасликка ҳаракат қиламан, айт.
– Бу ит эмас, ёнар ўқ деганим эсингдами? «
– Ҳа-я, шундай дегандай бўлувдинг.
– Яна қайта айтаман, бу ит эмас, ўқ! – Эрман кўкрагига
нукиди. – Ғаним кўксини ёрадиган ўқ!

– Ғаним бир четда қолиб, биринчи бўлиб менинг кўк-
симни ёрса-чи...

– Йўқ, аввал ғаним кўксини ёради!
– Кейин-чи?
– Бу ишнинг кейини бўлмайди...
– Ё ўлади, ё қолади дейсан-да, а?
– Фаросатингга балли!
– Барибир...
– Йўқ, мен кутаётган ёв айиқданам кучли...
– Бундан чиқди...

– Ха, ё – у, ё – бу...
 – Шу... энди итингга раҳмим келиб кетаяпти, биродар.
 – Ўзимниям жоним ачиб туради гоҳида.
 – Шу ишга чек қўя қолсанг-чи, биродар.
 – Иложсиз нарсани сўрама!
 – Биродаримсан, сўрайман-да.
 – Йўқ, сўрама!
 – Ана, сўрамадик, шу билан кўнглинг тинчланса агар.
 – Кўнглим ғаним кўксини чоклаганимдан сўнг тинчланади!

– О-о, феълинг чаток, худди итга ўхшайсан!
 – Қушқўнмаснинг итман-да ахир!
 – Айтганча, мен йўғимда буни бир муддатга бўш қўй.
 – Нега?
 – Ичида дарди бор, ўзига керакли ўтқи топиб есин...
 – Йўқ, буни бўшатиб бўлмайти...
 – Унда бу ишни менга қўйиб бер, – Омонтой теваракка тезгина кўз ташлаб олди. – Майсаларни турлаб-турлаб берсам, қайси ўтга кўнгли суст кетганлиги зумда аёнлашади. Ҳозирча у ялпизни ёктириб еяпти.

– Майли, фақат ҳаддан зиёд эркалаб юборма.
 – Бунинг тоғни кўпорадиган ит бўлаяпти лекин...
 Аммо ўша таниш шувоқ бўйини туйган кезлари Қорақуюн тоғни кўпоришни эмас, аксинча, ундан нари қочишни истайти. Қани энди тинмай югурса, танидан жони чиқиб кетгунча тин олмасдан югурса, шамолларни ортда қолдириб, доволардан учиб ўтса.

Шу пайт боядан бери ғул атрофида гирдикапалак бўлаётган Омонтой тўсатдан яна додлаб қолади:

– Бунингда инсоф деган нарса йўқ экан-ку, биродар!
 – Тағин нима бўлди?
 – Қара, кўнглини овлай деб, шунча ўлиб-тирилсам-да, сира рўйхушлик берай демаяпти! Йў-ўқ, бунинг кишига эл бўладиганмас, биродар!

Аслида Қорақуюн ўлгудек содда ва хокисор Омонтойни эмас, қайсар ўғлидан, аниқроғи, унинг хўжалигидан хабар олгани ҳафтада икки-уч бора ўтовга энадиган Хонтўрани кўпроқ ёқтирмайди. Қизик томони шундаки, жонивор ҳар сафар йўқ ердаги даъволари билан Эрманнинг обдон бошини қотириб кетадиган Бибисора момога индамайди, шунингдек, Окбўта оқсоқолнинг ташрифига ҳам гинг демайди. Аммо муюлишда Хонтўранинг кўланкаси пайдо бўлиши билан гўё жин теккандай ириллай бошлайди.

– Бир кунмас бир кун бунингни жағини йириб ташлайман-ов! – дейди ҳар сафар Хонтўранинг хуноби ошиб. – Айт, унини ўчирсин! Тавба, овози овозга, ўзи эса итга ўхшамайди-я!

Эрман, нафи йўқлигини билса-да, итга ўшқирган киши бўлади, сўнг кулимсираб дейди:

– Сизни эмас, койинишларингизни ёқтирмайди-да бу...

– Қачон койинибман? – Хонтўра гул томонга адоватла қараб кўяди. – Ўзи-ку, қорамни кўрди дегунча, дарров ириллашга тушади.

– Менга овоз кўтарганингизни ёқтирмайди деяпман.

– Нима, итинг ириллайди деб тергаб ҳам бўлмайдимиз энди сени! – Хонтўранинг баттар энсаси қотади. – Олдига бирор нима ташла, овози ўчсин! Эмасам, ҳозир қоқ манглайдан отиб ташлайман!

Хонтўра ўтов керагасида осиглиқ турган милтиқни отиш нари турсин, ҳатто кўлига тутиб кўрмаган. Негаки, ярокдан чўчийди. Бироқ, милтиқ томон дадил одимлаган киши бўлади.

– Тегманг, отилиб кетади, – дейди Эрман унинг ёш боладай чиранишидан кулиб. – Бундан ташқари, бу шунчаки ит эмас, энг яқин йўлдошим-ку, ота...

– И-и, топган йўлдошингдан ўргилай! – Хонтўра ярокдан берирокда тўхтайди. – Албатта, моховдай ёлғиз ўтирганингдан кейин ит ҳам, бит ҳам йўлдош бўлади-да

сенга! Биринг у ёкда тошдан от ясаб, кулгуга кўясан, биринг бу ёкда бойўглидай якка ўзинг сўппайиб ўтирсанг... мен куймай, ким куйсин! Нима, қасам ичдим деб, энди шу ерда бир умр ёлғиз ўтирмоқчимисан?

Бу гапларнинг бари шунчаки хўжакўрсинга, аслида афсонавий паҳлавон Тошполвоннинг қилиғини такрорлаб, ўзини Қушқўнмасга ипсиз боғлаган ўғлининг бу ишидан Хонтўра ғоятда мамнун эди. Нега деганда, ўғлининг саъй-ҳаракати боис овулда отанинг обрўйи анча юксалган, иккинчидан эса, табиатан ўта журъатсиз бўлгани сабаб, кўзига ўғли баҳодирларнинг баҳодири бўлиб кўринар ва ота сифатида баҳодирларнинг баҳодирини койиб кўйишидан ўзида йўқ даражада масрурланарди.

Хуллас, ота бўлмишнинг бор-йўқ замзамаси шу важдан эди.

Дарвоқе, бошда ўғли Тошполвондан қолган тошқўрғонга эга чикмай, ўз бошига ўтов тикканидан хийла ўпкаланган, яъни ўғли киёфасидаги афсонавий баҳодирнинг сурати ва сийратида қандайдир кемтиклик юзага келгандай туюлиб, бундан жиддий ранжиган. Отанинг назарида, элнинг кори дея танҳо ўзи майдонга чиққан баҳодирнинг ўрни кигизлари уникқан чоғроқ ўтов эмас, деворлари пишиқ ва пухта тошқўрғон бўлиши лозим эди-да. Алмисоқдан қолган ўтов туфайли у Тошполвоннинг соясида қолиб кетгандек эди. Ахир эл Тошполвоннинг номинигина эмас, балки ундан қолган тошкулбани ҳам алоҳида эъзозлайди-да. Шунинг учун ўғли ушбу эъзозли гўшада кўним топмоғи керак эди. Бирок Бибисора момоси тушмагур отанинг бу хаёлларини бир лаҳзадаёқ кунпаякун қилиб ташлаган. У Хонтўранинг тошқўрғон теварагида ўралашиб юрганни кўрган шекилли, эртаси тангу тор сўқмоқлардан бирида йўлини тўсиб чиққан, ёқасидан олиб, «Агар яна кўрғонга бошингни суқар бўлсанг, манову тош билан бошингни уриб ёраман», деган. Турган гап, ота бу хил нохуш воқеаларни асло эслагиси келмайди, лекин ҳар ташрифида Эрмандан

қуйидаги ёник хитобни эшитмасдан кетмайди. У шу хитобни эшитиш умидида ҳар сафар атай шундай дейди:

– Балки овулга қайтарсан, а, улим?

– Асло, ота!

Хонтўра ўғлининг тўсатдан оловланган чақноқ нигоҳига мамнун боқаркан, ич-ичидан гурур ҳиссини туяди. Ўз навбатида, уни Қалайбекдек ройишли эмаслигидан ўкинади. Нега деганда, ота дегани ўғилларини дам-бадам тергаб турмаса, унинг таъбири билан айтганда, гапи ичида димланиб қолиб, юраги захар-заққумга тўлиб кетиши мумкин-да. Эрманни тушмагур эса, отанинг раъйига қараш ўрнига, нукул кўкка сапчийди.

Бу борада Қалайбекдан маъқули йўқ – қанча койидада ғинг демайди, лабларини қимтиганча, тошини йўниб ўтираверади. Сўнг қошида хануз койиниб ўтирган отасига бокиб, ҳамишагидек ваъдани жуда қуюқ қилади:

– Хўп, қўлим бўшади дегунча таг-томири билан қўпориб ташлайман, ота!

Аммо орадан кунлар ва ойлар ўтса-да, қўпориб ташланиши лозим бўлган тошот жойида қилт этмай тураверади. Бунга сари эса овулнинг қитмир кимсалари баттар жиғига тегади.

– Тошотни қачон минамиз, а, Хонтўравой?

– Кутавериб бечоранинг бели толиб кетди-ку, а.

– Ўзиям отмисан от-да, туришини қаранг, туришини.

– Кўкка сапчийман дейди-я!

– Кеча Окбўта оксоқол унга маҳлиё бўлиб турувди...

– Мавқеидан фойдаланиб, уни сиздан опқўймасин тағин.

– И-и, тошот дегани бу кишига қаҳатми, бир оғиз айтса, Қалайбек шартта бошқасини ясаб бераверади-да.

– Қани энди бизди ўғиллар ҳам шундай бўлса.

– Улар тошот тугул, тошхўтик ҳам ясаб беришолмайди.

– Ҳа-а, маза-маза Хонтўрага маза.

– Хоҳласа тошотини минади, хоҳласа бошқасини.

– Ундай деманглар, кўзларинг тегади.

Бу борада Хонтўранинг овулдошларидан тарикча фарқи йўқ – тошхайкал қатига сингдирилган маъно ва мазмунни, рухий кечинмаларни англашга сираям қодир эмас. Унинг учун от ҳайкали шунчаки бир қоятош, Окбўта оқсоқолнинг қистови билан вақт-бевақт унга пардоз бериб турадиган Қалайбек эса, ота назарида, нодонларнинг нодони. Шу боис, ўзича ўғлидан номусланиб юради. Юқоридагига ўхшаш гап-сўзлар жонига тегиб кетган кезлари эса, сен бузмасанг, мана мен бузаман, дея тошотнинг қошига енг ҳимариб боради. Ва ҳар сафар унинг қаршисида ҳардамхаёл туриб қолади. Боиси, тошот узокдан ушоқ кўрингани билан, аслида анча ҳайбатли, уни яксон этмоқ учун обдон тер тўкмоқ лозим. Хонтўра эса тер тўкишни сира ёқтирмайди. Боз устига, Окбўтадан балога қолиши мумкин. Қалайбекнинг ҳам ранжиши аниқ.

Бу – тошотга қотинмаслик учун Хонтўрага зўр баҳона бўлади.

У бир-бир босиб, Қалайбекнинг устахонасига ўтади.

Устига нимдош пўстак парчаси ташланган тўнкага чўкиб, аввал ҳовли юзида куйманиб юрган келинига, сўнг бир четга тахлаб кўйилган тошлаганларга разм солади. Улардан бирини кўлига олиб, аввалига шунчаки, кейин диққат ила кўздан кечира бошлайди. Кўзига чиройли кўринганини астагина қўлтиғига уришни ўйлайди.

Аммо келинидан уялади.

Кейин, «ўғил мулки – ота мулки», деган ақида эсига тушиб, яна ўша лаганга қўл чўзади. Бу қилиғи келинига ёқмаётгандек туюлиб, кўрққан олдин мушт кўтарар қабилида, «нега устахона супуриб-сидирилмаган», дея ўзича койимоқчи бўлади. Шунда бирдан ўғли аёл зотини устахонага яқин йўлатмаслиги эсига тушиб, дарров тилини тишлайди. Бу орада унинг ҳаваси ўта бежирим ёрғичоққа тушади. Ёрғичоқ тошлари шунчаки эмас, алоҳида дид билан тарашланган бўлиб, туси ғоятда чиройли – оқимтир, кўкимтир, қизғиш ранглар жилоланиб турарди.

Хонтўра тошлаганни бутунлай унутиб, ёрғичокни олиб кетишни ўйлайди. Бироқ уйида бир эмас, иккита шундай тошбуям борлигини ўйлаб, иккиланганча туриб қолади.

Агар шу тобда отхона томондан от кишнаб қолмаганида, у ёрғичокни олиб кетиши ҳам мумкин эди. Чунки у ҳаддан зиёд бежирим эди-да.

Отнинг овози ота хаёлини бутунлай пароканда қилиб юборади. У бу жониворни кўклам кезлари тоғлар бошига кўниб ва кўчиб юрадиган оппоқ булутларга ўхшатади. Сўнг, «Нечун Эрман уни менга эмас, Қалайбекка ҳадя қилди?» – дея пича койинган бўлади. Бироқ буни ўғлидан сўрашга ийманари. Шунингдек, оқ тулпорга Қалайбекдек меҳр кўйиб қараёлмаслигини яхши билади. Негаки, бу каби нозик ишлар Хонтўранинг табиатига асло тўғри келмайди, унда кунт, ҳафсала ва муҳаббат етишмайди. Ўғли Қалайбекнинг йўриғи эса бутунлай бўлакча – уловни шунчаки эмас, кўғирчокдай ясангириб минишни ёқтиради. Қалайбек ҳафталаб мук тушганча тош йўниб ўтиради-да, сўнг бирдан отланиб қолади. Шу кетганча уч-тўрт кунлаб овулда қорасини кўрсатмайди. У тулпорни улоққа кўймайди, чиройли отда чиройли бўлиб юришни ёқтиради. Баъзан эса уни миниб Ажинақоя қошига боради, яъни аксарият овулдошларининг фикри ва тахминига кўра, у ерда ажиналар билан гурунг қилади.

Қорамтир юзи турли қоятошсуратлар билан безалган Ажинақоядан, бошқалар қатори, Хонтўра ҳам жуда чўчийди. Қоя юзидаги барча тошсуратлар жин-ажиналар томонидан ишланган, деган ишончга эга. У ўзича яна шуни биладики, агар ўғли жин ва ажиналар билан ҳамтовоқ бўлмаганида, бу хилдаги бежирим тошлаганларни йўнмаган ҳамда барчага кулгу бўлиб, ҳовлиси биқинига тошотни кўнқайтириб кўймаган бўларди. Тошотга кўниколмаслигининг яна бир муҳим сабаби, «Қалайбек буни жинлар амри билан ишлаган», деган шубҳа ҳам йўқ эмас унда.

Хонтўра тўсиқ ортига ўтиб, булутдек оппоқ отни ҳавас билан силаб-сийпаларкан, ҳар галгидек, уни минишга истиҳола қилади. Негадир, бу сафар, «ўғилнинг мулки –

отанинг мулки», деган ақида кучини у қадар теран ҳис этмайди.

У оддан кўнгил узиб-узолмай, отхонани тарк этганида, камсуқум келини устахонадан сал наридаги хонтахта монанд ясси харсангтош устига дастурхон ҳозирлаб қўйган бўлади. Одатда, Қалайбек олдига юмуш билан келганларни шу ерда кутиб, шу ердан узатади.

Бу йўриққа ҳамма кўниккан, жумладан, Хонтўра ҳам.

У тош теварагига жойлаштирилган ғўлалардан бирига чўкиб, ошиқмай тамадди қиларкан, одагига хос равишда, ўғлининг хўжалигини зимдан кузатишга тушади. Қачонки кўзи ҳовлининг юқори қисмидаги дўнглик – кенг сайхонликка тўдалаб қўйилган тошлар уюмига тушгачгина, ҳар сафаргидек, ўғлини тентакларнинг тентаги санаб, ғудраниб сўқинишга тушади. Сабаби, Қалайбек ғаройиб бир ишга қўл урган, яъни бу тошларни ғалати шакл-шамойилдаги тошқаср бунёд этмоқ ниятида тўдалаган. Қисқаси, у сайхонликнинг жануби-ғарбий томонида кўкка бўй чўзиб турган қояни ушатиб, тошини ўша қаср қурилишига ишлатмоқчи бўлган. Бунинг учун қуйидан махсус тупроқ ҳам топиб қўйган. Оқиш рангдаги бу тоғ жинси озгина намланса, ёпишқоқ лойга айланади. Қуриса бамисли тошдай қотади.

Қалайбек овулдошларидан фарқли ўлароқ тошларни яхши билади – уларни турларга ажратиб, қайси тур нимага яраши ёхуд ярамаслигини бемалол айтиб бера олади. Унинг гапига кўра, тоғда, худди овулдаги баъзи кимсалардек, ҳеч бир нарсага ярамайдиган тошлар ўта бисёр экан. Гурунг мавзуи шу томонга бурилганда, Хонтўра ўзидан нам олиб, ўғлига гумонланиб боқади. Аммо бу пайтда Қалайбек қурилажак қасрига ишлатиладиган қандайдир тошлар хусусида фикр юритаётган бўлади.

Қалайбек қаср қурилиши ҳақида бирон кимсага чурқ этмаган ҳолда ялангликка дастлабки тошларни уя бошлаганида, Хонтўра бетдаги улкан арча тагида ўзига ўхшаш ярим бекорчилар билан гурунгни қувисини пишаётган эди.

Бошда у терлаб-пишиб меҳнат қилаётган ўғлининг хатти-харакатларини тушунмади, чунки йигитнинг қўшимча иморатга муҳтожлик ери йўқ, шусиз ҳам ҳозирги жойи ҳамманикидан зиёда эди.

Қизик, ялангликка нима курмоқчи у?

Ота ажаблана-ажаблана қуйилайди.

Бирок, ҳорма, дейишга улгурмай, Қалайбекнинг ўзи сўз бошлаб қолади, дейдики, бу овлоқ ҳамда ғоятда фусункор гўшада отам замонидан бери яшаб келишаётган эсада, ҳалигача қавмнинг туриш-турмуши ва яшаш тарзида бирор-бир хайрли ўзгариш йўқ, худди ким ёки нимадандир ҳадиклангандай ёхуд эрта-индин бу гўшани бутунлай тарк этишадигандек, бир-бирига бақамти тушган омонат тошкулбаларда сиқилишиб-тиқилишиб, умргузаронлик қилиб келишади. Ҳолбуки, бу қадар гўзал маконни ватан тутган қавм тор ва паст тошкулбаларда эмас, қоя янглиғ баланд қасрларда умргузаронлик қилмоқлари лозим. Бирок ўғли ҳар қанча жон куйдириб тушунтирмасин, ота у таъриф этган қасрни барибир тасаввур этолмади. Шунда ўғил ердан оқиш ва юмшоқ жинс олиб, кўкимтир харсангтош юзига бўлғуси иншоотнинг шакл-шамойилини чизади. Маҳобатли қаср чизмасини кўрибқ Хонтўранинг ҳуши бошидан учади. У бўлғуси иншоотнинг баланд, айлана зиналаридан тушиб-чиқавериш ҳалитдан жонига текканини ичдан ҳис этаркан, тасаввурида секин-аста жонлана бошлаган қаср ичкарасига бош суқмоқдан кескин воз кечади, ўзининг пастак тошкулбаси ундан минг чандон қулайроқ туюлади. Сўнг бу хил ажабтовур иморатлар шакл-шамойили нечун ўзининг миясига келмагани ҳамда келмаслигидан таажжуби ортади. Қалайбек каби тафаккур юрита олмаслигидан алами кўзиб, хаёлан аллақачон деярли куриб битказилган қасрни қасддан яксон этмоққа киришади. У қаср деворидаги ҳар бир тошни кўчириб оларкан, уларни роҳатланиб-роҳатланиб чор-тарафга улоктиради. Бу пайтда Қалайбек қасрнинг томига зеб бераётган бўлади. Қизик жиҳати, қаср томи томга ўхшамайди, найза учидек ўткир, тик бир

бало. Ўғлининг айтишича, бу хил томга оғоч ишлатишнинг ҳожати йўқ эмиш.

Бу орада Эрман тўсатдан изсиз йўқолиб қолди-ю, ҳамиша нимадир яратиш ишқи ва иштиёқида ёниб яшайдиган Қалайбек бу юмушдан совуди – ака сифатида қайғуга чўмди. Бунёд этилиши лозим бўлган қаср тошлари эса ялангликда уюлганча қолаверди. Қисқаси, овулнинг мўмин, одобли, покдомон йигитларидан бўлмиш Қалайбекнинг куракда турмайдиган айрим қилиқлари, ўй ва фикрлари, бегоналар нари турсин, ҳатто ўз яқинларига ҳам жуда эриш туюлади. Айрим кимсалар эса унинг бу каби ури-нишларини қусур санаб, ўзларича панд-насихат қилмоқчи бўлишади. Бироқ Қалайбек табиатан вазмин йигит эмасми, бунақа пайтда ҳақлигини исботлаб ўтирмайди – юзига дар-ров қобиллик ниқобини тортади: «Ана, энди истаганингча насихат қилавер!»

Қалайбекнинг яна бир одати – ясаган тошбуюмларига талабгор бўлиб келган кимсалар авзойини кўз кирида зимдан кузатади, улар чехрасидан завқланиш аломатларини қидиради. Афсуски, аксарият кишиларни идишнинг бежирим ва гўзаллиги эмас, ҳажми, яъни унга неча кишилик таом сиғиш-сиғмаслиги қизиқтиради, табиийки, гап-сўзлариям шунга яраша бўлади. Бундан у эзилади, лекин сир бермайди.

Бахтига, айрим талабгорлар кутилмаганда ўта дидли чиқиб қолади. Улар буюмларни айлантириб, обдон томоша қилишаркан, ҳайратлари ичига сиғмай, устасига ҳамду санолар айтишади. Турган гап, бу хил муносабатдан Қалайбек, том маънода, яйрайди ва янада бежирим буюмлар яшаш иштиёқида ёна бошлайди. Оқбўтани ўзига яқин олишининг асосий сабаби ҳам шу – оксоқол Қалайбекнинг саъй-ҳаракатларига бефарқ эмас, ҳайрат ва ифтихор ҳисси унда кам эмас, керагидан ортиқ даражада. Масалан, у Хонтўрадан фаркли ўлароқ, тошотни тезроқ харсанг исканжасидан халос этилишини истайди. Аммо Қалайбек, отасининг хоҳишини бажармаганидек,

оқсоқолнинг истагини адо этишга ҳам кўпда ошиқмайди. Мабодо бу дунё иллатларидан ўта безинар бўлса, шартта отланади-ю, ўзининг хаёлий дунёси – Ажинақоя томон йўл олади. Қоя пойида хаёллар уммонига ғарқ бўлганича ўша номаълум мусаввир билан узоқдан-узоқ суҳбат куради. Яна бир гап, иниси Эрман унинг ўтовига келиб-кегишини кўпам ёктиравермаганидек, Қалайбек ҳам отасининг устахонага ташриф буюришларини унчалик хушламайди. Буни сездирмасликка ҳарчанд тиришмасин, барибир Хонтўра ниманидир фаҳмлайди ва унинг устидан андак шикоят қилгани Эрманнинг ҳузурига жилади. Бироқ ғулдаги Қорақуюннинг норози қаршилаши худди кутилмаган тиш оғриғидек баттар ғашига тегиб, Алининг ўчини Валидан олади, яъни, атай Эрманнинг нозик ерига ниш уради:

– Юраверасанми, уйлан-да энди!

Бу гап ҳар қанча ноўрин туюлмасин, Эрман ота юзига тик боқмайди. Аммо шу нарсани, яъни Итолмасни бир ёқлик қилмай туриб, аёл зотини қучмаслигини, орада Ойбекач отлиғ аёлга берган ваъдасини бузиб, бир эмас, икки борганим овули томон йўл тортганини ҳам ҳар икки сафар ҳам дарада аёлнинг чидаш қийин бўлган ўт-оловли нигоҳига дуч келганини хаёлидан бот ўтказмай кўймайди. Табиий, бу ҳақда отасига тиш ёрмайди. Боиси, ўсмирлик кезларида амакиси – Самадвойнинг таъна-дашномларидан шуни англаб етганки, падари талатўпда олдинга югуриб чиқадиган мард кишилар тоифасидан эмас, тўп орасига биқиниб жон сақлайдиган журъатсиз кимсалардан. Шунинг учун ҳам у Итолмаснинг олиб қочилган оқ тулпорини отасига эмас, аксинча, акасига тортиқ қиларкан, бундан унинг оғриниши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган. Негаки, жиянларига кураш ва қиличбозликдан сабоқ берган овқор табиатли амакисининг гоҳо ғзаб билан, «отанга ўхшаб кетга тисланишни одат қилма», дея берган даққилари Эрманнинг хотирасида бир умрга михланиб қолган. Агар шу ўринда гапни янада мухтасар айласак, Самадвой шу хилдаги гап-сўзлари билан, билиб-билмай, жиянлари олдида ўз жигари

бўлмиш Хонтўранинг нуфуз ва обрўйини тушириб қўйган. Ўзи эса айни киркқа етиб-етмай тоғлар орасида юз берган конли бир тўқнашувда ўлиб кетганди.

Эрман ҳамиша руҳан ўта тетик бўлган амакисини ҳалигача қўмсайди. Шунингдек, оға-иниларнинг бири-бирига ўхшамаслиги ва бу хил номутаносиблик деярли барча оилаларда кузатилишидан таажжуби ортади. Масалан, акаси Қалайбекни олинг, унинг ғирт тескариси – ҳатто пашшага ҳам озор бермайдиган йигит. Теварак-атрофдаги барча қавмларни ўзига яқин тутиб, баҳоли қудрат дўстлик ришталарини маҳкамрок боғлашга уриниб келади. Эрман эса, акасининг таъбири билан айтганда, тутқунлик туфайли айниган банда – қўйнида тош билан юришга одатланган.

Хонтўра ғулдаги итнинг ириллашига тоқат қилолмай, ўғлининг мол-ҳолига қараган киши бўлиб қўра томонга ўтаркан, ҳамиша бир ҳолдан ажабланади – нечун ўзи овул бағрига суқилгани сайин ўғиллари четга интилишади? Бири уйланиши билан овулнинг кунботиш тарафида қўрғон эгириб, айро тушган бўлса, иккинчиси, мана, минг қўйли бойдай, катта бир ҳудудни эгаллаб ётибди. Тавба, ёлғиз ўзи ҳайикмаганини бунинг! Хонтўранинг ўзига қолса-ку, бошидан зар сочишган тақдирда ҳам бу овлоқ маконда бир кун тунамасди. Бу – бир, иккинчидан эса, Эрманга ўхшаб «қасам-пасам» деб ўтирмасди, жони омон қолганига шукр қилиб, келган заҳотиёқ овул қизларидан бирига уйланиб олган бўларди.

У шу хаёллар оғушида қўра теварагида куйманиб юраркан, орада итни сўкиб-сўкиб қўяди:

– И-и, ирилламай ўл!

* * *

Бу нарсалардан, яъни собиқ кули Эрман йўлига кўз тикиб ўтирганидан Итолмаснинг мутлақо хабари йўқ эди. Эрманнинг ҳақиқатдан ўлганига секин-аста ишончи ортгани боис, у тарафдан кутилган ҳужумни бутунлай хаёлидан чиқарган

эса-да, ammo йигит томонидан олиб қочилган ва ёввойилашиб кетган дея тахмин қилинган оқ тулпорни ҳалигача унутмагани – фақат аввалгидек ичи ёниб қўмсамас, эсига тушган кезлардагина, «о-о, от эмас, дур эди, гавҳар эди», деб қўя қоларди.

Шу боис, Эрманнинг ҳаётлиги ва суюкли оқ тулпори дарагини эшитганида, бошда унинг бир туки қилт этмади. Бироқ кейинги гапдан сўнг, юзидан одатдаги истехзоли табассум ариб, шамдай қотди.

Бамисоли куёш нури тушмас ўнгирдаги қор янглиғ яхлади. Асрий музликлардаги сумалаклар каби тош қотди.

Ё дариғ, ахир у улоқ чопиладиган от эмас, ҳавасга, ҳа, фақат ҳавас учунгина мириладиган жонивор эди-ку!

Итолмас манглай чангаллаганча, беихтиёр инграб юборди. Кейин бу ҳолати ўзига эриш туюлиб, тезда қадини тиклади-да, қошида мўмингина бўлиб ўтирган хабаркашга совуқ назар ташлаб, чикмаган жондан умид дея, беихтиёр овозини кўтариб деди:

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас!

У шу тобда: «Шунчаки бир ҳазиллашгим келди-да» ёхуд «яна билмадим, кўзимга чалингандек бўлувди», деган гап учун жону жаҳонини беришга тайёр эди. Негаки, унинг назарида, оқ тулпорда улоқ чопиш ақл бовар қилмайдиган даражада гумроҳлик, тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган машъум бир ҳодиса эдики, бундан кўра жониворнинг ўлими ҳақидаги хабар минг чандон тузук эди. Қани энди қаршисида омонат чўкиб, қайта чакак уришга тушган манови сўхтаси совуқ, ёлғондан бўлса-да, «оқ тулпоринг ўлди, этини қузғунлар еб, суягини итлар тозалади», деса. Афсуски, бу вақтда у отлар тўдасида терга ботиб улоқ чопаётган оқ тулпорнинг ҳолат ва ҳаракатларини шу қадар моҳирлик билан таъриф ва тавсиф этмоққа тушган эдики, Итолмас аламдан додлаб юборай деди.

– Бас! – деди у ўша-ўша босиклигини йўқотмай. – Агар оқ тулпорда улоқ чопишаётган бўлса, у қавм кўр экан!

– Бу ишга қавмнинг нима дахли бор? – деди хабаркаш таажжубланиб. – У тоштарошнинг кўлида-ку.

– Тоштарошинг ким?

– Қалайбек.

– Қалайбегинг ким?

– Ким бўларди, Эрманнинг оғаси...

– От қандай қилиб унга...

– Унисини билмадим, балки ҳады қилган чиқар.

– Бас! – Итолмас унга мисли оч бўридай тикилди. – Шу ерда тўхта! Рухсатимсиз чурқ эта кўрма! Эмасам, ҳозир тилингни суғуриб оламан!

– Ахир мен...

– Бас!

– Унда мен...

– Ўтир!

Итолмас табиатан ўта рашкчи ҳамда ноёб ва нодир нарсаларни ғоятда эъзозлай биладиган кимса эди. Бу хусусият унда туғма бўлиб, унинг янада сайқал топишида шаҳарлик ошнаси Ҳасаннинг ҳиссаси ҳам кам эмасди. Итолмаснинг қавмдошларидан фарқли жиҳати, тоғликларга хос бағрикенглик ҳамда бепарволик унга ёт эди, нодир нарсаларни баҳолаш ва кадрлаш борасида ҳатто Ҳасанни ҳам ортда қолдириб кетарди. Шунинг учун терга ботиб улоқ чопаетган оқ тулпор, йўқ, оппоқ гавҳар ҳолатини ўзича тасаввур этаркан, бундан қалби ўртаниб, жуда мазаси қочди. У рашк майлига бўйсунган кезлари кўлидан кетган ёхуд кетиши эҳтимоли бўлган ўзига тобе жонни маҳв этмасдан кўймасди. Ойбекач унинг айна шу феъли қурбонига айланганди. Ҳозир эса оқ тулпорни ўзгалар кўлида улоқчи отга айланганини ҳеч ҳазм қилолмай, ич-ичидан ғоятда изтироб чекмоқда эди.

– Йўқ, бу иш бўлмапти! – деди аста ғудраниб. – Оқ тулпорни ё қутқариш, ё ўлдириш керак! Яхшиси, ўлдирган маъқул!

– Ўлдириш? – деди хабаркашнинг капалаги учиб. – Шундай отни-я... Увол-ку ахир!

– Увол бўлмаслиги учун ўлдириш керак!

Ўшанда Ойбекачнинг ғалваси билан андармон бўлиб, собиқ кули лошини шахсан ўзи текшириб кўрмаганидан, йигитлари гапига лакқа тушганидан энди жуда ўкинмоқда эди. Қани энди, ўша кунлар қайтиб келса-ю, у қоялар бағрини Эрманнинг қизил қони билан бўяса, этини тилкалаб, итларга едирса!

У кўлидаги заранг дастали қамчинни асабий чангаллаганча, бир зумга ўша кунлар хотирига берилди.

Ўша тонгда соқчилар ҳамда ғул итлари томонидан нобуд этилган қочоқлар жасади бирин-сирин йиғиб келинганда, улар орасида Эрманнинг жасади учрамагач, Итолмас йигитларини зудлик билан қайта отлантирган, ўзи уларга бош бўлиб, теваракни тити-пити қилиб чиққан, аммо Эрман сувга тушган тошдек ғойиб бўлганди. Унинг изини топишда ғул итларининг ҳам нафи тегмади. Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол эди. Эрман шундоққина тумшуклари тагида – шаршара қаноти остида биқиниб ўтиргани ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

Агар шаршарада забон бўлганида борми, Итолмасга кўйидаги воқеани сўзлаб берган бўларди, дердики, *ўтган тунда кўйнимга кириб олиб, сўнг куни билан бағримда биқиниб ётган кўногим ярим тундан ўтиб астагина ташқарига сирғалиб чиққанида, сен ёшгина хотинчангни тўшингга тортиб, ширин тушлар кўриб ётган эдинг. Куни билан тиним нималигини билмаган йигитларинг тарракдай қотиб қолган, амрингга кўра, калтакка бўккан содиқ қулинг Қорақул эса шу тун май ва аламни ўзига дўст тутиб, нимдош ўтов биқинида сархуш чўзилиб ётарди. У худди тўй эртаси калтакка бўкишини билгандай, саночни мешдаги майдан тўлдириб, бекитиб қўйганди. Тунда аламни газак қилиб, майдан тўйгунча ичганди.*

Куни билан совуқ қучоғимда гоҳ мизғиб, гоҳ дийдираб ўтирган кўногим аввалига кўройдинда хўмрайиб турган тоғлар оралаб яёв жилиб қолмоқчи бўлди. Сўнг бундай овул томонга разм солсаки, оқ ўтовдан хийла берида оқ тулпо-

*ринг қантариғли турибди. Қўноғим зукко йигит экан, дар-
ров фаҳмладики, агар отни миниб қочар бўлса, итлар туғул
шамол ҳам қувлаб етолмайди уни. Шу хаёлда от томон юр-
ган ул шоввозни овулинг итлари бегоналамади, буни қараки,
ўша лаҳза гулдаги итларнинг ҳам уни чиқмади. Агар худо
бандасини қўллайман деса, итлар тинчиб, эгалари ўликдек
донг қотаркан. Шу десанг, қўноқ йигит жуда эсли экан –
ошиқмади, ҳовлиқмади, эгаси ҳозиргина ўтовга кирган-у,
ҳадемай қайтиб чиқадиғандек йўлга шай турган оқ тулпор-
ни, яъни сен зам билан бўлиб қаровсиз қолдирилган уловни
овулдан анча нарига ими-жимиди етаклаб борди-да, сўнг
уни миниб, бирпасда тоғлар бағрига сингди кетди.*

*Агар билсанг, роса калтак егани боис шу тун Қорақул
илк бора сенга хиёнат қилди. Йўқ-йўқ, хиёнат қилмади,
маст бўлгани сабабли кўз ўнгиди юз берган бу воқеа худди
тушида кечаётғандек, уни тўла идрок етолмади. Бақадек
бақрайиб, сўнг яна қайта пинакка кетди. Қачонки у ўзига
келиб, воқеани гира-шира фаҳмлаб етганида, тонг бўзарган,
йигит эса аллақачон Ялпоқдовонга етиб қолганди.*

Шу ўринда шаршара хиёл хатога йўл қўйганди. Биринчи
тундагидек, иккинчи тун ҳам Итолмас ёш хотини кучоғида
ором топмаган – Ойбекачнинг хиёнати туфайли ҳақиқатан
ғами ошиб-тошиб, юмшоқ ўрин бир четда қолиб, яланг
кигиз устида тошдек қотиб қолганди. Айникса, кундузги
сўрок пайтида Ойбекачнинг ўзини тутиши уни тамомила
қол қолдирган, аввал сезмаган, аниқроғи, сезишни истама-
ган ҳолатлар юзага қалқиб, у тамомила гангиб қолганди.

Эрман ўйлаганчалик, Қорақул ўшанда мардлик қилмаган,
сархушлигимдан фойдаланиб, чоҳга шотини Ойбекач ту-
ширган, дея очигини айтди – ўзича барча гуноҳни бўйнидан
соқит қилган бўлди. Итолмас, табиий, бу гапга инонмади,
ички бир илинж билан аёлидан рад жавобини кутди. Бирок
тонгда йиғилиб, пешинга яқин жанубдаги дўнгликлардан
бирига қатор кўмилган жасадларга кўзи тушган захотиёк,
агар тунда шотини чоҳга туширмаганимда, йигитлар нобуд
бўлмасди, дея ич-этини еб турган Ойбекач қошида саволига

жавоб кутиб ўтирган эридан ҳеч нарсани яширмади. У Итолмаснинг ҳар бир сўровига жавобан «ҳа», дея тасдиқ ишорасини билдираркан, нега бу ишга қўл урганини изоҳлашдан бош тортди, шафқат сўрашни эса ҳатто хаёлига келтирмади.

Биладики – эри энди уни кечирмайди.

Қизиқ жиҳати, аёл ўзи не аҳволда-ю, Итолмаснинг шу тобдаги ҳолатига, яъни ўзини тута билишига тан бермасдан қолмади – эри у кутганидек, кутурмади, «нечун?» деган саволи изоҳсиз қолгач, бу сўзни қайтиб тилига олмади, гўё уни энди кўраётгандек, ўша-ўша тош котиб ўтираверди.

Аслида Итолмас қаршисида Ойбекач отлиғ иккинчи аёлини эмас, жароҳатланган урғочи қоплонни кўриб турарди. У жазосиз қолмаслиги муқаррар бўлган қоплонга – жувонга бир қадар ачиниш, бир қадар ҳамдардлик ҳамда ботиний ғазаб билан боқаркан, ўзига қадалган нигоҳларда, «қани, қандай ҳукм чиқараркин?» деган маънони уққач, барчага ибрат бўлсин, деган йўсинда жазонинг энг оғир тури бўлмиш ўлим ҳукмини ўқимоқ истади. Бироқ тили ўзига бўйсунмай, англрсиз ғудранишдан нарига ўтолмади. Негаки, кўкси аралаш юрагини юлкиб, суғуриб олган бу мағрур «урғочи қоплон» ҳаддан зиёд гўзал эди. Фақат ҳамма бало шундаки, Итолмас бунини энди сезиб, энди кўриб тургандек эди. Ойбекачнинг, киприк қоқмай, мардона тикилиб туриши унинг бардошини нурутмай қўймади. Итолмас хиёл саросималаниб, аввал ўнг, сўнг сўл томондаги йигитларига қаради. Ҳозиргина ўзи қатори тоғнинг тити-питисини чиқариб қайтган ва тунда уйқудан қолган йигитларнинг алампнок, ҳиссиз ва тунд қиёфасидан ғаши келиб, уларни чангитиб сўккиси, шу баҳонада ичидаги бор дарду аламини ташқарига чиқаргиси келди. Ҳолбуки, ҳеч бир йигитнинг айби йўқ – улар ўзининг, «мен бор жойда баринг тош ва гунг бўлларинг», дея берган ўғитининг маҳсули эди, холос.

У йигитлардан юз ўгириб, бир четда ғуж бўлиб турган овул аҳлига юзланаркан, ҳар доимгидек, бу сафар ҳам ғазаб ва нафратини сокинлик қатига усталик билан яширган кўйи, деди:

– Элдан сўраймиз! Қани, эл нима дейди?

– Агар элдан жонимни сўрамоқчи бўлсангиз, – дея кутилмаганда тилга кирди Ойбекач, – сўрамай кўя қолинг! Шусиз ҳам мен ўлган аёлман!

– Қачондан бери? – Итолмаснинг афтига ўша истехзоли табассум қалқиди.

– Йигитлар... жасадига кўзим тушганидан бери!..

– Ҳа-а, уларга мен ҳам ачинаяпман, – Итолмас таассуфла бош чайқаган киши бўлди. – Эсиз, бари яхши йигитлар эди-я.

– Ёлғон! – деди Ойбекач овозини бир парда кўтариб. – Сиз ҳеч қачон уларга ачинмагансиз!

– Ҳақ гап, – деди Итолмас ўша босиқ оҳангда. – Нега энди ачинишим керак? Ахир улар... ўз жонига ўзлари зомин бўлишди-ку!

– Йўқ, уларнинг жонига мен зомин бўлдим! – деди Ойбекач дўнгдаги қатор қабрлар томон бот кўз ташлаб. – Уларни... мен ўлдирдим!

– Сен нафақат уларни ўлдирдинг! – деди Итолмас янада босиқлик билан. – Эрингни кўзига чўп суқдинг!

– Қилмаган гуноҳимни бўйнимга илманг! – Ойбекачнинг нигоҳида ўт чакнади. – Гумонга эрк берманг!

– Хиёнатни... тор тушунма, хотин!

– Тушунганим шу – мен сизга хиёнат қилмадим!

– Ундан баттарини қилдинг!

– Хиёнатдан баттари бўлмайди!

– Сен қисир!..

Итолмас ғазабга эрк бераётганини англаб, одатдагидек, тезда ўзини қўлга олди. Аёлдан нигоҳ узиб, ўйчан бир алфозда манглайини қашларкан, беихтиёр тарзда шимолишарқий томонга чўзилиб кетган чўнг довонга тезгина кўз ташлаб олди. Аслида унинг бор ҳадиги ўша томондан – довон орти водийларидан бирида умргузаронлик қиладиган Ойбекачнинг жангари қавмидан эди. Биладики, агар аёлга оғир жазо қўллайдиган бўлса, кейин довон ортидан кўзгаладиган бўронга бардош бермоғи жуда қийин кечади.

келганини идрок этолмай, ўтов қошида пича туриб қолди. Сўнг хаёлини базўр жиловлаб, ўтов солинчиғига қўл чўзди.

У эгилиб, ичкарига бош суқиши билан Ойбекачнинг қаҳрли нигоҳига дуч келди. Оҳ-ҳ, аёлининг бу бокиши Итолмасга шу қадар малол келдики, қани энди, бу мағрур ва қайсар сулувнинг кулини кўкка совуриб, тупроққа кориштириб ташласа. Минг афсуски, юқорида таъкидланганидек, жувоннинг ортида, гуноҳи не эди, деб сўраб-суриштирадиган жангари қавми турибди. Итолмасдек кончи бой учун ортиқча даҳмазадан бўлак нарса эмас бу. Ў ўта қалтис кезларда ҳамиша шаҳарлик дўсти Ҳасаннинг қуйидаги ўғитини ёдга олади: «Эркак дегани совуққон, ақлли ва ўта тадбирли бўлмоғи лозим, – деганди у дастлабки учрашувларидан бирида. – Ортиқча ҳис-туйғу сизу бизга душман, ғазабга эрк бериш эса ўз ихтиёри билан сиртмоққа бўйин тикишдек бир гап. Ҳалимлик ила дунёни тўнтарган ҳолда, қаҳрнинг кучи билан ушоқдек тошни жойидан жилдиролмаслик мумкин. Биродарим Итолмас, келинг, мен сиздан босиқликни, сиз эса мендан лутфни ўрганинг, шунда бу дунёда иккимиздан зўри бўлмайди...»

У Ҳасан ҳавас қиладиган ўша сокинлик ва босиқлик билан каршисида, «ўлар хўкиз болтадан қайтмас» қабилида кўзларини ўкдек қадаб турган Ойбекачга зимдан тикиларкан, шу ҳолида ҳам ғоятда гўзал эканини бот пайқади.

Ойбекач нафақат гўзал эди!

У бирор уруққа бош бўлишга лойиқ аёл эди!

Бироқ фарзандсизлик тилига тушов солгани боис, қавмда гапи инобатга олинмасди.

У одил эди!

Лекин унда ҳеч қанақа ҳуқуқ йўқ эди.

У жавоҳир эди!

Аммо қавмда жавоҳирни тошдан фарқлайдиган одамнинг ўзи йўқ эди. Боз устига, бу овулда туғмас хотин ерда ётган тошчалик қадрга эга эмасди.

Бу камдек, қавм аҳли назарида, у кечириб бўлмас гуноҳга қўл урган, яъни хотин боши билан эркаклар ишига бурун

тикмокқа журъат этганди. Мабодо, Итолмас аёлга нисбатан кўнгилбўшлик қилар бўлса, сўнг унинг обрўи ортиқ тош босмай кўярди. Тош босмайдиган обрў билан эса, табиийки, қавми бошқариб бўлмайди.

* * *

У Ойбекачга ғамнок ва аламнок боқаркан, беихтиёр қимтилган лаблари орасидан куйидаги сўзлар аста қанот қокди:

– Гап шу... энди овулингга... кетавер!

Эрли аёл учун бундан даҳшатлироқ гапнинг ўзи йўқ. Бу гап ҳар қанча пардаланиб, ҳар қанча юмшоқлик билан ирод этилмасин, барибир аёл зотига дабдурустан жуда қаттиқ таъсир этади.

Ойбекач фаросатли аёл сифатида бу лаҳзага аллақачон ҳозир эса-да, барибир унинг қакшатқич зарбидан қалқимай қолмади. У беихтиёр бир сапчиб тушаркан, бироздан сўнг, қўлтиғида кичик тугунча, гавдаси билан ўтов эшигини тўсиб турган эри қаршисида пайдо бўлди-да, қани, йўлдан қочинг, ўтиб кетай, деган маънода қошини чимирди. Бу ҳолдан Итолмас деганлари шошиб, довдираб қолди: «Ё тавба, бунча тез, ҳатто ялингиси ҳам келмади-я!» Аслида у аёлнинг лўлилик қилишини кутганди. Агар шундай қилар бўлса, эл кўзига, гирибонидан маҳкам тутиб, ташқарига улоқтирмоқчи эди. Афсуски, бир ён сурилиб, Ойбекачга йўл беришдан бўлак чораси қолмади.

Ўтовдан чиққан аёл тезгина йўлга тушмади.

У тошўчоқ ёнигача бир-бир босиб келди-да, аста ўгирилиб, аввали овул томонга кўз солди.

Хўрсинди.

Кейин қоя пойидаги яланг дўнгликда куни кеча пайдо бўлган янги қабрлар томон назар ташлади.

Хўрсинди.

Сўнг овулни гир қуршаган тоғлар бошига кўз солди.

Хўрсинди.

Ўтов ёнига йиғилиб кела бошлаган аёллар томон разм солди.

Хўрсинди.

Ва шундан кейингина қоматини тик, бошини мағрур тутиб, аста йўлга тушди.

~~У жидаркан, нарида турган Итолмасга қиё боқмади.~~

У ёнлаб кела бошлаган катта кундоши томон ҳатто кўз қирини ташлашни лозим топмади.

Аёллар тўпидан кимдир, чидаёлмай, пиқиллаб йиғлаб юборди.

Бирок у қилт этмади.

– Қоракул! – деди Итолмас унинг мағрурлигидан алами кўзиб. – Буни овулигача узатиб бөр! Тағин йўл-пўлда айикпайик тортиб кетмасин!

Ойбекач изидан эргашган Қоракул томон кескин ўгирилди:

– Йўқол, ювуксиз!

Бу аёлнинг сўнгги ибораси бўлди.

У кунчикишдан эсаётган енгил эпкинга қарши юрди.

Эғнидаги либосни тортқилаётган эпкин туфайли унинг ўта даражада сарвқоматлиги янада яққол намоён бўлди.

Бундан бутун овул аҳли бохабар бўлди.

Барча қатори Ойбекач изидан тикилиб қолган Итолмас унинг эғни юпунлигини шунда пайқади. Аёл эри томондан ҳадя қилинган барча либосларни ўтовда қолдириб, одми кўйлақда кетиб борарди. Барча хатти-ҳаракатида тирикликка нисбатан кучли исён барқ уриб турарди. Бирок қавм аҳли бу исённи уқмоққа қодир эмасди, барининг Ойбекач ҳақида яқдил фикри шу эди: «Бунча ўр, бунча саркаш бўлмаса, бу туғмас ўлгур!»

Бирок бу «туғмас ўлгур» эрсиз қоладиган аёллардан эмасди, эрта бир кун кимдир уни суйиб, қайноқ бағрига тортиши аниқ эди. Буни дафъатан туйган Итолмас рашкнинг куйдирувчан оташию чексиз азобини бутун вужуди ила ҳис этаркан, муқаррар жудоликдан кўнгли бузилиб, теварақдаги қоя ва тоғларга мижжалари намланиб боқди, куракдек каф-

ти билан кўксини силаб-сийпалаб боқди ва ич-ичидан шуни қаттиқ истади – қани энди, мағрур кетиб бораётган Ойбекач қаршисидан бирорта қутурган айик лоп этиб чикса-ю, уни тилка-пора қилиб ташласа! Бу фожеадан сўнг Итолмас бахти қора эр сифатида тоғу тошни ғам-аламга тўлдирса, Ойбекачнинг номини тутганча, дам-бадам манглай чангалласа, энди нима қилдим-а, дея бошини сарак-сарак қилса.

Тасавуридаги бу манзара Итолмасга ҳар қанча эриш, ҳар қанча бачкана туюлмасин, шу тобда барига рози эди. У йўқ ердаги қутурган айикни орзулаган кўйи: «Эрта бир кун бу мочағарнинг ўзга эр оғушига кирганини эшитганимдан кўра, жонсиз жасади устида икки қатра кўз ёши тўкканим минг бора афзал эмасми?» – дерди.

У ўтовга кириб, Ойбекачнинг либосларидан бирини кўйнига тикиб чикди-да, уни киши билмас Қоракулга тутқазаркан, лаблари асабий қийшайиб, маънодор томоқ кирди.

Қоракул – маълун!

Қоракул – аблаҳ!

Қоракул – ярамаслар султони!

У Итолмаснинг мақсадини зумда илғади, теваракка зимдан кўз ташлаб, мамнун ишшайди. Ойбекачнинг қилмиши туфайли кеча еган қалтақлари учун ўч олишга имкон туғилганидан ўзида йўқ суюнди. Аммо қувончини билдирмади, тош қотиб тураверди.

Бир муддатдан сўнг у анча узоклашиб кетган аёл томонга имо қилиб, секин шипшиди:

– Ҳали... сал эрта, хўжайин!

– Ҳа, эрта! – дея Итолмас бош ирғади.

– Довонга ўрлашини кутамизми?

– Йўқ, довон белигача кўтарилсин!

– Хўп, хўжайин!

Ойбекач довонга ўрлай бошлагач, Қоракул қатор ғуллардан бирига яқинлашиб, қўлидаги аёл либосини «Чакмоқ» отлиғ ола итнинг тумшуғига тутиб ва нуқиб, шундай кезларда ирод этилиши лозим бўлган гапларни айтиб, итга керак-

ли пишангни бера бошлади. Аёл ҳидини олган ит тегишли буйрукни кутиб, ғулда кутура бошлади.

Итлар тўлалигича Қоракулнинг инон-ихтиёрида туюлса-да, аммо ғулларнинг оғзи, фавкулодда ходисаларни ҳисобга олмаганда, Итолмаснинг рухсатисиз очилмайди. Ана, Ойбекач аллақачон довон белига кўтарилиб, арчалар орасида кўздан ғойиб бўлган эса-да, хануз буйрукдан дарак йўқ. Бу орада Итолмас оқ ўтовга бош суқиб, кизил шаробдан бир коса симириб ҳам чиқди, сўнғ ўтов қабатида тўдалашиб турган хотин-халажларни нарий ҳайдади. Кейин довон томонга тескари ўгирилиб, «оч» деган маънода им қоқди. Итолмаснинг ҳар бир амрини ҳамиша ўз вақтида адо этишга кўниккан Қоракул бу сафар, одатига ҳилоф равишда, сўнғги дақиқада негадир ошиқишни ис-тамади – ғул оғзидаги арқонга атай тугун тушириб, уни ечишга тиришаркан, бу ҳаракати билан ўзича Ойбекачга мурувват кўрсатган, яъни унинг ўлим онларини санокли сонияларга бўлса-да кечиктиришга уринган бўлди. Кимгадир яхшилик қилиш ғоятда кўнгилли иш эканини илк бора туйган бу кимса Итолмаснинг тагдор томоқ қиришларига қулоғини қар қилди, ҳатто, «намунча ошиқмасанг, қўй, яна озгина яшаб қолсин», дея тўнғиллашга ҳам журъат этди. Яхшиямки, бу эътирози қутураётган итнинг овозига қоришиб кетди. Акс ҳолда Итолмас унинг тилини суғуриб олиши тайин эди.

Қоракул ғул оғочи бир ёнга сурилиши билан ташқарига камон ўқидек отилиб чиққан итнинг ортидан қараб қоларкан, кўксида ачинишга ўхшаш ғалати бир оғриқли туйғуни туйди. Бу туйғуни ҳис этиши билан ҳадемай йиртқич ит чанга-лида умрини адоқлаши лозим бўлган аёлнинг жонҳолатдаги чинқириғи гўё тоғларда акс-садо берадигандек, ўзини нимдош ўтовга урди. Ҳолбуки, салгина бурун ўша қонли манзарани ўз кўзи билан кўрмоқ ва уни янада яқиндан мириқиб томоша қилмоқ учун ҳатто ит билан тенгма-тенг югуришга ҳам рози эди.

Энди эса...

У руҳиятида юзага келган бу хил тебранишларнинг сабабини англаёлмай ва уни шуурига сингдиришга чоғи етмай, кигизлар тахлами ортига шоша-пиша кўл тикди. Тўй куни атай яшириб кўйган шароб тўла саночни топгач эса, ўтовга ўзга биров бош сукмасдан бурунрок нафсини қондириш учун ияги қалтираб, нордон суюқликни ютоқиб ичишга тутунди. Негаки, тоғда шароб дегани анқонинг уруғи. Кўнгил тусаган пайтда Қоракулдек қора-кура пиёдалар нари турсин, отлик Итолмасга ҳам топилавермайдиган нарса. Шунинг учун у Қоракулга ғоятда азиз туюларди.

Бу пайтда Ойбекач ёввойи жониворлар солган ингичка сўқмоқдан қоя ёнбағирлиги бўйлаб кетмоқда эди. Бугунги чароғон куёшли куннинг акси ўларок, дарду дунёси қопқоронғи, зимистон: у этагига маҳкам ёпишиб олган «туғмас хотин» деган тавқи лаънат залворини бутун вужуди билан ҳис этгани ҳолда, бундан сўнг ота овулида кечадиган яхши-ёмон кунлари ҳақида нохуш ўйлар суриб борарди. Шунингдек, боя тоғдан қайтган йигитлар гапини эшитмагани боис, бандилардан бири – Эрманнинг тутқунликдан кутулиб кета олгани юрагининг бир четини нурлантириб турарди. У ёпирилиб келаётган қора хаёлларни бошидан қувлаш ниятида Эрманни ўйлашга тиришаркан, йигитнинг чехрасини тузукроқ эслай ололмаётганидан ғоятда таажужланди.

Ё тавба, нимаси бу?!

Ахир ҳар куни кўриб юрган одамнинг афт-ангорини унутиши мумкинми?

Ойбекач, гўё бу саволга жавоб кидиргандай, аввал сўл ёнида савлат тўкиб турган қояга, сўнг ўнг ёндаги тубсиз жарликка кўз ташларкан, изидан шамолдай елиб келаётган ажални нақ кураги орқали ҳис этди. Лекин дастлаб нелигини англаёлмади. Одатда, сезги деганда, юрак назарда тутилади. Бунга қарангки, келар балони юракдан ўзга аъзолар ҳам ҳис этар экан. У кураги ўртаси жунжикиб, беихтиёр кескин ортига ўгирилди. Бироқ ит ҳали анча қуйида эди. Аёл харсангтош устида ўлжа талашиб, бир-бири билан чўқишаётган ўлаксахўр қушлардан бошқасини пайқамасди.

У тайинли бирор хавфни илғамагач, елка қисиб, тагин ўз хаёлида ошикмай йўлда давом этди. Ахир қизлик овулига меҳмонга бораётгани йўқ-ку, нима қилади ошиқиб!

Бироздан сўнг аёл ички бир ундов таъсирида Тиллаводийга яна бир бора – сўнгги марта нигоҳ ташлаш истагини туйди.

У шу ҳасратда ортига қайрилди.

Афсуски, водий аллақачон арчали дўнгликлар ортида қолиб кетганди. Аёл бир неча йиллик умри ўтган кадрдон овулини қайтиб кўролмаслигидан алами келиб, чуқурдан-чуқур хўрсинаркан, худди шу аснода арча ва харсанглар оралаб, ўзи томон сассиз-садосиз, ўқдек учиб келаётган итни илғади ва воқеани дарров фаҳмлади: Итолмас эр кишига асло ярашмайдиган ишга – ғирромликка қўл урибди, Қоракулдан ўзга кимсага бўй бермайдиган ғул итларидан энг баттолини изидан туширибди. Бу ит чангалига тушган одам боласи тирик қолмайди.

Демак, ўлим муқаррар!

Ана, у ола ит тимсолида шамолдай елиб келмоқда!

Бироқ мағрур тоғ аёли Ойбекач аллақандай ёвуз ит чангалида жон берадиган банда эмасди. Бу хил ўлимни ўзига ордеб биларди. Итга таланиб ўлгандан кўра бўри ёки қоплонга ем бўлишни ёхуд қонсираган бирор маймоқ айиқ чангалида жон таслим қилишни афзал биларди.

Ҳолбуки, ўлим ҳақ экан, уни кутиб ўтиришдан не фойда!

У шу ўйда тубсиз жарлик томон кескин қайрилди. Жар лабига етганида, чехрасини ғалати табассумга тўлдириб, кўкиш ҳовурга чулғанган тоғларга бир сира кўз ташладида, сўнг худди онаси қучоғига талпинган гўдакдай қуйига интилди.

Ўта мудҳиш воқеа юз берганини сал ўтиб жар лабига етиб келган ит ҳам сизди. У не қиларини билмай, бир муддат анг-танг туриб қоларкан, сўнг тажовузкор ғул итига хос бўлмаган оҳангда аста ғингшиди. Кейин, аввалги важохатидан асар ҳам қолмаган, думини чотиға қисганча, аста изига қайрилди.

Аёлнинг ўлиmidан сўнг юз берган воқеаларни Итолмас ҳали-ҳанузгача эслагиси келмайди. Яхшиям аёл ўз жонига қасд қилгани, акс ҳолда икки қавм қирпичоқ бўларди. Қисқаси, аёлнинг ўлими Эрманнинг жонига ора қирмай қолмади. Агар бу фожеа юз бермаганида Итолмас йигитнинг ўлик ва тириклигини аниқламасдан қўймасди.

Мана энди кутилмаганда тулпори дарагини эшитиб, эски дарди қайта янгилашиб ўтирибди.

Тулпорни ё олиб қайтамиз, ё ўлдириб!

У, тулпори ҳақида хабар етказиб, дилини хуфтон қилган хабаркаш йигитни бўғиб ўлдиргиси келди. Бироқ, таомилга кўра, уни ўлдириш эмас, сийлаши лозим эди. Шу боис, қўлидаги чарм халтачани, итга хўрак ташлагандай, у томон иткитди. Хабаркаш йигит халтачани ҳаводаёқ илиб оларкан, мамнун илжайди. Бироқ у муҳим бир хатога йўл қўйган, яъни водийга кириш йўллари ҳақида батафсил маълумот бергани ҳолда Эрманнинг гул ити тўғрисида бир оғиз ҳам чурқ этмаганди. Негаки, уймовутлик бу шоввоз гулда сақланаётган Қорақуюн ҳақида ҳеч нарса билмас, билган тақдирида ҳам айрича эътибор бериб ўтирмасди, ахир овул ва ўтовни итсиз тасаввур этиб бўлмайди-ку.

* * *

Бибисора бугун тонгда яна ғордан чикди.

У илк бора одатига хилоф иш қилди – дарров куйига энмай, ғордан беридаги дўнгда туриб қолди, юраги ниманидир сезгандай, ўзи айтмишли, дўнг белида саримойдай тўнғиб қолди.

Момо табиатан камюрим эди.

Бироқ ғордан чикдими, овул айланмай қўймасди. У овул айланаркан, йўлида учраган одам борки, кулогини қоқиб қўлига беради. Шу боис, эси бор одам Бибисоранинг қорасини кўриши ҳамон қорасини ўчиради. Билмасдан рўпара келиб қолганлар эса унинг дийдиёсини эшитишдан ўзга чоралари қолмайди. Момодан қочиш мумкин,

аммо эътироз билдириб бўлмайди. Қарғишидан кўркишади. Қарғасам ёмон қиламан, деса-да, аслида момо ҳеч кимни қарғамайди, ҳаммани бирдек яхши кўради. Аммо овулда бирор фалокат юз бергудек бўлса, барча якдил шундай деб ўйлайди: «Оббо, момоси тушмагур ёмон қарғабди-да!» Бу аҳмоқона қараш қачон урчиган, буни ҳеч ким билмаса-да, момони беҳос ранжитиб кўйишдан ҳамма бирдек чўчийди.

Бибисора бекорга овул айланмайди.

У ҳар сафар ғордан узун ва кенг енгининг бир четини маҳкам тутамлаб чиқади. Узун енгида нимадир борлигига ишонган ҳолда қаршисидан чиққан ҳар кимсага ўша нарса-ни инъом этган бўлади.

– Рухлар бериб юборди, – дея енгини очаркан, унда ҳеч вақо йўклигини кўриб доимо ҳайратланади, сўнг хижолат-омуз кулимсираб дейди: – Вой ўлмасам, тушиб қопти-я! Энди нима қиламан? Тушиб қопти-я!

Агар қаршисидаги одам эслироқ бўлса, бу хил вазиятдан тез чиқиб кета олади.

– Йўқ, тушмади, момо, – дейди ўзини худди ҳадя олгандек тутиб. – Мана, кўйнимга солиб кўйдим.

– Алдамаяпсанми? – Момо унга шубҳаланиб тикилади.

– Сизни алдаб ўлибманми, момо.

– Унда нега раҳмат демайсан?

– Ўн марта, юз марта раҳмат дедим-ку, момо.

– Хай, раҳмат деган бўлсанг бўпти.

Бибисора ҳадя тарқатаётганидан мамнун ҳолда йўлида давом этади. У узун ва кенг енги учини тутганча, навбатдаги кимсага бет бўлади.

Бу ҳол Қалайбекка рўпара келмагунча давом этади.

Йигитга кўзи тушиши ҳамон момо, ҳар сафар, ўзида йўқ қувониб кетади. У енгидаги ўша ниманидир Қалайбекка берган, у эса беҳад мамнунлик ила қабул қилган киши бўлади.

– Маҳкам бекит! – дейди момо. – Тагин битта-яримта илиб кетмасин-а!

– Мана, – дейди Қалайбек кўлини кўйнидан олмай, – маҳкам бекитдим.

– Ишқилиб, яхшилабгина бекитдингми? – Бибисора у қадар ишонқирамай унга боқади.

– Бекитдим, момо, бекитдим.

Бибисора, гоҳ пайтларда, кутилмаганда бирдан ғайрати қўзиб, ишчан бир кайфиятда енгларини ҳимара бошлайди.

– Тошполвон сафардан қайтсин, дарров тўйни бошлаб юборамиз! – дейди кўзлари ғалати чакнаб. – Дўстлари қувониб, душманлари куйиб ўлсин дейман-да. Шунинг учун тўйни катта қиламиз!

– Катта қозонга ўзим эга бўламан, – дейди Қалайбек қитмирланиб.

– Бекорларни айтибсан! – Бибисора жаҳлланади. – Катта қозон меники!

– Тўйда қозон талашиб юрсак уят бўлар, момо, – Қалайбек кўрсаткич бармоғини ўнг юзига босганча, бошини сарак-сарак қилади. – Уят, момо, уят! Сиз қозон бошида эмас, чимилдикда сузилиб ўтиришингиз керак, келин бўлиб.

– Қозонгаям қарайман, чимилдикдаям ўтираман! – дейди Бибисора баттар ўрланиб. – Тошполвон нима деса, шуни қиламан! Ошни мендан бўлак одамга ишонмайди у!

Қалайбекнинг меҳри жўшиб, унинг елкасидан кучгиси, кучиб эркалагиси келади. Бироқ момо ёш қизлардай бунга изн бермайди.

– Сен менга номаҳрамсан, – дейди силтаниб. – Қўлингни торт!

– Хай-й, ҳеч қуриса, – Қалайбек изза бўлган киши сифатида дарров гапни бошқа томонга буради, – қозон тагига ўт ёқишимга рухсат берарсиз, а, моможон?

– Йўқ, алдаб қўлимдан капкиримни обқўясан!

– Капкирингизга тегмайман, момо, – Қалайбек унга меҳр-ла тикилади. – Бизга оддий косов ҳам етади.

– Капкиримга тегмайсан-а?

– Йўқ, тегмайман.

– Тегмайсан-а?

– Тегмайман дедим-ку.

– Унда Донишчолнинг арвоҳи урсин деб қасам ич!

– Одамни буйтиблар қасамга таяманг-да, момо, – Қалайбек ўпкаланган бўлади.

– Йўқ, қасам ичмасанг бўмайди! – Бибисора қайсарланиб ер тепинади.

– Хай, агар капкирингизга тегар бўлсам, Донишчолнинг... – Қалайбек гапнинг қолган қисмини ичига ютиб, алланималар дея минғирлайди-да, сўнг: – Энди кўнглингиз жойига тушдим, момо? – дейди.

– Ҳа, энди кўнглим жойига тушди.

– Бундан сўнг ҳадеб одамни қасамга таяйверманг-да, момо.

– Таяйман!

– Хафа бўламан.

– Вой ўлай! – Бибисора кутилмаганда бир сапчиб тушади. – Ошни нимада сузаман?!

– Ана идишлар... моможон, – дея Қалайбек идишлар тахламига ишора қилади. – Танлаб олаверинг.

У ҳарчанд зўрласа-да, Бибисора биттадан зиёд идиш олмайди. У лаган танламайди, дуч келганини олади. Баъзида эса кўкка бўй чўзиб турган тошотга чалғиб, кўлида идиш, ўша томон юради.

– Бечора, сағрисини тошдан узолмай копти-ку! – дейди тошотга ичи ачиб. – Бунга тезда халос этиш керак!

Қалайбек «хўп», дейди. Бироқ бу жавоб момони қониқтирмайди. У жаҳд-ла келиб, йигитни турткилай бошлайди.

– Сенга тезда бўшат деяпман!

– Ҳозир, – Қалайбек жилишга ошиқмайди.

– Сенга нима деяпман мен! – Бибисора баттар тирғалади.

– Айтганча, – Қалайбек узоқда қорайиб турган ғор оғзи томонга ишора қилади, – боя Тошполвон овоз бергандай бўлди. Чамаси, сизни кутиб қолди-ёв, момо.

Бу гап Бибисорага ўқдек таъсир этади. У суюкли ёрини ғорда тасаввур этиб, кўлидаги идишни дуч келган тош устига қўяди-да, зинғиллаганча йўлга тушади.

– Лаганни... лаганни унутдингиз, момо! – дея ортидан кичкиради Қалайбек. Аммо бутун эс-хуши суюкли ёрида бўлган Бибисора унинг чақириғига эътибор бермайди, шунда йигит овозини янада баландлатиб дейди: – Ошни нимада сузасиз, момо?

– Вой! – Бибисора кескин изига қайрилади-да, қолдирган идишини кўлтиғига қисганича жадал олға интиларкан, дейди: – Ахир Тошполвонга ошни кафтимда сузиб бермайман-ку!

У Қалайбекдан ундирган шунча идишни нима қилади, буни Яратгандан ўзга ҳеч ким билмайди. Бунга сари йигит ундан ҳеч нарса аямайди, худди ўз момосидек эркалайди ҳам эркаланади, койишларини жимгина тинглайди, калтагига елкасини тутиб беради, хуллас, овулда ёлғиз угина Бибисорани ҳаддан зиёд эъзозлайди. Агар момо бир муддат кўринмай қолса, соғина бошлайди. Дарвоқе, булутли кунда куёш ялт этгандай, Бибисоранинг ақли дам-бадам тиниклашиб туради. Бу оний лаҳзада момо ғоятда юксак ва ғоятда теран фикрлайди. Масалан, тошотга ҳақиқий таърифни Оқбўта оқсоқол эмас, у берган.

– Бу сен! – деган бир куни тошотга ишора қилиб, ўта қизгин оҳангда. – Аниғи, кўнглинг ва орзу-ҳавасларинг ифодаси бу! Сен бечорага бу дунё жуда тор! Кўнглинг мудом парвоз истайди! Бироқ сен ҳеч қачон парвоз қилолмайсан! Бу дунё икир-чикирларидан сағрингни озод этолмай, шу тоғу тошлар орасида ими-жимиди ўлиб кетсан!

Бир муддатдан сўнг эса Бибисора юқоридаги гапларни ирод этган одамга асло ўхшамай қолади. Тағин ҳали тоғдан, ҳали боғдан кела бошлайди. Бунақа пайтда фақат Тошполвоннинг номини тилга олибгина ундан халос топиш мумкин. Тошполвоннинг номи тилга олиниши билан Бибисора, «вой, ўлмасам, ахир уйда ёрим кутаяпти-ку мени», деганча жўнаб қолади. Шу билан бир неча кунгача қайтиб қорасини кўрсатмайди. Агар бу муддат андак чўзилар бўлса, Қалайбек халтани емакка тўлдириб, ғорга

ўзи чиқиб боради. Аммо ғор пешайвонида тиззаларини кучиб ўтирган момо уни ичкарига қўймайди.

– Жим! – дейди йигитга кўзи тушиши билан кўрсатгич бармоғини лабига босиб. – Тошполвон мизғияпти, йўқ, ух-лаяпти. Кеча овдан кеч қайтди, жуда кеч қайтди. Секин! Уйғотиб юборасан.

Момо ғорни жуда ораста тутади. Кираверишда, сўл томонда ўчоқбоши жойлашган. Ғор марказидаги майин тупрокли кафтдек текис майдончага кигизлар тўшалган, ўртада бир чети қайириб қўйилган шолдастурхон, чет-четга болишлар ташланган. Сал нарида устига гулдор ёпинғич ташланган кичик тахмон, ёпинғич чеккасидан пўстин ва кигизлар чети кўзга ташланиб туради. Ўчоқбошида қозон ҳамда икки-уч тошлагандан ўзга буюм кўзга чалинмайди. Қизик, Қалайбекдан ундирилган идишлар қани, улар ғорнинг қайси пучмоғига яширилган? Қисқаси, Бибисора ғор ичини ўзича омборхона, ошхона, меҳмонхона ва ётоқхона каби бўлмаларга ажратган эса-да, бироқ бирон кимсани, айниқса, эркак зотини ичкарига қўймайди: «Тошполвон овда, эркаксиз уйда пишириб қўйибдими сенга!» дея ҳайдаб солади.

Агар Тошполвон омон бўлганида борми, ҳозир етмишнинг ёқасидан тутган бўларди. Мардлиги ва жасурлиги эл орасида дoston бўлган бу одам айна йигит ёшида талончи қавмлар билан кўп курашган, қўлидан келганча элининг бошини қўриган ва оқибат, ўзига зўр ғанимлар орттириб олган. Бибисорага уйланиши арафасида эса Сувлик деган жойдаги тўқнашувда номардларча ўлдириб кетилган. У ўлдириб кетилган куннинг эртаси тонгда Бибисора эси оғиб уйғонади ва нукул дейдики: «Тошполвон мени ғорда кутмоқда! Ғорни саройга айлантдириб, шамлар ёқиб, кигиз ва гиламлар тўшаб, йўлимга илҳақ бўлиб ўтирибди!» Аёлнинг туғишганлари уни зўрлаб ғордан олиб чиқишди. У эса яна ғорга қочди. Бу ҳол мунтазам равишда давом этавергач, охири хешлари қўл силтаб, уни ўз ҳолига қўйишди. Шундан сўнг овул биқинидаги бу ғор «Бокиранинг ғори»

деган ном олди. Негаки, кизга ҳали Тошполвоннинг мурти ҳам тегмаган эди-да. Горни макон тутган момонинг емаги элнинг зиммасида эса-да, у ҳеч вақт қўлдан нарса олмайди. Кишилар атаганларини гор оғзида қолдириб кетаверади. Кундузлари гор оғзидан нари кетмайдиган Бибисора ўзича гоҳ ичкарида ухлаётган Тошполвоннинг тинчини кўриклаган, гоҳ унинг овдан қайтишини кутиб ўтирган бўлади.

Қалайбек гор оғзида одатий ҳазил-хузуллардан тийилади. Қўлидаги емак тўла халтани бир четга қўйиб, тезроқ изига қайтиш пайида бўлади.

– Сен кетма! – дейди Бибисора ҳар сафар. – Бугун қўй сўямиз. Тошполвон ичкарида пичоқ қайраятти. Окшом қозон тўлдириб шўрва осамиз. Бир косагина ичиб кетасан.

Қалайбек, окшом келаман, дея жўнаб қолади.

У гордан қуйига энаркан, Қушқўнмас худудида офтобда уникқан дўппидек дўмпайиб турган Эрманнинг ўтовига назар ташламасдан ўтмайди. Қушқўнмасга ипсиз боғланиб қолган инисига жуда раҳми келади. Баъзида акалиги тутиб, йиғиштир барини, дегиси келадию дея олмайди. Яхши биладикки, мабодо Эрман кўч-кўронини кўтариб овулга қайтар бўлса, бу қилиғини биров юзига солмаса-да, бироқ эл-улус орасида йигитнинг тарикча обрўйи қолмайди. «Қасамхўр!» ёхуд «Субутсиз!» дея ҳамма ундан ҳазар қила бошлайди. Хуллас, бир қарашда, эл унинг бу хил яшаш тарзига кўниккан ва ҳеч бир кимса Эрманга эътибор бермаётгандек эса-да, аслида барчанинг диққати унда. Бу борада кутилаётган ғаним ташрифи эмас, йигитнинг ичган онтига содиқлиги муҳим ҳисобланади. Эл онтида маҳкам турмаган бандани дарров моховга ошна тутди.

* * *

Бу сафар Бибисора овул ораламади.

У дўнгда бир муддат хаёлчан туриб қолди-да, сўнг тўғри Эрманнинг ўтови томон эна бошлади. Момо бу гал яна бир

муҳим нарсани – йўқ нарсани енгига тугиб чиқишни унутди. Қайтамга узун енгларини ҳимарган, қадам олишлари эса жуда бежо эди.

У ўтовга етиб-етмай оҳ урди:

– Оҳ-х, бу манзилда қон тўкилади! Кўп қон тўкилади!

* * *

Бибисора бекорга безовга бўлмаган – чиндан-да оқ тулпорнинг қаерда ва кимнинг қўлида сақланаётгани ҳақида тўла маълумотга эга бўлган Итолмас бугун тонгданок тунги босқин режасини тузмоққа киришганди. У, одати бўйича, тузган режасини ипидан-игнасигача қайта ва қайта таҳлил этиб, уни обдон пишитаркан, ўзини тевараклаб турган содиқ йигитларига қуйидаги гапни айтишдан истиҳола қилиб ўтирмади, дедики: «Қўйнимдаги хотинларимдан бирини олиб қочсалар, бардош бермоғим тайин! Овулимга хавф солсалар, ҳеч иккиланмасдан жонимни тикмоғим аниқ! Аммо тулпоримни, кўлда сузган оққушдек гўзал, янги ёққан қордек оппоқ тулпоримни теру чангга ботириб, сағрисига аччиқ-аччиқ камчи бостириб улоқ чопишларига эса, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам чидай олмайман! Буни эшитиб ва била туриб, сукутда юргандан кўра, ўлганим минг карра дуруст! Гапнинг қисқа ва энг лўндаси шу – бу тун тулпорни ё етаклаб қайтамиз, ё унинг умрига якун ясаб, жасадини ўша ёқларда қолдириб келамиз! Шундан бўлак бошқа йўли ва амали йўқ, йигитлар!»

У режасини пишитишда давом этаркан, Эрманни жиддий тўсиқ деб эмас, шунчаки овул итларидан бири деб билди. Яна ўйладики: «Агар у қочоқ чин йигит бўлганида – ўлик эмас, тирик экан – ўша кунлардаёқ, йўқ-йўқ, ўша куниеқ қабатига йигитларни жамлаб, овулимга уриб келарди. Қўлидан келса-келмаса, ўч олишга уриниб кўрарди. Ҳолбуки, бу ишга унинг журъати етмадими, демак, у оёқ остида, сўқмоқда ётган бир тош, осонгина жарга тепиб тушириб юбориш мумкин». Шу билан бир-

га, Итолмас ўзидан жуда мамнун эди. Негаки, ўшанда Эрман ўлдига чиқарилган бўлишига қарамай, барибир у томондан кутилган ҳужумни назарда тутиб, зимдан айрим ҳозирликларни кўриб қўйганидан ва энг муҳими, кўнгли шунга ундаганидан ич-ичидан гурурланиб кўярди.

– Менинг кўнглим ҳеч қачон алдамайди! – деди у ўзидан ўзи фахрланиб.

Бу билан у нимани назарда тутганини, табиийки, йигитлари англашмади.

* * *

Эрман, ҳар галгидек, бу сафар ҳам Бибисорани унча хушламай қаршилади, «тозагина бошимни қотиради энди бу», дея ўйлади. Бироқ момо бу дафъа унга тирғалмади, ўша биргина «ох» уришдан нарига ўтмади. Сўнг ўтов билан тошкулба орасидаги майдончада бир муддат сукут сақлаб турди-да, тўсатдан кўринмас бир балодан қочгандай пилдиллаганча жўнаб қолди.

Қорақуюн момонинг кетишини истамагандай, негадир жўн итларга хос оҳангда унинг ортидан ғингшиб қолди.

Турган гап, бу ҳолат Эрманнинг назаридан четда қолмади.

У Бибисоранинг ғалати хатти-ҳаракатидан таажжуби ортиб, унинг изидан тикилиб қоларкан, бу тун недир содир бўлишини бот кўнгли сезиб, юраги ўз-ўзидан бир қалқиб тушди. Эрман тонгдан безовта эди, шунингдек, тунда кўрган туши ҳам яхшиликдан дарак бермасди.

Наҳотки, бу тун Итолмас кора берса?

Ё яна жўн қароқчилар тўдаси билан тўқнаш келармикан?

Шу боис, у ўтов керагасида осиглик турган милтиққа ўзга бир туйғу билан назар ташлади. Ярокни кўлига олиб, таниш мой бўйини туйиб ҳидлагиси ва шу билан юрагига мадад туйғусини жойлагиси ҳамда ҳеч ҳожати бўлмаса-да, унинг темир қисмини артиб-суртиб, кўндоғини силаб-сийпалаб қўйгиси келди.

Қизик жиҳати, тутқунликда бир неча бор Ойбекачга нисбатан шунга яқин ғалати ҳисни туйган эди.

Нечун?

Аёл билан курул ўртасида не боғлиқлик бор?

У беихтиёр тарзда кўз ўнгида гавдаланган Ойбекачнинг ёниқ сиймосини бу гал ўзидан нари сургиси келмай, негадир илк бора ўзи билган ва кўрган қизларни унга солиштирмоққа тушди. Йўқ, у билган қизлар орасида Ойбекачга ўхшаши йўқ. Бу тоғу тошда бир-бирига айнан ўхшаш чўнг қояларга истаганча дуч келиш мумкин бўлган ҳолда қиз-жувонлар орасида Ойбекачга ўхшашини учратиш амру маҳоллигига яна бир карра амин бўлди.

Негаки, Ойбекач бошқача!

Ойбекач бутунлай ўзгача!

У худди қўлдаги яроқ каби киши юрагига мадад бағишлайди!

У кўнгилга нур бахшида этади!

У ториқишинг билан қаршингда пайдо бўлади!

У фикрингни укқандай – гоҳида тергаб, гоҳида алқаб туради!

Эрман хаёлини бутунлай банд этган аёлни ўйлаганча, яроғини обдон артиб-суртиб тозалади. Сўнг уни қайта жойига осиб қўяркан, Бибисора келмасидан бурун итнинг емаги ҳақида ўйлаб тургани эсига тушиб қолиб, аста ташқарилади. Айриғоч ёнига борди. Тунги салқин шабадада махсус қотирилган бўри эти ўйлаганидан кўра анча кам қолганини кўриб, манглайи тиришди, афти тундлашди. Ахир бўри овлаш чакана ташвиш эмас-да – кишидан озмунча вақт ва ҳафсала талаб этмайди у. Тўғри, Қорақуюн гулдан бўшатиб юборилса, у тоғдан куруқ қайтмаслиги мумкин.

Дарвоқе, қайтармикан у?

Бу савол илк бор унинг миясига келди.

Ахир жониворга бу тарбия берилмаган-ку.

Бу соҳа билимдонлари, жумладан, Қорақулнинг гапига қараганда, қайтиши керак. Қайтганда ҳам ўлжасининг қорнидан ортган қисмини елкасига ортмоқлаб изига

қайтиши керак. Бирок Эрман буни амалда синаб кўрмаган. Бу синов унинг режасида кўзда тутилмаган. Унинг бирдан-бир режаси – ит лаънати Итолмас водийга кирган кездегина ғулдан бўшатилади, тамом-вассалом. Бунинг устига, шусиз ҳам кейинги пайтда Қорақуюннинг руҳиятини англаш тобора мушкуллашиб бормоқда. У гоҳида ҳатто ўз эгасига ҳам ола қараб кўядиган бўлган. Бирок Эрман бу ҳолдан сира ташвиш тортмайди, балки «тоза оби-тобига келаяпти», дея ўзича суюнади. Агар ҳозир буни бўшатиб юборсам, бутун тоғу тошни кўпориб ташласа керак, деб ўйлайди. У кун сайин кучга тўлиб бораётган ити ва унинг айрим бир нотабий қилиқларидан қанчалик ўзида йўқ масрурланмасин, аммо юрагида жониворга нисбатан зиғирча меҳрни ҳис этмайди ва бундан ажабланиб ҳам ўтирмайди. Назарида, Қорақуюн буни сезади, сезгани туфайли ҳам баъзида унга ётсираб қарайди. Бу борада Қоракул кайфияти жуда соз пайтида шундай деганди: «Ғул ити ўлгудек сезгир бўлади, юрагингда не бор, не йўқ, барини билиб-сезиб туради. Агар унга чинакам меҳр бермасанг, у сенга ҳеч қачон содик бўлмайди. Билки, уларнинг минг битта қилиғи бор. Минг битта қилиғига минг битта тил билан мулоқотда бўлишинг керак. Буни эплаёлмасанг, унинг сийратига эмас, суратига эга бўласан. Тўғри, у амрингга итоат этиши мумкин. Бирок бу итоаткорлик сарҳадланган, унинг нарисида нима бор, буни ҳеч қачон англаб етолмайсан...» Мана бугун Қорақуюн минг битта қилиғидан бирини намоёиш этиб, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, Бибисора ортидан ғингшиб қолди. Эрман бунинг нелигини англай олдими? Англаш нари турсин, ортиқ қизиқмади ҳам. Ёхуд ҳар оқшом кунботиш томонга тикилиб ётишлари, сўнг бирдан ғулга сиғмай кутуриб қолишлари нимани билдиради? Итнинг бу ҳолатидан Эрманнинг ўзича идрок этгани шу бўлди: «Ё мен кутаётган бало қибла томондан бўй кўрсатармикан? Ахир азал-азалдан ҳар неки бало кунботишдан эмас, кунчиқишдан қора берган-ку...»

Чиндан-да тоғнинг кунботиш томонидан овул аҳлига ҳеч қанақа хатар хавф солмайди. Олис даштга қадар чўзилиб,

чуваланиб кетган тоғ тизмаларида биронта ҳам ғаним қавм йўқ. Бу кенг ва бепоён ҳудудда ким ва қандай қавм умргузаронлик қилади, уларнинг феъл-атвори, туриш-турмуши ва тутуми қанақа, дўстми ё душман – буни деярли ҳамма беш қўлдай билади. Аммо, бунинг акси ўлароқ, кунчиқишдаги сарҳадсиз тоғли ўлка қавм аҳли учун бутунлай ёт ҳудуд ҳисобланади. Қавмдан санокли кишиларгина икки, узоғи билан уч довон нарига ўтишган. Кўксидан кишин-ёзин оппоқ қор армайдиган чўнг чўққиларининг кўкрак кериб туришига қараганда, у тарафларда одам боласининг яшай олиши душвордек туюлади. Итолмас овули ўша тоғли ҳудуднинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Унинг овулига бир неча катга-кичик довону дараларни кесиб, ҳайбати ҳамда табиий шакл-шамойили номига нисбатан бутунлай номутаносиб бўлган Япалоқдовондан ошиб борилади. Агар ўша тонгда Эрман оқ тулпор бошини тасодифан Япалоқдовон томонга бурмаганида, овулини топиб келиши даргумон эди. У чора қидириб довон тепасига кўтариларкан, Туякўз водийси қояларидан бирини тасодифан илғаб, таниб қолган ва айни шу нарса унинг жонига ора кирганди. Ўшанда у шу нарсани такроран аниқ ҳис этгандики, Итолмас кунчиқишдаги бу тоғлар салтанатини яхши билади. Чек-чегарасиз бу тоғу тошларнинг қайси қавагида ким ва қандай қавм яшайди, уларнинг сони қанча, куч-қудрати қанақа, дўст-душманлиги нечоғли – барини имкони ётганча ўрганган ва чамаси, ҳозирда ҳам ўрганиб келади. Бу ҳақда Қоракул бирда, билиб-билмай, шундай деганди: «Хўжайин нечун овулда камроқ бўлишини биласанми? Билмасанг, билиб қўй, у теваракда кимлар яшайди, яшамайди – барини туванлаб, ўрганиб юради. Керак жойда хуфияларини ишга солади. Ҳа, энди тиллачи бойга осон эмас-да...»

Эрман камгина қолган қуритилган бўри этини ўта ҳафсаласиз бир қайфиятда кўздан кечираркан, бирор чора қўллашни, яъни овга чиқишни хаёлига келтирмади. Назарида, бу хилдаги ғайритабиий емак итга ортиқ керак эмасдек эди. У, «бу тунни эсон-омон ўтказиб олайлик-чи, эртан бир

гап бўлар», дея ўзини овулган, аниқроғи, чалғитган бўлди. Ўз навбатида, бу кеч ўзини обдон эркалагиси келди. Шу истакка бўйсуниб, ошиқмай қозон осди. Ўтган кунгидан қолган кўзи этининг аввал чорак қисмини, сўнг тенг ярмини қозонга ташлади.

У қозон тагига ўт ёқар экан, ҳозир келаман, деганича ҳалигача қорасини кўрсатмаётган Омонтойни кута бошлади. Аслида унинг пойинтар-сойинтар гурунглари кўпам ёқтиравермаса-да, бугун негадир айни шу тахлитдаги суҳбатини кўмсамоқда эди.

Омонтой кўп куттирмади, оқшомга яқин пастдаги харсанглар орасидан ошиқмай чиқиб келаркан, ўтовга яқинлашмаёқ, Эрман бугунги кечки таомга алоҳида ҳозирлик кўраётганини дарров илғади. Бундан беҳад димоғи чоғланиб, дўстига ёқиш учун ҳар иккала кафтини очиб кўрсатаркан:

– Қара, кўлим бўм-бўш, – деди хушҳоллик билан. – Бугун итинга нарса ташлаш ниятим йўқ.

Эрман унинг гап-сўзларига эътибор бермай, ўтов арқонларидан бири орасига қистириб қўйилган икки тўқмоқдан бирини олиб, дўстига узатди.

– Буни... ишлатишни биласанми?

– Нима деганинг бу? – Омонтой ўчоқ бошига кўз қирини ташлаб кўяркан, масрурланиб кулди. – Ахир бизам йигит-миз! Нима, бу тун айиқ овламоқчимсан? Лекин бу билан айиқ овлаб бўлмайди-да, биродар!

– Айиқдан баттароғини...

– Айиқдан баттари бўлмайди, биродар!

– Бўлганда қандоқ.

– И-и, бу товда айиқдан зўри борми?!.

– Бор...

– Нима экан, менга бир кўрсат.

– Агар кўнглим алдамаётган бўлса, бу тун уни ўзинг кўрасан...

– Шошма... бу ҳалиги...

– Худди шундай...

– И-и, сени кара-ю, ҳали кўнглингга ишониб, менга тўқмоқ тутқаздингми?

– Ҳа...

– Унда овқатдан сўнг бемалол уйқуни ураверсак бўларкан.

– Нега?

– Чунки бу дунёда кўнгилдан ўтар ёлғончининг ўзи йўқ-да, биродар! – Омонтой андак хомушланади. – Ия, ишонмайсанми? Масалан, менинг кўнглим, «ана, бугун ёр васлига етишасан, ана, эрта етишасан», дея ҳар куни мени алдайди. Бу камдек, тушларим ҳам мени алдайди.

– Менинг кўнглим алдамайди.

– Алдайди! – Омонтой бу сафар жиддий эътироз билдиради. – Агар алдамаганида эди, ойлаб сарғайиб ўтирмасдинг бир ерда! Кўнглинг буюрган кунийёқ ғаним йўлига пешвоз чиқиб кўя қолардинг, бекорга вақт кеткизмай.

– Кўй, ақлинг етмаган нарсага аралашма! – Эрман зарда ила тўнғиллайди. – Ундан кўра кўрқаяпман деб кўя қол.

– Нега кўрқар эканман, кўрқмайман!

– Унда дуруст.

-- Агар чинданам кўнглинг алдамаётган бўлса, менга бундан зўррок яроқ бер.

– Бундан зўрроғи анову ёғоч найзалар-да. – Эрман боши билан имо қилади. – Ана, ўзинг танлаб олавер.

Омонтой бир ён ўгирилиб, ўтов сиртига қатор териб қўйилган оғоч найзаларга нописанд кўз ташлайди. Сўнг ичкаридаги милтиқни назарда тутиб, ярим чин, ярим ҳазил оҳангда, ўшани бер, демоқчи бўлади. Бироқ умрида милтиқ тутмаган, отиб кўрмаган, дарров бу гапдан тийилади. Шунда унинг нигоҳи Эрманнинг белидаги узун тигга тушади. Аммо ўзининг белидаги пичоқ дўстиникидан зиёда эканлигига амин бўлгач, бу борадаги баҳсга яқун ясаб, салмоқлаб деди:

– Демак, кўнглинг безовта?

– Ҳа, жуда безовта.

– Кўп безовта бўлавермасин, қабатингда мен борман!

Эрман қозон кавларкан, ўзига тунги ҳамроҳ эмас, оқшомги суҳбатдош кераклигини, тунги ғалвага Омонтойни аралаштириш нияти йўклигини дабдурустдан англаб етаркан, юқорида бўлиб ўтган суҳбатдан тиши қаттиқ қамашди: «Менга нима бўлаяпти ўзи? Нечун Омонтойни тўшимга тортиб қолдим бунча?» Унинг дилидан нелар ўтаётганидан беҳабар Омонтой эса эрмакка оғоч найзаларни бирма-бир кўлига олиб кўраркан, дўстининг корига ярашга қодирлигидан ўзида йўқ мамнун ҳолда шовкинлайди: «Мен бор ерда сен ҳеч нарсадан хавотир олма! Битта эмас, ўнта ганим келмайдими, барини ўзим тинчитаман!»

Бу орада Эрманнинг яна сезгани шу бўлдики, дўсти ортиқча шовкин кўтарган кезлари, одатда, ириллаб кўядиган Қорақуюннинг бу сафар уни чикмасди. Эрман, кўлида капкир, ғул тепасига келиб ичкарига кўз ташлади. Мабодо ўлиб-нетиб қолмадимикан бу? Йўқ, жонивор ўлмаган, бошини оёқлари устига кўйганча, ғул оғочлари орасидан кунботишга тикилиб ётарди.

Буям ниманидир сезганга ўхшайди, – дея хаёлидан ўтказаркан, – вой, савил, бунинг меҳри момога тушиб қолганга ўхшайди, деб ўйлади, Бокирағори кунботишда эмас, шимол томонда эканига аҳамият ҳам бермай.

Қорақуюн, зотдор итларга хос ноёб табиий майл туфайли, бу тун кутилмаган меҳмонлар ташрифини аввалдан сезган эса-да, аммо у илҳақ бўлиб кутаётган лаҳза олдида бу тунги ташриф бир чақага арзимаслиги боис, ортиқча безовталанмаётган эди.

Хўш, у нимани кутмоқда эди?

У асосан оқшом кезлари, гоҳи пайтда эса ярим тунда тўсатдан кўзғоладиган қибла шамоли олиб келадиган ўша таниш, ўша кадрли шувок бўйини зор-интизор кутмоқда эди. Зор-интизорлигининг боиси, шувок бўйи унга тириклик бағишлар, юрагига кутку солиб, шуурида тийиксиз эрк истагини кўзгар ва у мисли шамолдек елиб-югуриш иштиёқида ўт бўлиб ёнарди. Кечадан буён унда яна бир истак бош кўтарган, яъни олис аждоди бўлмиш Оларит каби,

тушларида бўй кўрсатган чексиз кенгликда хукмронлик қилгиси, бўриларни чангитиб қувлагиси, тунлари эса те-варак-атроф якқол кўзга ташланиб турадиган бирор-бир дўнгликка чиқиб, аждодлари кўшигини куйлагиси, илиқ-иссиқ кунлари бўлик ўт-ўланларга бағрини бергиси, суйкал-гиси, обдон юмалагиси, оёқларини осмонга қилиб ғалати алфозда ётишни, елга димоқ тутиб теvarак-атрофида не воқеалар содир бўлаяпти, даштга ким келиб, ким кетаяпти, барини туванлагиси келмоқда эди. У табиатан дашт жонзоти эди, чўпонлар таъбири билан айтганда, мингта ит орасидан битта ёки иккита чиқадиган, тенги йўқ, ноёб жонивор эди. Шувок бўйи тенгсизлигини англатар, мудроклигини қувиб, аслига қайтишга мажбур этарди. Ана шунда эркига монелик қилаётган лаънати ғулга, ғул тирқишидан кўзга ташланиб турувчи теvarак-борликка – оқшом пардасига чулғана бош-лаган паст-баланд қояларга, улар этагидаги қуюқ арчазор-ларга, овул тарафдан онда-сонда эшитилиб қоладиган итлар сасига, наридаги оқиш ўтовга, сиртини ранг-баранг мох бос-ган қоятошларга, ўтов ёнидаги ўтли ўчокка, ўт-ўланларга, қуёш ётоқламай туриб тоғ бошида пайдо бўладиган кўкдаги ойга, азоб оғушида тўлғонишларини мароқ билан томо-ша қилишни хуш кўрадиган Эрманга, кунора келиб, атай ғашига тегиб кетадиган Омонтойга, кўйингки, ўз тақдири азалига нисбатан нафрати кўзиб, у ғулга сиғмай қоларди. Омонтой айтмишли, ажал кўланкасига айланиб, ғазабдан бўғилиб, ана кетди-мана кетди бўлиб қоларди.

Бу азобнинг қанча давом этиш-этмаслиги қибла шамо-лига боғлиқ эди. Шамол тиниб, ҳаводан шувок иси ариши билан Қоракуюн тинчланар ва гўё қаттиқ кучдан қолгандай, ортиқ бу дунёда яшашни истамай кўйгандай, ғул тубига ғужанак тушиб ётиб оларди.

* * *

Бу оқшом у зориқиб кутган шувок бўйидан дарак бўлмади, яъни қибла шамоли кўзғолмади. Оқибат, жонивор

уни кутиб, ўша-ўша тошдек қотиб ётаверди, ҳатто олдига ташланган емакка қиё боқмади. У емак едими-емадими, бу билан жўраларнинг иши бўлмади. Қозон бошидаёқ ўзининг ҳеч қачон амалга ошмайдиган одатдаги севги қиссасини бошлаб юборган Омонтой бу мавзуни алламаҳалгача чайнаб ўтирди.

Аммо ярим тунга бориб, тўсатдан итга жон кирди.

Бироқ жонивордаги бу жонланиш шувоқ бўйидан эмас, балки тонгдан буён Эрманнинг кўнглига нотинчлик солиб турган ўша номаълум хавфнинг яқинлашиб қолгани важдан эди.

У оҳиста ириллашга тушганида, Эрман бедор, Омонтой эса хурракни варанглатиб ётарди. Бу сасдан дарров хушёр тортган Эрманнинг илғагани шу бўлдики, итнинг ириллаши бу сафар янада ўзгача – кўксининг ўта теран буржидан бир текис, бир маромда тишга қалқиётган бу бўғик сасда таҳдид, огоҳ, ундов ҳамда таажжубга ўхшаш бир нечта ифода қоришиқ бўлиб, юракка англарсиз ваҳима соларди. Эрманнинг назарида, Қорақул айтганидек, Қорақуюн баттол ғул ити сифатида ўша минг битта қилиғидан бирини намоёйиш этмоққа тушгандек эди гўё.

Қорақуюнга келсак, у пусиб келаётган номаълум хавфдан эгасини огоҳ этиш учунгина эмас, балки уни мавҳ этиш умиди ва илинжида беихтиёр ириллашга тушганди. Агар унинг ўрнида бошқа ит бўлганида борми, аллақачон тоғу тошни бошига кўтарган, яъни кўрккан олдин мушт кўтарар қабалида роса овозига зўр берган бўларди. Бироқ у хашаки ит эмас, дала-дашт ҳукмдори Оларитнинг авлоди эди.

Шу ўринда, Қорақуюннинг саркаш феълига янада ойдинлик киритадиган бўлсак, аждоди бўлмиш Оларитнинг бир томони бўриларга бориб туташарди. Бўридан қочган Суманг лақабли итнинг зурриёти табиатан ғоятда айёр эди. Бу зот табиатидаги ёвқурлик ва маккорлик ҳамиша эмас, зарур онлардагина ўзини намоён этарди. Қорақуюнда мавжуд

ёввойи йирткичларга хос сабр-тоқат, ўлжани хуркитмасдан, яқин келтириб таппа босиш каби хусусиятлар туғма эди. Эндиликда у наридаги арчазорда ўз майлида тенти раб юрган айикқа беҳуда ҳурадиган ит эмас, яъниким бу каби иллат ва ғўрликларни аллақачон ортда қолдиришга муяссар бўлган жонивор эди. У эркисизликка чидай олмай, гоҳида ўзини қўйгани жой тополмай қолгани билан муқаррар хавфни сокин қаршилашга қурби ва қудрати етадиган эс-хушли жонивор эди. Ана, у Эрманнинг шовурини эшитиши билан тезда унини ўчирди. Зўр тоқат билан ҳали ғорга етиб улгурмаган тунги меҳмонларни кута бошлади.

Эрман ичида унга тасанно айтиб, ошиқмай, ҳовлиқмай, аста ўрнидан қўзғалди. У хаёлан Итолмас билан олишавериб, миясида минг бир усулни обдон пиштиб олган эмасми, ўнг қабатида ётган милтиқни қўлига олиб, ўтовдан ўрмалаб чиқди-да, харсанглардан бири ортига бикиниб, аста ғор томонга бўйланди. Бироқ кўзларини йириб ҳар қанча тикилмасин, бирор қорани илғаши қийин бўлди. Ким бўлиши мумкин – Итолмасми ё одатдаги жўн қароқчилар тўдасими? Нима бўлганда ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, итни ҳозирлаб қўйиш керак.

У қўлидаги яроқни тошга суяб қўйди-да, енгилгина бир юмалаб ғул ёнида пайдо бўлди. Қаддини кўтармай, тиззанлаганча ғул тепасидаги тўрт оғочдан бирининг боғичини бўшатиб, махсус илгакни сўнгги лаҳзада тортишга тайёрлаб қўйди.

Тинч ётган итни эса бу гал чин дилдан яна бир бора алқаб қўйди.

Агар аввалги Эрман бўлганида борми, биринчи бўлиб дўсти Омонтойни уйғотарди. Бироқ бу Эрман аллақачон омилкорга айланган эди – дўстининг баланд хуррагидан тузоқ сифатида фойдаланишга қарор қилди. Биладики, водийга бош сукқан ғаним кўкдаги яримта ой нурида дўнгда дўппидек қўнқайиб турган ўтовни илғамасдан қолмайди. Оқибат, у янада ҳушёр тортиб, ҳар нарсага ҳозир у нозир ҳолда олға илгарилайди. Хуррак овози эса уларни чалғитади,

натижада, хотиржам тортиб, хушёрликни хийла сусайтиришади, ахир маст уйкуда ётган одамни таппа босишдан осони борми.

Бу пайтда Омонтой туш кўраётган, тушида у суйган ёри билан арчазорда куйлашиб ва қувлашиб юрарди. Қизи тушмагур қикирлаб ва диконглаб дермишки, «кўшиқ айтсангиз, тегаман сизга». Умрида кўшиқ айтиб кўрмаган Омонтой бинойидек кўшиқ айтармиш, аммо айтган кўшиғи нукул хуррак бўлиб жаранглармиш.

Айни шу дамда Итолмас отлари ҳамда йигитларидан бирини қалин чангалзорда қолдириб, уч йигити билан ғор оғзига яқинлашиб қолганди. Унинг ибратомуз одатларидан бири шу эдики, ҳар қандай қалтис ишга ўзи бош-қош бўлар ва шу феъли боис, йигитлари орасида обрўйи ғоятда юксак эди.

У йигитларга бош бўлиб, қорачирок нурида ғор йўлагини бир амаллаб босиб ўтаркан, дўнгда қорайиб турган ўтовни дарров пайқади. Ва шу заҳотиёқ бутун вужуди қулоққа айланиб, итнинг акиллашини кутди. Бирок ит овози ўрнига хуррак сасини эшитгач, хотиржам тортиб, истехзоли жилмайди. Аммо, айни шу ўринда, уймовутлик хоин жиддий хатога йўл қўйганидан унинг хабари йўқ эди. Уймовутлик шоввоз водий тархи, ундаги дара ҳамда сойликларнинг жойланиш ўринларини миридан-сиригача чизиб кўрсатган эса-да, гулдаги Қорақуюн ҳақида ғинг демагандек, Эрман тўғрисида берган бор маълумоти шу бўлган: «...қайдам, унинг сокчилиги шунчаки бир баҳона, водий этагидаги катта бир худудни ёлғиз ўзи эгаллаб, чорвани кўпайтириб ётибди». Ана шу гапдан сўнг Эрман бутунлай Итолмаснинг назаридан қолган – хавфли ғанимдан жўнгина бир одамга айланганди. Ана исботи – тоғни бошига кўтариб баралла хуррак отиб ётибди. Итолмаснинг андак раҳми келгандай бўлди: «Маймоғу майиб бўлса-да, бир ит асрамайсанми, нодон! Ўтов итсиз, ёр қайликсиз бўлмайди-ку, ахир!»

Унинг режасига кўра, биринчи галда ими-жимиди Эрманни тинчитиш лозим эди. Сўнг йигитларидан бири

сўлдаги арчазорга шўнғиб, қолганлар эса Итолмас етови-
да ўнг ёндаги дарага эниши ва дара ўзани бўйлаб бориб, ок
жавохирни улоққа қўйган Қалайбек отлиқ нодонни ҳовлиси
тўғрисида – тошот бўй чўзиб турган қоя биқинидан се-
кин юқорига ўрлаш кўзда тутилганди. Мабодо овул итлари
шовкин солгудек бўлса, сўлдаги арчазорда қўним топган
йигит бўридек увлаб, уларни чалғитиши режалаштирилган
эди.

Итолмас хуррак овози тобора баландроқ жарангла-
ётган ўтов томон дадил одимлади. Бу пайтда Қорақуюн
ғул тубида ётавериб титилиб кетган чакмон эгасининг
ҳидини олган, ўзини тевараклаб турган ғулни паққос
унутгани ҳолда, Итолмасни таппа босиш қасдида унини
чиқармай ётарди.

Ўтови сари жилган шарпалар бошида Итолмас ке-
лаётганини Эрманнинг нигоҳи эмас, дастлаб юраги та-
ниди. У бу дақиқани орзиқиб кутгани боис, дастлаб
андак шошиб қолди, Қорақуюнни эса бутунлай ёдидан
чиқарди. Зеро, юзага келган вазият унинг хаёлий ре-
жаларини бузиб юборган, у ўзи томон келаётган Итол-
масдан ўзгасини кўрмасди. Дарвоқе, уйдаги гап кўчага
тўғри келмас деганларидек, у ўзининг азалий орзуси –
Итолмасни Қорақуюннинг чангалида кўриш ва унинг
жонталвасада тўлғонишларини томоша қилишни паққос
унутган. Ғаним кўксини мўлжалга олганча, унинг янада
яқинроқ келишини кутарди.

Ана, кўлидаги милтиқ қарсиллаб, Итолмас сўл ёнига
гуппа ағдарилиб тушди. Ортидан келаётганлар эса пистир-
манинг зўрига дуч келишганини англаб, изларига бурила со-
либ, жуфтақ ростлашди.

Шундан сўнггина Эрман ғулдаги итни бўшатиш ло-
зимлигини англади. У милтиқ овозидан аввал чўчиб, сўнг
тезда ўзига келгунча ғулда тўполон кўтараётган итни
тезрок бўшатаман деб, азбаройи шошганидан, илгак бир
ёқда қолиб, арконга тугун тушириб қўйди. Бу етмаган-
дек, Қорақуюн кутурганча нари-бери сурилаётган оғочлар

оралиғида юзага келган тирқишга кетма-кет ўзини ура бошлади. У икки-уч бор тирқишдан бош чиқаришга ҳам улғурди. Эрман белидаги тиғини унутиб, ҳануз арқонни ечишга уринаркан, жаҳл устида ўта жиддий хатога йўл қўйди – ириллаганча оғочлар орасидан тумшуғини чиқарган итнинг бошига «тек тур», дея бир мушт туширди. Сўнг бу ҳол яна ва яна такрорланди. У кизишиб кетгани туфайли Қорақулнинг: «Агар ажалингдан беш кун бурун ўлай десанг, қутураётган ғул итига қўл кўтар...» деган ўғитини буткул унутган ҳолда ўта саркашлик билан ташқарига интилаётган ва қўлини тишламоқчи бўлган итнинг бошига тўртинчи бор қаттиқ мушт туширди.

– Бирпас тек тур, ярамас!

Бунга сари Қорақуюн баттар қутураар, энди унинг қонга тўлган кўзлари ёлғиз Эрманнигина кўрар, унга ташланиш қасдида бўғилиб ириллаганча, ҳануз тирқишга интиларди. Бу орада белидаги тиғи эсига тушиб, Эрман арқонни кесиб юборди-да, ҳозирча ўлик-тириклиги ноаниқ бўлган Итолмасни назарда тутиб, зарда билан итга: «Бос!» – дея буйруқ берди. Бироқ ғулдан сакраб чиққан Қорақуюн нарида чўзилиб ётган Итолмасга эмас, ерга оёғи тегар-тегмас, илкис сўл ёнига ўгирилиб, яшин тезлигида ўз эгасининг бўғзига чанг солди.

Аллақачон уйқуси ўчган Омонтой эса ҳануз ўтов ичида тимирскиланиб, уйқуга ётишдан олдин ўрин четига қўйиб қўйган тўқмоғини қидириш билан овора эди. Қачонки, ўтов сиртидаги овозлар тиниб, овул томондан югуриб келаётган кишилар дупурини эшитгандан сўнггина юрак бетлаб, ташқарига мўралади. У ташга сирғалиб чиқаркан, на нарида ўмгани тешилган кўйи ўлиб ётган Итолмасни илғади, на боя ваҳима оғушида жуфтак ростлаб, сўнг ғор ўзанида эс-ҳушини жамлаб, яна изларига қайтган ва эндиликда овул томондан югуриб келаётган кишилар шовурини эшитиб, ғор юқорисидаги тор йўлак бошида, не қиларини билолмай, сарсар туриб қолган ғаним тўдасини пайқади. У ғул ёнида чўзилиб ёт-

ган дўсти бошига чўкиб, аввалига, «тур ўрнингдан», дея турткилади, сўнг воқеани фаҳмлаб, бор овозда бўкириб йиғламокка тушди.

Бу пайтда қибла шамоли қўзғалган бўлиб, ниҳоят озодликка эришган Қорақуюн шувок бўйига бетланганча, олис-олисдаги кенглик сари елдек учиб борарди.

Адабий-бадiiй нашр

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ

ҚОРАҚУЮН

(Роман)

Мухаррир *Гулчеҳра Азизова*

Рассом *Равшан Маликов*

Техник муҳаррир *Беҳзод Каримов*

Кичик муҳаррирлар: *Дилбар Холматова, Гулбайра Ералиева*

Мусахҳих *Зухриддин Қудратов*

Компьютерда тайёрловчи *Бурулой Душанова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158.14.08.2009.

Босишга 2016 йил 5 сентябрда рухсат этилди. Бичими 84×108^{1/32}.

Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 11,34. Нашр табоғи 10,89.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-555.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Нормурод Норқобилов

**Н 79 Қорақуюн [Матн] роман / Н. Норқобилов – Тошкент:
«O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 216 б.**

ISBN 978-9943-28-803-4

**УЎК 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6-44**

Нормурод
Норқобилов

ҚОРАҚҲҲҲҲ

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-803-4



9 789943 288034